

# Гўрўғлининг туғилиши

# ЎЗБЕК ХАЛҚ ИЖОДИ



КУП ТОМЛИК

Р3 39.4
Г 11

# Гўрўғлининг туғилиши
# Юнус пари

ИНВ. № 145162

ҒАФУР ГУЛОМ НОМИДАГИ БАДИИЙ
АДАБИЕТ НАШРИЕТИ
Тошкент — 1967

O'zbekiston Davlat san'at
va madaniyat instituti
ARM inv № 4912

ФУз
У16

ЎЗБЕКИСТОН ССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИ
А. С. ПУШКИН НОМИДАГИ
ТИЛ ВА АДАБИЁТ ИНСТИТУТИ

РЕДКОЛЛЕГИЯ

*ОЙБЕК, ҒАФУР ҒУЛОМ, ЯШИН, САРВАР АЗИМОВ,*

*Ҳ. ЗАРИФ, М. АЛАВИЯ, РАМЗ БОБОЖОН*

Томларни тузувчи

*ҲОДИ ЗАРИФ*

Рассом:
*И. НИРКОВ*

Муҳаррир:
*М. САИДОВ*

Ўзбек халқ ижоди. Достонлар. Томларни тузувчи Ҳоди Зариф. Куп томлик. Т., Ғафур Ғулом номидаги бадиий адабиёт нашриёти.

Гўруғлининг туғилиши. (Айтувчи Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан. Нашрга тайёрловчи Малик Муродов. Муҳаррир Муҳаммаднодир (Саидов). 1967. 328 бет. Тиражи 60,000.

Узбекское народное творчество.

Индекс 7—3—3

ФУз

# Гўрўғлининг туғилиши

Айтувчи:

*МУҲАММАДҚУЛ ЖОМРОТ ЎҒЛИ ПЎЛКАН.*

Нашрга тайёрловчи:

*МАЛИК МУРОДОВ*

Бурунги замонда Ёвмит деган эл, Мари деган яна бир қўрғон бор эди. Ёвмит юртининг Одилхон деган подшоси бор эди. Одилхон подшонинг икки ўғли бўлиб, каттасининг оти Урайхон, кичкинасининг оти Аҳмадбек эди. Биби Ойша деган бир қизи ҳам бор эди. Мари юртининг Қовиштихон деган хони бор эди. Қовиштихоннинг Тўлибой синчи деган бир ўғли бор эди. Кўп эсли, ақлли, тамизли, фаросатли одам эди. Марининг беги Қовиштихон Ёвмит элининг хони Одилхон подшонинг бозорчи савдогарларини йўлда талаб олди. Шунда молини олдирган одамлар «дод!» деб Одилхон подшога арзга келди. Одилхон подшо буни эшитиб, аччиғи келиб, бирдан сарбоз аскар чиқариб, тўп-тўпхонаси билан Мари юртини теп-текис қилиб юборди. Қовиштихон бекни тўпга солиб отиб юборди. Ҳалиги бозорчи савдогарларнинг молларини олиб берди. Қовиштихоннинг етти ёшли ўғли — Тўлибой синчини банди қилиб олиб келди. Лекин отасининг қилган ишидан буни гуноҳсиз билиб, ўз олдига хизматкор қилди. Тўлибой синчи хизмат қилиб юраверди. Ўн тўрт яшар бўлди. Ўн тўртга киргунча ўқиб, хат-саводи чиқди. Лекин ўзи ажаб бир одобли, чиройли, яхши йигит бўлди. Отларнинг яхши-ёмонини биладурган синчи бўлди. Бир кунлари, Тўлибой синчининг хизмати ёққанлигидан, бу хам ўзимнинг суягим-да, деб Одилхон подшо Биби Ойша қизини унга никоҳлаб берди. Биби Ойшанинг бўйида бўлиб, ой-куни тўлиб ўғил туғди, отини Равшанбек қўйди. Шунда Равшанбек беш яшар бўлди, уни мактабга берди. Равшанбек ўзи тенги болалар билан мактабда ўқиб юра берди. Саккиз яшар бўлганда

хат-саводи чиқди. Така Туркман деган яна бир юрт бор эди. Бу юртда Жиғалихон деган бек бор эди. Жиғалихоннинг Гаждумбек деган ўғли, Биби Ҳилол деган қизи бор эди.

Ана энди гапни Заргар деган шаҳардан эшитинг: Заргар шаҳрининг Шоҳдорхон деган подшоси бор эди. Кунлардан бир куни Шоҳдорхон икки юз губурларини йиғиб, маслаҳат қилди:

— Э, турган губурларим, моёнахўр жекчиларим, менга маслаҳат берингизлар! Менинг бир уйим бор: Ёвмит юртидан Одилхон подшони йўқ қиламан, қўрғонини қулатаман, ўлигини сулатаман, хазина-пазинасини ўлжа қилиб, сизларга талатаман, — деди.

Шунда Шоҳдорхоннинг вазири Ҳолмон айтди:

— Э подшо, сўзингиз маъқул, лекин элчи юбормоқ лозим. Элчи юбормай бирдан зўрлик қилиб ёв юбормоқ подшолардан лозим эмас.

Бошка турган катталар айтди:

— Амри подшо вожиб. Элчи юбормаймиз, бирдан ёв юборамиз!

Холмон:

— Хой, аттанг, бу сўз ўзларингга ёмон, жонларингнинг жабри,— деди. Шундай бўлса ҳам, Ҳолмоннинг сўзи яйловга[1] чиқмади, бир ўзи бўлиб қолди. Бошқаси бунинг сўзига қулоқ солмади. Эсли, ақлли Ҳолмон буни билиб, ночор индамай қолди. Шунда Шоҳдорхон подшонинг аскар бошлиқлари, маслаҳат берувчи донолари бирдан уруш қилиб, Одилхонни юрти Ёвмитдан кўтариб, йўқ қилиб, ўлдириб, молларини ўлжа қилиб олмоқчи бўлиб, маслаҳат қилдилар.

Шоҳдорхон хизматкор маҳрамларига буюрди:

— Бориб бутхонадаги попларга айтинглар, бутхонанинг қўнғироғини урсин.

Шунда поплар қўнғироқларни ура берди, қўнғироқнинг товуши оламни тутди. Буни эшитган барча фуқаролар жонлари тебраниб нима гаплигини бир-биридан эшитиб: «Бизларнинг подшоҳимиз ёвмитларни йўқ қилмоқчи бўлиб, ғайрат билан қўнғироқ ураётган экан, подшоҳимиз олдида ёвмитларнинг нима ҳадди бор? Бизнинг подшо ҳар нима деса қилади», — дейишиб гаплашиб қолди.

Буларни бу сўзда қўйинг, энди подшодан эшитинг. Подшо: «Ёвмит юртига лашкар жўнатинглар!» — деб амр қил-

---

[1] Эътиборга олинмади, маъносида.

ди. Шунда турган лашкар бошлиқлари йиғилиб лашкарларни йўлга соладиган карнай, қўнғироқларни чалишиб, Одилхоннинг юртига жўнамоқчи бўлиб, подшонинг олдида жам бўлди. Шоҳдорхон лашкарларга қараб: — Сизларни лотга топширдим, бутга топширдим, шиша Албат кўкка топширдим, ёғоч чорёрга топширдим, кумушдан бўлган пайғамбарга топширдим, — деди. Шунда табиблари айтди:— Э лашкарлар, урушга бориб омон-эсон келинглар, лекин урушиб майиб бўлсаларинг мен тузатайин! Оёқ йўқ бўлса оёқ қиламан, қўл йўқ бўлса қўл, бурун йўқ бўлса бурун, шунга ўхшаш ҳар бир баданларингиздан йўқ бўлганини ўзим тузатаман, — деб лашкарларнинг кўнглини хуш, димоғини чоғ қилди. Лашкарлар ўлимдан қўрқмай, туп-туп, гур-гур, байдоқ-байдоқ, олам-олам, тумандай бўп ёвмитларнинг устига қараб жўнаб кета берди. Лашкарнинг орқасидан подшолик салтанати билан Шоҳдорхон ҳам ноиби Субён деганни ўзининг ўрнига ўтқазиб, Ҳолмон вазирдан тортиб, барча маслаҳат берувчилари билан бул ҳам кета берди. Шоҳдорхоннинг лашкари уч ой йўл юриб, уч ой деганда Така Ёвмит Урганчи юртининг Асқар деган тоғига етиб қўнди. Шу куни пайшанба эди.

Буларни бу ерда қўнмоқда қўйиб, ана энди Така Ёвмит юртининг подшоси Одилхондан эшитинг. Така Ёвмит элининг ўқувчи болалари ҳар куни ўқиб, пайшанба куни тушдан кейин озод бўладирган расми бор эди. Шу куни Така Ёвмит мадрасаларидаги сап катта-кичик муллаваччалар тоғда саёҳат қилмоқчи бўлишиб, Тўлибой синчининг ўғли Равшанбек уларнинг каттаси бўлиб, тоққа чиқди. Болалар тоғни саёҳат қилиб, булоқлар, кўкалам ерларни томоша қилиб юрган эдилар, бирдан қулоқларига отларнинг дубури келди. Қарасалар, кирнинг бошини тўзон олибди, қўлларида яланғоч қилич, милтиқлари ўқланган лашкар буларга қараб даф қилиб, тўрт томонини қуршаб олибди. Муллалар буни кўриб қўрқиб, юраклари ёрилиб кетди. Шунда аскарлар буларни банди қилиб ҳайдаб Шоҳдорхон подшога тўғри қилди. Шоҳдорхон қараса, ҳаммаси ёш бола экан, уларни ўлдирмоққа кўзи қиймади.

«Кел-э, буларни ўлдирмайман, юрсин», — деди, раҳм қилиб, яхши илтифотлар қилди, ноз-неъмат овқатлар қўйди. Булар қўрқиб қолган эди, овқат еёлмади. Подшо сўради:

— Нимага емайсанлар?

— Бизлар қўрқдик, — деди.

Шоҳдорхон эсли подшо эди, буларнинг қўрққанини билди.

— Буларга озор берманглар, — деди. Буларни қўрқмоқда, Шоҳдорхонни Асқар тоғига келмоқда қўйиб, ана энди Така Ёвмит элидан эшитинг.

Муллаваччаларнинг келмаганидан Така Ёвмит эли қўрқишиб, ахтариб, ҳар тарафга қараб, булар ҳам шу тоққа, қўшиннинг устига келиб қолди. Буларнинг келганини билиб, Шоҳдорхоннинг қўшини кувиб ярмини банди қилиб олди, ярми қочди. Қочганлар қочиб, Одилхон подшонинг олдига борди. Бўлган воқеаларни: «Бир черик лашкар Асқар тоққа келди, юлдуздан ҳам кўп», — деб арз қилди. Одилхон подшо бу сўзни эшитиб, бу ҳам черик лашкар йиғмоқчи бўлиб, ҳар тарафга, қўрғон-қўрғонга хат юборди. Бекларига: «Дарров йиғилинглар!» — деб қаттиқ амр қилди. Оқшом билан чопишиб, эрта билан ҳар тарафдан тўзонлар пайдо бўлиб, қўрғоннинг атрофини лашкар тутди. Одилхон подшо:

— Келган лашкар ким экан билиб келинглар! — деб ўзининг Така беги Замон деган лашкар бошлиғини бир неча одамларга қўшиб, элчи қилиб юборди. Элчилар Шоҳдорхон подшонинг олдига бориб, қўлларидаги элчилик ариза-хатларини кўрсатдилар. Шоҳдорхон мирзаларига:

— Ўқиб кўринглар, нима хат экан,— деди. Мирзалар ўқиб кўрди. Хатда:

«Бу қандай беҳурматлик, подшолардан бундай беҳурматлик лозим эмас эди-ку. Подшолар юришни, туришни олдин элчилар билан билдириб, элчига кўнмаса, сўнгра сафар қилиб келар эди. Бу расм аввалдан-охир қоида бўлиб келаётган эди...» деб ёзибди. Шоҳдорхон бу сўзларни эшитиб, Ҳолмон вазирига қаради. Ҳолмон вазир:

— Ўзингиз биласиз, мен бир фармонбардорман. Сиз ҳар нима амр қилсангиз, шуни қиламан, — деди. Подшога маслаҳат бермади.

Шунда Шоҳдорхон элчиларга қараб:

— Бориб Одилхон подшоларингга айтинглар, келиб менга фуқаро бўлсин, бож-хирож берсин! Бермаса, фуқаро бўлмаса, юртини, элини ер билан яксон қилиб, ҳаммасини тўс-талқон қилиб, ўзларини ўлдириб, молларини ўлжа қилиб, лашкарларимга талатиб юбораман! — деди.

Элчилар Шоҳдорхоннинг қоғозини Одилхон подшога олиб келиб кўрсатдилар. Ана шунда Одилхон подшо:

— Ундай бўлса, душман тоғдан ошмай, унинг устига бизлар ҳам борайлик,— деди.

Ҳамма лашкар жам бўлиб, булар ҳам Асқар тоғдан ошиб қўш ташлади.

Буларни Шоҳдорхонга кўриниш бериб, қўнмоқда қўйиб, эндиги гапни Ҳолмон вазирдан эшитинг: Ҳолмон вазир, подшоҳимнинг тузини кўп еганман, ҳар нима бўлса ҳам бир сўз айтайин, деб Шоҳдорхон подшога қараб айтди:

— Э подшо, душманинг хас бўлса қўрқ, деган экан. Сен ҳам бутунчилигингнинг фикрида бўл!

Шоҳдорхон подшо:

— Урушга тайёрлик қилинсин, — деб амр қилди. Уруш ногорасини урди, карнай-сурнайларни чалдириб, лашкарини отларига миндириб, милтиқни ўқлаб, пилтани чоқлаб, чоқ бўлди.

Одилхон подшо ҳам уруш ноғорасини чалдириб, лашкарларини чоқлаб отга миндириб, урушмоққа чоқ бўлди, кўнгиллари тўқ бўлди. Икки тараф подшоларининг уруш учун қилган шону шуҳратларига ер тебранди.

Бирдан Одилхон подшонинг лашкарига Назар деган киши бошчилигида кўп лашкар келиб қўшилди. Уни кўриб Шоҳдорхон подшонинг ранги ўчди, қўрқди. «Ҳай аттанг, Ҳолмон вазирнинг сўзига кирмаганим ёмон бўлган экан, айтгани келди», — деди. Шундай бўлса ҳам қочмоққа номус қилди. Кўп ишларнинг бўлишини, одамларнинг уларини билди, билса ҳам кишиларнинг қонига жабр қилди:

— Ҳар нима бўлса бўлар, уруш қилинглар! — деди.

Шунда икки тарафдан «Ур-ҳо!» деган овозлар чиқди. Бирдан бир-бирларига от қўйишиб, тала-тўп бўлишиб, бир-бирлари билан аралашиб қолди. Ажал ёмғири ёғди. Найзабозлик, қиличбозлик, бир-бировининг жазосини бермоқ сарбозларга бўлди эрмак. Ҳеч ким кўрмаган, ҳеч бир қулоқ эшитмаган катта уруш бўлди, ўликлар тўлди, ўликларнинг остидан сизот-сизот қон кетди. Шу кун тўққиз соат уруш бўлди. Ундан кейин урушни ётқизмоққа ноғора чалинди. Уруш ётиб, ҳар қайси тараф лашкарлари ўз тарафларига қараб қайтди. Шунда Одилхон подшо, Шоҳдорхон подшодан ғолиб келди. Бу иш Шоҳдорхон подшонинг манманлигидан бўлди. Шоҳдорхон подшо ўзини мағлуб кўриб, Одилхондан муҳлат сўради. Шунда Одилхон подшо:

— Асқар тоғида қўлга тушган муллаваччаларни қўйиб юборсин,— деди. Шоҳдорхон подшо ҳаммасини қўйиб юборди. Лекин Шоҳдорхоннинг Ҳамза деган бир одами

бор эди. Шоҳдорхондан яшириб, Равшанни бир сандиққа солиб олди, уни ўғил қилиб олмоқчи бўлди. Ташқаридан Одилхоннинг бекларидан Жиғалихоннинг ўғли Гаждумбек билан қизи Биби Хилол ҳам буларнинг ичига қўшилиб ўлжа бўлиб кетдилар.

Шунда уруш тамом бўлди. Ҳар икки тараф подшолар ўз тарафларига қайтдилар.

Одилхон «Равшанхон ўлган экан-да»,— деб ундан умидини узди, афсуслар қилди.

Буларни бунда қўйинг, Шоҳдорхондан эшитинг. Шоҳдорхон уч ой йўл юриб, ўз юрти Заргарга етди, тахтига минди. Эрта билан тонг отди, Шоҳдорхоннинг хос хизматкори келиб арз қилди.

— Э подшоҳим, Одилхон одамларидан бир аёл, бир эркак банди бўлиб келибди, — деди. Шоҳдорхон подшо:

— Ундай бўлса, бунда олиб келтир, — деди. Олиб келиб Шоҳдорхонга тўғри қилдилар.

Шоҳдорхон уларни кўриб, вақти хуш бўлиб, меҳри ёнбошга келиб:

— Э, меҳмонлар мендан мақсад тила! — деди. Қўрққан, гапига тушунмаган Гаждумбек индамади. Шундай бўлса ҳам, Шоҳдорхон Гаждумбекка ясовул бошлиқ амалини берди. Ўз олдида сақлади. Гаждумбек камсиз бўлди, давлати жуда катта, ўзига бир яхши жой солмоқчи бўлиб, шаҳардан узоқроқ ердан саккиз ошёнлик иморат солди. Иморат битди, орадан етти йил ўтиб кетди. Гаждумбекнинг синглиси Биби Ҳилол бўйи етиб қолди. Шундай бир қиз бўлди: ўн тўрт кунлик ойдай тўлган, ҳусни ўзига ярашган, кўрганларнинг ақли шошган, қоши қаламдай, қийилган ёйдай, лаблари мойдай, эртан чой, оқшом палов, муҳрлаб қўйган қоғоздай. Қоронғи уйда ётса уй ёп-ёруғ бўлиб кетади. Ўзи ўн бешга кирган, лекин боши бўш эди. Шуйтиб булар юра берсин, эндиги сўзни Равшанбек билан Ҳамзадан эшитинг:

Ҳамза, Равшанбекни ўғил қилиб оламан, деб ҳар куни тонг отгунча унинг кокилини етти мартаба ўриб, ҳар ўрганда мушкнинг сувини берар эди. Равшанхон ҳам бир бола бўлдики, кўрганлар ҳавасда, кўрмаганлар армонда, камсиз, сулув-хушрўй.

Ана энди, Шоҳдорхон подшодан эшитинг: Шоҳдорхон подшо бир куни ёмон туш кўрди, тушида бир ажойиб иш кўрди. Шунда қуръандоз мунажжимларини, ҳукамо-таъбирчиларини йиғди. Йиғилганларга қараб, Шоҳдорхон подшо бир сўз айтди:

Ғубурларим бугун ухлаб туш кўрдим,
Мен тушимда кўп қабоҳат иш кўрдим,
Ё билмайман, ўзи манглайнинг шўри,
Ёвмит элдан келди иккита бўри.
Келган бўри, қуръандозлар, ким бўлди?

Икки бўри тоғда икки шер қувди.
Шербаччалар қўйга оралаб қолди,
Қўйимнинг ўлигин ҳар ёққа отди,
Тутуним бурнимдан чиқиб кетди.
Бу тушимнинг таъбирлари на бўлди?

Тепамдан бир лаган тиллам сочилди,
Оғзимдан бир толпир қушим училди,
Имoратим бари текис бўлди,
Бир ой элима пайдо бўлди,
Шуъласи оламни ёп-ёруғ қилди.
Қуръандозлар, айтинг, таъбир на бўлди?

Бир чинор элимдан кўкариб кетди,
Ғалт уриб, шохаси осмонга етди,
Қурай, қурай соялаган ким бўлди?

Сочларингни тол-тол қилиб таранглар,
Бу гапларни ким кўргандан сўранглар!
Тушн курсин таъбирлари кўп ёмон,
Бу тушимнинг таъбирини йўринглар!
Мунажжимлар, айтинг, таъбир на бўлди?

Барча ҳукамо, қуръандоз-мунажжимларнинг ичида Юсуф деган бир қуръандози бор эди. Юсуф подшога қараб, туш таъбирини айтиб, бир сўз деди:

Билмаганинг билдирайин билмасанг,
Подшоҳим мақсадга етгин ўлмасанг!
Бу тушингнинг таъбирини айтайин,
Тағин-а, кўнглингга оғир олмасанг.

Зимистон айрилмас тоғларнинг қори,
Тушинг қурсин, билдим, манглайнинг шўри!
Ёвмит элдан кепти иккита бўри:
Икковидан яхши фарзандлар бўлар,
Қўйингни ўлдирган бўри — иккови.

Бошларингга неча савдолар солар,
Фуқаронгнинг кўнгли коралар бўлди.
Тушингнинг таъбири шулдир подшойим.
Шу бирови элатингга шоҳ бўлар,
Тушингнинг таъбири шулдир подшойим!

Тепангдан сочилган тилланг — қонингдир,
Оғзингдан учган қуш — жонингди(р),
Қулаган иморат сенинг танангди(р),
Тушинг қурсин, таъбирлари шу бўлди!

Қайтайин, манманлик етди бошингга,
Улмайин подшойим қилган фикрингни,
Тушингнинг таъбири чўртта шу бўлди!

Шоҳдорхон қуръандозлардан бу сўзни эшитиб, жаллод-мирғазабларга буюрди:

— Дарров шу икковини топиб келинглар!

Равшанхонни, Гаждумбекни олиб келди; подшога тўғри қилди. Шоҳдорхон подшо бу икковининг қадди-қоматини кўриб, ўлдирмоққа кўнгли бўлмай, кўзи қиймади. «Мен бўлсам ўлар эканман. Мендан қолган болаларим тақдиридан кўрсин», — деди.

— Бор, икковингни озод килдим, оёғинг борганича юрабер, ўлимларингни ўтдим, — деди. Буни эшитиб Ҳамзанинг димоғи чоғ бўлди, Равшанбекни уйига олиб келди, тирик қолганига элликтача ҳўкиз, сигир, қора молдан сўйди, элни зиёфат қилди. Ҳамма йиғилиб, одамлар жам бўлди, гўштлар пишиб, дастурхонни ёзиб, одамларга зиёфатни тортди. Одамлар қоринни тўқлаб, димоғни чоқлаб қолди. Шуйтиб, зиёфатга йиғилган халойиқлар тарқалишиб кетди. Булар кетгандан сўнг ҳар куни Ҳамза Равшанни томошага олиб чиқди, байрамларни кўрсатди. Шуйтиб-шуйтиб Равшанбекнинг эси кириб, ҳар куни ўзи томошага чиқмоқни ўрганди. Кунлардан бир куни кўчаларда томоша қилиб юриб, бу юртда юрганига хафа бўлиб, юрак-бағри эзилиб, кўзидан ёши оқиб келаётиб эди, йўли Гаждумбекнинг кўчасига тушиб қолди. Шу вақтда Ҳилолой саккиз ошёнлик иморатнинг юқорисидан кўчага қараб ўлтирар эди. Кўзи Равшанга тушди. Фаросат билан билди, бу йигит бу шаҳардан эмас. Шунда Ҳилолой Равшанбекка қараб, тўхта, деб бир сўз деди:

Куйган одам тўкар кўзнинг ёшини,
Ҳақ ўнғаргай мўминларнинг ишини.
Боланг ўлган десам, ўзинг ёш бачча,
Кўнгил хуши қалликқинанг ўлдими?

Нимага йиғлайсан бағринг эзилиб,
Куйган бачча, тўхтат отнинг бошини!
Сулув қизлар бураб қўяр сочини,
Мард йигит ғанимдан олар ўчини.
Бағринг куйгандайин бўзлаб йиғлайсан,
Менга айтгин йиғлаганинг важини!

Бу шаҳри азимда айланиш кўча,
Ошиқнинг уйида қоронғи кеча.
Ота-онанг ўлгандайин бўзлайсан,
От бошини пича тўхтат, бекбачча!

Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча,
Тоқатим йўқ шу кун гул очилганча.
Сен йиғладинг, менда тоқат қолмади,
От бошини пича тўхтат, бекбачча!

Шунда Равшанбек, қандай эканини билмай, у ёқ-бу ёққа қараб, аста-аста Ҳилолойга бир сўз деди:

Қошинг кериб, қовоғингни уйдирма,
Олтин пиёлага майни тўлдирма!
Дўстми — душманмисан, сени билмадим,
Бу менинг ўртанган жоним куйдирма!

Қулоқ солгин, сўзнинг ёлғон-ростига,
Қулоқ солгин, сўзимнинг пайвастига!
Бу шаҳарда менда ошна йўқ эди,
Кўп дард қўшдинг яна дарднинг устига.

Йиғлаганда ёш тўкилар юзима.
Қиёматдан ёмон дунё ўзима,
Ким ҳам бўлсанг бир кўрайин чироғим,
Ўз куйганим етмасмиди ўзима?

Ажал етиб шу вақтларда ўлмадим,
Ёвмит элнинг қадрини хеч билмадим,
Ким ҳам бўлсанг бир кўрайин, қаддингдан,
Дўстми — душманмисан, сени билмадим!

Шунда Биби Ҳилол деразани очиб, ташқари айвонга чиқди. Равшанбек тиклаб қараса, ҳур талъатли, малойика келбатли, ширин сўзли, жоду кўзли, зулфи тол-тол бўлиб бетига тармашган, латибаси лабига тушган, мунчоқлари киндикдан ошган. Буни кўриб Равшанбекнинг оғзи анграйиб, бурни таңграйиб, Биби Ҳилолга қараб қолди. Биби Ҳилол Равшанбекнинг асли зотини сўраб, лабини тишлаб, кошини булкиллатиб, бир сўз деди:

Яхши кўрдим ёш бачча сумбатингни,
Не уруғ дер сенинг ўсган юртингни?
Баён қилгин, авлоди аждодингни!

Хазон урган қандай богнинг гулисан?
Отанг билан энангнинг жони дилисан.
Қарайман, сен чаманнинг булбулисан,
Насабингни баён бергин ёш бачча!

Қандай элда, қайси одам ўғлисан?
Ҳар бир гапларинг сенинг бомаза.
Афтингга қарайман ўзинг хонзода,
Авлод-аждодингни айтгин ўзима!
Кўзингга қарасам тарзинг бекзода,
Қандай элда, қайси одам ўғлисан?

Ўзинг пастда, баланд ерни кўзлама,
Бу шаҳарда бундай юриб бўзлама!
Рост гапир, ёлғон сўзни сўзлама,
Қандай элда, қайси одам ўғлисан?

Бу сўзни эшитиб, Равшанбек оҳ тортди. Юраги эзилди, оғзидан буроқ-буроқ тутунлар чиқиб кетди, Биби Ҳилолга қараб, бир сўз деди:

Эшитгин, қаддингдан менинг тилимни,
Мен бандаман, олло билмас ҳолимни,
Аслим сўрсанг бир якдона гавҳарман,
Евмит дейди, униб-ўсган элимни!

Бек бўлиб қилдим элда ҳавомни,
Тополмайман бу дардимга давомни,
Мусофирман Шохдорхоннинг шаҳрига,
Евмитда Одилхон дейди бовомни,
Аслим сўрсанг, яхши одам наслиман!

Белимга бойладим зарли пўтамни,
Фироқимда боламлатдим отамни,
Отимни сўрасанг дейди Равшанбек,
Тўлибой синчи дер, менинг отамни,
Ёвмит элда хонзоданинг ўғлиман!

Ҳеч ким йўлиқмасин душман қаҳрига,
От чидамас аччиқ қамчи заҳрига.
Банди бўлиб келувдим ўзим бу ерга,
Мусофирман Шоҳдорхоннинг шаҳрига,
Ёвмит элда Тўлибойнинг ўғлиман!

Қулоқ солгин сўзнинг ёлғон-ростига,
Зеҳн қўйгин гапимнинг пайвастига!
Ҳеч бир одам мендай банди бўлмасин!
Отам билан энам тушди эсимга.
Ёвмит элда хонзоданинг ўғлиман!

Томоша қинг яратганнинг ишини,
Мерганлар отади кўлнинг қушини,
Ўқиган шериклар эсига тушиб,
Оҳ устига, оҳлар тортди Равшанбек,
Қайта бошдан тўкди кўздан ёшини.

Биби Ҳилол Равшанбекдан бу сўзларни эшитиб, Равшанбекка мардоналик бериб бир сўз деди:

Ҳамзани сен билмаганин билдиргин,
Зор йиғлатиб юрак-бағрин тилдиргин!
Гаждумбек деган менинг оғам бор.
Нима десам айтганимни қилади.
Ишқилиб, ўзингни бозор солдиргин!
Ҳарна бўлсам сенинг билан бўлайин,
Бу калламни этагингга солайин,
Ишқилиб ўзингни бозор солдиргин,
Ишқилиб, ўзингни сотиб олайин.

Барча одам ёлғончи дунёга меҳмон,
Энди ўйласам омонатдир танда жон.
Танга-тилла Гаждумбекда фаровон,
Ишқилиб, ўзингни бозор солдиргин!

Йиғламагин, ушбу дамни дам дема,
Сен асонсан, бу давлатни кам дема!



O'zbekiston ... va madaniyat instituti
ARM inv № 45121 (...)

Бозор тушсанг сени сотиб оларман,
Олмас, деб Равшанбек асло ғам ема!

Ана энди Биби Ҳилол Равшанбекка:

— Ҳамзанинг ёқасидан ушла, тумшуғига муштла. Сўнгра Ҳамза куйиб кетади. Сени қул деб бозорга солади. Ундан кейин акам сени сотиб олиб келади, — деди. Иккови шуйтиб, маслаҳатни бир жойга қўйиб, Биби Ҳилол Равшанбекка кўп сўзлар айтиб, жўнатиб юборди.

Равшанбек Ҳамзанинг уйига келиб, дод деб бўзлаб йиғлаб, овқат емай, Ҳамзага қараб бир сўз деди:

Эшитгин, сен Ҳамза, менинг тилимни,
Ё жавоб бер, кўрай Ёвмит элимни!
Ё бозор сол, этаклаб ол пулимни,
Арқон билан бойлаб олгин қўлимни,
Озод қилгин, Ёвмит элга кетаман!

Оқизмагин кўздан қонли ёшимни,
Қочирибман ақлим билан ҳушимни,
Ё бозор сол, этаклаб ол пулимни,
Ё дорга торт, кесиб олгин бошимни,
Жавоб бергин, мен элима кетаман!

Худонинг ишини ўзим нетаман?
Мусофирман хунобалар ютаман.
Бозор сол, этаклаб келгин пулимни,
Ё жавоб бер, ота юртга кетаман!

Раҳм айлагин менинг ғариб ҳолима,
Қулоқ солгин менинг айтган тилима!
Ё дорга торт, кесиб ташла бошимни,
Жавоб бер, кетаман, Ёвмит элима!

Бу сўзни Ҳамза эшитиб, оҳ тортди:

— Ўзинг туғмай, ул бўлмас, сотиб олмай қул бўлмас экан. Ўзингникини ўзагига тепсанг ҳам кетмайди экан, кишининг боласига кишмиш берсанг ҳам турмайди экан, — деди. Эрта билан тонг отди. Равшанбекни қул бозорига олиб борди.

Буни бунда қўйиб, гапни Биби Ҳилолдан эшитинг. Шу куни Биби Ҳилолнинг акаси Гаждумбек подшонинг олдидан уйига келса Биби Ҳилол йиғлаб ўлтирибди. Нима йиғлайсан, — деб Гаждумбек бир сўз деди:

Ой эдинг, ой каби сенсан нигорим,
Шу куйларга солди парвардигорим.
Сен йиғладинг менда тоқат қолмади,
Йиғлаганинг важин айтгин, жигарим!

Ёқанг ҳўлдир йиғлаганда ёшингга,
Оп борарман сени қариндошингга,
Йиғлама чироғим, кўнглим бузилди,
Не аломат савдо тушди бошингга?!

Сени кўриб наргиз кўзим сузилди,
Жимма-жимма кўздан ёшлар тизилди.
Ота-энангни соғингандай йиғлайсан,
Йиғлама чироғим, кўнглим бузилди!

Подшолар олади элдан божини,
Ғайратли душмандан олар ўчини.
Сен йиғладинг, менда дармон қолмади,
Менга айтгин, йиғлаганинг важини!

Ана шунда Биби Ҳилол акасидан бу сўзни эшитиб, Гаждумбекка қараб, бир сўз деди:

Эшитинг, акажон, менинг сўзимди,
Ёлғизликдан ғам сарғайтди юзимди,
Подшоликка сиз кетасиз, акажон
Бу ҳовлига бир хизматкор лозимди(р).

Давлатлининг элга кўпди хотири,
Ёвга от қуяр йигитларнинг ботири.
Хизматли ишга ўзинг кетганда,
Менга ўтди хизматкорнинг қадри.
Ўйлаб турсам мана дунё бепоён,
Бу ҳовлига бир хизматкор лозимди(р),
Бир озода қул оп кеп бер, акажон!

Бедовга ярашган майин ёлидай,
Сулув қизнинг тимкил-тимкил холидай,
Кўнгил суйса ёрнинг лаби болидай,
Ўн беш яшар қул оп кеп бер, акажон,
Ўзи бўлсин подшоҳларнинг оқилидай!

Тўрғай чуллаб тонг сарғайиб отади,
Ёш оп келсанг, ватанингда ётади,
Қари қулни олиб келманг ватанга,
Бир нарсани олиб қочиб кетади!

Бўйнида силкиниб турсин кокили,
Тенгидан зиёда бўлсин ақли.
Елкасида бўлсин панжа доҳили
Бир озода қул оп кеп бер, акажон!

Алқисса, Гаждумбек Биби Ҳилолдан бу сўзни эшитиб:

— Э синглим, жигарим, ғам емагин, ҳар нима десанг қиламан, — деб кўп танга тиллани олиб, хуржунга солиб, Биби Ҳилолдан фотиҳа олиб, кўчага чиқиб кета берди. Гаждумбек бозорга борса қул бозорида Ҳамза бир қулни бозорга солиб ўтирибди. Биби Ҳилолнинг айтганидан юз баробар зиёда сулув, қоши қора, зулфи бўйнига тушган, кокили ўзига жуда ҳам ярашган, бодом қовоқ, юпқа томоқ, оқ бадан, сулувлиги юз яхши қиздан зиёда, кўрганлар бўлур афтода. Буни кўриб Гаждумбек, «Биби Ҳилол айтган қулнинг ўзи, уста ясагандай топилди»,— деб Ҳамзага қараб, бир сўз деди:

Қизил гул очилар ғунчадан-ғунча,
Сарсон бўлди кўчаларда бир неча.
Ясовулбоши, қулни бозор солибсан,
Айтгин, қулингнинг баҳоси қанча?

Қабул бўлсин шу қулингнинг тавбаси,
Тавба деса тўкилади гуноси.
Шундайин баччани бозорга сопсан,
Нима бўлар, шу қулингнинг баҳоси?

Ўлмасам дунёда даврон сурайин,
Шу қулингга катталиклар жўяйин,
Айтгин менга қулингнинг баҳосини,
Кучим етса, буни сотиб олайин!

Қочирибман ақл билан ҳушимни,
Тўкибман кўзимдан селоб ёшимни.
Айта бергин, қулинг баҳоси қанча,
Қулинг учун гаров қўяй бошимни!

Буни эшитиб Ҳамза Гаждумбекка қараб, бир сўз деди:

Бедов минмаган баланд тоғдан ўтами?
Камбағаллар хунобани ютами?
Аввал киссанг билан ўйлаш, Гаждумбек,
Баҳо қўйсам сенинг кучинг етами?

Остингда бедовинг ўйнар ҳар алвон,
Сайёдиинг қўлида борди бўз тарлон,
Баҳо қўйсам сенинг кучинг етами?
Аввал кармон билан кенгаш, Гаждумхон!

Энди билсам сен бир элга тўрасан,
Кокилингни ярашиққа ўрасан,
Мен сенга ростин айтсам, Гаждумбек,
Ҳеч ками йўқ, бир минг тилла берасан!

Мен эшитдим, эй Гаждумбек тилингни,
Боғларда сайратай мен булбулимни.
Минг тиллага кучинг етса Гаждумбек,
Олиб кета бергин менинг қулимни!

Гаждумбек Ҳамзадан бу сўзни эшитиб, айтди: «Мен барча давлатларимни бу қул учун пой тиккан эдим. Баҳосини минг тилла деб айтди, қулнинг баҳосини билмади. Тағин айтган сўзидан қайтиб айниб қолмасин», — деб қул бозорда турган ҳамма даллол-жаллоб, бозор бекларга юз тангадан пора берди. Ҳамзабекнинг айтган минг тилласини ҳам санаб берди. Ҳамзабек:

— Мен бу қулни сотмайман, ҳазил қилиб эдим, — деди. Турган бозор оқсоқоллари Ҳамзабекни турткилаб ташладилар. Ҳамма бирдан жовирлашиб: «Сен қулга баҳо қўйиб сотиб, яна айтган сўзингдан қайтасанми, сўзни айтиб бундай қайтганингни Шоҳдорхон подшога бориб айтамиз», — дедилар. Тала-тўп бўлиб қолди. Бу тала-тўпни кўриб бозордаги барча бакавул-қоровуллар ҳам келиб, «Нима гап, нима гап», — деб қолдилар. Гаждумбек ҳалиги келган қоровулларга ҳам уч сўм-уч сўмдан берди. Улар ҳам Ҳамзабекни айлантириб қолди. Қоровуллар Гаждумбекнинг минг тилласини олиб, Ҳамзанинг рўмолига тугиб, пулингни ол, дедилар. Ҳамза пулни олди. Бир сўзни икки қилгани учун уни гуноҳкор қилиб, қоровулхонага олиб бориб қамаб қўйдилар, Гаждумбек қулни олиб, уйига қайтди. Келса, Биби Ҳилол йиғлаб ўлтирибди. Гаждумбек айтди:

— Нимага йиғлайсан? Айтган қулингни олиб келиб бердим. Бундан бошқа яхши қул йўқ, бозордан тополмадим. Агар топсам яна олиб келиб бераман.

Акасидан бу сўзни эшитиб, Биби Ҳилол бир сўз деди:

Эшит ака, мендай синглинг зорини,
Ўлим бузар марднинг кирдикорини.
Шоҳдорхондан келди, тўртта ясовул,
Мен билмайман, нима иши борини.

Боғ оралаб гулларни терсин, деди,
Эсонликда давронни сурсин, деди,
Мен билмайман, нима иши борини,
Қоровул подшоликка борсин, деди.

Энди билсам, ғаним тушди изингга,
Йиғлаганда ёш тўкилар юзингга,
Иштрафлаб келиб-кетди ясовул,
Шоҳдорхондан маҳрам келди ўзингга.

Ағдарилиб учар чўлнинг лочини.
Чин сулувлар тоблаб қўяр сочини,
Мен билмадим нима иши борини,
Йиғлаганим ака, шунинг учунди(р).

Беклар минмаймикан қора байирди,
Ҳар ким ўз жони учун қилар хайирди,
Фириб билан Гаждумбек акасини,
Подшоликка Биби Ҳилол буюрди.

Гаждумбек Биби Ҳилолдан бу сўзни эшитиб, отини миниб, кўчага чиқиб, подшонинг олдига қараб жўнаб кетди. Буни кетмоқда қўйиб, гапни Биби Ҳилолдан эшитинг:

Биби Ҳилол Равшанбекни кўрди, Равшанбек Биби Ҳилолни кўрди. Шунда Равшанбек, Биби Ҳилолга қараб, бир сўз деди:

Май ичганда юрагингни мойиргин,
Ёмғир ёғса ёна майдон тойиргин!
Ойими қулига хизмат буюрмайми,
Бойвачча, ўзима хизмат буюргин!

Нима бўлсам сенинг билан бўлайин,
Курак билан супургини олайин.

Мирзаси қулига хизмат топширар,
Нима десанг, мен амрингни қилайин!

[Шунда Равшанбек:]

Эшитгин Ҳилолой ўзимдан додни,
Коса даврон мард йигитга навбатни
Мирзаси қулига ишни топширар,
Айта бергин, мен қилайин хизматни!

Вой-вой дунёси қурсин бепоён,
Тенгимдан айрилиб бўлдим саргардон.
Хизматингни энди менга топширгин,
Нима хизмат сенга қилай, ойимжон!—

Равшанбекдан бу сўзни эшитиб, Биби Ҳилол ойимлик қилиб бу кунни ғанимат билиб, ўзида бор ҳунар билан, ...ли буралиб, гунчадай очилиб, товусдай тараниб, кимхоб-...хмалга ўраниб, лабини тишлаб, кўзини қисиб, ўрнидан ...ираб туриб, уй ҳарамига кириб, бир бўхча тоза кийим-...арни олиб келиб, буни кийинг, деб Равшанбекни ювин-...тириб, тарантириб, кимхоб-бахмалга ўрантириб, майин ...илла дасторни бошига уратиб, ўзи ҳам тозадан рўмолни ...раб, зулфини тараб, бўйни буралиб, қўлига созини олиб ...бир неча шон-шавкатлар билан ноз қилиб, Равшанбекка ...қараб, бир сўз айтаётибди:

Нангу номус сенинг оринг бўлайин,
Тортушак[1] харидоринг бўлайин.
Қисматлик сенинг чўринг бўлайин,
Юрагимда дард кўп, ғам билан анча,
Фироқимда оҳ тортади бир неча,
То ўлгунча сизман ўйнаб-кулайин,
Мен чўриман, сиз мирзасиз, бекбачча!

Ана энди, буни Биби Ҳилол айтиб, қўлидаги созини ...ерга ташлаб, Равшанбекнинг бўйнига қўлини солиб, тил-...ладан бўлган томига олиб кетди. Равшанбек қолди уялиб. Гахмонда сандиқ устидаги яхши кўрпалардан олиб, тилла ...курсининг устига солиб, тўшакнинг устига чиқиб, суҳбат

[1] Оригиналда «торталашар».

қилишиб ўлтирдилар. Буларнинг ўйига Гаждумбек келмай, дунёнинг ғам-ғуссаси эсидан чиқиб, иккови бир одам бўлиб кетди...

Энди гапни Гаждумбекдан эшитинг: Гаждумбек Шоҳдорхоннинг олдига кундаги кўринишидан ташқари етиб борди. Шоҳдорхон, менинг олдимга нимага бемаҳал келди, бунга бир воқеа бўлдимикин, ё биров билан уришдимикин, деди. Бу ишлардан хабари бўлган бир киши подшога:

— Бу бугун бир минг тиллага бир қул олди, — деди. Шунда Шоҳдорхон:

— Қул олган бўлса пул харжи соп бўлган. Шуйтиб, бугун кечлик овқатни ўйлаб келган, — деди. Хазиначига айтди: — Гаждумбекка бир лаъли тилла олиб келиб бер!

Хазиначи олиб келиб берди. Гаждумбек тиллани олиб, хуржунга солди. Лекин Гаждумбек, мен бекорга келган эканман, подшонинг менда иши йўқ экан. Хайр, хар нима бўлса бўлди, энди менинг уйимга бемаҳал борган одамни топиб олиб ўзим жазосини бераман, деди. Шу уйни ўйлаб уйига қайтиб борди. Уйига келса қули ҳам йўқ, Биби Ҳилол синглиси ҳам йўқ.

«Ҳай аттанг, қулим қочиб кетган, синглим ҳам қулнинг орқасидан кетган. Ҳар нима бўлса ҳам қорнимни тўқлаб олайин, сўнгра ахтараман», — деб шарбатхонага чиқиб бораётиб шундай қараса, тилла каравотнинг устига тўшак солинган. Биби Ҳилол билан Равшанбек иккови тўшакнинг устида бир одамдай бўлиб ўйнашиб-кулишиб ўтирибди. Равшанбекни ўлдирмоқчи бўлиб, Гаждумбек шердай инграниб, гилофдан ханжарини тортди. Биби Ҳилол акасининг аччиғи келганини билиб, ранги гулдай сўлиб, акасига бир сўз деди:

Қулоқ солгин, мендай синглинг сўзига,
Мерганлар уқ отар қулнинг ғозига.
Акажон меҳмонни озод айлагин,
Қиз бўйи етса, ихтиёри ўзида!

Сарғаймасин, ака, меҳмоннинг юзи,
Ғанғиллаб учади қулларнинг ғози.
Чин ўлдирсанг, мени ўлдир, акажон,
Булам[1] сиздай Одилхоннинг ёлғизи!

---

[1] Бу ҳам.

Энаси қолгандир сочини ёйиб,
Во болам, деб ватанида мунғайиб,
Ёлғиз ўлса тухми қуриб кетмайми?
Аркон давлати бўлар бесойиб.

Мени ўлдир, меҳмонни озод айлагин,
Булам сиздай бир одамнинг ёлғизи!
Бегуноҳ ўлдирсанг, ака, бизларни,
Шу замонда бўлмаймисан шарманда?

Мени десанг қиличингни ташлагин,
Кам-камгина бу гапимни ўйлагин!
Бу дунё деганинг андак карвондай,
Акажон, тўрамни озод айлагин!

Шунда Гаждумбек «туси яхшидан тўнггилма, деган экан. Эчкини сўйсанг бақиради, бўрини урсанг инг этмайди, бу мард ўғлон экан, уни ўлдирмайин», — деб чиқиб кетди. «Мард ўғлон бўлмаса эди, мени ўлдир деб айтмас эди. Маъқул сўзга қарши йўқ, дунёда маъқул сўздан зўр нарса йўқ», — деб фикр қилди, ўзи билан ўзи ўй қилди. Ана энди буни фикр билан ўйда қўйиб, Биби Ҳилол билан Равшанбекдан эшитинг. Булар, иккови маслаҳат қилди. «Икковимиз Гаждумбекнинг олдига борамиз, салом бериб, гапга соламиз, муомала билан, сўз билан, далил билан йўлимизга соламиз», — деб иккови ўрнидан туриб ташқари чиқиб, қўлларини алиф лом қилиб, бўйинларини хам қилиб, «Ассалому алайкум!» — деб, Гаждумбекнинг олдига борди. Гаждумбекнинг юзи қамашиб, нима деб гапирарини билмай, Биби Ҳилолга: «Ош қил!» — деб буюрди. Равшанбекка: «Манави отни ўтга қўй!»— деб буюрди. Ана энди Гаждумбекнинг уяти кетди, кўрган иззалари бирор тапоб ерга етди. Равшанбек дастурхонни ёзиб, обдастани қўлига олиб, Гаждумбекнинг қўлини ювдириб, шираи шарбатларни олиб қўйди. Бу ишни Гаждумбек кўриб, «Элга эл келса давлат, элдан эл кетса меҳнат», — деди. Шукур қилди. Биби Ҳилол ошни пишириб, товоққа солиб, Равшанбекни имлади. Равшанбек ошни олиб келиб, Гаждумбекка тортди. Икковлари бирга ошни еди, қоринларини туқлади, димоғларини чоқлади...

Гаждумбек Биби Ҳилолни Равшанбекка никоҳлаб берди. Равшанбек борлиги учун Гаждумбекнинг уйидан кўнгли тўлиб, ёр-жўра, ошна-оғайнисиникига бориб, сайр-томоша

қилиб юра берди. Қаёққа борса бора берди. Хазина-дафинасини Равшанбекка топшириб, хизмат ишларини буюриб юра берди. Кунлардан бир кун Гаждумбек:

— Э Равшанбек, юр, икковимиз дала-даштларни томоша қилиб келамиз,— деб шаҳардан ташқарига, чўлга овга чиқиб кетди.

Шундай бораётсалар бир сой кўринди. Сойда одам, отларнинг суяклари тўда-тўда бўлиб ётибди. Буларни томоша қилдилар. Яхшининг боласи яхши, ёмоннинг боласи ёмон, яхшидан ёмон бўлди дема, бу ҳам ўз наслига тортади, ёмон яхши бўлди, деб қувонма, бу ҳам тортади ўз наслига. Ана шунда Равшанбек бир отнинг қўл суягини кўриб, қучоқлаб олиб йиғлай берди. Гаждумбек, Равшанбекнинг барно насллиги бор экан, деди. Лекин Равшанбек бу ишнинг Гаждумбекка маъқул бўлмаганини билди, унга қараб, бир сўз деди:

Шу ерларда уруш бўлган экан-да,
Ажалли, майдонда ўлган экан-да.
Шу бедовни подшо минган экан-да,
Ўқ тегиб жонивор ўлган экан-да.
Бизлардай ғариб бўп қолган экан-да.

Эсонликда сайлаб отни еламиз,
Ажал етган куни бир кун ўламиз.
Вой, дегани оға-ини бўлмаса,
Ўлгандан сўнг биз ҳам шундай бўламиз,
Шу суяк бизлардай бўлган экан-да.
Қовминг йўқ, Заргарда, қариндошинг йўқ.
Дод этарга ички ёр, сирдошинг йўқ.
Ажал етиб ўла қуйсак Заргарда,
Вой оғам, дерга бизда эмчакдош йўқ.

Дунё тушсин қуйди қайғу-ҳасратга,
Беклар шиддат билан минади отга,
Ажал етиб ўлиб кетсак Гаждумбек,
Қандай одам қуйиб келар лаҳадга.
Шу суяк бизлардай бўлган экан-да.

Ҳали-ҳозирга, бизлар нодон бўламиз,
Қизил гулмиз, офтоб тегса сўламиз.
Бу юртларда биз ҳам бир кун ўламиз,
Оға-ини, қариндошлар бўлмаса.

Қандай одам оп боради мозорга?
Ўлгандан сўнг биз ҳам шундай бўламиз,
Қув суяк бизлардай бўлган экан-да.

Куйганидан гапни-гапга улайди,
Кўзда ёши, енги билан силайди,
— Рост айтасан, — деди шунда Гаждумбек,
Ўпкасини босолмай бўзлаб йиғлайди.

Икковининг банди бўғини бўшади,
Ўлим қурсин суяклари шовшади.
Мусофирлик асар қилиб бошига,
Икковлари «аттанг, аттанг», дейшади.

Кенгаш келар элнинг катта бийига,
Чопилса дол бедов келар кўйига.
Хушвақт бўлиб, келган икки бекбачча,
Хафа бўлиб, бўзлаб қайтди уйига.

Бекбаччалар ҳалиги отнинг калла суягини уйига олиб келиб, хафа бўлиб, лампадай осиб, калланинг остида тунаб ёта берди. Буларнинг аҳволини кўриб, Биби Ҳилол ҳам хафа бўлди. Шу орада ўртадан икки ой ўтди. «Булар суякдан тулпор отни билган эмиш», деган гап тарқалди. Шоҳдорхон «Гаждумбекнинг бир куёви бор эмиш, ўлиб кетган қирқ йиллик бедов тулпорнинг суягидан танир эмиш», деб эшитди. Шунда:

— Шу синчини олиб келинглар, бизлар ҳам синаб кўрайлик, — деди. Маҳрам-хизматкорлар келиб, Гаждумбек билан Равшанбекни олиб кетди, улар Шоҳдорхон подшонинг олдига етди. Шоҳдорхон икки бекбаччага катта амалдорлари қатори юқоридан ўрин берди.

Шоҳдорхоннинг саксон табла бедов оти бор эди. «Тулпори борми», деб ҳаммасини бир-бир Равшанбекнинг назаридан ўтказди.

Равшанбек: — Тулпори бор экан, лекин бор ҳам бўлса йўқ экан, — деди.

Шоҳдорхон: — Шунча отнинг тулпори бўмайми? Бу ишинг менга гаранг келди, — деди. Шу вақт бир одамнинг «Ҳолва кетди!» — деган овозини ўтирган ҳамма одам эшитди. Қарасалар, кўчада бир ҳолва сотувчи келаётибди. Минган оти ҳориш[1], ёли-думи тўкилган, думгинаси бир

[1] Қирчанги.

қарич, остидан шамол эсган, чўққиларини олашақшақ тешган. Луқадан қуюшқони бор, чўпдан сувлуғи бор, ипдан тизгини бор. Ўзи ёғочдай қотган, қамчилаб дингиллатган.

Шунда Равшанбек ҳалиги ҳолвачининг отини мақтаб бир сўз деди:

Шуни минган кўрар ўсган юртини,
Душмандан ҳамиша олар лотини.
Мақтасанг тулпорни, Шоҳдорхон,
Кўрмайсизми ҳолвачининг отини?

Сағрисиман баробардир биқини,
Қаҳрланса тортар норнинг юкини,
Кўрмайсизми жониворнинг тангини?
Мирохўрлар овлайди чўлнинг онгини,
Ҳали ҳам чопишсанг текис ерларда,
Ҳеч бир отинг кўролмайди чангини!
Совоқ отсанг совосидан газлайди,
Жилдирганда яхши ўтни излайди.
Томоша қинг шу жонивор тулпорди,
Ҳалитдан тоғларнинг бошин кўзлайди.

Элим десам рангим гулдай сўлади,
Томоша қил, ҳолвачининг тулпорин.
Чин бедов дегани шундай бўлади!
Мақтасанг бедовни мақта, подшойим!

Равшанбек ҳолвачининг отини, бедов, деб мақтади. Ҳолвачи бангибой шу йиғинга етди. Ҳолвачининг баттоллиги тутди. Ярим чорак ҳолвани, чорак деб сотди. Бир одам буни кўрди. Олиб келиб ҳолвани боқли тошга уриштирди. Ҳолва икки қадоқ кам келди. Шунда одамлар бангибой ҳолвачининг ҳолвасини талаб олди. Буни кўриб, ҳолвачи изза еб, хафа бўлиб кетди. Шунда бангибой дайработга, кўп қайроқли ерга кетди. Хуржунига яхши кўрган қайроқларни солиб, уйга бориб тошларимни ростлаб оламан, деди. Бу Уклоннинг сойида ётаверсин. Эндиги сўзни Шоҳдорхон подшодан эшитинг.

Шоҳдорхон:

— Э Равшанбек, сен ҳолвачининг ёмон чибир отини мақтайсан, менинг шунча отларимни мақтамайсан, энди билсам, сенинг кўнглинг бошқа экан, менга душман экансан,— деб аччиғи келиб, одамларига буюрди:

— Кўзини ўйиб олинглар!

Одамлари бир дори қилди, Равшанбекнинг кўзига қуйиб, кўр қилди. Шунда Шоҳдорхон Равшанбекка қараб айтди:

— Энди кўзинг кўр бўлди, мендан давлат тила, то ўлгунингча еб ётасан.

Равшанбекка қараб, Шоҳдорхон бир сўз деди:

Равшан синчи пешонаигни сипагин,
Куйган қулсан гапни гапга улагин!
Бу ерлардан қуруқ кетма, Равшанбек,
Ё бир амал, катта давлат тилагин!

Тила, берай қатор-қатор норимни,
Нор устига юклаб берай заримни!
Тирноққа унаган жонг бўп қолади,
Тила, берай сенга катта шаҳримни!

Лоту манот бойламасин бахтингди,
Шоҳдорхондан тилайдиган вақтингди.
Кам тилама, дуруст тила, Равшанбек,
Тиласанг берайин бир ним тахтимди!

Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Узоқ яша кўп йилгача ўлмагин,
Хоп Шоҳдорнинг тошқинлиги келганда,
Кам эслик қип, сен армонда қолмагин!

Амал берай, муродингга етарсан,
Ҳар ерда ўзимни мақтаб айтарсан!
Катта давлат сенга берай, Равшанбек,
Дунёликдан ўзинг бой бўп кетарсан!

Бу сўзни эшитиб, Равшан кўр Шоҳдорхонга қараб, бир сўз деди:

Эшит тақсир бу синчининг додини,
Мусофирлар кимга айтар дардини?—
Катта халқлик айтганидан қайтмайди,
Олиб беринг ҳолвачининг отини!

Ота-энам десам рангим сўлади,
Билмайман аҳволим қандай бўлади?
Олиб бергин ҳолвачининг отини!
Кўзимнинг хунига шу ҳам бўлади.

Намозшомдан чиқар Ҳўқонднинг ойи,
Подшоҳнинг олдида бордир сипойи.
Ҳар бир ерда дуогўйман чин сизга,
Олиб беринг, ҳолвачининг отини.
Баракалла, Заргар элнинг подшойи.

Кўзим кўрдир, кетолмайман элатга,
Бевафо дунё қўйди мени ҳасратга.
Олиб беринг, ҳолвачининг отини,
Пиёдалар асло етмас муродга.

Кўр Равшаннинг билмаганин билдиринг,
Душманларнинг қизил юзин сўлдиринг!
Аркон давлат бизга йўқдир даркори,
Олиб бергин ҳолвачининг отини.
Ҳолвачининг шу отига миндиринг!

Алқисса, ана энди Шоҳдорхон:

— Кам тилар экансан, кам ҳимматлик қилдинг, бошқа нарса тиласанг бўлмасмиди, шаҳар тиласанг ҳам берар эдим, дунёликдан камсиз қилар эдим, хайр, ўзинг биласан. Ҳар кимнинг яхши кўргани ўзига яхши! Худо бермаганни, мен қайтиб[1] бераман. Ҳолвачининг отини олиб келиб беринглар!— деди.

Шунда турган барча қоровуллар ҳолвачини ахтариб кета берди. Лекин ҳолвачи тошлоқда, Уклоннинг кўлида бир хуржун тошни кўтариб, «қадоққа ростлаб оламан»,— деб юриб эди. Қараса, ўнта милтиқли келаётир. «Бу нима бўлди, тошимнинг камлигини подшоҳга айтган, подшоҳнинг амри билан менга одам келаётган экан»,— деди. Хуржунини ташлаб, отини миниб қочди. «Ақча йўқ, сотиб ололмайман»,— деб, тош-тарозини ушлаб қочди. «Тўхта! Тўхта!»— деб қоровуллар милтиқ отди. «Рост экан, менга келган экан!»— деди ҳолвачи. Шунда оти пир-пир этди, келаётган отлардан қутулиб жўнай берди. Бирор замондан сўнг ориқлиги асар қилди, ғадир-будур ерга бориб, сурyниб йиқилди, қоровуллар ушлаб олди. «Нимага қочасан?»— деб милтиқнинг қўндоғи билан беш-тўрт урди. Шуйтиб, ҳолвачини банди қилиб, ҳайдаб солди. Шоҳдорхон подшоҳга тўғри қилди. Шоҳдорхон подшоҳни кўриб, ўзидан-ўзи валдираб, сандираб:

---

[1] Кандай этиб.

— Эй подшоҳим, ўзимнинг икки ярим рост тошим уйимда қолибди, кам тошни кампир хуржунга солибди. Бу адоватлар кампирдан бўлди. Мендан ҳаргиз гумон қилманг! Мана одам, тошинг кам, деб мени олиб келди,— дея берди.

Шоҳдорхон:

— Э бобо, сиздан тош сўраганим йўқ. От дўст бўламна,— деди. Гуноҳкор эмаслигини бангибой энди билди. Шоҳдорхон айтди:

— Отингизнинг қимматини айтинг.

Бангибой ҳолвапуруш «Унга қирқ тангани айтай»,— деди. Подшоҳга қараб:

— Тақсир подшоҳим, қирқ тангага олувдим бу худо урганин,— деди. Ана энди отни қирқ тангага олди. Олти тангасини бозор аминлари олди. Ҳолвачи ўттиз тўрт тангасига эга бўлиб, уйига кетди. Равшанбек отни етаклади. Гаждумбек Равшанбекни етаклаб уйига борди. Равшанбек Гаждумбекка қараб бир сўз деди:

Отга пул бермайди йўлнинг ўраси[1],
Сарбонни инратар ўқнинг яраси.
Арпа бериб, олтой[2] боққип отимни,
Бунинг ўзи тулпорларнинг сараси.

Отни боқсанг, арпа бериб туллатиб,
Ёл-қуйругин Ҳилолжонга силатиб,
Икковимиз миниб олсак белига,
«Ол, ушла!»— деб кўп лашкар қувганда,
Қутқаради тарафларни йиглатиб.

Арпа бериб олтой боққин отимни,
Арпа берсанг, совойладин тошириб.
Жониворнинг оёгига бош уриб,
Икковимиз элга кетсак, Гаждумбек,
«Ол, ушла!»— деб, Шоҳдор подшо қувганда,
Қутқаради неча тоғдан ошириб,

Бек Гаждумбек энди сўлдим десанг-чи,
Қиёматда гариб бўлдим десанг-чи.
Арпа бериб, отни олтой боқмасанг,
Заргар элда гариб бўлдим десанг-чи!

---

[1] Ўри.
[2] Олти ой.

Хунобани бунда юттим десанг-чи,
Боққа кириб олма отдим десанг-чи.
Арпа бериб олтой боқсанг отимни,
Саломат Ёвмитга кетдим десанг-чи!

От минганнинг юракларин тошириб,
Тарафларнинг ақлларин шошириб,
Хўп совутиб, миниб олсак белига,
Душманларинг «Қўйма, ҳо» деб қувганда,
Қутқаради неча тоғдан ошириб,
Сўзимни қулоққа олсанг, акажон,
Саломат Ёвмитга етдим десангчи!

Гаждумбек «уҳ, буни тез бозорда чорак арпага олмайди, энди Равшан билгирсиниб бор арпани бунинг олдига тўктирмоқчи»,— деди, кейин Равшанга қараб:

— Одоб билан олим, ака-укали, фаросат билан каромат, бу от, бу сўзинг менга ёқмайди,— деди. Равшабек айтди:

— Ҳар нима бўлса ҳам олти ой боқ!

Гаждумбек:

— Хайр, ё яхши, ё ёмон бир гап бўлар,— деб, Равшанбекнинг сўзини олиб, бангибой ҳолвачидан олган отни офтобга тегизмай, сайисхонага тортиб, арпа бермай боқа берди. Шу орада уч ой ўтди. Сайисхонанинг юқорисидан битта тешик қилди. Отнинг сағрисига офтоб туширди. Равшанни олиб бориб кўрсатди. Равшан кўр ҳамма ёғини сийпаб кўрди:

— Отга ем бермабсан. Ем бермасанг ҳам, от турувда қонган экан, сагрисига кун туширибсан. Энди минмоққа бўлмайди, яна уч ой боқасан,— деди. Ана энди Гаждумбек Равшанбек кўрнинг синчилигига ишонди:

— Баракалла, синчилигингга,— деди.

Гаждумбек, отни қайта бошдан боқмоққа киришди. Бир охурга арпани тўкди, бир охурга бедани қирқиб солди, бир охурга қозон қўйиб, сувни янгилаб солди. Шуйтиб яна уч ой ўтди, орадан олти ой ўтди. От қулундаги тарзига келди. Энди отни совутмоққа киришди: тузни сувга ивитиб, отни ювди, понсори зиғир мойни чучитиб, ичига ишқор солиб ювди. Отнинг гўштлари қайтиб бўйра-бўйра бўлиб қолди. Шунда Равшанбек юган солиб, совутмоқ учун Гаждумбекни миндирди.

— Бор, бир катта ердан ирғитиб кел,— деди. Эртанига «фалон жойдан ирғитиб кел»,— деди. Ирғитиб келган куни

«ирғитиб келибсан»,— деди, ирғитиб келмаган куни «ирғитиб келмабсан, бор ирғитиб кел»,— деди. Шу кўргиликда қирқ кун совутди, ирғитиб келгандан кейин, совутиб кел»,— деди. Совутиб келгандан кейин «ем бер»,— деди. Ем бергандан кейин, «ем бости қилиб кел»,— деди. Шуйтиб юриб, Гаждумбек чўпчакдай қайтиб кетди.

Яна бир куни:

— Подшоҳнинг қўрғонидан ўтказиб кел,— деди.

Олтмиш пахса қўрғон эди, ўттиз марза лой хандақдан ўри бор эди. Гаждумбек ийта-ийта қўрғоннинг олдига борди, бориб кўриб қўрқди: от баландга қараб ирғиса, манглайи пахсага тегади. От чопиб тушади, бу туркмани эгарнинг қоши қорнимни киндикдан тешади, ўламан, деди. Гаждумбек қўрқиб Равшан кўрга бориб:

— Ирғитиб келдим,— деди. Равшан кўр сийпалаб кўриб:

— Номаъқул қилибсан, бор ўткариб кел, ёлғон гапни айтма,— деди.

Гаждумбек шу куни яна қўрғоннинг олдига борди, икки қўли билан эгарининг қошидан ушлаб, тизгинини бўйнига ташлаб, қўрқиб, отга қараб бир сўз деди:

Чув-ҳа, чув-ҳа, бекнинг оти!
Эганг Ёвмитнинг бекзоти,
Ҳолвачининг хоназоти,
Чув-ҳа, чув-ҳа, зўрнинг оти!

Дарёдайин тошармисан,
Юраккинанг жўшармисан?
Чув-ҳа, чув, деб қамчи боссам,
Шу қўрғондан ошармисан?
Чув-ҳа, чув-ҳа, бекнинг оти!
Олти ой таблада боқилган,
Олдингга арпа тўкилган,
Емини кўриб есин, деб
Бурама шамлар ёқилган.
Чув-ҳа, чув-ҳа, бекнинг оти!

Елларинг майин кесин, деб
Хитойи хина ёпилган.
Оёғингни ип қиймасин, деб
Пўтадан пайванд тақилган.
Чув-ҳа, чув-ҳа, бекнинг оти!

Туёғинг яхши бўлсин, деб
Ҳақат жушқон наъал қоқилган.

Сувини кўриб ичсин, деб
Ҳар куни машъал ёқилган.
Чув-ҳа, чув-ҳа, кўрнинг оти!

Бадангинанг қиздан нозик,
Сенинг ёли-думинг тузук,
Ирғиб ўтгин шу қўрғондан,
Бўлиб қолсин жуда қизиқ!
Бадангинанг қиздан нозик,

Ҳақ сақласа балосидан,
Юртнинг зардор даласидан,
Чув-ҳа, чув деб қамчи боссам,
Ўтармисан Шоҳдорхоннинг қалъасидан?
Чув-ҳа, чув-ҳа, бекнинг оти!
Бангибойнинг хоназоти,
Мавж уриб дарёдай тошди.
Ўкча тираб шу жонивор,
Қушдай бўп, фалакка учди.
Юраги ёрилиб кетди,
Шу қўрғондан бу жонивор,
Қушдай учиб сакраб ўтди.

Энди Гаждумбек Равшанбекнинг олдига, отинг ўтолмади, деб келди. Равшанбек отнинг ҳамма ерини сийпалаб кўрди, қўлтиғига қўлини суқди. Гаждумбекка:

— От ирғиб ўтибди,— деди. Гаждумбек:

— Қаердан билдинг?— деди. Равшанбек:

— Отнинг қаноти чиқибди, шундан билдим! Гаждумбек, энди кетасанми, ё Заргарда қоласанми? Мол-дунё яхшими, ё эл-қариндош яхшими?— деди. Гаждумбек:

— Тонг отгунча ўйлаб кўраман,— деди.

Биби Ҳилолнинг бўйида олти ойлик гумона бўлган эди.

Ана энди Гаждумбек, кетай деса молни, пулни кўзи киймади, кетмай деса, элнинг ишқи, қариндошларнинг меҳри тортган, кўп ўйлади. Охири кетмоққа ихтиёр қилди. Лекин Шоҳдорхоннинг Сўқим деган бир синчиси бор эди. «Равшан кўр қочади, ушлаб оламиз, қутула олмайди!»— деб, беш юз отни совутиб ётган эди. Бу Равшаннинг қочарини юриш-туришидан билар эди.

Шоҳдорхон: «Пойлаб юринглар қочса, қувинглар, ҳар нима бўлса ҳам эҳтиёт бўлинглар»,— дегич эди.

Шу орада бир неча кун ўтди, эрта билан тонг отди. Гаждумбек отнинг олдига, Равшанбек кейинига миниб олди. От сувлуғини чайнаб, парқинин сочиб, кийикдай ўйнаб, думини гажак қилиб, сағрисига ташлаб, бекни опқочиб келяпти. Гаждумбек икки қўл билан тизгинни ушлаб, кетиб бораяпти. Шунда Биби Ҳилол қараса, акаси билан ёри Ёвмитга талаб қилиб, кетиб бораяпти.

Биби Ҳилол Гаждумбек акаси ва Равшан кўр ёрига қараб, бир сўз айта берди:

Олтой боқдинг жониворни туллатиб.
Ёл-думини Ҳилол ойга силатиб.
Биби Ҳилол муштипарни йиғлатиб,
Асқар тоғим, акажоним, йўл бўлсин?
Бир суянчим, акажоним, йўл бўлсин?

Таблаларда буни боқдинг туллатиб,
Олқордайин жониворни тезлатиб,
Бир синглингнинг юрак-бағрин тузлатиб,
Ёлғизгина Ҳилол ойни бўзлатиб,
Меҳрибоним, акажоним, йўл бўлсин?
Бирор фасл сақланг отнинг жиловин!
Раҳбаргинам, акажоним, йўл бўлсин?

Кўнгил суйса, ёрнинг лаби бол бўлсин,
Суна қўнган Ойдин кўллар чўл бўлсин!
Йўл бўлсин, бўлари гапнинг каттаси!
Ростин айтинг, акажоним, йўл бўлсин?
Меҳрибоним, ичкуярим, йўл бўлсин?

Шунда Гаждумбекнинг ҳам юрак-бағри эзилиб, кўзидан мўл-мўл ёши тизилиб, ғариб-мунглиғ синглисига қараб узангига оёғини тираб, бир сўз деди:

Мени кетади, деб қошингни четма,
Йиғлаб-йиғлаб ўзинг хуноба ютма!
Намоздигар, Ойдин кўлдан келарман.
Мени кетади, деб кўнглингни бузма,
Қатра-қатра кўзларингдан ёш тизма!

Илоё кетгай-да юракнинг чери,
Чўлларда ўйнайди қарсақман бўри.

Намоздигар ўрдак ушлаб келарман,
Аканг бўпти қуш гўштига хумори!

Хумсага тушмасин бир марднинг ори,
Қўлга бериб, шунқор чуйиб келарман,
Туқлининг гўштига бўпман хумори!

Буни эшитиб, Биби Ҳилол акасига қараб, бир сўз деди:

Елғон гапни нега олдинг тилингга,
Худо раҳм айласин ғариб ҳолингга!
Келарга ўхшамас, афти андоминг,
Миниб обсан бедовингнинг белига.
Талаб қипсан, билдим, Ёвмит элига.
Елғончи акажон, сизга йўл бўлсин?
Мен йўлиқдим энди кимнинг қаҳрига,
Отинг чидамайди қамчи заҳрига.
Акажоним, ғамгузарим, йўл бўлсин?
Ростин айт, Гаждумбек, сенга йўл бўлсин?
Талаб қилдинг, ака, Ёвмит шаҳрингга,
Йўл юрасан занглаб ётган чўлингга,
Раҳм айланглар, ака, ғариб ҳолимга.

Равшанбекка қараб:

Қулоқ солинг менинг айтган додима,
Ёриб оп кет, ичимдаги қўзингни!
Оталиклар, «Ота!»— дейишиб чақирса,
Бунда қолиб, боланг бўлса дарбадар!
Ол ханжарни, ёриб оп кет болангни!

Ғам сарғайтиб ҳаммасининг юзини,
Ҳар ким кўнглин мард билмайми ўзини.
Жигарчилик ёмон экан дунёда,
Гаждумбек тўхтата олмай ўзини,
Шолчиқ ерда икки оёғи тойрилиб,
Май ичгандай юраклари мойрилиб,
«Вой аттанг!»— деб, бек Гаждумбек бўзлайди,
Синглисининг меҳрига ҳеч туймайди.
«Аттанг!»— деди бўйни ортга қайрилиб.

Шунда Равшанбек «икки ёлғон бир қасам, бунга сўзнинг ростини айтмоқ лозим»,— деб Биби Ҳилолга қараб, бир сўз деди:

Киминг дарди бўлса кўздан ёш тўкар,
Хафа одам бўзлаб қоматин букар,
Талаб қилдим, мен Ёвмитнинг элига.
Дийдор қиёматга қолди, аллаёр.

Дардли кўнгил қайнаб-қайнаб жўш энди,
Вой аттанг, балога қолган бош энди.
Бу дунёда кўрмоқ йўқдир, қаддингдан,
Дийдор қиёматга қолди, хўш энди.
Қулоқ солгин сўзнинг ёлғон-ростига,
От чопилар уйдан қирнинг устига.
Бу дунёда кўрмак йўқдир рози бўл!
Тўрангни кўрарсан туғнинг остида.

Тўрангнинг ўйилди қайтайин кўзи,
Ғанғиллаб учади кўлларнинг ғози,
Яхши-ёмон бу дунёда гаплашдик,
Қаддингдан, бўлгайсан бизлардан рози!

Долбой келса толпинади қарчиғай,
Мусофирлар тортар экан оҳу вой.
— Вой тўрам!— деб бўзлаб турди жойидан,—
Тақдиргинам қурсин, деди Ҳилол ой.

Ана шунда буни эшитиб, Ҳилолой, дод, деб акаси билан ёрига қараб, бир сўз деди:

Ёри ўлса не ойимлар тулмиди,
Кийикнинг юргани Қуло чўлмиди?
Ҳилолойни кимга ташлаб кетасан,
Сенинг билан аҳду паймон шулмиди?

Оқизиб кет, менинг кўздан ёшимни,
Итларга торттириб кет гўшимни!
Ханжарингни ғилофидан оп, бекбачча,
Чопиб келиб, кесиб олгин бошимни!
Тоғларнинг бошини чалган туман-а,
Юраклар бўлиб қолди қон-а,
Ол ханжаринг, ёриб оп кет болангни
Бор эди ўзингдан бўлган гумона!

Ёвмитда бегимжон дейди ўзингни,
Тарафларинг ўйиб олди кўзингни.

Ол ханжарни, бунда келгин шоҳ тўрам,
Сира йўқдир бу дардларнинг давоси!

Оп кетгин, дер орқасидан толпиниб,
— Вой акам!— деб Гаждумбекнинг синглиси.

Беклар минмаймикан қора байирди?
Ҳар ким ўз жони учун қилар хайрди,
Бир-биридан тириклайин айрилди,
Ҳилол бўзлаб қолди Заргар элида,
Гаждумбекман кўр Равшанбек ёронлар!
Элнинг ишқи кўп зўр экан дунёда,
Евмитнинг элига иккови кетди.

Ошиқ куяр маъшуқининг ҳолига,
Булбул сайрар боғда очилган гулига.
— Вой акам,— деб ўпкасини босолмай,
Биби Ҳилол қолди Заргар элида.
Юраклари тўла-тўла дард бўлди,
— Вой тўрам,— деб бўзлаб қолди хўрсиниб,
Кетган йўлга икки кўзи тўрт бўлди.

Равшанбек айтди:

— Эй, Гаждумбек, Шоҳдорхоннинг олдига бориб, «бизлар кетдик, армонда қолма»,— деб, жавоб берса дуосини олиб, жавоб бермаса, армонда қолмасин, ўзимизни кўрсатиб билдириб кетайик, мардларнинг ишини қилайик, номардлардай қочиб кетмайик,— деб отнинг бошини Шоҳдорхон подшоҳнинг олдига қараб бурди. Шоҳдорхоннинг олдига бориб, узангига оёғини тираб, «фотиҳа беринг»,— деб, бир сўз деди:

Оғайнилар, Шоҳдоршоҳим,
Олдингдан ўтгани келдим.
Биринг катта, биринг киччи[1],
Евмитга кетгани келдим!
Етти йил юрдим элингда,
Тупроғим тортса элима,
Евмитга кетгани келдим!

---

[1] Кичик.

Ёвмит шаҳрима кетарман,
Бундан Туркманга етарман,
Ҳар тарафга арза қилиб,
Номи бекларни йиғарман.
Сўқим-молларни сўярман,
Подшоҳлик кийимлар киярман,
Олдингдан ўтгани келдим.

Бедовларни диркиллатиб,
Туғ-байроқни сўлқиллатиб.
Ҳар кўчганда тўплар отиб,
Элима кетгани келдим!

Лашкар келар бебош-бебош,
Сизинг билан қилар савош,
Ўздин кетма қизил бош,
Элима кетгани келдим!

Атрофингни лашкар олар,
Ўзбекларнинг бари келар,
Сизинг билан уруш қилар,
Ўликлар чалкашиб қолар,
Элима кетгани келдим!

Шуйтиб келарман, подшойим,
Армонда қолма тождорим.
Эшитгин, подшо сўзимни,
Нега уйдинг икки кўзимни?
Равшан оптими қизингни?
Олдингдан ўтгани келдим!

Буни эшитиб, Шоҳдорхон «ушланглар», деди. Ҳамма ўлтирган одамлар бирдан туриб даф қилди. Шунда Гаждумбек отнинг бошини буриб олди. Шоҳдорхоннинг бир одами хез қилиб, отнинг жиловини ушлай олмай, думидан ушлаб олди. Ҳамма одамлар буларнинг олдини, орқасини ўраб олди. Шунда Гаждумбек очиқ ер тополмай, тикка ҳовузга қараб, «чув-ҳа», «чув-ҳа», деб отнинг бошини буриб олди. От кўтарилиб, ҳовуздан ирғиб ўтди, ҳалиги ушлаган, ҳовузга чўлп этиб тушиб кетди.

Мавж уриб дарёдай тошди,
Бекларнинг ақли шошди,

Қўрқма, деди Равшанбек.
Подшоликда амалдор,
Ҳаммалари «ушла», «ушла», дейишди.
Одамларнинг бариси чувиллашди.
Гаждумбекнинг суяклари шовшади.
Тизилишиб қува берди бедовлар,
Икковини «ушла», «ушла», дейишади.
Бу гапларга юрак ошдай қайнади.

Мен билмайман тошиб кетган гуноҳди,
Баланд-баланд тоғда йўғон хумоди.
Дарвозани шарққа-шарққа қамади,
Гаждумбекнинг ақлини шоширди.
Равшанбекнинг юраклари жўш урди.

Қамаб олди атрофини кўп сарбоз,
Баракалла Равшан боққан отига!
Шу қўрғондан икковини оширди,
Турганларнинг ақлини шоширди.
Булбуллар сайрайди боғнинг гулига
От бўлмаса ўлар эди иккови,
Энди тушди Ёвмит элнинг чўлига.
Йиғламай найлайин, қисматлар қаттиқ,
Бек дегандай, бир белгиси шу экан.
Талатўп қип, бир подшоҳнинг шаҳрини,
Ёвмитнинг элига саломат кетди.
Қайда кетди, деб турган одамлар,
Ҳар бир одамлардан дарак сўроқлаб,
Орқасидан чопиб тушди бир минг от.
Амалдор анжом бойлар белига,
Соғ-саломат чиқиб Заргар элидан,
Беклар тушди Ёвмит элнинг йўлига.
Қоча-қоча икки бирдай бекбачча,
Чиқиб олди эсон-омон далага.
Бир минг от буларни қувиб кетди.
Ҳар бир дамни билиб олинг ғанимат,
Коса даврон эр йигитга навбатди(р).

Қулоқ солди бекбаччалар кетига,
Бедовнинг дубири қулоққа етди.
Бир минг отнинг ичидан,
Беш юз тулпор айрилди.

Беш юз тулпор ичидан,
Тўрт юз бедов айрилди.
Тўрт юз бедов ичидан,
Уч юз бедов айрилди.
Орадан бир кун ўтди.
Уч юз бедов ичидан,
Икки юзи айрилди.
Яна бир кун қувишди,
Неча қирлардан ошди.
Сув олгани йўқ экан,
Бир нечасининг ичи пишди.
Аскарлар ўлдик дейишди,
Бедовларга чанг қотди.
Бу дамлар ғаниматдир,
Ушлаймиз, деб ҳалак бўп,
Орадан уч кун ўтди.
Икки юз от ичидан,
Уч тулпор илгари тушди.
Бор экан-да, Шоҳдорхоннинг тулпори,
Қолган ҳаммаси ҳориб чўлда қолди.

Ўзи оққина, киприги йўққина, катта эмас чоққина, гўштли, баданлигина бир тулпор бекларга бир таноб ердан қувиб етди. Шунда Гаждумбек айтди:

— Равшанбек, бир шапақ тулпор етиб қолай деди.

Равшанбек:

— Етай деган бўлса, ҳар ерга борсанг ҳам етади, кўп илдам яманлагур. Мозорли ер бўлса, чангали бўлса, шунга қараб қоч, кун чиқса кунга қараб қоч!

Гаждумбек ўнг келса ўнгга, чап келса чапга қаради, бир вақт бир қозоқнинг мозорига етди. Қозоқ мозорига отни солиб беклар қочди. Шафақ от аксари кунга қарай олмас экан, кунга қарай олмай, чангалга оёқ босолмай, чангалга сурилиб йиқилди. Булар кета берди. Орқасидан яна бир туёғи оқ тўриқ тулпор қувиб етди. Гаждумбек:

— Туёғи оқ тўриқ тулпор етди, — деди. Равшанбек:

— Тошлоққа солиб қоч,— деди. Гаждумбек сел кетган сойга солиб қочди. Оқ туёқли учун, туёғи синиб, ҳалиги тулпор гуппа йиқилди. Бу ҳам майиб бўлиб қолди, нимагаки, қаттиқ қувишиб келаётиб эди. Бекбаччалар бундан қутулиб кетди. Ана шунда тағин бир хоса тулпор орқасидан қувиб етди. Бунинг устидаги киши Шоҳдорхон под-

шоҳнинг Суқим семиз, деган синчиси эди. Ҳалиги Суқим семиз синчи Равшанбекка айтди:

— Уйларингни билмадинг, уз билганингдан қолмадинг, қаникай «тулпори йуқ», деганинг? Мен сени энди ушлаб, подшоҳнинг олдига олиб кетаман. Лекин қуркиб, писиб юрма. Шоҳдорхон подшоҳимиз инъом-эҳсонлар бериб яна элингга жунатади. Мен куп катта одамман, менинг айтганимни подшоҳ қилади. Хизматкорнинг хизмати подшоҳга ёқса яхши, одам сира барака топмай қолмайди, деган. Сен ҳам барака топасан, бундай қилманглар, юринглар,— деди. Шунда Равшанбек:

— Доно билан доно гаплашади, подшоҳ билан подшоҳ гаплашади, синчи билан синчи гаплашади. Айтган сузинг дуруст, синчилигинг ҳам дуруст. Лекин мард йигит айтмайди, айтган сузидан қайтмайди. Мен ҳам узимни мард олиб юрганларданман, йулдан қайтмайман. «Подшоҳнинг тулпори бор экан, бор ҳам булса йуқ экан», деб эдим. Подшоҳнинг бу уч тулпорида камчилиги бор, ҳолвачининг тулпори камчиликсиз, ҳеч ерда қолмайди, чарчамайди. Подшоҳнинг узи ёшроқ экан, эси паст экан, менинг сузимнинг охирини сурамай, ноҳақдан кузимни уйиб олди,— деди. Бу сузни эшитиб Суқим синчининг аччиғи келди. Равшанбек шунда билди. «Бизлар анжомсиз, Суқим синчи анжомли — найзали, милтиқли, мабодо бизни отиб ташламасин»,— деди.

— Эй, Суқим синчи, ҳамма нарсадан гап зур,— деб гапга солди.— Сенинг боққан тулпорингдан шафақ отинг кунга қарай олмайди, тури оқтуёқ тулпоринг тошлоққа булмайди, оёғи учиб, синиб қолади. Менинг сузим ёлғонми? Отинг мозорда, чангалда, кунга қарай олмай йиқилиб қолди, турик тулпоринг сел кетган тошлоқда тошга оёғини босолмай, бу ҳам йиқилиб қолди. Мана, менинг сузимга подшоҳинг ишонмай, икки кузимни уйиб олди. Тағин сен юр дейсан. Албатта, мен борганданкай қолдира қуями? Улдиради. Ана энди сенинг сузинг зур булдими, менинг гапим зур булдими?— деди. Шунда Суқим синчи:

— Воҳ, асал айнимас, тилла чиримас, саримой сасимас. Сенинг ҳар бир гапинг ҳар нарсадан зур булди, менга улимдан ёмон булди,— деди.— Ҳали ҳам юринглар меҳмонлар. Элга борайик,— деди. Лекин Гаждумбек Равшанбекка қараб, ҳар замон «кетайлик» деб қистаса, Равшан:— Дам тур, Суқимнинг оти бир сийсин, ундан кейин кетамиз, отининг тери қотиб, турган еридан утолмайди,

тер қотмаса, қочсанг қувиб етади,— деди. Шунда Суқим синчи тағин Равшанхондан сўради:

— Менинг остимдаги бу тулпор от-чи?

Шунда Суқим синчининг оти сийди. Равшанбек:

— Сийдими?— деди. Гаждумбек:

— Сийди,— деди.

Равшанбек Суқим синчига:

— Гапимни кам-кам биласан, ўлмай подшоҳнинг олдига борсанг, менинг сўзларимни подшоҳга айтасан,— деди. Бу гапни айтиб, улар қоча берди. Суқим синчи, «Чув-ҳа», «чув-ҳа», деб ҳаракат қилиб қувайин деса, остидаги оти олақароқ бўлиб, тарашадай қотиб қолибди. «Вой, вой, ўзбек синчининг айтгани келди»,— деди. Хоса тулпор бир ерда туриб қолса олақароқ бўлиб қотиб қолар эди, буни Суқим синчи билар эди. Бизлар ҳам синчилик дагдағасини қилиб юрган эканмиз, синчилик мана бундай бўлади экан, деб Равшан кўр синчининг айтган сўзига қойил бўлди, унга тан берди. «Баракалла, Равшанбекнинг синчилигига»,— деди. Ана энди шуйтиб, икки ўзбек Гаждумбек билан Равшанбек кета берди. Суқим синчи қола берди:

Йиғлаганнинг ёқаси ҳўл ёшига,
Ҳар ким элатига, қариндошига
Соғ-саломат чиқиб Заргар элидан,
Халос бўлди тарафларнинг қўлидан.

Энди тушди занглаб ётган чўлига.
Равшанбекман Гаждумбек:
— Ота юртим қайда,— деб,
Жўнай берди бекзода.
Очилди гули ғунча,
Ғам купди, гап билан анча.
Ота юртим қайда, деб
Жўнайберди бекбачча.
Оға юртим қайда, деб
Жўнайберди бекбачча.
От келади ариллаб,
Отган ўқдай зириллаб.
Бедов отнинг шамоли,
Мис карнайдай пириллаб.
Ол-ол, юрди ол юрди,
Озинамас мўл юрди.
Тағи қирқ кун йўл юрди.

Намоздигар бўлганда,
Битта шаҳарни кўрди.

Шу ерда жонивор тулпор от, ичи куйиб ўлди. Буларга аламлар зиёда бўлди, оти учун беклар куйиб қолди. Ҳар на бўлса тақдирига кўнди. Ана энди икки бекбачча пиёда бўлиб қолди. Гаждумбек Равшанбекни етаклаб олди. Оқшоми билан йўл юриб, шаҳарга етди. Шунда қарасалар, шердон бозорчи карвонлар, савдогарлар, қабилабошлар, йўловчилар йўл билан келаётибди. Дарвоза очилибди. Шунда савдогарларга булар айтди:

— Бу шаҳар кимнинг шаҳари?

Қабилабошларидан бири:

— Бу шаҳарни қари боболар Одилхон подшонинг юрти Ёвмит дейдилар,— деди.

Шунда Гаждумбек айтди:

— Сизлар қайси шаҳарнинг савдогарларисизлар?

Савдогарлар:

— Бизлар Така юртининг карвонимиз.

Буни эшитиб, Гаждумбек:

— Эй, Равшанбек, энди мен ўз юртим Така элига кетаман. Қайси биримиз тинч бўлсак, бир-биримизга хат юборишиб турамиз. Сиз ҳам ўз юртингиз Ёвмитга келдингиз,— деди.

Гаждумбек савдогарлар билан Така юртига кетди.

Ана энди, Равшанбекдан эшитинг. Равшанбек сўрай-сўрай, истай-истай подшонинг дорхонасига бориб қолди. Подшога кўриниш бериб:

— Ассалому алайкум, ўлтирган қариндошлар,— деди. Лекин Одилхон ўлган, ўрнига Урайхон подшо бўлган экан. Равшанбекнинг отаси Тўлибой синчи ҳам ўлган экан. Урайхон подшо айтди:

— Сўранглар, бундай ёмон аҳволда қолган қандай қариндош экан?

Урайхон Равшанбекдан, қавми насаб сўради. Равшанбек айтди:

— Менинг отамнинг катта юрти бор эди. Отамнинг отасининг оти Қовиштихон. Одилхон подшо Қовиштихоннинг юртига ёвлаб борди, уни ўлдирди, отамни банди қилиб олиб, хизматкор қилди. Отам Тўлибой синчи эди. Отам Одилхоннинг хизматида юра берган. Бир кунлари Одилхон подшо, «Кел-э, Тўлибой ҳам ўзимнинг суягим»,— деб Биби Ойша деган қизини берган экан. Мен шу Биби Ойшадан

бўлган эканман. Менинг насабим шу. Шоҳдорхон подшо бу шаҳарга ёв бўлиб келганда, мен Ҳамза деган бир одамнинг қўлида банди бўлиб кетдим. Ҳамза мени етти йил боқди. Така Туркман юртидан Шоҳдорхоннинг юрти — Зарғарга, Ғаждумбек деган киши ҳам Биби Ҳилол деган синглиси билан банди бўлиб борган экан. Бир кунлари Ғаждумбек, қариндошим, деб Биби Ҳилолни менга берди. Ғаждумбек Шоҳдорхон подшога хизматкор эди. Бир куни бизлар овга чиқдик. Бир тулпорнинг суягини топиб олиб эдик. Буни подшо эшитиб, менга табласидаги отларини кўрсатди. «Қайсиси тулпор?» — деди. Мен билганимни айтиб эдим, Шоҳдорхон аччиғланиб, кўзимни кўр қилди. Мендан тила тилагингни, деганда бир от тиладим. Шу отни Ғаждумбек икковимиз миниб, қочиб қутулиб келдик. Мендан Биби Ҳилолнинг бўйида олти ойлик ғумона қолди. Биби Ҳилол Шоҳдорхоннинг юртида мусофир бўлиб қолди. Мана, мен бу ерда, сизнинг олдингизда турибман. Ғаждумбек ҳам ўз юрти Така Туркманга кетди. Шуйтиб, мен сизларни тоғам, оғам, элим, қариндошим, деб келдим, — деди.

Урайхон подшонинг олдидаги одамлар:

— Шу кўрдан нима қариндошчилик чиқарди? Қайси ердан келган бўлса, шу ерга кета берсин, — деди. Урайхон ҳеч нима демади. Одамларнинг сўзига қараб турди. Шунда Равшанбек, буларнинг олдидан ноумид бўлиб, хафа бўлиб, ўрнидан туриб кета берди. Шу Ёвмитнинг бир камбағал саройбони бор эди. Тулибой синчини танир эди, Равшан кўрни сарой ёнида кўриб, суриштириб таниб олди; кўнгли жўш урди, «Азоб тортиб, қариндошим, деб келибди, подшолар қабул қилмабди. Мен бу бечорага саройни берайин, еб ётсин, мен бошқа бир тирикчилик топиб кетарман», деб Равшанга айтди:

— Шу сарой ўлгунингча боқади.

Саройдаги хизматчилар Равшанга хизмат қилиб ёта бердилар.

Дўсти яхши кўрган йигит,
Ҳар ерга борса хор бўлмас.
Ичи ғамга тўлган йигит,
Ҳамдамни топса айрилмас.

Ана энди Равшанбек подшолардек сира сийбат билан ёта берди. Буни ётмоқда қўйиб, гапни Ғаждумбекдан эшитинг. Ғаждумбек юртига отаси Жиғалихоннинг ўлгани ус-

тига борди. Отасини расми қоида билан кўмди. Гаждумбекнинг келганини халойиқ эшитиб, ер ёрилгандай бўлиб, бари кўрмоққа келди. Халойиқ буни подшо кўтарди. Гаждумбек отасининг юртига, давлатига эга бўлди, беклик, подшолик даврини сурмоққа киришди. Шунда Гаждумбек, Равшанбекка хат қилди. Айтдики: «Мен давлатли бўлдим, Равшанбек тинч бўлмаса, келсин». Бу хабар Равшанбекка етди. Равшанбек хатни ўқитиб билиб, бу ҳам: «Вақтим хуш!»— деб хатига жавоб қайтарди. Бу хат Гаждумбекка етди. Гаждумбек «димоғи чоғ бўлса бўлди» деб, Равшанбекдан кўнгли тўлди. Шуйтиб, булар бир-бировига хат-хабар қилиб тура берди. Буларни бунда қўйиб, энди сўзни Биби Ҳилолдан, Заргар мамлакатидан эшитинг:

Шоҳдорхон подшо барча қуръондоз, мунажжимларини йиғиб айтди:

— Кетганлар қутулиб кетди, ўз юртига етди. Энди менинг кўрган тушимнинг таъбирини қилинглар, нима бўлади?

Қуръандозлари йиғилиб маслаҳат қилди:

— Эй, подшо, бизларнинг сизга арзимиз бор! Бизларга жавоб берсангиз, Биби Ҳилолни сўямиз, устига олов қўямиз, ўзини куйдириб, кулини элакдан ўтказиб юборамиз. Бу элларни талатўп қиладиган бола, шу Биби Ҳилолдан пайдо бўлади. Ўлдириб куйдирсак, йўқ бўлиб кетади, ундан кейин давлат ўзингизники.

Шу сўзга маслаҳат қарор бўлди.

Гаждумбекнинг Рустамбек деган бир хизматкори бор эди. Гаждумбекнинг чўлдаги йилқисини боқиб юрадиган йилқибоқар болаларнинг олдида ҳамма вақт, ундай қилинглар, бундай қилинглар, деб айтиб хизмат буюриб юрар эди. Равшанбек билан Гаждумбекнинг қочиб кетганидан хабарсиз эди. «Мен бориб, хўжайинларни кўриб, салом бериб, йиллик пулларни олиб, кийим-кечак қилиб келайин», деб Заргар шаҳрига етди.

Кўчадан келаётса, Заргар шаҳрининг халқи тўп-тўп бўлишиб, ҳар ерда маслаҳат қилиб ётишибди.

Рустамбек:

— Бу элда нима гап бор?— деди. Турганларнинг бирови:

— Буни сўраб нима қиласан. Гаждумбек билан Равшанбек қочиб кетибди. Кетса-ку, майлига-я, Шоҳдорхоннинг кўнглини қора қилиб кетибди. Орқасидан бир минг амалдор қувиб кетган эди, ҳаммаси чўлда отидан айрилиб,

ниғда бўлиб ўлибди. Эндиги маслаҳат Биби Ҳилолни куй-дириб гулини элакдан уткариб юбормоқчи бўлиб ётибди,— деди.

Бировлар Рустамбекни Гаждумбекнинг қули дер эди, бировлар ўғли дер эди. Бу гапни эшитиб Рустамбекнинг юраги «жиз» этиб кетди, илдам-илдам юриб, тикка Биби Ҳилолнинг олдига етди.

Рустам қараса, Биби Ҳилол чўпдай қотиб сомондай сарғайиб кетибди. Буни кўриб, Гаждумбекнинг тузини ҳурмат қилиб, Биби Ҳилолга қараб, бир сўз деди:

Қайтай сабил бўпти Ёвмитнинг юрти,
Адо бўлмас юрагингнинг ҳасрати.
Ҳеч кима тушмасин жудолик хили,
Билдим олис экан, Ёвмитнинг эли.
Кечасиман неча жондан ўтайин,
Ҳақ ҳурмати синглим дедим, Ҳилолой,
Юргин, Ёвмитга элтиб борайин!
Раҳм айлагин, чироққинам, ҳолингга,
Киёматлик синглим, дедим ўзингни,
Юргин, Ёвмитга олиб кетайин!

Шоҳдор подшо қуръандозни йиғдирар,
Қошинг кериб қовоғингни уйдирар.
Мингашиб Туркман элига кетайик,
Эрта билан амалдорлар куйдирар!

Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Узоқ яша, бўтам, сира ўлмагин!
Чироғим юр, ҳозир Ёвмит кетайик,
Бу гапимни ҳаргиз ҳазил билмагин!
Сайил қилсанг, Ёвмит эли — чорбоққа,
Эрта билан олов ёқиб куйдирса,
Ўзинг тугул лангқа[1] қолар ўзбекка
Чироғим, юр элатингга кетайик!
Сен йўлиқдинг душманларнинг қаҳрига,
От чидамас аччиқ қамчи заҳрига.
Эсон-омон мингаштириб Ҳилолай,
Юргин, оп кетай Ёвмит шаҳрига!

Ҳилолой бу сўзни эшитиб:
— Бир кун ўлмоқ, бир кун туғилмоқ. Мен бир хизмат-

---

[1] Дор маъносида.

корим билан мингашиб борсам, одамлар, қариндошларим Гаждумбекка, сен ўзинг қочиб келиб эдинг, сенинг синглинг Биби Ҳилол бегона бир одам билан мингашиб келди, деб айтар. Акамнинг ва ёрим Равшанбекнинг юзи туман бўлар. Бу билан борганимдан, бормаганим яхшироқ. Мен қариндошларимнинг маърака-ўлтиришларда юзини туман қилганимдан, шу ерда ғариб бўлиб ўлганим яхши,— деди. Буни эшитиб Рустамбек айтди:

— Эрта билан сени Шоҳдорхоннинг одамлари сўйиб ўлдиради.

Ҳилол:

— Ўлдирса худонинг иши-да. Мен ўлимга розиман,— деди. Рустамбек:

— Хайр, сенинг ишинг. Сен бошқа кишининг боласисан, сенга мен ҳеч нима дея олмайман. Агар ўз синглим бўлганингда олиб кетар эдим. Энди ўзинг биласан,— деб Рустамбек йўлга қараб чиқиб кетди. Кун хуфтон бўлди.

Биби Ҳилол, мени ўлдирар экан, деб кўнгли бузилиб, йиғлаб ўтирипти.

Долбой келса толпинади қарчиғай,
Ҳовлисида тортаётир оҳу вой.
Ўпкасини босолмай бўзлаб йиғлайди.
Тақдиридан кўриб энди Ҳилолой!

Очилар боғларда гул билан ғунча,
Юракда ғам кўп, дард билан анча.
Ҳовлисида ўнглаб ётиб йиғлайди,
Йиғлай-йиғлай оқшом бўлди, ярим кеча.

Булбуллар сайрайди, боғларда баҳор,
Подшолар қилмасин ҳеч кимга қаҳр,
Майиб нордай, ҳар хўрсиниб йиғлайди,
Тун бўлиб қолди, шу вақтда тонг саҳар.

Йиғлай-йиғлай қадди ёйдай букилди,
Кечаси билан йиғлай берди доду дод,
Хафа одамга ҳамиша бўлар қиёмат.

Биби Ҳилол дунёдан ўтди. Эрта билан тонг отди. Шоҳдорхоннинг амалдорлари, қуръандозлари, мунажжимлари «Биби Ҳилолдан соҳиби қирон чиқади экан, ўлдирамиз, куйдириб кулини элакдан ўтказамиз, ундан кейин соҳиби



„Гўрўғлининг туғилиши“ достонига.

суруш йуқ булади, юрт бизларга қолади. Ҳамма юртга шақашоқ буламиз,— деб куча-куйда йиғилишиб, Биби Ҳилолнинг устига келдилар. Шунда қарасалар Биби Ҳилол улган. «Энди ҳар нима булса ҳам, Биби Ҳилолга қулларингизни тегизманглар»,— деб ҳаммаси чувиллашиб, вақтлар хуш булиб, карнай-сурнайларни чалиб, қунғироқларни уриб, шаҳарни безаб, сувларни септириб, ойнабандлик қилдирди. Шоҳдорхон буни эшитиб, амалдорларига зиёфат бериб, вақтларини хушлади. Шоҳдорхон ва барча амалдорларнинг вақти хуш булиб, димоғлари чоғ булиб, «соҳиби қирон йуқ булди», деди. Ана энди буларни вақтлари хушлик, димоғлари чоқликда қуйиб, энди сузни Рустамбекдан эшитинг: Рустамбек Биби Ҳилолга насиҳат қилиб эди. Биби Ҳилол «тақдиримдан кураман», деб Рустамнинг айтганига кунган эмас эди. Шундай булса ҳам Рустамбек айтди: «Ҳар нима булса ҳам, синглим, деб эдим, акасининг тузини куп еган эдим, бир бориб хабар олайин. Шоҳдорхон Биби Ҳилолга қандай жабрларни қилди экан»,— деб келди.

Рустам кампул булиб юрар эди, баъзан бутхонага поп билан бирга бориб, тушган пулларни йиғиб олар эди. Пулни куп қилса яна мусулмон булиб юрар эди. Узи икки хаёлроқ одам эди. Келиб курса, Биби Ҳилол бечора чузилиб ётибди. Шунда Биби Ҳилолга қараб, Рустамбек бир суз деди:

Товус деган қуш таралар қияда,
Не куриб кечирдинг ёлғон дунёда,
Акам кетди, деб хафа булмагин,
Акангдан боқар қуллари зиёда!

Оқизма, чироғим, куздан ёшингни,
Қочирмагин ақл билан ҳушингни.
Қиёматлик синглим дедим, Ҳилолой
Оч кузингни, кутар азиз бошингни.

Турғай чуллаб[1] тонг сарғайиб отибди,
Бек Рустамбек хунобалар ютибди.
Шундай бориб Ҳилолойга қараса,
Бу дунёдан сафар қилиб кетибди.

Ёмонга сира айтманг элга ёядп.
Рустамбекнинг юрак-бағри куяди,

[1] Чуллираб.

— Ғариб ўлган вой синглим,— деб Рустамбек
Ҳилолойнинг калласини суяди.

— Вой синглим,— деб қовоқларин силади.
Куйган одам гапни гапга улади.
— Ғариб ўлган, вой боврим,— деб Рустамбек,
Таёққа суялиб бўзлаб йиғлади.

Қошин кериб, қовоғини уйдирди,
Ўлим қурсин юрак-бағрин куйдирди,
Бир кампирни олиб келиб Рустамбек,
Ҳилолойни, хўп яхшилаб ювдирди.

Йиғламай найлайин, қисматлар қатти(қ),
Рустам шўрнинг ўпкаси шишиб кетди.
Мозоратдан олиб келди тобутни,
Синглисини солиб қўйди тобутга.
Ҳар кўзидан қонли ёшлар тўкилиб,
Ҳилолойни мозоратга оп кетди.
Орқалаб кўтариб ёлғиз синглисин,
Уйтиб-буйтиб олиб борди мозорга.

Қайтарманглар, яхши одам раъйини,
Кимга айтар юрагида ўйини.
Ака, ини, йўқдир унда қариндош,
Йиғлай-йиғлай шишиб онинг ўпкаси
Ковлай берди синглисининг жойини.

Нодонларни асло қўйманг раъйига.
Ёлғизлик ёмон экан дунёда,
Қучоқлаб синглисини Рустамбек,
Ҳамма ери тупроқ бўбди бебахтнинг.
Синглисини шундай қўйди жойига.
Йиғлай-йиғлай кўзларидан ёш қуйди.
— Ғариб ўлган, жигарим,— деб Рустамбек
Бўз тупроқни унинг устига уйди.
«Белгили бўлсин укам жойи», деб
Катта тошни оп кеп бошига қўйди.

— Вой синглим!— деб бечора дод айлади,
Гоҳи йиғлаб, гоҳи фарёд айлади.
Билар-билмас қуръон ўқиб бечора,
Синглисининг арвоҳин шод айлади.
Ғам сарғайтди Рустамбекнинг юзини,
Тупроқ бўлиб қолган унинг ўзидир,

Хўрсинади тухтатолмай ўзини,
Йўқ қип қўйди айтадиган сўзини.
Мозоратга қаратади кўзини.
Яккалик ер ёмон экан дунёда,
Шу Рустамбек бўлди давлат соҳиби,

Рустамбек Биби Ҳилолойни гўрига қўйиб, Гаждумбекнинг ҳовлисига келди. Гаждумбекдан қолган барча ҳовлиларам, мол-пулларга эга бўлиб қолди. Рустам:— Энди давлатга эга бўлдим, хотин олмасам сира ҳам бўлмайди,— деб Бадгир деганнинг синглисини олди. Хотинидан бир бола бўлди. Отини Қунғирбой қўйди. Шуйтиб, буларни гоҳ димоғчоғликларда, гоҳ хафаликларда қўйиб, энди сўзни гўрда улиб ётган Биби Ҳилолдан эшитинг.

Биби Ҳилолнинг ўлганига уч ой, тўққиз кун, тўққиз соат, тўққиз дақиқа ўтди. Равшанбекдан олти ойлик гумона қолган эди. Биби Ҳилол ўлган бўлса ҳам, боласи ўлмаган экан. Шунда вақти етди. Туғмоқчи бўлди. Биби Ҳилолнинг ўлиги гўрда тебранди. Ўлик баданини тўлғоқ тутди

Ҳилолнинг танаси гўрда тебранди,
Энди тутди Ҳилолойнинг тўлғоғи.
Мавж уриб, мисли бир дарёдай тошди,
Ҳой аттанг-а, дардлар-дардга улашди.
Чақалоқ қимирлаб эна қорнида,
Ҳилолойнинг фарзанди гўрга тушди.

Баччанинг юзининг ойдинлигига,
Барқ уриб, гўр ёп-ёруғ бўлди.
Биби Ҳилол бир позанин ул туғди.
Уч кеча, уч кундуз орадан ўтди...

Ҳилолойга жон келмади, лекин болага эмчагидан сут келиб турди. Шу орада ўртадан уч йил ўтди. Гўрўғли туғилгандан бери гўрда чироқ ёниб турар эди. Бир куни лип этиб ўчиб қолди. Яна уч кун ўтди. Ҳилолойнинг эмчагидан сут келмай, бадани кўмирдай чўйкаб кетди. Ана шунда Гўрўғли оч қолди, энасига қараб, бир сўз деди:

Айтсам етгаймикан, энажон, зорим,
Юракда ғамим кўп, ичда зангларим!
Кукрагингга нимага сут келмайди,
Очликдан, энажон, кетди мадорим!

Ҳай дариго! Рангим гулдай сўлами?
Ўлимнинг ханжари бағрим тилами?
Тур жойингдан, мамма бергин энажон,
Ётганда ёлгиз боланг ўлами?

Чиқмайди, энажон, нега бир сўзинг?
Сабаб нима, қоп-қора бўлди гул юзинг?
Тур жойингдан, кўкрак бергин энажон?
Ўлар бўлди Гўрўғлибек ёлғизинг.

Очлик қурсин, ўзим тортдим оҳу вой,
Қоп-қора бўп кетди эна ранги-рўй,
Тур жойингдан, кўкрак бергин ўғлингга.
Болам, деб олдингга олгин Ҳилолой.

Томоша қинг, Гўрўғлининг ишига,
Мозорат титради бу нолишига,
Очлик қурсин, ёмон экан дунёда.
Оғзини тамшаниб, шунда Гўрўғли,
Тармашибди энасининг тўшига.
Оч қолдим, деб кўзда ёшин силайди.

Куйган одам гапни гапга улайди.
— Кўкрак бергин, тура кел, энажон,
Оч қолдим,— деб мард Гўрўғли йиғлайди,
Вой эна, деб ёш бола чинқиради,
Ўлмаган, дунёда даврон сўради.
Эмчак, деган баччанинг нолишига,
Титраб гўристон, ларзага келади...

Бир тешикдан гўрнинг ичига куннинг шуъласи тушди. Гўрўғли куннинг тушганини кўриб, қўли билан ушлаб оламан, деб кунга қўл урди; ушлай олмади, ушлайман, деб қўли гўрнинг тепасига етди. Тирмалаб-тирмалаб тешикни катта қилиб, гўрдан ташқари чиқиб, ҳайрон бўлиб қолди. «Бу нима деган сир бўлур?»— деди. Оч қолдим, деб гўрга суяниб, ётиб қолди. Буни очликдан йиғлаб ётмоқда қўйиб, энди гапни Рустамбекнинг байталидан эшитинг: бир байталнинг боласи ўлиб, боласининг ўлганига ичи куйиб, кишнаб юрар эди. Гўрўғлининг олдига келиб қолди. Байталнинг кўзи Гўрўғлига тушиб, меҳри кўкрагига жой олиб, унга суйканиб эмиза берди. Ана энди, Гўрўғли шу байтални эмиб, қорни тўйиб-тўймасдай бўлиб юра берди. Байтал ҳар куни Гўрўғлини уч вақт эмизиб кета берди.

Бунинг билан Гуруғлининг куни ўта берди. Гуруғли уч ёшарида гўрларнинг устида ўйнаб, у ёқдан чиқа, бу ёқдан чиқа: «Ос!» «Бос!»— деб гўрларни таёқ билан янчиб, ўйнаб юра берди.

Рустамбекнинг йилқичилари байталнинг ҳар куни гўрга қараб кетганидан хабардор бўлиб юрар эдилар. Бир куни йилқибонлар: «Шу байтал ҳар куни мозорга қараб кетади. Буни пойламоқ керак. Мозорга бориб нима қилади»,— дедилар. Шуйтиб ўттиз чоқли йилқичи байталнинг орқасидан пойлаб гўристонга келдилар. Ҳалигилар гўрнинг олдига бориб қараса, бир бола байтални эмиб турибди. Байтал эмчагини боланинг оғзига солиб, ийиб, эмизиб турибди. Бир-бирига:

— Кўрдингми? Арвоҳ ҳам ялонғоч ёш болага ўхшар экан, арвоҳ кўрган касал бўлади,— деб, ҳаммаси бирдан, бизлар арвоҳ кўрдик, энди ўламиз, деб қўрқиб, касал бўлиб қолдилар. Буларни бу туришда қўйиб, энди Рустамбекдан эшитинг:

Рустамбек ҳар куни йилқичиларига нон олиб келиб берар эди. Бугун ҳам йилқичиларга нон олиб келди. Келса, йилқичиларидан бир нечаси йўқ. Қолганидан:

— Йилқичилар қани?— деб сўради. Улар айтди:

— Улкан бир бия ҳар куни мозорга қараб кетар эди. Шу байталдан хабар оламиз, деб мозористонга бориб эди. Гўристонга бориб, байтални бир арвоҳнинг эмганини кўрибди. Шуйтиб, уларни арвоҳ урибди. Мана, шу турган йилқичи қўрқиб, қочиб келди. Бу ҳам қўрқиб, юраги ёрилгудай бўлиб ётибди,— деди. Буни эшитиб, Рустамбекнинг юраги «жиз» этди. Рустам бориб ҳалиги юраги ёрилиб кетгудай бўлиб ётган йилқичиларни гапга солди:

— Нима кўрдинглар?— деди. Йилқичилар:

— Бизлар яланғоч бир арвоҳни кўрдик. Ўзи ёш болага ўхшайди,— деди «Эс берганга даст берар, даст берганга, эс берар» дегандай Рустамбек мозористонда бир гўрнинг олдига бориб айтди: «Биби Ҳилол сингилимнинг қорнида боласи бор эди. Шу туғиб, бола шундан бўлганмикин. Шу гўр, сингилим Биби Ҳилолнинг гўри, ўзим мана бу тошни қўйиб эдим. Шундан Биби Ҳилолнинг гўрини топдим»,— деди. Оқшом бўлди Рустамбек саҳар вақтида келиб, гўрни пойлаб ётди. Қараса, Биби Ҳилолнинг гўри ёруғ бўлиб кетди. Шунда бир бола Биби Ҳилолнинг гўридан чиқди, жуда сулув, қуви ун тўрт кунлик ойга ўхшайди. Шунда бир шер мозористонда ётган экан, болага

қараб ташланди. Шунда ҳазрати Хизр келиб шерни бир тарсаки урди. Шер нимта-нимта бўлиб, тирқираб кетди. Рустамбек қўрқиб аросат қилиб: — Шундай шерни бир тарсаки уриб ўлдириб, майдалаб юборди, менинг нима жоним бор,— деди. Уйига қайтиб келди, келиб ўйлаб айтди:

«Кел-э, бу шаҳарда мусофир бўлиб ўлгандан, ўз жиянгинамнинг қўлида ўлганим яхши». Рустамбек, келар оқшоми уч ошиқ, бир қизил эгар, яна бир-иккита қўғирчоқ, бир-икки рўмол, учта болалар ўйнайдиган соққа олди. «Синаб билайин, шу бола ўғилмикин, қизмикин», деб эгар билан уч ошиқни бир ёққа қўйди. Икки қўғирчоқ билан рўмолни гўрнинг бир ёғига қўйди. Пойлаб ётди.

Гўрўғли гўрдан чиқиб, рўмолларга кўзи тушиб, рўмолларни, қўғирчоқларни йиртди. Рўмолдан ҳар хил-ҳар хил байроқлар қилди. Гўрнинг бу ёғига ўтди, уч ошиққа кўзи тушди, қўлига олиб, шу мозордаги ўликларнинг барини келдим, гарткам, деб ошиқни ерга ташлади. Эгарни миниб, «чув-ҳа, чув-ҳа, от қўй, қайтма, бохабар бўлинглар»,— деб эгарни аста-аста қимирлатиб, гўрдан анча ерга узоқлаб кетди. Шунда Рустамбек жойидан туриб, тез чопди. Гўрўғли ҳам буни кўриб, гўрига қараб чопди. Рустамбек Гўрўғлининг гўрга кирадиган ерига етиб бориб, ёта кетди. Гўрўғлибек гўрга киролмай, бир чинқирди. Рустамбекнинг юраги ёрилиб, ўлиб қолай деди. Шунда Рустам баччага қараб бир сўз деди:

Буралиб олиб бўйнингга қўлим соламан,
Ҳарна бўлсам сенинг билан бўламан.
Йиғлама, чироғим, кўнглим бузилди,
Ростин айтсам, сенинг тоғанг бўламан.

Боққа кирган олмалардан отармиш,
Суюнган қул муродига етармиш.
Биби Ҳилол синглим бўлди, чироғим,
Бир тоға — етти ота бўлармиш!

Кўнглимда бўлган менинг ҳавомни,
Ё топмағайман дардга давомни.
Йиғлама, айланай тоғанг бўламан!
Биби Ҳилол қиёматлик синглимдир,
Шуйтиб, кейин мозоратга келганим.
Ҳай дардига, ранги гулдай сўлганим!
Жиянгинам, бирға юргин уйима!

Икки куп булди, чироққинам, билганим,
Юрагимда дард куп, дардгинам ол-ҳа,
Тоқатим йуқ богларда гул очилгунча,
Ҳуснингга қарайман, узинг бекбачча,
Бузлама, чироғим, юргин уйима!

Гуругли Рустамбекдан бу сузни эшитиб, гурга кирайин деса киролмай, иложини тополмай, хурсиниб, Рустамбекка қараб бир суз деди:

Яхшилик кур, ёмонликни курмагин,
Йуқ, савдони сен бошима солмагин.
Энам шурдан дуойибад олмагин,
Кимам[1] булсанг, кетабергин нарироқ,
Заргар элдан келган тараф булмагин!

Оқизма кузимдан қонли ёшимни,
Қочирмагин ақл билан ҳушимни!
Ҳийла билан олиб бориб уйингга,
Кесиб олма бу танамдан бошимни!
Подшолардан келган жосус булмагин
Арвоҳ урган булар ер билан яксон,
Энам шурдан дуойибад олмагин!
Тогам булсанг, нега бунда келмадинг,
Бунда келиб, меҳри шафқат қилмадинг?
Ҳилолойга узинг булсанг эмчакдош,
Ҳеч булмаса бир ҳайитда келмадинг.
Кимам булсанг, қуя бергин уйима!

Мард йигит душманнинг қонин тукарди,
Подшолар элидан олар навкарди.
Ҳар йилига бирор-икки келмадинг,
Нари кочгин, тогалигинг бекордир.

Куйиб кетган менинг гулдай энам бор,
Сут билан сипориш қилган сийнам бор.
Тогам булсанг қуйгин гурга кирайин,
Гур ичида ётган мунглиғ энам бор!

Улмасам дунёда даврон сурайин,
Куни Қофдан гул бутани терайин.
Бу чуқурда ётган ғариб энамдан,
Кириб туриб, тоғалигинг сурайин.

---
[1] Ким ҳам.

«Эна рози, худо рози» одамзод,
Энам жавоб берса сўнгра борайин.

Бек Рустам ширин жонини сотди,
Тарам-тарам кузларидан ёш кетди.
Келмаганига жуда пушаймон қип,
Ол эса деб ётган жойни бўшатди.

Гўрўғлибек энди гўрига кирди, кўзидан ёшини тўкиб, вор-зор йиғлаб, Биби Ҳилол энасига қараб, бир сўз деди:

Анал билан Мансурга қурган дормиди
Тирик айрилган, бир кўргали зормиди,
Юр чироғим, дейди мени қўймайди,
Сенда ака, менда тоға бормиди?
Йиғлаганда ёш ёғилар юзима,
Қулоқ сол, энажон, айтган сўзима,
Сенда ака, менда тоға бормиди?

Бир-бир баён айлаб беринг ўзима,
Гап чиқади мендай эрнинг тилидан.
Қутулмадик бу дунёнинг хилидан
Битта одам, тоғангман, деб сўзлайди,
Ўзи ёлғиз кепти Заргар элидан.
Сенда ака, менда тоға бормиди?
Бу гапларни тинглаб энажон,
Менга беринг, бу сўзлардин хабарди...

Ана энди, Гўрўғлибек тиклаб қараса, энаси Ҳилолой ўлиб, суяги шовшиб қопти. Гўрўғли буни кўриб зор-зор йиғлаб, энасига қараб бир сўз деди:

Отим Гўрўғлидир оламга достон,
Эна кетар бўлдим, сендан айрилиб,
Қарчиғайинг бўлай, гуйтик энажон.
Етимликдан сарғаяди бу раъйим,
Қариндошим йўқдир, бир дуогўйим,
Энди кетар бўлдим сиздан айрилиб
Шунқоринг бўлайин, буйи ғамгузорим.
Отим Гўрўғлидир оламга достон,
Ҳамма ҳам ёлғончи дунёга меҳмон,
Бу кунданкай куним қайтиб ўтади,
Искалаб олдингга олгин, энажон.

Ололмайди Гўрўғлининг ўзини,
Ғам сарғайтиб Гўрўғлининг юзини,
Қорилари ҳўл бўп қолди ёшига.
Вой энам, деб ўпкасини босолмай,
Йиғлаб чиқди мозорининг бошига.

— Йиғлама, чироғим,— деди Рустамбек,
Бачани қучоқлаб олди тўшига.
Мозорат титрайди полишига.
Куйганидан гапни гапга улайди,
Мозоратнинг тупроғини силайди.
Гўрўғли, «энам», деб Рустам, «боврим», деб
«Ўлим қурсин»,— дейишиб, бўзлаб йиғлайди

Куйсин ўлим, банди-бўғни бўшади,
Рустамбекнинг суяклари шовшади.
Гўрўғли, «энам», деб, Рустам, «синглим», деб
Шу мозорда иккови йиғлашади.
Рустамбекман Гўрўғли дод айлади,
Гоҳи йиғлаб, гоҳи фарёд айлади.
Билар-билмас қуръон ўқиб иккови,
Хилолойнинг арвоҳин шод айлади.
Нодонларин асло қуйманг раъйига,
Давлати бор йигит келар куйига.
Вой энам, деб Гўрўғлибек бўзлайди...
Рустамбекнинг жигарлари эзилиб,
Олиб қайтди Гўрўғлини уйига.
Шолчиқ ерда оёқлари тойрилиб,
Май ичгандай юраклари мойрилиб
Гўрўғлибек, «вой энам», деб йиғлайди,
— Энам,— деди бўйнин ортга қайрилиб.
Ганида бедонинг думи сузилиб,
— Энам,— деди наркислари эзилиб,
— Йиғлама, чироғим,— деди Рустамбек,
Рустамбекнинг кўнгиллари бузилиб.

Рустамбек, укам, деб кўзин ёшлади,
Вой аттанг, деб бармоғини тишлади.
Уйтиб-буйтиб, эўрминан уйга етди.
Келин экан Рустамбекнинг хотини,
Гўрўғлини шундай тўшига босиб,
Етти қават остиға тўшак ташлади.

Ана энди Рустамбек йиғлай-йиғлай, Гўрўғлини олиб келди. Рустамбекнинг хотини, эрининг юз-хотирини қилиб, ўрнидан туриб, «вой болам», деб бағрига босди, қучоқлаб кўкрагига олди. Гўрўғлибек одам кўрган эмас, бир чинқириб юборди. Рустамбекнинг хотинининг юраги ёрилиб Гўрўғлининг бонг урганига ерга йиқилиб кетайин деб қолди. Рустамбек, хотинимни жин урдими, деди.

Гўрўғлибек Рустамбекнинг уйида ош ичмайди, тўн киймайди, бир нарса берса олмайди, Қунғирбойни қўймайди, нон еб қорни тўймайди. Рустамбек айтса ҳеч нимага кўнмайди. Шунда Гўрўғлининг гўр бошида ошиқ ўйнаб бир тошни такя қилиб, мозордаги ўликларни гардкам-гардкам, деб ўйнагани Рустамбекнинг эсига тушди. Бир этак ошиқни олиб келиб, Гўрўғлининг олдига тўкди. Гўрўғли мийиғидан кулиб, узалиб, қўли билан ошиқларни олдига тортиб, йиғиб олди. Шунда Рустамбекнинг ўғли Қўнғирбой ҳам уч яшар бўлган эди. Гўрўғли Қўнғирбойни ўзи билан тенг бир бола кўриб: «Бунда кел!»— деб имлади. Қўнғирбой Гўрўғлидан қўрқиб, ҳуркиб ўтириб эди. Гўрўғлининг кулганини кўриб, у ҳам кулиб, Гўрўғлининг олдига келди. Гўрўғли ҳалиги ошиқнинг ярмини Қўнғирбойга берди... Икки ёш бачча, иккови бирдай бўлиб, очилган гулдай бўлиб, сайраган булбулдай бўлиб, бир-бири билан сўзлашиб, ошиқни ўртага ташлаб ўйнашиб, кўчалардаги ўзи билан тенг баччалар билан ҳам оз-мозгина талашиб, сукишиб юра бердилар. Орадан уч кун ўтди. Энаси эсига тушиб, Гўрўғлибек Рустам тоғасининг олдига етди. Шунда Рустамбекка қараб Гўрўғли бир сўз деди:

Қулоқ солинг, тоғажон, гапнинг ростига,
Раъйинг қўйинг, сўзимнинг пайвастига.
Уйгинама олиб борсанг тоғажон,
Ҳилолойдай энам тушди эсима!

Бу ғариблик юрак-бағрим йиртади,
Боққа кирган олмаларни отади.
Мен энамни соғинибман тоғажон,
Ватанима олиб борсанг қайтади?

Юракларим бўлиб кетди тўла қон,
Қиблагоҳим мен энамни соғиндим,
Уйгинама олиб борсанг тоғажон!

Эшит тоға, жиянингнинг тилини,
Ҳар бандамнинг худо билар ҳолини.

Қиблагоҳ энамни ёмон соғиндим,
Мен билмайман мозоратнинг йўлини.
Сиз синглингни, мен энамни кўрайин,
Юринг тоға, ватанима борайик!

Гўруғлидан бу сўзни эшитиб, Рустамбекнинг ранги гулдай сўлиб, ичи ғамга тўлиб, энасининг ўлганини билмайди, деб Гўруғлига тасалли бериб, бир сўз деди:

Мард киши душманға қилади қасдди,
Яхши одам қиладикан ҳавасди.
Йиғлама, айланай кўнглим бузилди,
Ота билан эна ўлмак меросди(р)!

Йиглаганнинг ёқаси ҳўл ёшига,
Ўлган одам ҳеч бир тирилғани йўқ,
Ўлган кетар биз борамиз қошига.

Йиғлама, айланай бағрим эзилди,
Кўзларимдан қатор ёшим тизилди!
Йиғлама фарзандим, кўнглим бузилди!
Кўнгин болам худонинг қудратиға,
Бу қисматлар азал кунда сезилди!

Қаддимни қайирган қайтайин доғ-а
Қарчиғай селкиллаб қўнар қароға
Ўз куйганим етмасмиди ўзима,
Ота билан эна ўлмак хасимди.
Буйгинангдан мендай тоғанг садоға.

Куйганидан ғапни гапга улайди,
Кўзда ёшни қўли билан силайди.
Ҳилолойни куп соғинган Гўруғли,
Он боргин деб бетоқат буп йилайди[1].

Ғам сарғайтиб тоғасининг юзини,
Мерганлар отади кўлнинг ғозини.
Гўруғлининг ҳолига қараб тоғаси,
Ҳай аттанг, деб тухтатолмас ўзини.
Гуруғлининг ўпкаси шишиб кетди,
Рустамбек беҳуш бўлиб ўзидан кетди.
Қунгирбой баччаси дод деб йиғлашди.

---

[1] Йиғлайди.

«Ўгайлиги энди маълум бўлди»,— деб
Гўрўғлибек чиқиб олиб ҳовлидан,
Йиғлай-йиғлай кўчаларда сарсон бўп,
Ҳилолнинг олдига боласи етди.

Ана шунда Гўрўғли «тоғам ўгайлик қилди, бўлмаса мени энамнинг олдига олиб борарди», деб йиғлай-йиғлай тоғасининг уйидан чиқиб, энасининг гўрининг бошига борди.

Рустамбек беҳуш бўлиб, ётиб қолган эди, Қўнғирбойнинг энаси, Гўрўғлининг қаёққа кетганини билмай қолди.

Ақли расоларга маълум бўлсинким, ҳар қандай одам бўлса ҳам, ёши етмай-иши етмайди экан. Гўрўғли энасининг ўлганини билган бўлса ҳам болалик қилиб, гўр бошида, ўлган энасига қараб, «Гўрингдан чиқ!» деб бир сўз деди:

Боққа кирдим лола гулдан тергани,
Иложим йўқ танда жоним бергани.
Уч кун бўлди, эна бежой соғиндим,
Гўрўғлидай ўғлинг келди кўргани,
Болам, деб олдима чиққин энажон!

Кўп согиндим юракларим бўлди қон,
Кўчаларда бўлиб қолдим саргардон.
Гўрўглидай ўғлинг келди соғиниб,
Туракай[1] уйингдан чиққин энажон.

Искалаб бағрингга олсанг на бўлди?
Йиглай-йиғлай ичим қонларга тўлди.
Эсима тушганда қаддим букилди,
Болам, деб олдима келгин Ҳилолой!
Бирор фасл, мени суйсанг на бўлди?
Толпиниб олдима чиққин энажон!

Сарғайибди Гўрўғлининг сиёғи,
Уйилибди анинг бодом қовоғи.
Жони бўлса чиқар эди олдига,
Туролмайди Ҳилолойнинг танаси.

Сарсарда очилар тоғнинг лоласи,
Куймагай банданинг кулба хонаси.
Энажон деб мозоратда бўзлайди,
Ҳилолойнинг гўрда топган боласи.

---

[1] Тура кок.

Энажон, деб йиғлай-йиғлай хўрсиниб,
Уйқу олди Гўрўғлининг кўзини.
Ҳар ким кўнгли мард билмайми ўзини?
Рустам босиб қолди изини.
Юрак-бағрин бек Рустам тузлади,
— Бир яланғоч бола бундан ўтдими?— деб,
Кўчадаги лопкончилардан сўраб
Гўрўғлининг кетган йўлин излади.
Излаган банда муродга етибди,
Бек Рустам кўп қайғуни тортибди.
Мозоратга бориб кўрса Рустамбек,
Кўз ёшига чаккалари лой бўлиб,
Пишиллаб Гўрўғли ухлаб ётибди.

Гўрўғлининг ҳолин кўриб тоғаси,
Қучоқлаб баччани бағрига олди.
Чучук уйқуда ухлаб ётган Гўрўғли,
Энажоним олдига олдими, деб
Вой эна, деб уйқусидан уйғонди.

Ёмғирман баҳра олар даштнинг гиёси,
Баланд тоғда шунқор қушнинг уяси.
Шундайин Гўрўғли тиклаб қараса,
Энасимас, олган Рустам тоғаси!

Қўрчоқ уйилганга кўнгил кўникди,
Энди кетди энасининг ҳаваси.
Қуръон ўқиб, энасининг руҳига,
Олиб қайтди Рустамбекдай тоғаси.

Баракалла, Рустам тўғрилигига
«Эр хизматдан топар экан», дер гап бор.
Шунча хизматларни қилиб Рустамбек,
Рустам бўлди шу давлатнинг эгаси.

Тўғри етар муродга, ёмон қолар уятга,
Тўғри ўзар, эгри тўзар, сиринг айтма ётга,
Тўғриликдан Рустам етди муродга.

Ана энди Гўрўғли энасининг ўлганини билиб қолди. Шунда Рустам:

— Болам Гўрўғли, сенинг энанг ўлган, ўлган одам гўрдан чиқмайди, ҳар нима бўлса ҳам худонинг тақдири шу,— деди. Гўрўғлига кўп насиҳатларни айтиб, уйига олиб қайт-

Бадкирнинг тарзига қараб, афти башарасини кўриб, ўйлаган ўйини билиб, бир сўз деди:

Сўйлайдиган бу суяксиз тил бўлсин,
Юрган жойим шаҳри Заргар, эл бўлсин!
Ажал ҳайдаб сен бунда келасан,
Гапир Бадкир душман, сенга йўл бўлсин?
Энди сенга қаттиқ ўйлар мўл бўлсин,
Сўнанинг қўнгани Ойдин кўл бўлсин!
Ажалинг етади менинг қўлимдан,
Сўйлагин тарафим, сенга йўл бўлсин?

Авваламбор, бир балони қиласан,
Ўйлаб турсам кўп гапларни биласан,
Гапир Бадкир душман сенга йўл бўлсин?
Узунди, қисқади тунлар мўл бўлсин
Аждарҳо нишоним, сенга йўл бўлсин?

Ана энди буни эшитиб, Бадкир Гўрўғлига қараб бир сўз деди:

Юрган ерим бўтакўзли жўнағар,
Панжам етса бурнингдан қон оқар,
Олтин соққа тилла, бу йўл ютасан,
Ошиқни мен билан ўйна, энағар.

Мени ютсанг муродингга етасан,
Агар ютсанг ўзинг бой бўп кетасан.
Ғижир-ғижир кела келгин ёш бачча,
Қани кўрай қайтиб мени ютасан?!

Гўрўғлибек яна вақтин хушлади,
Бошин чайқаб бармоғини тишлади.
Қўнғирбойни подачи қип, Гўрўғли,
Олчихезни ўрталикка ташлади.
Жўйлагин, деб бир-бирига сўйлади,
Гўрўғли белин маҳкам бойлади,
Ул Бадкир полвонга навбатни берди,
Анданкай Гўрўғли чўлаб тайлади[1].

Гоҳи ўйнаб вақтлари хуш бўлди,
Қўнғирбой кўзидан тўккан ёш бўлди.

---

[1] Ташлади.

Қизиқишиб икковлари ўйнади,
Куннинг ўзи, энди роса туш белди.

Бадкир деган ширин жонини сотди,
Гўрўғли ўзбеки қизиқиб кетди.
Айни пешин бўлганда Бадкир полвон
Биттасини қўймай баччани ютди.

— Ошиғимни бергин, қизиғар,— деди,
Гўрўғли қўлига тармаша кетди.

Кенгаш чиқар ўзбекларнинг бийидан,
Ёш боланинг пича қайтар раъйидан.
Вағирлашиб ўзбек уришин қилиб,
Гўрўғли бақириб турди жойидан.

Ана шунда, Гўрўғли Бадкирга тармашиб туриб, калласи билан Бадкирнинг иягига бир шохлади, тиши тилини чўртта қирқиб ўтди. Қораҳардай чўнгкираб қолди, олақароқ бўлган танадай муркираб қолди. Гўрўғли, Бадкирнинг қўлидан ушлаб бир зўр билан қўлини яғрини билан юлиб олди. Қайтариб, ўз калтаги билан ўзини, елкасига бир ошириб солди. Бадкирнинг суяклари ерга нақш бўлди, баданлари айрон солган тулупдай майда-майда бўлди, серрайиб унпа-узун бўлиб, ўлиб қолди. Буни кўриб, Қўнғирбой бориб Рустамбекка айтди.

Ана энди Гўрўғли Бадкирни ўлдириб, Бадкирнинг ошиғини ўлжа қилиб олди. Бадкирнинг чиночиғига солди. Димоғи чоғ бўлиб, орқалаб олди. Биби Ҳилол энаси эсига тушиб, Гўрўғли гўрга қараб ошиқни кўтариб, энасининг мозорига етди. Дуойи фотиҳалар қилиб, ўйлаб айтди, «туяси бор туя сўяди, қўйи бор қўй сўяди, бияси бор бия сўяди, мен камбағал бўлсам, менинг борим шу», деб қўлидаги бир тўрва чинодиқдаги соққа ва ошиқларни олдига олиб, ўз қўли билан тилла соққасидан, ошиғидан ҳар бир гўрнинг каттасига каттароқ, кичкинасига кичикроқ қўйди. Гўристондаги ҳамма гўрларга ошиғи етиб, ўнта ошиғи ортиб қолди. Гўрўғли етди, деб димоғи чоғ бўлди. Бадкир билан ўйнаб чарчаб қолган эди, ухлаб қолди. Буни ухлаб колмоқда қўйинг, энди Бадкирнинг қавми қариндошларидан эшитинг.

Бадкирнинг қариндошлари Бадкирнинг ўлганини билиб, энди тўпларни оламиз, тўп билан уриб Рустамнинг

уй-анжомларини теп-текис қилиб уйига ўт қўйиб, Бадкирнинг бир қони учун, Рустамбекиинг ўғлини, ўзини, хотинини, Гўрўғлини — тўрттовини ўлдирамиз, деб маслаҳат қилдилар. Заргар шаҳрида кўп ғала-ғовур, талатўп бўлди.

Буларни бу ерда, шу маслаҳатда қўйинг, Гўрўғлидан эшитинг:

Гўрўғли отасининг юртига кетар бўлиб, йиғлаб Рустамбекнинг қошига борди.

Гўрўғлибек зор-зор йиғлаб, мозоратдан қайтиб, Рустамбек тоғасига қараб, гарданини хам қилиб, қўлини лом қилиб, фотиҳа беринг, деб бир сўз деди:

Заргарнинг элида бўлдим саргардон.
Тоға бўлсанг айтгин, авлод-аждодим,
Уруғимни энди баён бергин, тоғажон!

Йўлиқмайин золимларнинг қаҳрига,
От чидамас аччиқ қамчи заҳрига.
Яхши-ёмон сизинг билан гаплашдик,
Талаб қилдим мен отамнинг шаҳрига.

Олисдан кўринар бедовнинг бўзи
Ғанқиллаб учади кўлларнинг ғози.
Кетар бўлдим энди, Ёвмит шаҳрига,
Тоға, бўлинг Гўрўғлибекдан рози!

Йигитни куйдирар сулувнинг сўзи,
Қоши қора, шўр дарёнинг қундузи.
Кетар бўлдим, мен отамнинг юртига,
Тоға, бўлинг энди мендан рози!

«Она рози, худо рози», тоғажон,
Тоға бўлинг жиянгинангдан рози!

Тоғасига Гўрўғлибек сўз айтди,
Йиғламай қайтайин, қисматлар қатти(қ).
Меҳр қўйиб қолган экан, Рустамбек,
Бу сўзни Гўрўғлидан эшитди.
Беҳуш бўлиб, бечора ўзидан кетди.

Ўғлидан зиёд кўрарди Рустамбек
Уч юз олтмиш бўғинларин бўшатти.
Хой аттанг-а, дардлар дардга улашди.

Бу сўзларни эшитиб Гўрўғлидан,
Бек Рустамбек ҳисобидан адашди.
Ҳам Қўнғирбой, ҳам чечаси йиғлашди,
Гўрўғлига, кетмагин, деб тирмашди.
Йиғлай-йиғлай барин ўпкаси шишди.

Энди Рустамбек бошидан ўтган сиру асрорларни баён бериб, бир сўз деди:

Худонинг ишини энди нетайин,
Сен кетган сўнг, хунобалар ютайин.
Сен бўлгин еган-ичганга рози,
Саккиз йиллик эски гапдан айтайин:

Йиғлайман ўз ҳолимга зор-зор,
Менинг жойимдан — Хоразм элидан,
Карвон билан келиб эдим эргашиб.
Гаждумбекка бўлиб эдим хизматкор!
Бу сўзима қулоқ солгин жияним,
Бачча̄лик қип, ақлинг кетмасин шошиб.
Эшитгин чироғим, мендан бу дотти[1],
Йиғламай найлайин қисматлар қатти(қ).
Бу дардимни сенга айтай чироғим,
Бир бедов отанг билан тоғанг боқди.
Совутиб, минишиб олди белига.
Бошини олиб, қутқаришиб иккови,
Евмитнинг элига қочишиб кетди.
Биби Ҳилол энангизни бўзлатди,
Еганима рози бўлгин, Гўрўғли,
Бу давлатлар тоғангизнинг давлати.
Бир кунлари келдим Заргар элига,
Тўп-тўп бўп, душманлар қип маслаҳатни:
«Ҳилолойни ўлдирамиз»,— дейишиб,
«Устиға оловлар қўямиз»,— дейишиб.

Бу гаплар жонимдан ўтди, фарзандим,
Шуйтиб қолди, энанг шўрлик адашиб.
Йиғлай, йиғлай энанғнинг ўпкаси шишиб,
Ҳам акадан, ҳам ёридан айрилиб,
Энанг қопти ҳисобидан адашиб.

---

[1] Додни.

Бошима тукилди дарёйи Уммон,
Эшитган сўнг бўлди қиёмат замон.
Қиёматлик синглим, деб энангни,
Шундан кейин бўлиб эдим қадрдон.

Мерос ҳалол олиб кетгин молингни,
Мен бандаман, олло билар ҳолимни.
Эшитгин, чироғим, тоғанг тилини,
Олиб кет, Гўрўғли, барча молингни!

Ясовда панд берар отнинг майиби,
Қуллагай йигитнинг пири-ғойиби,
Мен сенга ростини айтсам, Гўрўғли,
Сен бўласан, бу давлатнинг сойиби.

Ғуладанди югрук отнинг тўқаси,
Ёвда қайнар мард йигитнинг мияси.
Кетар бўлсанг, олиб кетгин Гўрўғли,
Сен бўласан бу давлатнинг эгаси!

Кўрар бўлдинг энди Ёвмит элингни,
Зор йиғлатдинг Қунғирбойни — улимни.
Еган-ичганима сен бўлгин рози,
Хайдаб кетгин йиғиштириб молингни!
Туяларга ортиб кетгин пулингни!
Отангнинг отини дейди — кўр Равшан.
Тоғангнинг отини дейди — Гаждумхон.
Ёппа-ёвлик, олиб кетгин молингни!
Эсон-омон кўрсанг ота юртингни,
Ҳар замонда кўриб кетгин ҳолимни!

Ана энди Гўрўғлининг кўнгли Рустамбек тоғасидан тўлди, димоғи чоғ бўлди. «Баракалла, Рустамбек тоға», деб бир сўз деди:

Бедов минган уйдан қирга чопилар.
Нур кўрганлар авлиёга топинар.
Эсон-омон борсам ота юртима,
Ёвмит элдан аркон давлат топилар.

Ёвнинг куни беклар қалқон чопилар,
Юраклари мисли ўтдай қобинар.
Эсон-омон бориб кўрсам отамни,
Шунча давлат Ёвмит элдан топилар.

Етти йил бўлганман Заргарда меҳмон,
Омонатди бу танамда гартак жон.
Эсон-омон топсам Туркман шаҳрини,
Аркон давлат ота юртда фаровон.

Душман кўпди, ақлимни шоширдим,
Азизлардек оёғингга бош урдим.
Кўнглим тўлди гапларингга, Рустамбек,
Тоға, давлатимни сизга топширдим.

Офтоблар қайнатар чўлда мияни,
Бирон нусха олиб кетай ўзингдан,
Оп келиб бер, ўзим эмган бияни.
Анжом-асбобларни сизга топширдим,
Сирим айтмай ғанимимдан яширдим.
Эл кўчириб Ола тоғдан оширдим,
Улуғ дедим остонангга бош урдим.

Отам десам рангим гулдай сўлади,
Чўлларда аҳволим қандай бўлади?
Бир хоназот олиб кетай уюрдан,
Ёвмит борсам бизга белги бўлади.

Чини билан дуо қилинг тоғажон,
Бу етимлик мени қилди саргардон!
Омон-эсон элга борсам бегумон,
Ота юртга эсон борсам бўлади.

Сўналар лойлайди чалқиган кўлни,
Хайр қилди Рустамбекка кўп молни,
Мол-дунё кўринмайди Рустамга,
Ушлаб олди Рустам тарлон байтални.

Ўтар дунё қиёматни ўйлади.
Олиб келиб Гўрўғлининг «энасин»,
Якка михга бек Рустамбек бойлади.
— Мана кийиб кет,— деб Рустамбек,
Қўлтиқ-қўлтиқ тўнлар оп кеп тайлади.

Ана энди Гўрўғли кетгандай, ой ботгандай, Рустамбек дунёдан ўтгандай. Рустамбек шундай қараса Гўрўғли ўн-беш кунлик ойдай, қадди-комати, шони-шавкати, ҳар ки-

шининг бўлар экан ўзига яраша ҳурмати. Буни бу аҳволда кўриб, Рустамбек Гўрўғлига бир сўз деди:

Болам, кетсанг ақлимни шоширдим,
Сирни айтмай ғанимлардан яширдим.
Эсон-омон боргин Туркман юртига,
Бор Гўрўғли, бир оллога топширдим!

Соғ-саломат кўргин ота юртингни.
Сафаринг, чироғим, бехатар бўлсин!

Қўнғирбойман чечаси бўзлашади,
Рустамбекнинг энди ақли шошади,
Қучоқлашиб, искалашиб ҳаммаси,
Ярим кеча, «Аттанг!» «Аттанг!» дейишади.
Зор йиғлашиб, уччовлари кўришиб,
Ярим кеча йўлни ўнглаб Заргардан,
Гўрўғлини чиқарипти Рустамбек,

Гўрўғли, «кийим олмайман, кийим киймайман», деганда Рустам фиғон бўлди. Рустамнинг хафа бўлганини билиб, «ўзим киймасам ҳам бировга бериб кетарман, оч-яланғоч дунёда кўп», деб тоғасининг берган кийимидан бир бўхчасини бир қўлтиқ қилиб олиб кетиб эди.

Алқисса, Рустамбек ярим кечада Гўрўғлини жўнатиб уйига қайтиб келди. Уйида ётди, эрта билан тонг отди. Рустамбек ўрнидан туриб қараса, теваракни лашкар босиб кетипти. Шунда лашкарлар бирдан «Чов!» деб келиб Рустамбекни банди қилиб, Шоҳдорхоннинг олдига тўғри қилди. Шоҳдорхон:

— Эй, Рустамбек, авлод-аждодларинг қани?— деди. Рустамбек:

— Ўзимнинг ўғилларим уйда,— деди. Шоҳдорхон:

— Жанжалчи, одам ўлдирадурган ўғлинг қаёқда?— деди. Рустамбек:

— У менинг ўғлим эмас,— деди. Шоҳдорхон:

— У кимнинг ўғли?— деди. Рустамбек:

— У Равшанбекнинг ўғли. Энасининг қорнида қолган эди. Биби Ҳилол ўлгандан кейин олиб бориб кўмиб келдим. Орадан уч йил ўтди. Бир кун мозористонга бордим. Биби Ҳилолнинг гўри олдида ётган экан. Савоб-да, деб уйимга олиб келдим. Орадан тўрт йил ўтди. Кишининг

боласи эди. Кеча намозгар Ёвмитга кетди,— деди. Шоҳдорхон:

— Ҳай аттанг, соҳибқирон эди, билмабсизлар,— деб ҳамма фолчи-раммоларини ва мунажжимларини дорга тортди. Рустамбекни рост сўзлагани учун Шоҳдорхон озод қилиб юборди. Рустамбекни озод бўлмоқда, Шоҳдорхонни раммоларни осиб ўлдирмоқда қуйиб, Гўрўғлидан эшитинг:

Гўрўғли ярим кечада эмган бия «энасини» етаклаб, Зардан чиқиб, йўлга тушиб кета берди.

Гўрўғли ўз аҳволига ва замоннинг ўтишига қараб, кета берди.

Очилар боғнинг гули,
Сўйлар танглайди тили.
Ёвмит элига жўнади,
Биби Ҳилолнинг ули.

Раҳм айлагай ёшига,
Куйиб ҳақнинг ишига.
Гўрўғлибек жўнади,
Эр Хизрнинг даштига.

Қуло чўлда сўзлайди,
Бўтадай бўп бўзлайди.
Гўрўғлидай бекбачча,
Ёвмит элни излайди.

Товус ётар қияда,
Бўз тарлонлар уяда.
Гўрўғлибек жўнади,
Кеча билан ҳам кундуз,
Бораётир пиёда.

Мулла ўқир забарди,
Уста олар табарди.
Юра-юра баччанинг
Оёқлари қабарди.

Қирдан ошиб югуриб,
Қадди ёйдай букилиб.
Қуло чўлда йўл юрди,
Тирноқлари тўкилиб.

Юрагида кўп уйи.
Саргайиб ранги-рўйи,
Тағи бир ой йўл юрди,
Йўлнинг, сувнинг гадойи.

Шоҳ олдида шоҳтери,
Элга кўпди қадри,
Жўнай берди чўлларда,
Евмит элнинг ботири.

Бу дамлар ғаниматти,
Етаклаб байтал отти.
Қуло чўлда йўл юриб,
Оғзи-бурнидан чанг кетди.
Сувнинг қадри ўтди,
Ё Хизр, пирим деб,
Бачча ўзидан кетди.

Очилмади лоласи,
Оқди кўзнинг жаласи,
Чўлда қолди ташналаб,
Равшан кўрнинг боласи.

Тумшуғи ҳўл ёшига,
Томоша қил, тарлон байтал ишига
Гулдираб, гулдираб жонвор кишнайди,

Соя солиб Гўрўғлининг бошиға.
Чўл титрайди биянинг нолишига.

Бек бўлганнинг бўлмас экан ҳавоси,
Топилгай-да энди дарднинг давоси.
Гўрўғли шундай ташналаб қолганда,
Болам, деб келди эр Хизр бобоси.
Хушвақтман ўткарсин қиш-ёзини,
Шоирлар қўлига олар созини,
Оғзига бобоси андак сув солди,
Гўрўғли шу замон очди кўзини.

**Гўрўғлибек кўзини очиб қараса, икки йигит келаётибди. Жуда ювинган, таранган, шоҳона сарполарга ўралған. Қўлида қарчиғай қуш, олдида қуш учиратурган кучук, Гўрўғлибек келаётган бекбаччаларга қараб, бир сўз деди:**

Боғда очилган гул ғунчалар,
Гулга ярашган нимчалар,
Икки бирдай бекбаччалар,
Қаерда Ёвмитнинг эли?

Минган оти тўбичоқлар,
Ёнида тилла пичоқлар,
Икки бирдай қўзичоқлар,
Қаерда Туркманинг эли?

Бир-биридан озодалар,
Кийганлари тозадалар,
Бедов минган хонзодалар,
Қаерда Ёвмитнинг шаҳри?

Минган оти тўбичоқлар,
Найзада заррин чочоқлар,
Икки бирдай ғўччоқлар,
Қаерда Ёвмитнинг эли?

Менман сиипаси доғлар,
Боқчаси бўстон боғлар,
Бедов минган бек ўғиллар,
Қаерда Ёвмитнинг эли?

Белида тилла камарлар,
Бошида майин дасторлар,
Чаккага қўйган шунқорлар,
Қаерда Ёвмитнинг эли?

Тоза гулдай навжувонлар,
Тарафи нуқ паҳлавонлар.
Пулдан келган бегумонлар,
Қаерда Ёвмитнинг эли?

Оққан кўздан қонли ёшлар,
От чопса чангийди дашлар,
Кўлингда толпинган қушлар,
Қаерда Туркманнинг эли?

Ўзинг бир элнинг бекзоти,
Юрагимда кўп дарддир,
Икки бирдай эл хонзоди,
Қаерда Туркманнинг эли?

Икки бекзода бу сўзни эшитиб, тилла узангига оёқни тираб, муртини бураб, отнинг тизгинини ушлаб, ўзини қийшайтириб эгарнинг бир ёғига ташлаб, Гўрўғлига шундай тиклаб қаради. Бирининг оти Қоллибек, бирининг оти Боллибек, иккови шундай Гўрўғлига қараса, Гўрўғлининг жандаси шалвираб турибди. «Женама қадам, енги йўқ, етимликдан ками йўқ, ҳеч одам бунинг билан тенги йўқ».

Ҳалиги иккови «ҳар нима бўлса, худонинг бандаси-да, кел-э, бунинг сўзига жавоб бериб кетайик», деб Қоллибек Гўрўғлига қараб бир сўз деди:

Бу ёғи Асқарнинг бели.
Паст ёғи Хуросон кўли.
Қайдан келдинг, етим бачча?
Ана шу, Туркманнинг эли!

Булбуллар сайрайди баҳри,
Бекларнинг келмасин қаҳри,
Туркман элни билмасанг,
Мана шу, Туркманнинг шаҳри!

Очилар боғларда ғунча,
Юракда дарду ғам анча.
Туркман элин билмасанг,
Туркманга келдинг, ёш бачча!

Яхшиға хизмат қилмаган,
Ота-энасин кўрмаган.
Ана шу, Ёвмитнинг шаҳри!
Ёвмит элини билмасанг,
Ана шу, Ёвмитнинг эли!

Бу сўзни айтиб, икки бекзода отини буриб, ўз йўлига қараб кета берди. Гўрўғлининг аччиғи келиб, ердан бир тошни узалиб олди, ҳалиги икки бекзодани урмоқчи бўлди. Яна ўзига-ўзи: «Шамолли кун чақирма, сўзинг зое кетади,— деб тасалли бериб,— бу иккови такаббур, малъун сифатли, ғофил бўлган, пулига қувонган, бева-бечора, етим-есир камбағални писанд қилмаган, тўқ ҳукизга ўхшаб, югуриб юрганлардан экан. Бахтим кулса бир куни жазосини бераман»,— деди.

«Энди менга, ўзимдай бир ғариб етимни топиб, сўрамоқ лозим бўлди»,— деб шаҳарга қараб кета берди.

Буни кетмоқда қўйиб, энди гапни Гаждумбекдан эшитинг. Гаждумбек Така юртидан тўқсон бекбачча билан Равшан кўрни кўраман, деб Ёвмитга келган эди. Урайхон подшо Гаждумбекни зиёфат қилган эди. Урайхоннинг айтуви билан Гаждумбек бир чойхонада икки юз чоқли бекбаччалар билан томоша қилиб ўлтирган, ҳали Равшанбекни бориб кўрган эмас эди. Лекин Равшанбек ўлтирган сарой ҳам шу ерга яқин эди. Гаждумбек келади, деб Равшанбек кўр ҳам саройнинг ҳамма ерини шипиртириб, сув сепиб, гиламлар билан ясаттириб қўйиб, кўз тутиб, қулоқ солиб ўлтириб эди.

Гўрўғлибек шу шаҳарга келгунча бирор одамни топмай, ўз тенгини кўрмай кела берди. Шаҳарнинг бир ерига келса, одамлар тўп-тўп бўлиб, кўча билан бир ёққа кетиб бораётибди. Шунда Гўрўғли айтди: «Булар бир жойга — тўйга ё азага, ё бир зиёфатга, ё бирон яхшилик ерга бораётибди. Кел-э, мен ҳам шу ерга шулар билан борайин, томошаси бўлса кўрайин, зиёфат, тўй, худойиси бўлса халқ қатори ҳақимни еб, индамай томоша қилиб яхши-ёмонни билайин; агар мени етим, деб кўзга илмай, қарамаса, тенглигимни бермаса, муштга хархаша қилиб, беш-олтитасининг кекирдагини узиб, ажали етганларини ўлдириб, ўзимни буларга танитайин». Одамларга эргашиб, бу ҳам уларнинг орқасидан кета берди. Кетаётган кишилар ўтиб кетди. Гўрўғли бир кўрнинг олдига етди, уни кўриб, Гўрўғлининг аъзойи бадани мумдай эриб, қўрғошиндай балқиб кетди. «Кел-э, кўрни кўр билади, зўрни зўр билади, кўздан айрилган кўрнинг кўнгли ғариб бўлади, шундан отамни сўраб, бир сўз айтайин»,— деди. Гўрўғли қараса, ҳалиги кўр қизил юзли, юзларидан нур томган, малойика талъатли, ҳур келбатли, шер сифатли, кўзидан бошқа ерда син йўқ, мартабали, улуғ одам экан. Шунга қараб, Гўрўғли бир сўз деди:

Ассалому алайкум турган, бобожон,
Йўқчи бўлиб келдим Туркман элига.
Ғофил қолиб, карвонимни кўчирдим,
Нечовларга ажал шарбат ичирдим,
Йўқчи бўлиб келдим, бобо, элингга.
Бир шунқорман, қарчиғайни қочирдим,
Қутулмадим ғарибликнинг дардидан.
Яхши одам тоймасин давлатидан!
Йўқчи бўлиб келдим, бобо, шаҳрингга.

Излаб келдим, шунқоримнинг ортидан,
Мен сайёдман, шунқоримни, кўрдингми?

Яхши сўзла, қулоқ солай тилингга,
Худо раҳм айласин, бобо жонингга!
Ғайри юртдан қарчиғайимни сўраб –
Излаб келдим, бобо, Туркман элига.

Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, оҳ тортиб «сен кимсан, қайси ердан келдинг, кимни сўрайсан?» деб Гўрўғлиға қараб, бир сўз деди [Равшан]:

Душман қурсин кўзгинамни ўйдирди,
Давлатли одам сийлов тўнин кийдирди.
Ростин айт, чироғим, қайдин келасан,
Айтган сўзинг юрак-бағрим куйдирди?

Гапингга қарайман, нодон боласан,
Мен ўйласам, оша юртдан келасан.

Товушингни Ҳилолойга ўхшатдим!
Шу шунқорнинг, сен нимаси бўласан?

Гапгинангга банди-бўғним бўшади,
Сен сўйладинг суякларим шовшади.
Қарчиғайнинг сен нимаси бўласан?
Товушгинанг Ҳилолжонга ўхшади!

Душман кўрсам, қаттиқ-қаттиқ тош отдим,
Гапгинангга юрагимни бўшатдим,
Шу шунқорнинг, сен нимаси бўласан?
Товушингни Ҳилолойга ўхшатдим!

Буни эшитиб, Гўрўғлибек бир сўз деди:

Эшитинг бобожон ўзимдан сўзни,
Ҳай дариғо, ғам сарғайтди гул юзни.
Кўрган борми, билган борми отамдан,
Ўзингиздай икки кўзи ожизни.
Гаждумбекман, кўр Равшанни билдингми?

Мен ўқидим алиф билан забарни,
Гаждумбекман кўр Равшанни сўрайман,
Кўр Равшан отамдан беринг хабарни!
Гаждумбекман Равшан кўрни кўрдингми?

Номард отам бундоқ қочиб келгани,
Ҳилолойнинг ранги гулдай сўлгани,
Кўр Равшан отамдан беринг бир хабар
Мен бўламан ҳомиладор қолгани!
Гаждумман кўр Равшанни кўрдингми?

Худоё кетгай-да юракнинг дарди,
Келган жойим Туркман элнинг элати.
Излаб келдим, Гаждумбекдай тоғамни,
Мен бўламан кўр Равшаннинг фарзанди!

Чопилса дол бедов қайтмас раъйидан.
Равшанбекнинг юраклари ёрилиб,
— Воҳ болам!— деб бўзлаб турди жойидан.
Вой болам, деб бармоғини тишлади,
Хай аттанг, деб кўзларини ёшлади.
Кўзим ожиз, кўролмайман болам, деб
Ўзини супадан отиб ташлади.

Давлат турмас такобирнинг бошида.
Қулочини ёзиб олиб кўр Равшан,
Болам деб айқалаб босди тўшига.

Хўрсинибди сўйлатолмай тилини,
Карвонлар чанг қилар юрган йўлини.
Воҳ болам, деб юраклари ёрилиб,
Қучоқлади ичда қолган ўғлини.

Мерганлар отади кўлнинг ғозини.
Хўрсинибди айтолмайди сўзини.
Болам, деб бағрига босиб кўр Равшан
Искалаб юзига қўйди юзини.

Гўрўғлибек вақтларин хушлади,
Бошин чайқаб бармоғини тишлади.
Қамишдай буралиб энди ёш бачча.
— Ота!— деб бўйнига қўлин ташлади.

Чорсуда Гаждумбек қулоғин солса,
Болам, деди кўр Равшаннинг довуши.

Ука будир, бу дунёнинг ҳаваси,
Сира йўқдир бу ўлимнинг давоси,
Сермаслаб Гаждумбек турди жойидан,
Тирик айрилган ёмон экан дунёда.
Эсга тушди, Ҳилолойдай синглиси.

Камар бойлаб дасторини ўради.
Кокилини ярашиққа тарады

Тири(к) айрилган Ҳилол тушиб эсига,
Гаждумбек жойидан тиклаб қаради.

Юзлари ҳам Ҳилолойнинг юзидай,
Қоши кўзи Ҳилолойнинг ўзидай.
Кўзда ёшин печи билан силай,
Бек Гаждумбек доду фарёд қилади.
Ҳилолой Заргардан келиб қопти, деб
Юраги ёрилиб, чопиб келади.

Талатўп бўп Ёвмит элнинг кўчаси,
Юрагида ғам кўп, дардманд анчаси,
Ҳар ким ўз элига кўпди ҳурмати,
Гаждумбекнинг гирдини олиб чопишиб,
Келаётир Ёвмитнинг бекбаччаси.

Қочиб келиб эди Заргар элидан,
Гап чиқади шоирларнинг тилидан.
— Вой боврим!— деб Гаждумбек югуриб,
Келиб олди Равшанбекнинг қўлидан.

Бедовга ярашган асл тўғаси,
Яхши одамнинг кўп ичида ҳаваси,
Болам, деб бағрига босиб искади,
Қочиб келган Гаждумбекдай тоғаси.

Ҳамма беклар бариси бўзлашади,
Гаждумбекнинг суяклари шовшади.
Навбат-навбат қучоқлашиб баччани,
Гўрўғлиман ҳаммаси кўришади.

Гўрўғлининг кокилини таради,
Кўрган тушни яхшиликқа йўради.
Жигарчилик кўп қийинди дунёда,
Бек Гаждумбек Ҳилолойни сўради:

— Якка кепсан ўзинг Туркман элига,
Раҳм айлагин куйганларнинг ҳолига,
Вой акам, деб ғариб бўп йиғлаб эди,
Нега ташлаб келдинг душман қўлига?
Қўл қанотим Ҳилолой синглим қани?

— Эшитгин, тоғажон, ўзимдан дотти,
Етимлиги қурсин, мени бўзлатти.
Яхши экан кўрдим, Ёвмитнинг юрти,
Бошдан ўтганини сизга айтайин:

Ҳилолой — шўр энам дунёдан ўтди!
Худонинг тақдири бизга шу бўлди,
Рустамбек, энамни сингил қилганди,
Оболиб мозорга қўйган экан-ди,
Ер юзига тушган экан Гўрўғли.

Яхши одамлар менга эгалик қилди,
Орадан тағида уч йил ўтганда,
Жияним, деб мозоратдан қучоқлаб,
Бек Рустамбек тоғам мени оп келди.

Жиян, деди парваришларни қилди,
Тарафнинг ичида мени зўр қилди.
Бежой кўп бўлди Рустам хизмати,
Яхшиликдан адо бўлмас ҳасрати.

Отамнинг отини, кўр Равшан, деди
Тоғамнинг отини, Гаждумхон, деди.
Шоҳдоршоҳ подшо ўлдираман деганда,
Ярим кеча олиб чиқиб Заргардан,
Ёвмит элга боргин, деди, жўнатди.

Эшитгин тоғажон, жиянинг зорин,
Талатўп қип келдим Заргарнинг шаҳрин,
Шўр энам ғариб бўп дунёдан ўтди.
Омонат, деб қўйиб келдим мозорин.

Ўлмай кўрдим сизни соғу саломат,
Рустамбекка бўлиб қолди қиёмат.
Энамнинг суяги қолди омонат,
Омонатга қилма, дедим хиёнат.

Қайтайин, тоғажон, синглингиз ўлди,
Равшанбекман сиздай мардни ахтариб
Гўрўғли жиянинг элингга келди.

Оралаган жойи боғ билан чорбоқ,
Бошқа бошдан уйилиб келди қобоқ.
— Вой гулим!— деб бўзлаб туриб жойидан,
Таёгин суяниб олди Равшанбек.

Дарвиш қуллар эрта саҳар уйгонди.
Ўлим келган оч бўйрини таянди

— Ғариб ўлган синглим,— деб Гаждумбек,
Во синглим, деб найзасини суянди.

Куйганидан гапни гапга улайди,
Гўрўғлининг манглайларин силайди.
Гўрўғли, энам, деб Равшан, гулим, деб
Бек Гаждумбек найзасини суяниб,
Монанди Ҳилолой янги ўлгандай,
«Вой энам!» «Вой синглим», деб йиғлайди.
Одамларнинг қобоқлари уйилди.
Олтин пиёлага чойлар қуйилди,
Гаждумбек кўнглига қараб халойиқ.
Бандалик қилайлик, деб бариси.
Ёвмит элдан кўнгил етар йиийилди.[1]

Одамларнинг банд-буғини бўшади,
Ўлим қурсин суяклари шовшади.
Гаждумбекнинг сарпой кийган беклари,
Бири опам, бири синглимлашади.

— Во боврим!— деб, кўп одам чинқиради
Сатта кўрган одам боқди, қаради,
Боврим, деган бекларнинг довшига,
Монанди Ёвмит ларзага киради:

Ғазода бедовнинг думи сузилиб,
Азизлардан юрак-бағри эзилиб,
Бири боврим, бири синглимлашади,
Халойиқнинг кўздан ёши тизилиб,

Гўрўғли «энам» деди, Равшанбек «гулим» деди, Гаждумбек «синглим» деди, барча беклар «боврим» деб, халойиқлар бари дод айлади, гоҳи йиғлаб, гоҳи фарёд айлади. Мадрасадан мулла аъламлар неча суврани ўқиб, чорсуда бандалик деб, қуръон ўқиб, Ҳилолойнинг руҳини шод айлади.

Шоирнинг айтган сўзи кўп бўлди, авжи қолса гапи тушгур хўп бўлди. Гўрўғлининг бир байти соп бўлди. Ана энди, гапни кимдан эшитинг, Равшанбекдан эшитинг:

Равшанбек Гўрўғлининг оёғини, қўлини бетига суйкади. Ярақ этиб кўзи очилиб кетди... Ана шунда Қоллибой,

---

[1] Йиғилди.



„Гўрўғлининг туғилиши" достонига.

Боллибой кўрган билганларини Урайхон подшога бориб айтди:

«Эй, тақсир, арзим бор». Урайхон подшо:

«Нима арзинг бор?»— деди. Шунда иккови:

— Султон суягини хўрлапти, деган сиз бўлдингиз,— деди. Урайхон подшо:

— Нимага, далил кўрсатинглар,— деди. Шунда булар:

— Равшанбек, Одилхон подшонинг бел боласи экан, Биби Ойшадан туғилган экан. Равшанбек Заргарнинг юртида Биби Ҳилолойни олган экан. Бу кўр бўлиб қочиб келганда Биби Ҳилолнинг қорнида гумона қолган экан. Ҳилол ўлган сўнг, ғўрнинг ичида бир ўғлон пайдо бўлган экан, баччанинг отини Гўрўғли қўйган экан, ўзи қип-қизил яланғоч келибди. Гаждумбек уч кундан бери Ҳилолойга он бериб худойи қилиб, шу Гўрўғли билан бирга ўлтирибди. Ана шу ишимиз уят бўлган экан,— деди. Урайхон подшо вазирларидан бу сўзни эшитиб айтди:

— Подшоларнинг ақли, эси, вазирлар бўлади, деб эшитганларинг йўқми? Бу айблар, сизлардан бўлган. Бу тўғрида менда айб йўқ. Кўрдан нима қариндош бўлади, деб ўзларинг қувиб юбормадингларми?

Бу сўзнинг устига Аҳмадбек келиб қолди. Аҳмадбек айтди:

— «Дўст келса душман ер», деган мақолни эшитганинг йўқми? Бир одамнинг орқасидан неча дулдул отли, тўнли, тойли, шойли бўлиб юради. Лекин шунча йўлдан Равшанбек кўр бўлса ҳам, тоғам деб, суйкаиниб келди. Сенинг хумсалигинг тутди. Шундай сўз бўларини бир вақтда мен билиб эдим. Кел, жиянимсан, деб кўтармалаб, регистондан бир саройни ҳокимларнинг муҳрини босиб, олти қул сотиб олиб, бор, подшо Урайхонни дуо қил, деб бериб келиб эдим,— деди.

Лекин шундай бўлса ҳам Урайхон уялиб қолди. Шунда подшонинг олдида бир шоири бор экан. Подшонинг уялганини билиб, шу ўлтиришда бир сўз айтмоқчи бўлди. Шоирнинг оти Ханнон эди, подшого қараб бир сўз айтди:

Юрт қадрини шоҳлар билмас,
Тилла тахтдан тушмагунча.
Эл қадрини беклар билмас,
Бошқа элга ошмагунча.

От қадрини йигит билмас,
Яёв йўлга тушмагунча.

Эр қадрини хотин билмас,
Ёмон ерга тушмагунча.

Ер қадрини йигит билмас,
Ёмон хотин олмагунча.
Қуш қадрини сайёд билмас,
Қарчиғайни солмагунча.

Қўш қадрини деҳқон билмас,
Новвос, ҳўкиз қўшмагунча.
Тўн қадрини йигит билмас,
Тўн эгнидан тушмагунча.

Элнинг қадрин шоҳлар билмас,
Бошқа юртга ошмагунча.
Марднинг қадрин одам билмас,
Номардга бош қўшмагунча.

Ёмонлар тортсин жазосин,
Бериб ҳар кимга изосин!
Бек билмас инъом мазасин,
Ҳотам бўлиб тушмагунча.

Сўз деган бир гавҳар бўлар,
Қадрин билсанг жавҳар бўлар,
Суханвор қадрин на билсин,
Маъносига тушмагунча.[1]

Бир барнонинг кўп ақли,
Зарафшон бўйли кокили.
Ҳур юзлининг қадрин билмас,
Ёмонга бош қўшмагунча.

Зарнинг қадрин заҳҳобга айт,
Элнинг қадрин арбобга айт.
Хасислар мардони билсин,
Элнинг эгасин ёмонлаб,
Бир иш бўлиб шошмагунча.

Ҳад деган тош бебаҳодир,
Гавҳар тошларга подшодир,
Зар баҳосин ҳеч ким билмас,
Эгасига тушмагунча.

---

[1] Тушунмагунча.

Бир тулпорни нодон олса,
Туёғидан эгар солса,
Чубур қилиб миниб олса,
Бедовнинг қадрин на билсин,
Миниб отдан тушмагунча.

Илм сўзини мулла билар,
Яхшиларни доно билар,
Нодонларни на билсин,
Гап билиб сўзлашмагунча.

Яхши сўздан адашмас,
Ёмонларга бошин қўшмас,
Ҳар иш бўлса ақли шошмас,
Бесув дарёга ярашмас,
То мавж уриб тошмагунча.

Элдан айрилса бир жўмард,
Унинг билан бўлмас номард.
Яхши қадрин на билсин,
Ёмон билан гаплашмагунча.

Тўра юртинг ёмон кўрмас,
Ориятни сўкиб, урмас,
Каттиқ қийин жазо бермас,
Иши ҳаддан ошмагунча.

Ошиқ бўлса барнога,
Қора қош, кўзи шаҳлога,
Расво бўлсанг сен дунёга,
Эшитинг, инонса савдога,
Меҳри тош уни на билсин,
Ўт бошига тушмагунча.

Яхши тутар муҳаббатни,
Аралаштирмас бедардни,
Ўзига қўшмас номардни,
Ул қилолмас бу хизматни.
Жоҳил уларни на билсин,
Хомлигидан пишмагунча.

Билинг дўстлар, одам яхши,
Сиринг билар марҳам яхши,
Шоду ғамда бирдай бўлса,
Жон аямас ҳамдам яхши.

Тош кўнгил уни на билсин,
Эрминан қот танишмагунча.
Ўтган сўзни уйламангиз,
Бу гапларни сўзламангиз,
Ҳар иш бўлса бўлиб ўтти,
Ўтган гапни сўзламангиз.
Ҳаннон шоир сўзни айтар,
Жони тандан чиқмагунча.

— Ҳар нима бўлди, ўтган гап бўлиб ўтди, эндиги гап шуки, сизлар ҳам маслаҳат қилиб, бориб кўрганларингиз аълорок. Менинг сўзим шу! Бу ёғини, мана, вазирлар, акобир, шоповул, жаповул, унг оталиқ, чап оталиқ, маҳрам, ясовул, давронбеги, баковуллар билан сиз улуғ подшо ва бекзодалар биласизлар,— деди. Шунда Урайхон подшо барча бекзода, вазиру маҳрам, ясовулларига қараб:

— Энди гап, келган меҳмоннинг олдига бир ақли расо одам юбормоқ,— деди. Шунда ҳаммалари маслаҳат билан Ханнон шоир билан икки ясовул юбормоқчи бўлдилар. Нимагаки, Ханнон шоир сўз айтиб келган меҳмоннинг, ўтирган одамларнинг вақтини хушлайди, ўрдага олиб келади.

Ханнон билан икки ясовул—бирининг оти Ҳолмат, бирининг оти Олмат — учовларини жўнатди. Булар бодпой йўрға отни миниб ўз салтанатлари билан йўлга тушиб кетди. Регистоннинг олдидаги саройга етди. Қарасалар, ҳамма катта-кичик қўрғонбегилар, амалдорлар, саройга йиғилган экан. Дастурхонлар ёзилиб, ошлар одамларга қўйилган экан. «Подшонинг ясовули келди!»— деб саройдагиларнинг юраги теракнинг баргидай титраб, ақлдан адашиб ҳаммаси ўринларидан ерга тушиб, салом-алик қилишиб қолишдилар.

«Нимага келдилар экан?»— деб шунда турган хизматкорлар келган меҳмонларни отдан тушириб, вақтини хушлаб, жойга ўтқазиб, остига яхши тўшакдан ташлаб, кўришиб, сўрашиб турдилар. Келган ясовуллар Гўрўғлига қарасалар, ўн беш кунлик ойдай балқиб, юзларидан подшолик, полвонлик белгиси кўриниб турибди. Шунда буларнинг олдига дастурхон ёзилиб, турли-турли мевалардан, ошдан тортилди. Ханнон шоир қўлини алиф-лом қилиб, гарданини хам қилиб, яхши одоб билан Гўрўғлига қараб, бир сўз деди:

Ассалому алайкум, келган меҳмоним,
Хуш келибсиз, ана манзил, ана жой!

Баҳорда очилар боғнинг бодоми,
Қизнинг юзи қизил гулдек хирмони.
Бизлар билан бирга юринг, меҳмонжон,
Бизлар келдик, Урайхоннинг маҳрами!

Ҳар ким ўз жони учун қилар хайрди,[1]
Уйқу келса қуш бўйнини қайирди.
Бизлар билан бирга юринг қариндош,
Давлатли хон зиёфатга буюрди!

Кийиклар юради чўлнинг дашида,
Давлат турмас такобирнинг бошида.
Амри подшо вожиб, бизни буюрди,
Меҳмон, юринг Урайхоннинг қошига.

Бу шаҳар азимди айланиш кўча,
Кўчаларда гепгсалади бир неча.
Подшоҳимиз оп келгин, деб буюрди,
Зиёфатга бирга юринг, бекбачча.
Давлатли хон, оп келгин, деб чақирди,
Бизлар билан бирга юринг меҳмонжон!

Бўлиб кебсиз Қуло чўлда саргардон,
Юрагингиз бўлмағай-да энди қон!
Подшоҳимиз бари келсин, деб айтди,
Ҳамма турган бари юрсин, меҳмонжон!

Бизлар билан билла[2] юринг, халойиқ.
Амри подшо вожиб, деган бир гап бор!

Катта-кичикман деб айтманг, Гаждумбек,
Еппа-ёвлик шу турганинг юринглар!
Йиғлаганда ёш ёғилар юзларга,
Оғайнилар, қулоқ сонглар[3] сўзларга,

Оқшом қулоқ сонглар, чертган созларга!
Мерганлар ўқ отар кўлда ғозларга.

---

[1] Хайрди — хайрни.
[2] Бирга.
[3] Солинглар.

Ёппа-ёвлик бизинг билан юринглар,
Ишонимли одам келган сизларга!
Ёппа-ёвлик мана турган сатта бек.
Эй, ёш ўғлон жавоб беринг буларга,
Ёппа юринг зиёфатга кетамиз.
Юринг дарров шоҳ олдига етамиз!

Шунда бориб, қолган гапни айтамиз,
Созни чертиб, оқшом қўшиқ айтамиз!

Бу сўзни Равшанбек эшитиб, ўтдай туташиб:

— Заргарнинг шаҳридан келганимга саккиз йил ўтди. Баракалла Аҳмадбекка, менинг қадримга ўша етди. Урайхон подшонинг олдидан умидим узилиб, ноумид бўлиб чиқиб эдим. Мени еталаб Регистонга олиб келиб, шу саройни бўйи бараварли зарга сотиб олиб, қози-калонларга зиёфатлар қилиб, менинг отимга васиқа қилиб, бозордан олтита яхши ғуломбачча сотиб олиб келиб, ўлганингча шу Равшанбекнинг айтганини қиласан, айтганини қилмасанглар сизларни дорга тортиб ўлдираман, деб менга хизматкор қилиб бериб кетди. Шундан бери умрим шу билан ўтди. Мен Аҳмадбекдан розиман, аммо подшонинг олдига бормайман, Урайхон подшога мен энди қариндош бўлибманми, етти-саккиз йиллардан бери мени бир йўқлагани йўқ эди. Ота, деб энасининг ичида қолган фарзандим келибди. Ҳар йигирма кунда, Гаждумбекдан хабар келиб ётди. Урайхон подшо шу ерда туриб, мендан бир хабар олган йўқ, энди чақирганини бир пулга олмайман,— деди. Шунда Гўрўғлибек ўрнидан туриб, қўлини алиф-лом қилиб, гарданини отасига хам қилиб бир сўз деди:

Бўлиб келдим Қуло чўлда саргардон.
Кўзингиз юмиқти отажон Равшан,
Ҳақ ҳурмати, юринг шоҳнинг олдига.
Гина қилсанг кулфат ортар отажон!

Олқорлар сакрайди тоғда, далада.
Ҳақ ҳурмати, аччиғингни тилайман,
Юринг ота подшоликка борайик,
Мендайин фарзандинг тушди орага!

Куйганимдан гапни гапга улайман,
Ғариб ўлган Ҳилолойнинг ҳурмати,

Сўзи ўлгани — ўзи ўлгани одамнинг
Шу мавридга аччиғингни тилайман.
Юринг ота, шоҳни бориб кўрайик!

Йиғлаганда ёш ёғилар юзига.
Қулоқ солинг Гўрўғлининг сўзига!
Юринг ота, подшоликка борайик,
Уялгани бўлар, ота, ўзига!

Ғамни қўйинг ҳар тарафга дўндирманг,
Қариндошни қабрдан пари эндирманг.
Гўрўғлидай фарзандингнинг ҳурмати,
Халойиқнинг шаънини ҳеч синдирманг!
Юринг, ота, шоҳни бориб кўрайик!

Кенгаш чиқар элнинг катта бийидан,
Мард йигитлар ҳеч қайтмасин раъйидан,
Умригинанг узоқ бўлсин меҳмон деб,
Куллуқ дейишиб Урайхоннинг беклари,
Кўзғалишиб энди турди жойидан.

Равшанбекка худо берди давлатни,
Ияртириб Гўрўғлидай фарзандни.
Ҳаммасига жиловдор бўп ёш бачча,
Подшоликка турган одамлар кетди.

Томоша қинг шоирнинг ишига,
Йурғалатиб Регистоннинг қошига.
Меҳмон келади! Энди шоир чувлади,
Бориб қолди Урайхоннинг қошиға.

Ҳар ким ўз жони учун қилар хайрди,
Карвон юрса йўлга солар чийирди.
Боргин, деди подшо неча маҳрамга,
Чуст-чабик[1] қилиб барин буюрди.

Томошайланг бу бекларнинг ишига.
— Ассалому алайкум, азиз меҳмон,— деб
Пешвоз чиқди Гўрўғлининг қошига.

[1] Тез маъносида.

Вазирлар баччанинг вақтин хушлади,
Кўнгиллари қайта-қайта жўшади.
Вазирлар чопиб туриб жойидан,
Келган меҳмонларнинг отин ушлади.
Ўрин бериб меҳмонларга Урайхон,
Дастурхонни ўрталикка ташлади.

Гўрўғлибек отаси Равшанбек, тоғаси Гаждумбек ва эргашиб юрган бекбачча ва бекзодалар билан Урайхон подшонинг олдига бориб тушиб, қарор олдилар. Шунда Гўрўғлибек аввал Урайхон подшонинг олдига бориб, одоб билан дасти алиф-лом қилиб, гарданини хам қилиб, тўққиз-тўққиз таъзим қилиб, бошқа вазирлар билан хам кўришиб, хар қайсиларининг ўзларига яраша одобларини бажо қилиб, ҳамма турган катта-кичикларнинг димоғини чоғ қилди. Подшо, вазир, акобир, оталиқлар ва барча подшоҳзода, бекзодалар Гўрўғлининг одобини кўриб, «баракалла, Гўрўғли ёш экан, ёш ҳам бўлса катталарга бош экан», деб тан бердилар.

Урайхон подшо аввал Гўрўғлига ним тахтидан жой берди. Қолганларига ҳам ўз амалларига ва ўз мартабаларига яраша ўрин берди. Шунда ҳаммалари жой-жойларида ўлтириб олди. Тилла камар боғлаган маҳрам болалар хизматни ўрин қилиб, дастурхончи дастурхон ташлади. Қўл ювдирувчи қўл ювдириб, ҳаммалари бирдай, очилган гулдай бўлиб, бир-бирларига одоб билан қарашиб, маҳрамлари ярашиққа тилла кокилларини тарашиб, бир-бирларига кўзларини қисиб, имлашиб, ўлтиришда кайф-сафо қилишиб, ҳар хил дастурхонларни тортишиб, ҳар ранг зиёфатларни олдилар. Зиёфат тамом бўлгандан сўнг, фотиҳани бетга тортмоқчи бўлганда, ҳамма Гўрўғлига ишорат қилди, фотиҳа қилинг дедилар. Шунда Гўрўғли отаси Равшанбекка, дуо қилинг, деб ишора қилди. Равшанбек дуо қилди. Бошқа ўтирган Гўрўғли бошлиқ ҳаммалари «Омин!»— деб фотиҳани бетига тортдилар. Шунда Урайхон подшо:

— Сарпо олиб келинглар,— деб тегишли баковул, вазирларига амр қилди. Шунда маҳрам, вазирлар шоҳона сарполардан қучоқ-қучоқ қилиб ўртага қўйдилар. Гўрўғлининг юз-хотиридан ҳамма келган бекларга Равшанбек, Гаждумбек бошлиқ сарпо ёпдилар. Ана шунда Гўрўғлибекка хам неча одоблар билан подшоҳона тўн, сарпо ёпмоқчи бўлди. Шунда Гўрўғлининг эгнига тўнни солди. Гўрўғли тўнни

киймай, тиззасининг остига босди. Бу ишни кўриб, турган одамлар:

— Нимага тилла тўнни киймайсиз?— деди. Шунда Гўрўғли:

— Иложи бўлса, менга бир жун шолдан бўлган кийим берингизлар, кияйин,— деди. Гўрўғлидан бу сўзни эшитиб, ўлтирган кишилар дарров айтганидан зиёда, яхши жундан бўлган тўн-сарполарни олиб ёпдилар. Гўрўғли кийиб олди.

Улуғлар, вазирлар:

— Подшонинг берган тилла сарпосини киймасангиз ҳам олинг,— дедилар. Гўрўғли, хўп, деб тилладан бўлган подшоҳона сарпони олди. Шунда ўлтирган кишилар тўн, сарпо қутлуғ бўлсин қилдилар. Гўрўғли бошлиқ ҳамма тўн кийган бекзодалар, Равшанбек, Гаждумбек ҳаммалари қуллуқ, деб ўринларидан туриб, Урайхон подшони дуо қилдилар. Урайхон подшонинг димоғи чоғ бўлиб:

— Энди уч кунлик вақти хушлик, шодиёна тўй қилинглар, шаҳарларни чақириб тўй беринглар,— деб вазирларга фармон қилди. Вазирлар, хўп, деб ўринларидан туриб, уч кунлик тўй асбобини тузиб, ҳамма шаҳарларга, кўча ва гузарларга тўй хабарига жарчи қўя берди. Ана энди тўй бошланди. Ошпазлар ош пиширмоқда, новвойлар нон ёпмоқда бўлиб барча тўй асбобларини хизматкорлар тахлашиб, тўйга келган одамларга зиёфат устига зиёфат беришиб, қанд устига қанд, новвот устига новвот, шарбат устига шарбат тортди. Ҳар турли нози неъмат... Кўрганлар ҳайронда, кўрмаганлар армонда. Етганлар ҳар ранг зиёфатда, етмаганлар, уйқуси кўп одамлар маст бўлиб ухлаб ётир шарманда. Ана энди келганлар бу тартибда зиёфатни кўрдилар.

Подшонинг олдидаги улуғ меҳмонларнинг зиёфатларидан ҳам андак айтиб ўтмоқ лозим. Ўлтирган бекзодалар Гўрўғли бошлиқ Равшанбек, Гаждумбек олдига ҳам тилла дастурхонларни ёзиб, зиёфатлар устига зиёфатлар бериб, оқшом бўлганда ҳамма чечан-чобарни, шоир, сўз билгувчиларни йиғиб, созандалар сози билан, хуш жувонлар нози билан, сатта жоду кўзи билан ўйнашиб, кулишиб, бир-бирлари билан яхши сўзларни айтиб кулишиб, тонгнинг отганини, куннинг ботганини билмай, барча амалдорлар ва фуқаролар вақтлари хуш бўлишиб, созандалар созини чертдилар, наъмагарлар наъмаларини камсиз қилди. Ана шу орада уч кечаю уч кундуз ўтди. Энди Аҳмадбек зиёфатга айтди. Ҳамма одамлар подшонинг зиёфатидан фориғ бўлиб,

Аҳмадхоннинг уйига етди... Аҳмадбек ҳам «ёппа-ёвлик, Така юрти уч кун тўй, зиёфатга», деб айтди, жарчи қўйиб шаҳарларни чақиртирди. Ана шунда ўнг оталиқ, чап оталиқ вазирлари қозикалон, муфтилар, раислар, сап гардонкаш, сандал нешин полвонлар, ясовул, шиғавул, баковуллар, беклар, бекбаччалар, шаҳзодалар, далайи даштдан келган катта-кичик ўзбеклар, қозоқлар, эшитган ҳамма тўйга йиғилдилар. Аҳмад Сардор келган ҳамма одамларга эртан чой, оқшом палов бериб, палов устига ранг-баранг ўзларига яраша сарподан берди: димоғини чоғ қилди. Шуйтиб, кечалари созанда бахшилар соз, дўмбираларини чертиб, сухандонлар сўз айтиб, карнайчилар карнай чалиб, сурнайчилар сурнай чалиб, келганларнинг димогини хушлади. Одамлар Аҳмадбекдан рози бўлди, кўнгиллари жуда ҳам тўлди, вақти хуш бўлмаган одам қолмади.

Буларни вақти хушлик билан, димоғи чоқликда қўйиб, Аҳмадбекнинг хотинидан эшитинг: Аҳмадбекнинг Холжувон деган хотини бор эди. Лекин фарзанди йўқ эди. Холжувон қандай хотин — товусдай таралган, беллари буралган, ҳар хил кийимларга ўралган, ойнага қараган, зулфини тараган, ўзига лойиқ рўмоллардан ўраган. Ҳамма ери бирдай, тиши оппоқ дурдай, баданлари қишнинг куни ёққан қордай, лабининг ширинлиги асал билан болдай, юзининг қизиллиги қор устига томган қизил қондай... Аёлдан кимни яхши деса, Холжувон дегудай. Холжувон шу ерда турсин, Аҳмадбекдан эшитинг: Аҳмадбек зиёфат устида ҳамма йиғилган катта-кичик олдида, Гўрўғлини ўғил қилмоқчи бўлди, қўлига бир илик олиб, Гўрўғлига бермоқчи бўлиб, бир сўз деди:

Энди бўлгин кўнглимнинг ҳаваси,
Дуо қил, топилсин давлатнинг давоси.
Ўлганим сўнг, отам деб таёқ ушла,
Ўзинг бўлгин давлатимнинг эгаси!

Қуллагай йигитни пири-ғойиби,
Аҳмадбекнинг элда кўпди айиби.
Қиёматлик ўғлим дедим мен сени,
Отамлаб, бўл давлатимнинг сойиби!

Бефарзандман, доим куйдим ҳасратга,
Аскар ғайрат билан минади отга.
Ўзинг бўлгин ҳовлиларнинг эгаси,
Отам деб оббориб қўйгин лаҳатга!

Бефарзандман, ақлимни шоширдим,
Авлиё деб, оёғингга бош урдим.
Ҳам ўғлимсан, ҳам жияним, Гўрўғлим,
Аркони давлатни сенга топширдим.

Энди бўлди кўнглимнинг ҳаваси
Такобирни урар молнинг зиёси.
Анжом, асбобимни сенга топширдим,
Ўзинг бўлгин барча молнинг эяси![1]

Яхши кўрдим сенинг қадди буйингни,
Сен ҳам айтгин юрагингда уйингни!
Иликни қўлингга олгин фарзандим,
Қирқ кун қилай, болам, сенинг тўйингни!

Жойлагин сен, давлатли бўп, Туркман элингни,
Қиёматлик ўғлим дедим мен сени.
Элатингдан йиғай сатта бийингни
Аркон давлатни ўзим талатиб,
Қирқ кун, болам, қилай сенинг тўйингни!

Бу сўзни Аҳмадбекдан эшитиб, Урайхон подшодан бошқа, ҳамма ўлтирганлар жойидан турди. Ҳаммалари:

— Э, Аҳмадбек, ўғил ҳам, тўй ҳам қутлуг бўлсин!— дедилар. Аҳмадбек:

— Қуллуқ,— деди. Урайхон подшо ҳам халқ қатори Аҳмадбекка ўғил қутлуғ бўлсин, тўй қутлуғ бўлсин қилди. Аҳмадбек қуллуқ, деди.

Холжувон ичкари ўрдада. Ҳамма катта-кичик кайвони ойимлар, сапҳур сифатли, малойика талъатли келинчаклар, ҳар бири сулув нозанин қизлар, тенги-тенги билан, кўнгил суйгани билан ширингина сўзлашиб туриптилар. Шунда Холжувон хотинларга қараб, бир сўз айтаётипти:

Ойдан кўркам, кундан сулув юзим бор.
Давлатим бор, карашмам бор, нозим бор.
Сўзима қулоқ сол, сатта ойимлар,
Маслаҳат беринглар, сизга сўзим бор!

Хизматимда ойим деди бир неча,
Подшоларга хизмат қилди бир неча.
Ойимлар, маслаҳат қандай бўлади?
Тенгларим, маслаҳат қандай бўлади?

---

[1] Эгаси.

Сизларга айтилган менинг сўзларим,
Жовдирар мажлисда шаҳло кўзларим.
Гўрўғлини олиб келсак ўрдага,
Холжувонга маслаҳат бер, қизларим!

Қошинг дарёларнинг қундузи,
Кўзларинг сурмали, тонгнинг юлдузи.
Гўрўғлини олиб келсак ўрдага,
Маслаҳат бер, Ёвмит элнинг азизи!

Булбулнинг қўнгани боғда гул бўлди,
Мажлисда сўйлаган қизил тил бўлди,
Олиб келсак шу меҳмонни мажлисга
Ҳам Аҳмадга, Холжувонга ул бўлди.
Кайвони, маслаҳат қандай бўлади?

Кайвонилар:

— Бу айтган сўзингиз жуда яхши, қутлуғ бўлсин,— деб турдилар. Аёлларнинг ўртасидан Ҳолмат ясовулбошининг Холдоной деган хотини бир сўв деди:

Гоҳ-гоҳ ўзимдан кетдим ҳар замон,
Тоғларнинг бошини чолгандир туман.
Оллоҳим еткарсин сизни мақсадга,
Фарзандингиз қутлуғ бўлсин, опажон!

Бўлиб кепти Қуло чўлда саргардон,
Беклар Ойдин қўлга чуяр бўз тарлон.
Худоё ўлмасин, зоҳир дунёда,
Гўрўғлибек қутлуғ бўлсин, опажон!

Мажлисда сўйлайди ширин тилингиз,
Очилар боғларда лола гулингиз.
Койиш кўрманг ойим Ёвмит элида,
Фарзандинг қутлуғ бўлсин, улингиз.

Энди яхши бўлди кўрган кунингиз,
Обод бўлди ойим, Ёвмит элингиз.
Бу ўрдага ани олиб келайик,
Қутлуғ бўлсин, худо берган улингиз!

Холжувон бу сўзни турган ойимларнинг каттаси Холдонадан эшитиб, Дурдона деган канизакка:

— Беш-олти ўзингга яраша қизлардан бирга олиб, Гўр-

ўғлибекни бунда олиб келинглар,— деди. Дурдона, қуллук деб, жойидан туриб кетди, Гўрўғли билан Аҳмадбекнинг олдига етди. Аҳмадбекка салом бериб, Дурдона:— Холжувон ойим, Гўрўғли ўғлингизни ўрдага олиб кел деб мени буюрди,— деди. Аҳмадбек Дурдонадан бу сўзни эшитиб, Гўрўғлига айтди:

— Бор ўғлим, мен қандай бўлсам Холжувон ҳам шундай. Бориб кўришиб, танишиб кел!

Гўрўғлибек, қуллуқ деб ўрнидан туриб кетди. Ҳамма турган кишилар, «боргани дуруст, жуда яхши бўлди», деб қолдилар.

Гўрўғлибек, ўн тўрт кунлик тўлган ойдай бўлиб, Холжувоннинг олдига борди. Холжувон ойим Гўрўғли билан кўришди. Ойимларнинг олдида Холжувон Гўрўғлини ўғил қилиб, ёқасидан солиб, этагидан чиқариб олди, бетларидан ўпди. Турган ҳамма ойимлар ҳам Гўрўғли билан кўришиб, юзларидан ўпиб, Холжувон ойимга, «ўғлингиз қутлуғ бўлсин», дедилар. Холжувон ҳам уч кун тўй қилиб, аёлларнинг расми тааммуллари билан ҳар қайси аёлга сарпойи мурсаклар бериб, зиёфатлар қилиб вақтларини хушлади. Холжувоннинг уч кунлик зиёфати ўтган сўнг, Гўрўғли уларнинг олдидан чиқиб, оталарининг олдига борди. Шунда Аҳмадбек Гўрўғлининг қирқ кунлик тўйи деб чақирди. Жарчилар бозор, шаҳарни чақира берди. Қирқ кеча-қирқ кундуз тўй ҳаддан оша қизиқ бўлиб ўтди, ҳамма тўйга келган фуқаролар ва подшолар ҳам ўз ишига кетди. Гаждумбек ҳам ўз сарполарини, кийимларини кийиб, ўз эли Така Туркманга кетди. Равшанбек ҳам Аҳмадбек берган саройга кетди. Гўрўғли Аҳмадбекнинг уйида фарзанд бўлиб ётиб қолди. Кундан-кун, тундан-тун ўтди. Гўрўғли саккиз ёшга кирди, Аҳмадбек Гўрўғлибекни мактабга қўймоқчи бўлди, шаҳарнинг ичида Муҳаммад Юсуф отли бир олим киши бор эди. Шунга мактабга қўйди. Гўрўғлининг кўнглига илму ҳол, илму қол жой бўлган эди. Шундай бўлса ҳам Муҳаммад Юсуфга шогирд бўлди. Гўрўғли бир-икки фасл мулла Муҳаммад Юсуфнинг олдида туриб мулладан бир-икки сўзни эшитиб, қараса, мулла ўзи билган сўзидан камроқ билади. Муҳаммад Юсуфнинг илми йўқлиги Гўрўғлига билинди. Гўрўғлибек мулланинг саҳв ўқиганини билиб, мулласига бир қаради. Мулла шўрлик Гўрўғлининг ҳайбатидан қўрқиб, сўз ўргатмоқ тугул юзига асло қарай олмади. Шунда, мулла болаларидан бировини Аҳмадбекка юбориб айттирди. «Гўрўғлининг ўзи мулла, ҳамма илмларни билади, буни

ўқитмоқ лозим эмас», деди. Гўрўғли ўқиб бўлдим, деб мактабхонадан чиқиб, отаси Аҳмадбекнинг олдига етди. Аҳмадбек:

— Эй болам, ўзинг мулла, ҳамма илмдан бохабар экансан. Энди сени ўқитмайман, ўз ихтиёринг ўзингда,— деди.

Гўрўғлибек, энди далаларни кўриб келайин, деб ўзи эмган байталини етаклаб, далага қараб йўлга тушди. Хуросон кўлга бориб, байтални ўтлатиб юра берди. Байтали семириб кетди, бир кунлари айғир талаб бўлиб қолди. Шунда байталга от қўяман, деб бунга яраша чопатурғон катта айғир тополмади. Бир куни Гўрўғлибек байтални кўлнинг олдида етаклаб юриб эди, бир отнинг кишнаган товуши чиқди. Буни эшитиб, Гўрўғлибек у ёқ-бу ёққа қараб қолди. Кишнаган от шу кўлнинг ичида экан, бир вақт у кўлдан кишнаб-кишнаб чиқиб байталга чопди-ю, яна кўлга тушиб йўқ бўлиб кетди. Шунда Гўрўғлибек «отнинг ҳам обиси бўлади экан, сувда юради экан, бундан бўлган от ҳариш ё бир одамхўр от бўлади», деди. Ойдан ой, кундан кун ўтди, вақти яқин бўлиб байтал бир урғочи қулун туғди. Боласи етти кунлик бўлганда, байтал ўлиб қолди. Шунда Гўрўғлибек: «Ҳой аттанг, байтал ўлиб қолди, боласи етим бўлиб қолди», деб йиғлаб-йиғлаб, отаси билан энаси Холжувоннинг олдига борди. Шунда Аҳмадбек: «Ўлса ўлди-да, ажали етган байтал экан, ўзинг омон бўл! Ҳамма турган мана бу моллар сеники, бунга хафа бўлма»,— деб, тасалли берди. Шундай бўлса ҳам Гўрўғли, «мен сутини эмган эдим», деб кўп хафа бўлди.

Бир кунлари Аҳмадбек бир шаҳарга бормоқчи бўлиб, йўл ярогини қилиб, жўнаб кетди. Буни кетмоқда қўйинг, Гўрўғлидан эшитинг:

Гўрўғлибек ҳалиги етим бўлиб қолган қулун тойчани нима деса бериб парвариш қилиб юра берди. Гўрўғлининг байталига кўлда чопган от, дулдул эди. Шу дулдулдан бу той бўлган эди.

Бир кунлари Гўрўғлибекка, «отангиз Равшанбек касал бўлди», деб, хабар келди. Шунда Гўрўғли бориб кўрса, мазаси кетибди. Отаси билан розилашди. Отаси Равшанбек:

— Э, Гўрўғлибек, қиладиган ишингни худо ўнғарсин! Менинг насиҳатим шулки, ҳаргиз Аҳмадбек отангнинг айтганидан чиқма, Холжувон энангни йиғлатма!— деб васият қилиб, оламдан ўтди. Гўрўғлибек отасининг ўлганини кўриб хафа бўлиб қолди. Нима қиларини билмади. Одамлар Гўрўғлибекка:

— Э, Гӯрӯғлибек, ота ӯлмак мерос,— деб тасалли берди. Гӯрӯғли тойини етаклаб далайи дашт, чӯли биёбонларда отасининг ӯлганига димоғи куйиб гоҳ хафа бӯлиб, гоҳ тақдирига рози бӯлиб юра берди. Шу кӯргиликда орадан икки йил ӯтди. Ҳалиги байтал уч яшар бӯлди. Жуда катта байтал бӯлиб, айғир талаб бӯлиб куйикка келди. Эндиги гапни Холжувон ҳам Ширвоннинг шаҳридан эшитинг.

Ширвоннинг Райҳон араб деган подшоси бор эди. Ироқ мамлакати, Арабистон шунга қарар эди. Райҳон араб Холжувон ойимга ошиқ эди. Холжувон Ёвмит шаҳрининг фуқароларидан эди. Райҳон араб, Холжувон сулув қиз деб эшитиб, ӯзи келиб кӯрган, совчи қӯйиб ололмаган эди. Совчи қӯйганда Аҳмадбек ҳам совчи қӯйиб, Райҳонга бердирмай ӯзи олган эди.

Лекин Райҳон араб ҳар йилда ҳар замон, Аҳмадбекнинг йӯқлигида пана ерларда туриб, Холжувонни кӯриб кетар, кӯролмаса саксон кун касал бӯлиб ётар эди. Бир кунлари Райҳон «неча кун, неча ой бӯлиб Аҳмадбек бир ёққа, бир шаҳарга сафар қилиб кетибди, ӯз юртида йӯқ эмиш», деб эшитди. Аҳмадбекнинг йӯқлигини ғанимат билиб, Тажан деган дарёдан ӯтди. Ана энди Туркманнинг шаҳрига етди. Аҳмадбекнинг «Боғи майдон» деган бир ерда чорбоғи бор эди. Бир куни Гӯрӯғли кӯп хафа, байталини етаклаб юриб эди. Байталига қӯяйин деса, яраша от тополмас эди. Шундай «Боғи майдон»га бориб қараса, бир одам кӯзига кӯринди. Минган оти тулпор; осмонга тиклаб, осмонга чиқмоқни кӯзлаб турипти. Гӯрӯғлининг ота-бобоси синчи эди, кӯзи тушгандан билди. «Отлиқни гапга соламан, отини байталимга тилайман, берса беради, бермаса ёқасидан оламан, кутариб ерга ураман, калласига беш-олти муштни соламан», деди Гӯрӯғли ҳалигининг олдига бориб кӯриб, «бу бир шаҳарнинг подшоси, нима учун бу ерга келди экан», деб салом бериб бир сӯз деди:

Остингда ӯйнайди чин тулпор отинг,
Рустамга ӯхшайди шону шавкатинг,
Қаерда меҳмонжон сенинг элатинг,
Аждарҳо нишоним, қайдин бӯларсан?

Белингга бӯгганинг кескир исфиҳон,
Тарзингга қарайман, тарафсиз полвон,
Афтинг кӯриб манзил жойинг сӯрайман,
Қаердан келасан, айтгин, меҳмонжон?

Қошингни келтирдим бир янги ойга,
Кўнглингни ўхшатдим ҳотамтой бойга.
Ростин айт, меҳмонжон, қайси элатдан,
Нега келдинг, ўзинг, подшолик жойга?

Бесиёҳга ўхшатдим сумбатингни,
Менга айтгин, юрагингда дардингни!
Подшолик боғотда бўйлаб юрибсан,
Менга айтгин, униб-ўсган юртингни!
Бир гапим бор, айтай сенга меҳмонжон,
Байталима қўясанми отингни?

Ана буни эшитиб, Райҳон араб Гўрўғлига қараб бир сафсата гапни айтди:

Жуйлайдиган жуйчи бойлар жўйдими,
Давлати бор йигит доим куйдими?
Етимак кўнглингга малол келмаса,
Ҳур сифатли Холжувон уйдами?

Баҳор бўлса қўнғир ғозлар кўлдами,
Уруғли эл давлатбошисидами?
Мен сўрайман Холжувондай чечангни
Шаҳло кўзли Холжувонжон уйдами?

Неча кундан бери беклар тўйдами,
Сендай етим, отанг ўлиб уйдами?
Мен сўрайман, лаъл мунчоқли чечангни,
Ҳур сифатли Холжувонжон уйдами?

Гўрўғли бунинг Райхон эканлигини билган эди, билган бўлса ҳам сўраган эди. Бу гап Гўрўғлидан жуда ўтиб кетди. Шунда Гўрўғли Райҳон арабга қараб, «сени, дарров боса солиб сўяйинми», деб бир сўз деди:

Эшит меҳмон етимакнинг сўзини,
Мерганлар отади кўлнинг ғозини.
Ширвон элда Райҳон араб қизини,
Сулқиллаган Зайдинжоннинг ўзини,
Райҳон қизи — Зайдин ёрим уйдами?

.Мен ўқидим алиф билан забарни,
Темирчи худо деб урар табарни.
Ширвондаги Райҳон араб қизидан

Зайдиной ёримдан бергин хабарни!
Райҳон қизи Зайдин ёрим ундами?

Давлат берса зарли дастор ўрайман,
Кўрган тушим яхшиликка йўрайман.
Ширвондаги Райҳон араб қизини,
Қўш эмчакли Зайдин ёрим сўрайман,
Райҳон қизи, Зайдин ёрим уйдами?

Буни Райҳон эшитиб, ғилофидан ханжарини тортди. Шунда Гўрўғлибек Райҳон арабга бир тиклади. Жони чиқиб кетгудай бўлди. «Бу ҳам бекзодалардан экан, бунга тиғ-ханжар тортмоқ лозим эмас», деб ханжарини қинига «шириф» этказиб солиб қўйди.

Гўрўғлибек:

— Э Райҳон подшо, беодоблик сендан ўтди, унданкай мендан ўтди. Эшитганинг йўқми, «бировнинг бузоғи ўлсин десанг, ўзингнинг ҳўкизинг ўлар», деган сўз бор. Сен менинг Холжувон чечамни гапирдинг, мен сенинг қизингни сўраб гапирсам айб бўлдими?— деди. Шунда Райҳон араб «бу ёш экан, ёш бўлса ҳам, эсли экан», деб, ўзининг гапи айб эканини билди «вақтига етса одам бўлар экан», деб хохолаб кулди. Шунда Гўрўғлибек, Райҳон арабга: «Энди отингни менинг байталимга қўясанми?»— деди. Райҳон араб айтди: «Холжувонойим ўз қўли билан бир коса сув берса отимни қўяман!»

Гўрўғлибек:

— Ўгайчилик-да менинг сўзимга кирса, сув беради, менинг айтганимга кўнмаса қайтаман, кўнмаса ҳам отимга отингни берасан,— деди. Райҳон араб:

— Ҳар нима қил, Холжувон бир коса сув берсин, отимни байталингга қанча қўйсанг қўй,— деди. Шунда Гўрўғлибек:

— Хайр, мен бориб Холжувонга айтайин,— деб, Холжувонойимнинг олдига кетди. Гўрўғлибек йиғлаб бораётиб эди. Буни Холжувонойим кўриб, «нимага йиғлайсан» деб, Гўрўғлибекка қараб, бир сўз деди:

Ғазода бедовнинг думи сузилди,
Йиғлай-йиғлай наркасларим эзилди.
Нимага йиғлайсан, қаддинг букилиб,
Баччажон, нимага кўнглинг бузилди?

Бир худойим жудоликни солдими?
Мен билмайин рангинг гулдай сўлдими?
Нимага йиғлайсан, қаддинг букилиб,
Аҳмадбекдан ёмон хабар келдими?

Боғда очилган қизил гулинг сўлдими?
Ё ёмон сўз юрак-бағринг тилдими?
Оша юртга кетган тоганг ўлдими?
Тоганг ўлиб ёмон хабар келдими?

Подшолар элидан олар божини,
Мард йигит тарафдан олар ўчини.
Сен йиғладинг менда тоқат қолмади,
Чироғим, айт, йиғлаганинг важини!

Гўрўғлибек Холжувондан бу сўзни эшитиб, бир сўз деди:

Гап чиқади Гўрўғлининг тилидан,
Қутулмадим ғарибликнинг хилидан.
Мен йиғламай ким йиғласин чечажон?
Бир меҳмон келибди Заргар элидан.

Меҳмон кепти шаҳри Заргар элидан,
Юриб кепти чангиб ётган чўлидан.
Қўндирарға менда ватан бўлмаса,
Меҳмон кепти Рустамбекнинг қўлидан.

Ҳамишадай Равшан отам бўлмаса,
Айланай деб бўйнима қўл солмаса,
Азиз меҳмон кепти мени сўроқлаб,
Қўндирарға менда ватан бўлмаса,

Мард йигит душмандан олар ўчини,
Чин сулувлар бураб қўяр сочини.
Қўндирарга менинг уйим бўлмаса,
Йиғлаганим менинг шунинг учуни.

Буни эшитиб, Холжувон Гўрўғлибекка бир сўз деди:

Ҳарна бўлса меҳмонингман бўлайин,
Бу калламни этагига солайин,

Олиб келгин чироққинам меҳмонни,
Тос-тепамдан силжиб хизмат қилайин.

От, қўй кечган сувлар лойлансин,
Қасд қилган ғанимнинг қўли бойлансин!
Меҳмонингдан танда жоним садаға,
Мол-дунё меҳмонингдан айлансин.

Эшитгин чирогим, менинг зоримни,
Кўрсатгин оп келиб кирдикоримни!
Шу ватанлар чироққинам сизники,
Олиб келгин, сарф этайин боримни!

Эрнинг бошида бордир ўдаға,
Ўлим навбат эмиш шоҳи гадоға.
Дарров олиб келгин, қайним, меҳмонни,
Меҳмонингдан танда жоним садаға!

Бухча-чигин ўн беш яшар қизники.
Оппоқ қуллар турна билан ғозники.
Меҳмонингни олиб келгин чироғим,
Наққошли уйлар бари сизники!

Гўрўғлибек Холжувон чечасига ҳийла қилиб, бир сўз деган эди. Холжувон ҳийлани билмади. Гўрўғли «ҳар нима бўлса байталдан бир хоназот олайин» деб, ақли ҳуши байталда бўлиб шуйтиб ёлғон сўзларни ростдай сўзлаб ётиб эди.

Ана шунда Гўрўғлининг айтган сўзи будир:

Билмаганинг билдирайин билмасанг,
Чечажон, мақсадга етгин ўлмасанг!
Бир гапим бор сизга айтай Холжувон,
Тағин ҳам кўнглингга оғир олмасанг.

Боғларда тебранган олма, нормиди(р),
Қаторга тиркалган лўкча нормиди(р),
Бир гапим бор, сизга айтай, чечажон,
Яхши отли бир томиринг бормиди?

Узангига оёғини тирайди,
Давлати бор шол саллани ўрайди.
Булаваччанг, тоғаваччанг бормиди?
Гулшан боғда, остида яхши оти,

Холжувоной, ўзингизни сўрайди.
Бедов отли қариндошинг бормиди?

Холжувонойим лабини тишлаб, ичин тортди, Гўрўғлига қараб, бир сўз деди:

Аросат майдонда отни елибди,
Ўткир олмосин қўлга олибди.
Дарвозага қулфни солгин, чироғим,
Жун босган Райҳон араб келибди!

Еш ўғлон қулоқ солгин сўзима,
Йиғлай-йиғлай ёш ёғилар юзима!
Вой, жун соқол Райҳон араб келибди,
Етти ёшдан бери хуштор ўзима.

Йиғлатар элингда у бир нечангни,
Сўлдирар боғларда гули ғунчангни.
Ширвон элдан Райҳон араб келибди,
Олиб кетар Холжувондай чечангни.

Еш ўғлонсан ўзингни бўзлатар,
Оти илдам жойроғини хезлатар.
Ёнаштирма[1] жун соқолни бу ерга,
Холжувон чечангни оп қочиб кетар!

Ўйласам кун қиёмат бўлибди,
Тоғларнинг бошини туман олибди.
Ширвоннинг подшоси Райҳон араб,
Ўзи полвон, мени излаб келибди.

Қулоқ солгин мендай бебахт тилига;
Беклардайин пўта бойлар белига!
Дарвозаларни маҳкам қил Гўрўғли,
Олиб кетар мени Ширвон элига!

Гўрўғли айтди:— Э Холжувонойим, мен сенга ростин айтайинми? Сен Райҳон арабни билар экансан, лекин оти яхши от, бедов экан. Байталимга қўй деб эдим, чечанг ўз қўлидан бир коса сув берса қўяман, деди. Мана, гап шу! Сув берсанг, отидан бир хоназот чоптириб оламан; сув

[1] Яқинлаштирма.

бермасанг зорим бору зурим йуқ, қаққайиб қола бераман. Бу ёғини узинг биласан,— деди. Шунда Холжувон:— Мени олиб кетади-да,— деди. Гуруғлибек айтди.— Менинг оёғим узангида турганда чеча асло ғам ема! Менинг қулимдан олиб кетолмайди.

Шунча улай-булай деб Холжувонойим ҳар тарафга гапни қочирди, сузига Гуругли кунмай хафа булди. Шунда Холжувон айтди: «Гуруглибекнинг сузини қайтариб, қабул қилмасам, Аҳмадбек тоғаси келса, сенинг хотининг менинг сузимни қайтарди деса, сен Гуруғлибекнинг раъйини қайтарибсан, деб, мени тупга солиб оттиради, ё милтиқ билан отиб улдиради». Ҳар нима булса ҳам эсли аёл эди, айтди: «Гуруғлининг раъйини қайтариб Аҳмадбекнинг таёғини еб улгандан, ё уларман, ё қоларман, бир коса сув берсам берайин, Райҳон олиб кетар, ё олиб кетмас». Шунда Гуруғлибекка қараб:

— Э Гуруғлибек, энди сенинг учун ҳар нима булсам булайин. Меҳмонингни олиб кел, отини сенинг байталингга қуйса бир коса сув берайин,— деди.

Қора уй бор эди. Холжувон, «уйнинг ичида тураман, уй ичидан сувни бераман», деди. Шунда Гуруғли Райҳон арабни имлади. Райҳон араб отининг устида туриб, сув берсин», деди. Гуруғли, «отдан тушинг, отни байталга қуяйин», деди Райҳон араб айтди: «Отдан тушмайман, ишим ошиғич, дарров кетаман, байталингни олиб кел, шу туришда отни байталингга қуяман», деди. Гуруғли байталини етаклаб, Райҳон арабнинг оти олдига олиб келиб, тус қилиб турди. Райҳон араб, от устидан тушмай, отини байталга қуйди. Шу орада Холжувонга:— Сув бер!— деди. Холжувон бир коса сувни увуқнинг орасидан Райҳон арабга узатди. Райҳон араб сувни олмай Холжувоннинг қулидан ушлаб, силкиб увуқларни синдириб, бир тортди. Холжувонни увуқ орасидан улоқни суриб олган полвонлардай суриб олди. Шу орада оти Гуруғлининг байталига чопиб турган эди, Райҳон араб отининг жиловини икки қули билан ушлаб турган эди. Шунда жиловини қуйиб юбориб, Холжувонни гусам такадай қилиб олдига унгариб олди. Отининг жиловини қайтариб байталдан тушириб олди-да, жунаб кета берди. Гуруғли қараса, Райҳон араб Холжувонни унгариб олиб кетаётибди. Холжувоннинг пупаги Райҳон арабнинг биқинидан утиб, бораётибди. Гуруғли қулига қора уйга тираб қуядиган боқон ёғочни калтак қилиб олди. Байтални ирғиб миниб: «Чув-ҳо, чув-ҳо, чув!»—

деб қўя берди. Ана-мана дегунча Райҳон араб отининг қорасини олди. Райҳон араб жуда узаб кетган эди. Шундай бўлса ҳам, байтални қистаб чопиб, текис ерда Райҳон арабга етиб, отнинг думидан бир тол, икки тол қилини юлиб олиб бораётир. Лекин ёмон қир, ё тошлоқ тоб ерлар келса кейинроқ қолиб бораётибди. Бу байтал ҳам тулпордан туғилган байтал эди. Шуйтиб ўттиз тош йўлга қувиб кетди. Тажан дарёсининг у бошидан бу боши бир тош эди. Райҳон араб тикка бориб, чув деб отини дарёга тиклатиб солди. Оти дарёдан қирқ газ нари ирғиб ўтиб кетди. Ўтиб туриб Райҳон араб отини таққа тўхтатди. Гўрўғли ҳам тиклатиб, байтални дарёга солди, байтал байталлик қилиб ўтолмай қолди. Шунча қилди, ирғимади. Буни кўриб Райҳон араб кулиб, Холжувоннинг у ер бу еридан ушлаб, бўксаларига қўли билан шапатилаб, Гўрўғлига қараб турди. Гўрўғли буни кўриб, ранги сомондай сарғайиб, гулдай сўлиб, хафа бўлиб, «ҳар нима бўлса бўлди» деб қараб турди. Шунда Райҳон араб Гўрўғлига қараб маломат қилиб, бир сўз деди:

Юрган ерим бўтакўзли жўнағар,
Найза тегса оқ бадандан қон оқар.
Олиб кетдим Холжувондай чечангни,
Э, ҳок, э ҳок терда қолдинг энағар!

Йиғлатдим элингда мен бир нечангни,
Очилмай сўлдирдим боғда ғунчангни.
Олиб келдим, лаъл мунчоқли чечангни,
Ҳайрон қилдим сендай етим баччангни.
Ет-да, ол-да, қув-ҳо, қув-ҳо, энағар!

Талатўп қип келдим, Туркман шаҳрини,
Вайрон қилдим, шоҳнинг кирдикорини,
Олиб қочдим Холжувондай парини,
Ҳийла билан олдим Аҳмад ёрини,
Э ҳок, э ҳок, терда қолдинг етимак!

Фириб билан олиб қочдим чечангни,
Ет-да, ол-да Холжувондай ойимни!
Э ҳок, э ҳок терда қолдинг, Гўрўғли.

Баҳорлар сайрайди боғларнинг гули,
Янги тушди сенга тарафлик хили.
Олиб келдим жоду кўзли чечангни,

Дод дегиздим Ёвмит элда печангни.
Э ҳок, э ҳок терда қолдинг, Гўрўғли.

Бу сўзни Гўрўғли Райҳон арабдан эшитиб, терда қолиб, бахталидан беҳуш йиқилмоқчи бўлиб, яна тарафнинг олдида ўзини билдирмай долбиратмади. Гўрўғли ҳам Райҳоннинг жонидан ўтказиб, ўхшатиб бир сўз деди:

Менга ҳам қарашса бир парвардигор,
Уч йил Гўрўғли ёшини тўкар.
Яширинча қизингни олиб келарман,
Тавба деб ёқангни ушла занағар!

Куйдирарман сенинг хоназотингни,
Вайрон қип наққошли маконингни.
Оп келарман, сенинг Зайдин жонингни.

Ширвон элни олов қўйиб куйдирай.
Ҳар шаҳарга эълон хат қип ёздирай
Чин оти Хуморди, лақаби Зайдин,
Олиб келиб, Аҳмадбекка суйдирай.
Кўппак кучукдайин ҳурма занағар!

Қирқ йигит бекларим ўлтирганида,
Олиб келиб Зайдинойдай қизингни
Ҳар майлисда анга майлар қуйдириб,
Қилиб қўяй бекларима хизматкор!

Нонни катта тишлагин,
Гапни катта гапирма!
Сўз орқасин ўйлагин,
Юзинг туман бўлиб қолар, баччағар!
Уч йилда тойимни от қип минарман,
Бошингга йўқ савдолар соларман.
Уч йилда борарман Ширвон элингга,
Сўзингни ичингда сақла тарафим,
Ой Зайдин қизингни олиб келарман!

Аросат майдонда отим еларман,
Не-не савдоларни сенга соларман.
Сенинг сўзинг суягимни ўртади
Ҳам Холжувон, ҳам Ой Зайдин қизингни,
Оп қочиб, лотимни олиб келарман!

Ҳали ҳозирга хушвақт қилдинг ўзингни,
Юнглари елпиллаб турган юзингни.
Подадайин бўкирмагин занағар,
Оп келарман Зайдинжонни — қизингни!

Ёз гаримсел, қишда бўрон бўлмайми?
Беш кун даврон одамзодга келмайми?
Шу гапларим бошларингга тушганда,
Сендай қўппак тириклайин ўлмайми?

Туркман элга сийлов пўстин кийдирай,
Элатимдан лаббакларимни йиғдирай.
Уч йилда оп келиб, Зайдин жонингни,
Қартайганда Аҳмадбекдай тоғама,
Сўлқиллатиб Зайдинойни суйдирай.

Эшит қўппак, Гўрўғлининг оҳини,
Анданкай йиғай элнинг катта бийини.
Аҳмадбекка Зайдинни хотин қилиб,
Қуда деб айтарман элга ўзингни.
Келиб ерсан Зайдинойнинг тўйини.

Райҳон арабнинг бу сўзга жуда аччиғи келди, баданларидан ништардай ўтди. «Дарёдан ўтиб, бу энағарнинг калласини сапчадай қилиб узиб ташласамми», — деди. Яна ўзига-ўзи ўйлаб айтди. «Бу бола экан, минг нина бир жуволдиз бўлмайди, юз калта касратки бир илон бўлмайди, чўбир от бўлмайди, қирчанғи байтал тулпор туғмайди. Мен билан Гўрўғли баробар бўлами, Гўрўғли билан баробар бўлиб юрайми? Бу одам бўлганда менинг билан баробар бўлолмайди. Байталга бўлса, отимни ўхшатиб чоптирмадим. Менинг юртимга келолмайди», деб Холжувоннинг у ер, бу еридан ушлаб, кўзинг кўрсин деб, кўз-кўз қилиб, орқасига қараб жўнаб кетди.

Гўрўғлибек хафа бўлиб, дарёдан ўтолмай, «ўлмасам сени бир кўрарман», деб ўз элига боролмай, шаҳрига киролмай, Болли кўлига қараб кетди. Шу кўлларда байтални боқиб юра берди, лекин уйига келолмайди. Тонг қоронғиси бойлар чўпонларининг нонини тортиб олиб ейдирган бўлди. Чўпонлар, подачилар нон-ошларини далага чиқариб еёлмади. Гўрўғли шу тариқа кун ўткариб юра берди.

Бир кунлари Аҳмадбекнинг суюнчихўри, «Аҳмадбек оша юртдан келди» деб, келиб қолди.

Элати Холжувонни Райҳон араб олиб кетганига кўп хафа бўлиб турганларининг устига Аҳмадбекни келди, деб эшитиб вақти хуш бўлиб Урайхон подшодан бошқа ҳаммалари Аҳмадбекнинг олдига пешвоз чиқиб кетдилар. Аҳмадбекнинг олдига етиб, салом бериб, ҳол-аҳвол сўраб куришдилар. Аҳмадбек қараса йиғилган, келган одамларнинг ичида Гўрўғлибек кўринмади. Аҳмадбек Холмат, Олмат бекларга қараб, Гўрўғлини сўраб, бир сўз деди:

Ҳамма бекни кўрдим соғу саломат,
Ўлигим эгаси Гўрўғли қани?

Бир-бирингга юринглар деб сўйладинг,
Белларингга тилла камар бойладинг.
Сог-саломат баринг келдинг олдима,
Юрт эгаси Гўрўғлини найладинг?

Бормикан дунёда бир бағри бутун,
Синмагай-да учқур бўлган қанотим.
Салом бериб баринг чиқдинг олдима,
Қани менинг Гўрўғлибек фарзандим?

Кўлга чиқиб добилларинг туйдингми?
Олтин пиёлага майлар куйдингми?
Заргар элдан келган, сен етим дейиб,
Бирга оп келмай, ё кетинга қўйдингми?

Йиглаганда ёш ёғилар юзима,
Энкайсам оқ ювим тушар тизима.
Сог-саломат кўрдим мен ҳаммангизни,
Гўрўглибек кўринмайди кўзима.

Бу сўзни Холматбек, Олматбек ва барча беклар эшитиб, бариси тўдалашиб, маслаҳат қилиб айтдилар:

— Гўрўғлибекни бир одам зиёфатга олиб кетган эди.

Аҳмадбек:

— Туринглар, дарров Гўрўғлини олиб келиб, менинг кўзимга кўрсатинглар!— деди. Шунда эллик чоқли одам бирдан чопишиб, Болли кўлга кетдилар. Гўрўғлибекнинг олдига етиб бориб, салом бердилар. Гўрўғли ҳам алик олиб, салом берди. Шу орада Гўрўғлибек ўн икки ёшга кирган эди. Ҳалигилар:

— Аҳмадбек сизни кўрмай, бизларни ғазаб қилиб, Гўрўғлини олиб келинглар деб юборди, — дедилар. Шунда Гўрўғли айтди:

— Элда ҳеч бир гап-сўз, маслаҳат бўлдими?

Булардан бири айтди:

— Ҳамманинг ҳам кўнгли қора.

Гўрўғлибек:

— Урайхон подшо, элни йиғамиз, кўпчилик лашкарни уямиз, Гўрўғлини сардори лашкар қиламиз, Ширвоннинг элига аскар тортиб борамиз, Райҳон подшони ўлдирамиз, Холжувоннинг лотини оламиз, хазинасини барча аскарларга талатамиз, деб айтмадими? Мен маслаҳат бўлар, деб ҳар куни пойлаб ётибман. Хабар йўқ, — деди. Келган одамлардан бирови айтди:

— Ундай чоқ сўз, маслаҳат бўлган йўқ.

Гўрўглибек, «беномуслар», деб сўкиб-сўкиб бир хилини ўлдириб, бир хилларини қўлини бураб синдириб қолди, қолгани қочиб шаҳарга кирди. Гўрўғлибек дарвозагача қувиб келиб яна орқасига қайтиб, шаҳарга кирмай, бу дафъа Хуросон деган бир кўл бор эди, шу кўлга бориб ётди. Гўрўғлибекни Хуросон кўлида қўйинг. Эндиги сўзни ҳалиги, Гўрўғлининг қўлидан омон қолиб, ярадор бўлиб келган бештасидан эшитинг: бештанинг ичидан Жонолибек дегани Аҳмадбекнинг олдига бориб, бўлиб ўтган сўзларни баён бериб, бир сўз деди:

Ўтар дунё қиёматни ўйлайик,
Омонатдир танда жонни қийнайик!
Сўзима қулоқ сол элнинг оғаси,
Бир гап бор, сизга баён айлайик!

Райҳон араб бедов отин елибди,
Кун қиёмат бир нечага бўлибди.
Ани айтсам таги бежой кўп ёмон,
Бир аломат элга савдо солибди.
Гўрўғлибек байтал еталаб юрибди,
Очилған боғлардан гулни терибди.
Боғ майдонида бўйлаб юрганда,
«Сен кимсан?» — деб юнг соқолни кўрибди.
Узангига оёғини тирабди,
Давлати бор яхши салла ўрабди.
Бориб туриб шу юнг босган арабдан,
Эли билан мазҳабини сўрабди.

Олтин пиёлага майни қуй, дебди,
Кўлга чиқиб добилингни туй, дебди,
Улай, булай, қилиб шунда арабга,
Байталима отгинангни қуй, дебди.

Йўқ савдони шу қизиғар солибди,
Кун қиёмат Туркман элга бўлибди.
Ўзи бачча, Гўрўғлибек нодондир,
Олиб келиб уйда меҳмон қилибди.

Отини байталга ирғитибди,
Шу занағар аччиқ қамчи чотибди.
Бундан ортиқ ситам борми Аҳмадбек,
Холжувонни олиб қочиб кетибди.

Гўрўғлининг ақллари шошибди,
Ўзи қувиб катта йўлга тушибди.
От тўзони Қуло чўлни тутибди,
Тажан дарёсига қистаб етибди.

Гўрўғлибек хўп қувибди чўлларда,
Илдам экан юнг соқолнинг тулпори.
Тажан дарёсидан ирғиб ўтибди.
Э ҳок, э ҳок, дейиб Гўрўғлибекни,
Калака қип Холжувондай ойимни,
Олиб қочиб Ширвон элга кетибди.
Гўрўғлибек хафа бўлиб зор йиғлаб,
Болли кўлда ҳали бўзлаб ётибди.

Аҳмадбек «Гўрўғлибек келмади», деб аччиғи келиб ўлтириб эди. Бу сўзни Жоплибекдан эшитиб «хайр, тақдирда», деб парвойига келмади.

Лекин булар Гўрўғлининг йўлда уриб, сўкиб кетганини Аҳмадбекка айтмади. Аҳмадбек ўлтирган одамларга қараб бир сўз деди:

Отга йўл бермайди тоғда ўралар,
Найза тегса оқ баданни яралар.
Олиб кетлар Гўрўғлибек ўғлимни,
Хотин ўлди, қамчи синди ёронлар!

Бедов минган ўрдан қирга чопинар,
Олиб кенглар Гўрўғлибек боламни,

Пулим бўлса яхши хотин топилар.
Товус деган қуш таранар қияда,
Не кўриб кечирдим мана дунёда,
Олиб келинг Гўрўғлибек жонимни,
Холжувондан ёр топилар зиёда!

Илоё, кечган сувлар лойлансин,
Бахт берса душманнинг қули бойлансин!
Олиб келинг Гўрўғли шербаччамни,
Минг Холжувон бир гапидан айлансин!

Йигитлар ичида ўзи удоға,
Бошига санчилар тилладан жиға.
Хафа қилманг Гўрўғлидай йўлбарсни,
Минг Холжувон бир сўзидан садаға.

Беклар минмаймикан қора байирни?
Отга берар арпа билан ийирни.
Хушвақт қилиб жами турган одамни,
Гўрўғлини оп кенглар, деб буюрди.

Давлати бор минар сап илдам отни,
Қуллуқ деб жойидан туриб одамлар
Хушвақт бўлиб юрагидан ғам кетди,
Чопишиб Гўрўғлибек олдига етди.

Борган кишилар Гўрўғлибекка қараб салом бериб: — Сизни Аҳмадбек келсин, Холжувон ойим учун ғам емасин, хотин ўлди, қамчи синди, деди, бизлар сизга келдик, — деб Гўрўғлига қараб бир сўз деди:

Аҳмадбек кеп Ёвмит элни жойлади,
Беклар тилла камар белга бойлади.
Гўрўғлини олиб кел деб буюрди,
Қилган гуноҳингизни озод айлади.

Ширин тилман одамларга сўйлади,
Оқадиган тиниқ сувни лойлади.
Бизлар билан юринг энди қариндош,
Қилган гуноҳингизни озод айлади!

Ғофил қолиб карвонини кўчирди,
Нечовларга ажал шарбат ичирди,

Энди бормасангиз юртга бўлмайди,
Қилган гуноҳингизни Аҳмад кечирди.

Ёвмит элда кўнглимиз бўлсин равшан,
Душман қурсин, хили бизларга ёмон.
Бек Аҳмадбек, оп кенглар деб буюрди,
Бизлар билан билла юринг, бекжон!

Гўрўғли кетди саксовул оралаб,
Бориб олди биттасини саралаб.
Байталини миниб олди Гўрўғли,
«Ол ўлдинг!» — деб қочди одамлар чувлаб.

Томоша айланг Гўрўғлининг ишига,
Байталини чопиб Ёвмит дашига.
— Битта қолмай баринг қирилиб қол, — деб,
Саксовулман ҳадеб солди бошига.

Одамларнинг ақлин шошириб кетди,
Чопон билан салла чўлларни тутди.
Туп-туп қилиб қариндошин қувалаб,
— Биттанг қолмай баринг бирдай ўлгин, — деб,
Нечовларни уриб сулатиб кетди.

Баланд-баланд тоғда бўлган хумоди,
Мен билмайман тошиб кетган гуноҳди,
Қизғалдоқдай бўяб қўчқил қонига
Қувиб кирди Ёвмитнинг шаҳрига.
— Келди! — дейишиб дарвозани қамади.

Ана шунда ҳалигиларни уриб, сўкиб, бир хилини ўлдиргудай майиб қилиб бир хилини отдан ағдариб ташлаб, ўзи дарвозагача кувиб келиб, яна аразлаб орқасига қараб жўнаб кетди. Таёқ еганлар, «Равшан кўрдан қолмай кетсин, Райҳон араб Холжувонни олиб кетмай кетсин» деб Гўрўғлидан дод-фарёд қилиб йиғлаб, Аҳмадбекка урганини айтмадилар. «Гўрўғли энди мен Аҳмадбекнинг олдига бормайман, менинг қариндошим йўқ деди», деб айтдилар. Гўрўғлининг келмайдиган сўзини Аҳмадбек эшитиб, жуда вафолиги ошиб, одамларига қараб, бир сўз деди:

Ҳар банда олгани билан қарисин,
Уммон дарё тўлиб-тошиб юрисин!

Менга ўтди бир фарзанднинг қадри,
Доду фарёд фарзандсизлик қурисин!

Ёвга чопар йигитларнинг ботири,
Элга кўпди яхши одамнинг хотири.
Ҳой аттанг-а, фарзандсизлик қурисин,
Қайтай ўтди бир фарзанднинг қадри!

Ўз ўғлим бўлганда келмасмиди?
Қулгинасин бўйнима солмасмиди?
Отажон деб, искалашиб кўришиб,
Тиззамда отажон деб турмасмиди?

Ҳой аттанг-а, ғаним тушди изима,
Ёруғ дунё қоронғи бўлди кўзима.
Туғмаганнинг қайтай меҳри тош экан,
Фарзандсизлик асар қилди ўзима.
Ҳай аттанг-а, фарзандсизлик мунғайиб,
Сомондайин икки юзим сарғайиб,
Ҳой аттанг, армонли бўлдим Ёвмитда,
Аркони давлатим бўлди бесойиб.

Кўз ёшини енги билан силайди,
Куйган одам гапни гапга улайди.
Ҳам Холжувон, Гўрўғлининг азаси,
Майиблардай қадди бўйи букилиб.
Аҳмадбек, оҳ тортиб бовлаб йиғлайди.
Гўрўғли, деб кўздан ёши тизилиб.

Аҳмадбек бу сўзни айтиб, оҳ тортиб, Гўрўғлибек билан Холжувоннинг азасини қилиб, «Холжувон кетган бўлса ҳам, Гўрўғлибек келганда эди, димоғим чоғ бўлар эди, аразлаб келмаса, менга дунё, мол, пул, давлат, катталик керак эмас», деб хафа бўлиб, ётиб қолди. Буни ётмоқда қўйиб, энди Гўрўғлидан эшитинг:

Гўрўғли кўлга бориб юра берди. Бир куни қараса, байтали бўғоз бўлган экан, туғмоқчи бўлиб, типирлаб ётди. Шунда:

— Э жонивор, ҳар нима туғсанг, эркак туғ, — деди. Гўрўғли жуда шошди. Қулунни қучоқлаб олиб, ерга сира қўймайди, байталга ялагани бермайди. «Ерга қўйсам ернинг иззаси бунинг баданидан ўтиб кетади», дейди. Кечаси бўлди, ўзининг кийим-кечагини қулуннинг устига ёпиб

олди. Лекин қулун оёқланмай, жони чиққундай бўлиб турибди... Гўрўғли ҳар замон бурнини ушлаб қараса, бурнидан дами келади. «Жониворнинг жони бор экан», деб вақти хуш бўлиб турди. Шу кўргиликда кун чошғоҳ бўлди, қулуни оёқланиб, ўрнидан туриб йиқилди. Гўрўғли қулунни яна кўтариб эмизди. Эмиб тўйгандан кейин оёқланиб турди. Яна эмди. Кейин оёқланиб чопиб, энасининг у ёғидан, бу ёғидан ирғиб ўта берди. Тойнинг энаси ялайин дейди, Гўрўғли қўймайди, энаси билан талашади. Гўрўғли билан қулуннинг энаси талаша-талаша шу орада етти кун ўтди. Шунда Гўрўғли байталига аччиғи келиб, байталининг бурнига бир муштлади. Байтал ўлиб қолди.

Бунинг ўлганини кўриб Гўрўғлибек кўп хафа бўлиб, «мен ҳам етим, сен ҳам етим бўлдинг», деб етим той билан сўзлашиб, зор-зор йиғлади. Тойини боқа берди:

Қўйнинг сутин беради, қўйдай ювош бўлсин деб
Эчки сутин беради, ёрдан[1] ўйнаб юрсин деб.
Туя сутин беради, бўйни узун бўлсин деб.
Шер сутини беради, ўмгани кенг бўлсин деб
Йўлбарс сутин беради, йўлбарсдай зўр бўлсин деб.
Олқор сутин беради, тоғда ўйнаб юрсин деб.
Кийик сутин беради, кийикдай сакраб юрсин деб.
Қуён сутин беради, қуёндай чаққон юрсин деб.
Қулон сутин беради, чўлда маҳкам бўлсин деб.
Филнинг сутин беради, ерда пишқириб турсин деб.
Каркнинг сутин беради, ҳамма жондор қўрқсин деб
Қундуз сутин беради, сувда юзиб юрсин деб
Балиқ мойин беради, сувга шўнғиб кетсин деб.
Қуш юрагин беради, қушдай учиб кетсин деб.
Қоплон сутин беради, қоплондай ботир бўлсин деб.
Тулки сутин беради, тулкидай сузиб кетсин деб.
Този сутин беради, қушга қувиб етсин деб.
Бургут беврин беради, бургутдай ғажир бўлсин деб.
Туйғун боврин беради, мартабали бўлсин деб.
Шунқор боврин беради, тепиб ўтиб кетсин деб.
Лочин боврин беради, тишлаб қийиб ўтсин деб.
Динор боврин беради, тўнди қийиб ўтсин деб.
Қузғун юрагин беради, умри узоқ бўлсин деб.
Маймун сутин беради, кўп ўйинчи бўлсин деб.

[1] Жар.

Гўрўғли ёшини тўкди, қадди бўйнини букди. Тағи олти ой боқди, бундан бошқа эрмаги йўқ. Лекин ҳамма гапга ўргатди. Жонивор жуда зийрак, доно бўлди, ҳамма ишни, тилни билди. Тусдан, бадандан, афт-башарадан ҳеч бир камлиги қолмади. Райҳон арабнинг отига ўхшайди, балки бунинг икки ёғи ҳам тулпор. Райҳоннинг тулпоридан неча ҳисса зиёда бўлди. Гўрўғлибек тойидан кўнгли тўлиб, «бир синаб кўрайин» деди. Шундай қараса, бир қора кучук олдидан ўтиб кетиб боради. Гўрўғлибек тойга узалиб миниб олди. Ҳалиги кучукнинг орқасидан қувиб ерга узалиб, икки оёғидан ушлаб, улоқ қилиб, оч биқинидан оёғини ошириб олди, кўз очиб юмгунча беш олти қирдан ошиб кетди. Шунда кучук жонидан тўйиб, аччиғидан тойнинг мушак этидан тишлаб, нимча гўштини юлиб олди. Той чўчиб кетди. Гўрўғли қараса, кучук тойнинг мушак этидан юлиб олибди. Буни кўриб кучукни ерга отиб ташлади. Илдам чопгандан кучук ўлиб, майда-майда бўлиб кетди. Гўрўғли тойидан тушиб, чопонининг ўнгаридан юлиб олиб, куйдириб тойининг кучук тишлаган ерига суртди. Оббо жонивор тойим, деб хафа бўлди. Шу аҳволда юриб эди, буни Хизр билди. У, Гўрўғлибек энди тойни чопиб ёмон ўргандди. Яна бир чопса қизил мой қилиб, ишдан чиқариб қўяди. Бунинг тойини олиб келай, ўзим боқиб берай, бўлмаса Гўрўғлибек отсиз бўлиб қолади, деди.

Шу орада Ёвмитнинг подшоси Урайхон ўлиб қолди. Ҳамма энди кимни подшо қиламиз, деб маслаҳат қилдилар, ҳамма бирдан Гўрўғлини подшо қиламиз, деб маслаҳат қилди. Саккиз чор ҳоким, ўн тўрт муҳрдор, тўқсон олти туғдор, ўнг оталик, чап оталик вазирлар, қози калон, муфтилар йиғилишиб Гўрўғлининг олдига бордилар. Саломалик қилиб, Гўрўғли билан кўришдилар. Гўрўғли шунда ўн учга кирган эди. Келган вазир, сипоҳилар Гўрўғлига айтди:

— Э, Гўрўғлибек, Урайхон подшо ўлди, ҳамма орқасиртингиздан сизни подшо қилди.

Гўрўғлибек айтди:

— Хўп қилибсизлар, яхши қилибсизлар, — деб акс гапирди. — Подшо бўладиганнинг қаторда нори бўлади, хазинада зари бўлади, эртан чой, оқшом палов, ранг-баранг сарпойи бўлади, ҳамиша фуқароларга бериб турадиган чулони булади, саркардаларга берадиган семиз чори қўйи бўлади. Гўрўғлининг бир тойи бор. Подшо қиламиз, деб буни ҳам суйиб егиларинг келдими? Сизларнинг алдаганларингга

қўпадиган ўзбек мен эмас. Мен сизларнинг тишларингизни тош билан уриб синдираман, — деди. Шуйтиб, Гўрўғли келган одамларни ҳадеб қува берди. Аввал-аввал дасторларини, сунг-сўнг чопонларини ташлаб қочди. Гўрўғли етиб, ҳаммаларини уриб, баданларини кўкартириб, бошларида ёрилмаган ерлари қолмади. Ҳаммаларини олдига солиб, шаҳарнинг дарвозасига ҳайдаб бориб, орқасига қайтди. Қочиб келган вазирлар, оталиқ, беклар подшонинг ўрнида ўтирган барча улуғ сипоҳиларининг олдига бориб, Гўрўғлибекдан кўрган заҳмат, кулфатларини айтдилар. Булар, «энди бундай бўлса, қандай қиламиз» деб ҳайрон бўлиб юра берди. Орадан бир неча кун ўтди. Гўрўғлибек, «мен тунов кун жуда қизиқ қилиб, келган вазирларни, бекларни, оталиқ, баковулларни хафа қилдим. Кел-э, энди ўзим бориб бу беклар, вазир-акобир, сипоҳилар, барча амалдорларнинг олдидан ўтиб, вақтини хушлаб келайин», деб ўзидан-ўзи подшоликка кириб қолди. Буни кўриб, ҳамма одам бардор-бардор қилиб, ҳаммаси бирдан ўрнидан туриб югуриб келиб, Гўрўғлибекин кўтариб, подшоликнинг тилладан бўлган иморатига олиб кириб кетди. Тойини ташқарида тошдан бўлган якка михга боғлаб қўйди. Гўрўғлибек булар билан сўзлашиб ўтириб турсин. Ҳазрати Хизр ҳар куни Гўрўғлининг тойини олиб кетмоқчи бўлиб юрар эди. Лекин Гўрўғлибек тойдан айрилмас эди. Бу куни кўрса, Гўрўғлибекнинг тойи қозиқда боғлоғли турипти. Астагина тойни етаклаб олиб чиқиб кетди. Ҳеч ким билмай қолди. Тойни олиб Афсар тоққа етди. Тойни қўйиб юборди. У ўтлаб юра берди. Тойни ўтлаб юрмоқда қўйинг, энди Гўрўғлибекдан эшитинг: Гўрўғлибек эшикка қараса, тойи йўқ. Чопиб чиқиб тойни ахтарди, тополмади. Шунда подшоликнинг саксон таблахонасини ахтариб кўрди. Таблахонада ҳам йўқ. Шунда раиснинг даррасини тортиб олди. Катта-кичик демасдан одамларнинг ҳаммасини ура берди. Одамларнинг гўштлари қоп-қора бўлиб учиб кетди.

— Э аҳмоқлар, мен шу тойимни от қилиб минар эдим, Райҳон арабдан лотимни олар эдим, Зайдинойни олиб келиб, Аҳмадбекка берар эдим. Сизларнинг, подшо қиламиз, деб менинг тойимни сўйиб ерларингизни билиб эдим, — деди. Шунда улар:

— Бизлар сира кўрганимиз йўқ, қаёққа қараб кетди билмай қолдик. Бизлар ҳам ҳайрон бўлиб қолдик, — деб Гўрўғлибекка кўп узрлар айтди. Гўрўғлибек, аразлаб Евмит шаҳридан далага тойни ахтариб чиқиб кетди. Ўтдай

туташиб, «Ҳу!» деганда оғзидан ўтлар сочилиб, бўзлаб, гоҳ йиғлаб кета берди. Гўрўғлибек зор-зор йиғлаб ўз аҳволига қараб, бир сўз деди:

Қайтайин, қариндош солди войимни,
Менда отажонгинам бўлмаса...
Сени подшо қиламиз, деб
Еб қўйди етим тойимни.
Сўндирди боғда гулимни,
Кўрмайман Ёвмит элимни,
Қирон қилдилар кунимни,
Сени подшо қиламиз, деб,
Еб қўйди етим тойимни.
Бўтадай бўзлаб йиғларман,
Сийна бағримни тузларман,
Бор кечдим қариндошимдан.
Тўрт подшонинг шаҳрини,
Қаландар бўлиб изларман.
Ух, хо, уҳ, куйиб ўртандим,
Дод ёмоннинг дастидан.
Еб қўйди етим тойимни
Тойим излаб қаландарман.

Гўрўғли ўтдай туташди,
Етим тойдан адашди.
Инграниб йўлларга тушди.
Неча сой, қирлардан ошди,
Тойим деб юраги шошди.

Гоҳи йўлдан, гоҳи чўлдан,
Йилқи билан чўпонлардан,
Бир кўк тойни кўрдингми, деб
Мард Гўрўғли сўради.
— Етим тойимни урлатдим[1]
Ўғрилар еталаб кетди.
Кўрдингларми кўк тойимни?

Туркманни оралаб кетди.
Тухуми қозоқни сўратди,
Тополмади азиз отини,
Жарчилар куйиб қичқиртди,

---

[1] Ўғирлатдим.

Қорақистон элни сўраб,
Ундан Нуротага етди.
Чашманинг бошига келди.
Манғит билан Кенакасдан,
Боқирғон, Самарқанддан,
Қирқ билан Жузадан
Хитой, Қипчоқ ул Муйтандан,
Халфа туркман йиғилишиб,
Зиёратга бориб қолди.
Гуруғлибек кўрингандан,
Етим тойни сўраб ётди.
Дарагин топмай Ғиротининг
Нуротадан чиқиб кетди.
Нуротадан Сентоп етди
Ундан Бағдодга ўтди,
Жиззахнинг элин сўратди;
Иссиқлади, куйиб кетди.
Ҳар кимни кўрса сўратди,
Ундан Зоминга етди.
Қирқ сонли Бароқхоннинг юрти,
Ўратепага етди.
Бозорга келганлардан,
Етим тойни сўраб ётди.
Тополмай кўк той дарагин,
Ховосдан ўтиб кетди.
Ундан Сирдарёга етди.
Кемага тушган одамдан,
Бир кўк тойни кўрдингми, деб
Кўрингандан сўраб кетди.

Шаҳарнинг ичига кириб,
Бир танга мешкопга бериб
Етим тойни кўрдингми, деб
Тошкент шаҳрин сўратди.
Жарчилар қуйиб қичқиртди.
Кўк тойдан хабар топмай,
Юраклари куйиб-ёниб,
Ундан Заркат тоғдан ўтди,
Қирғизни оралаб кетди.

Тополмади Ғиротини.
Қирғиз билан Тўқмоқлидан,
— Етим тойим, — деб сўратди.

Вой, вой, ёмон ўлсин, деб
Ундан ўтиб, Қўқон етди.
Тополмайин кўк тойини,
Марғилонга қараб кетди.
Марғилон элни сўратди.
Ўғриси кўп, каззоби кўп,
Бориб туриб сўрайин деб,
Сим деган шаҳарга етди.
Ўғрилардан етим той деб,
Гўрўғли полвон сўратди.
Яна топмай дарагини,
Ундан Андижонга ўтди.
Андижондан дарак топмай,
Ўшга қараб жўнаб кетди,
Ўшга бориб уч кун ётди,
Кўрингандан сўратди,
Тополмади Ғиротини,
Ундан Олай қирғиз етди,
Сўрай, сўрай Гўрўғлибек
Қашқарни оралаб кетди.
Тағи орадан қирқ кун ўтди,
Кўринган одамдан сўраб,
Тополмайин от дарагин,
Хув, деб чўлларга кетди.
Денгиз довонига етди,
Гўрўғлининг эси кетди.
Бир соатда Гўрўғлибек,
Хитой Хўтан шаҳрига етди.
Сўраб-сўраб Хитой юртни
Тополмайин шу кўк отни,
Ундан Райи элга кетди,
Ҳеч дарагин тополмай,
Ўндан Чин-Мочинга кетди,
Чин-Мочинда юриб-юриб
Етим тойим деб сўратди;
Тойим деб хуноба ютди.
Гўрўғлининг ақли шошди.
Юрар йўлидан адашди,
Қайси ерга борар билмай,
Чоқламай йўлга тушди.
Бир фаслда Гўрўғлибек,
Неча қор, неча тоғлардан ошди.
Афғоннинг шаҳрига тушди.

Йиғлай-йиғлай Гўрўғлибек,
Етим тойини сўратди.
Бу тилга ҳеч ким тушмайди[1].
Гўрўғлиман қотишмайди;
Бир-бирига ботишмайди.
Гўрўғли ёшини тизиб,
Афғоннинг шаҳрини кезиб,
Тополмайин Ғиротини
Бир отим, деб қонлар ютди.

Тойим деб фарёд айлаб, сарғайиб Гўрўғлининг юзи очилмайди. Гўрўғлибек зор-зор йиғлаб кўзи уйқуга кетди. Гўрўғлибекнинг кўзи уйқуда эди тушида олдидан қизил юзли, оқ дасторли, юзларидан нур томган нуроний бир гуруҳ одам атрофига йиғилиб келди. Буларнинг ичидан каттаси ўзининг хизматкори бўлган бир кишига қараб:

— Э Бобо Қамбар, шу бола тойининг ихтиёрини тилаб келган. Ҳамма муддаосини бергин! Ҳар нима бўлса, Гўрўғлибекни ноумид қилма. Гўрўғлибек менинг фарзандим бўлди, — деди. Шунда Бобо Қамбар Гўрўғлига қараб бир сўз деди:

Нолима, фарзандим, Ёвмит жойингдан,
Сен қутулдинг, болам, қайғу-войимдан
Йиғлама, Ғиркўкинг эсон-омон-а,
Хафа бўлма, етим тойингдан!

Уруш куни ботир қалқон ёпинар,
Юраклари мисли ўтдай қобинар.
Бир той учун хафа бўлма, фарзандим,
Йиғлама фарзандим, отинг топилар!

Ҳар шаҳарга сени насибанг тортди,
Коса даврон эр йигитга навбатди(р),
Йиғлама фарзандим, отинг саломат,
Гўрўғли сен минарсан Ғиркўк отди.

Сен обод қиларсан Ёвмит юртингни,
Душманлардан сен оларсан лотингни.
Йиғлама фарзандим, тойинг от бўлган,

[1] Тушунмайди.

Оқадиган тиниқ сувни лойларсан,
Хафа бўлма Ғиротингни шайларсан!
Райҳоннинг элига талаб айларсан.
Фарзандгинам ширин жонни сотарсан,
Ундан кейин муддаога етарсан.
Мулланинг битгани алиф хат бўлди,
Йиғлай-йиғлай юракларинг дард бўлди.
Қизил мой қилиб қуяр эдинг тойингни.
Ғам ема, фарзандим, тойинг от бўлди!

Сен етим эмас, ўзинг зўравор,
Сен Мисрдан нарёқ қараб ўтганда,
«Санам Чорбоғ» деган битта чорбоғ бор.
Шу Чорбоқда икки ётган пари бор.
Шу eрингда мақсадингга етарсан.

Кўп гап чиқар эсли одам ўйидан,
Яхши йигит ҳеч ҳам қайтмас раъйидан.
Ғиркўкни мингандай бўлиб Гўрўғли,
Юраги ёрилиб турди жойидан.

Ёш ёғилди Гўрўғлининг юзига,
Ишонади тушидагининг сўзига,
Ҳар тарафга тиклаб-тиклаб қарайди,
Етим тойи кўринмайди кўзига.
Ё билмайман, юраклари чер бўлди,
Баланд тоғда ётган оппоқ қор бўлди.
Йиғламай найлайин, қисматлар қаттиқ,
Кўҳна дунё Гўрўғлини бузлатти.
Бора-бора куйиб, кул бўпти Гўрўғли,
Етим тойим деди, бу сўзни айтди:

Э, додим додга улашиб,
Неча улкан тоғдан ошиб,
Ёзидайин йўлга тушиб,
Тойим излаб, қаландарман.

Вомиқдайин чўлни кезиб,
Фарҳоддайин тоғни қазиб.
Фироқида сухангарман,
Шаҳарма-шаҳар кезиб
Шириндайин қошим сузиб,
Тойим излаб, қаландарман.

Қизил гулман, мен сўлгунча,
Чопдан паймонам тўлғунча,
Азройил жоним олгунча,
Шу дунёнг охир бўлганча,
Тойим излаб, қаландарман!

Гўруғли айтар ҳолини,
Фалак бузди иқболини,
Қайтай дуиёнинг молини,
Мен кўрсам Туркман элини,
Тойим излаб, қаландарман!
Гўруғли айтиб тилини
Унутиб Ёвмит элини,
Излаб тоғларнинг белини
Кўриб даштларнинг кўлини,
Куйиб кетган, қаландарман!

Бўтадай бўлиб бўзлади,
Юрак-бағрини тузлади,
Гўруғлибек бу чўлларда,
Етим тойини излади.

Суйлаб танглайида тили,
Ўзи боғларнинг булбули,
Бир тойим, деб элни кезиб,
Равшанбекнинг ёлғиз ули.

Юра-юра Гўруғлибек,
Кўҳаннинг шаҳрига келиб,
Арабга ҳам хабар солиб,
Тойим, деб излаб юрипти.
Боғдоднинг юртига бориб,
Бек Гўруғли ўтдай тошиб,
Кўрингандан тойин сўраб,
Борди энди Шомға ошиб.

Ким қайтарар чин ботирнинг раъйини.
Шом элини бир-бир қилиб излади,
Тополмади суйган етим тойини.
Излаб борди Ҳиндистонга:
Хабар солди Гуржистонға.
Гўруғлибек излаб юрар.
Овоза соп Туркистонга:
«Тойимни излаб, суханварман!

Оқадиган тиниқ сувни лойларсан,
Хафа бўлма Ғиротингни шайларсан!
Райҳоннинг элига талаб айларсан.
Фарзандгинам ширин жонни сотарсан,
Ундан кейин муддаога етарсан.
Мулланинг битғани алиф хат бўлди,
Йиғлай-йиғлай юракларинг дард бўлди.
Қизил мой қилиб қўяр эдинг тойингни.
Ғам ема, фарзандим, тойинг от бўлди!

Сен етим эмас, ўзинг зўравор,
Сен Мисрдан нарёқ қараб ўтганда,
«Санам Чорбоғ» деган битта чорбоғ бор.
Шу Чорбоқда икки ётган пари бор.
Шуерингда мақсадингга етарсан.

Кўп гап чиқар эсли одам ўйидан,
Яхши йигит ҳеч ҳам қайтмас раъйидан.
Ғиркўкни мингандай бўлиб Гўрўғли,
Юраги ёрилиб турди жойидан.

Ёш ёғилди Гўрўғлининг юзига,
Ишонади тушидагининг сўзига,
Ҳар тарафга тиклаб-тиклаб қарайди,
Етим тойи кўринмайди кўзига.
Ё билмайман, юраклари чер бўлди,
Баланд тоғда ётган оппоқ қор бўлди.
Йиғламай найлайин, қисматлар қаттиқ,
Кўҳна дунё Гўрўғлини бўзлатти.
Бора-бора куйиб, кул бўпти Гўрўғли,
Етим тойим деди, бу сўзни айтди:

Э, додим додга улашиб,
Неча улкан тоғдан ошиб,
Ёзидайин йўлга тушиб,
Тойим излаб, қаландарман.

Вомиқдайин чўлни кезиб,
Фарҳоддайин тоғни қазиб.
Фироқида сухангарман,
Шаҳарма-шаҳар кезиб
Шириндайин қошим сузиб,
Тойим излаб, қаландарман.

Қизил гулман, мен сўлгунча,
Чопдан паймонам тўлғунча,
Азройил жоним олгунча,
Шу дунёнг охир бўлганча,
Тойим излаб, қаландарман!

Гўрўғли айтар ҳолини,
Фалак бузди иқболини,
Қайтай дунёнинг молини,
Мен кўрсам Туркман элини,
Тойим излаб, қаландарман!
Гўрўғли айтиб тилини
Унутиб Ёвмит элини,
Излаб тоғларнинг белини
Кўриб даштларнинг кўлини,
Куйиб кетган, қаландарман!

Бўтадай бўлиб бўзлади,
Юрак-бағрини тузлади,
Гўрўғлибек бу чўлларда,
Етим тойини излади.

Сўйлаб танглайида тили,
Ўзи боғларнинг булбули,
Бир тойим, деб элни кезиб,
Равшанбекнинг ёлғиз ули.

Юра-юра Гўрўғлибек,
Кўҳаннинг шаҳрига келиб,
Арабга ҳам хабар солиб,
Тойим, деб излаб юрипти.
Боғдоднинг юртига бориб,
Бек Гўрўғли ўтдай тошиб,
Кўрингандан тойин сўраб,
Борди энди Шомга ошиб.

Ким қайтарар чин ботирнинг раъйини.
Шом элини бир-бир қилиб излади,
Тополмади суйган етим тойини.
Излаб борди Ҳиндистонга:
Хабар солди Гуржистонга.
Гўрўғлибек излаб юрар.
Овоза соп Туркистонга:
«Тойимни излаб, суханварман!

Тинмай тойимни излáрман,
Ҳар ерда сўзим сўзларман.
Етим тойимнинг ишқидан,
Бўтадай бўлиб бўзларман.
Тойимни излаб, қаландарман!»

Энди қолди етим тойнинг дардига,
Савдо тушди Ёвмит элнинг мардига.
Йўлга тушиб кўрингандан сўрайди,
Етиб борди энди Миср шаҳрига.
Мисрнинг излади баланд-пастини,
Тополмади кўнгилда ҳавасини,
Кўрингандан етим тойни сўрайди,
Гўрўғлибек, унутганди эсини.
Бир той деб ёш бачча қолди балога,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан жалага.
Етим тойни тинмай излаб Гўрўғли,
Чиқиб кетди элсиз, сувсиз далага.
От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Тойин излаб юра-юра ёш бачча,
Чиқиб қолди катта тоғнинг устига.

Гўрўғлибек шу тоғнинг устига чикди. Тоғнинг оти Афсар тоғ эди. Ҳар тарафга тикилиб қараса узоқдан гоҳ кўк, гоҳ оппоқ, гоҳ қип-қизил, гоҳ яшил, гоҳ пистоқи бўлиб хар (хил) ранг товланиб, бир нарса кўринди. Гўрўғлибек шунга қараб, яшиндай бўлиб қистаб, юриб кетди. Бориб қараса, у бир работ, бир пахсаси гавҳардан, бир пахсаси жавҳардан, бир пахсаси забаржаддан, устунги пахсаси ферузадан бир қўргонки, ажаб бир жаннатга ўхшайди. Қўрғоннинг дарвозасидан аста кириб бўйнини узатиб, лабини қийшайтириб қаради. Кўрса булбуллар, тўтилар, майналар, қумрилар ғазалхонлик қилиб сайраб, биров-бировига чақ-чақ қилишиб турипти. Ҳар хил мевалар пишган, остига тап этиб тушган, бир бол ҳовуз, ичи биллурдан, теварағи гавҳар тошдан қуйилган, олдида бир шосупаси бор. Шу супанинг устида қимматбаҳо тўшаклар ташланган. Ўрталиққа дастурхон ёйилган, ҳар турли мевалар уйилган, супада қирқ қиз ўлтирган. Ҳар қайсилари ўз шавқ-завқида ўйнаб кулиб, бир-бирига ноз қилиб ўтирипти. Буларнинг энг ўртасида икки барно қиз ўлтирипти, қадди-қомати мисли ўн тўрт кунлик ойдай, қошлари қийилган ёйдай, тишлари оппоқ дурдай, ҳамма ери текисдан келган бирдай,

Гадани туқсонда ёққан қордай, юзининг қизиллиги қорнинг устига томган қизил қондай, сулувлигига ойлар хира булиб қолган. Булутлар бошига соя булиб туриб, томоша қилмадик, деб тирра булиб қолган. Халиги қирқ қизлар ҳам қиликлари қозондаги қайнаб турган ошдай, узлари абжир учадиган қушдай, лаъл мунчоқли, жоду кузли, ширин сузли, ҳур сифатли, ғилмон нозли, қумурсқа белли. Лаълига тукиб қуйилган ҳар хил майизлардан еса қоп-қора буп кипдигидан куринади. Гуруғлибек, энди шу ердан отимни топиб оламан, деб севиниб туриб эди, ҳалиги қизлар:

— Ҳой, канизлар, вой соҳиб тамизлар, менга қарангизлар, бу ердан одамзоднинг иси чиқади, у ёқ-бу ёққа қарангизлар, одамзод келган булмасин,— дедилар. Гуруғли томоша қилиб ултириб эди. Қизлар. «одам иси келди, келди», деб ҳар тарафга қарашди. Шуларнинг ичидаги ҳалиги икки барно қиз Гуруғлибек турган тарафга ялт этиб қаради. Гуруғлибекка кузи тушди. Гуруғлибек ҳам шу икки ойимга аччиқ қаҳри билан тикилиб қаради. Қизлар қурқди. Париларнинг катталари:— Ҳар гап булса, қочманглар,— деди. Гуруғлибек «яхши булди, тойимни уғирлаб кетган уғриларнинг хотинини курдим, тойимни топдим, энди қароқчиларнинг уясини бузаман» деб супада турган қизларга қараб, бир суз деди:

Уч йил солдинг, баччағарлар войимни,
Сенга айтай юрагимда уйимни.

Бунда турган газзобларнинг хотини,
Чиқариб бер кучук қопган тойимни!

Туркман дейди униб-усган юртимни,
Қаерда қаллобдан олай лотимни.
Паналатиб қуйган жойинг шулмиди?
Вақтли оп кел бергин етим отимни.

Эшит дейман мендай етим додини
Лой қилганлар томга тирар шотини.
Чиқариб бер кучук қопган тойимни,
Йиғилишган қароқчининг хотини.

Кимнинг эси булса сузни фаҳмлар,
Бир той деб хуракка тушган войимлар.
Чиқариб бер менинг Ғиркук отимни,
Сап ғардонкаш жоду кузли ойимлар!

— Номаъқул қипсан, от отга, одам одамга ўхшайди,— деб, Гўруғлининг қўлидан отини тортди. Гўруғли:

— Тавба-ей, замон ёмон бўлган, гап ўғриники бўлганда, бўлмаса менинг хоназот отимни олиб кеп меникилаб юрасизми? Э, бобо, хайр эса икковимиз бир олишамиз, қайси биримиз йиқитсак, зўр бўлсак от шунимизники,— деди. Гўруғли ўз кўнглида «бунинг билан курашиб, белидан сиқиб олиб қовурғасини синдиргудай қилиб, бундан нари бировнинг оти-ку оти, ҳатто тозисини олмайдиган қилайин, деди. Хизр айтди: «Олишсанг отангни йиқ», деган гап бор. Кел болам, олишсак олишайик». Шунда Гўруғлибек ўрнидан сачраб турди, бориб бобосининг белидан маҳкам ушлади. Қўли белига етмай қолди. Гўруғли, «уҳ, кундадек чол экан», деди. Бобоси айтди:

— Маҳкам ушла, қулоғингга ол, эҳтиёт бўл, армонда қолдим дема! Биз сен билан тараф. Лекин биздан бошқа билан курашганда ундай қилиб ушла, бундай қилиб ол, туғаноқни бундай сол! Орқасига бундай қилиб қайир! Буйтиб силтаб от! Гоҳ илгари, гоҳ кейинга сур!— деб курашди. Гўруғлибек шунча зўр урди бўлмади. Бобоси ерга кўтариб урди. Гўруғли айтди:

— Э бобо, менинг оёғим тойиб кетди.

Бобоси:

— Хайр, кел эса тағин курашайик, армонда қолма,— деди. Гўруғлибек яна ўрнидан туриб бобосини ўхшатиб ушлади. Бобоси Гўруғлини у ёқ-бу ёққа юргани қўймай ерга босди-да, қуйди. Гўруғли мен ушлаёлмай қолдим, мен ушламай йиқитасизми, деди. Бобоси эса, тагин курашайик, деди. Гўруғлибек яна туриб курашди, бобоси яна бирдан ўраб босди-да, қуйди. Гўруғли:

— Бу кураш этиб йиқилиш бўлди,— деди. Бобоси:

— Уч депти, учдан кейин пуч депти, йиқилган курашга тўймас кураш бўлди. Энди курашмайман,— деди. Шунда Гўруғли бобосига кучи етмаганини билди, нима қиларини билмай, «вой-вой» деб чинқира берди. «Жанжаллашсам бу той Гўруғлиники эди, деядирган қози бўлмаса исбот бўлмаса. Олишсам, бу чолга кучим етмаса, куйдим, энди қандоқ қиламан» деди. Шунда бобоси Гўруғлига айтди:

— Бунча дод деябердинг? Мен бу отни сотаман, олмайсанми? Агар олар бўлсанг қирқ танга бер!

Гўруғли айтди:

— Сиз топганда беришга берсангиз, мен бир юз эллик тангага оламан.

Бобоси:

— Сен ўлармонга ўхшайсан, мен қирқ танга десам, сен бир юз эллик танга дейсан. Бир қирдан ошгандан кейин ўлармонлик қилиб бермай кетасан,— деб тойни Гўрўғлига берган жойида қуй-э, деб бир силкиб қўлидан тортиб олди. Гўрўғлибек айтди:

— Хайр бобо, жуда ҳам гож экансиз. Эса сизнинг айтган пулингизни топганда бериб олайин, баҳосини айтинг.

Бобоси:

— Қирқ танга дедим, қирқ танга,— деди. Гўрўғлибек:

— Топганда берарга ўттиз беш танга берайин,— деди. Бобоси:

— Хайр, яна қайтиб кетмагин,— деб Гўрўғлига отни ўттиз беш танга насия пулга сотди. Шунда Гўрўғли, «ўзим Гўрўғлибек, уруғим Туркман бўлиб, ўз отимни ўзим сотиб олгунча, шу чолнинг оёғи остида ўла қолганим яхши», деб бобосига қараб, бир сўз деди:

Бобожон, бу дунё бефойдади(р),
Гапингизга юрак ошдай қайнади.
Яқинлашманг, бобожон, менинг қошима,
Савдом бу дунё пули қайтади.

Гап чиқади Гўрўглининг тилидан,
Изма-из келдим Туркман элидан.
Чўтта келманг, бобо, менинг қошима,
Умид қилманг кўк тойимнинг пулидан!

Бизларни айтади шоир — бахши,
Қаранг, менинг бетим гулларнинг нақши.
Ўз отимни мен баҳолаб олгандан,
Шуйтиб тирик юргандан ўлган яхши!

Гўрўғлибек оқизибди кўп ёшни,
Бобоси билан қилмоқчи бўп савашни.
Шовқин қилиб Афсар тоғнинг белида,
Атрофига йиғиб ётир кўп тошни.

Бобоси: «Ҳай аттанг, Гўрўғлибек ҳали ёш экан, бунинг кўнглини жой қилмасам бўлмайди, бу ҳали жуда бола экан, шунча сўздан англамади», деди. Гўрўғлибекка «армонда қолмасин», деб ўзини билдириб бир сўз айтаётипти:

Ана шунда, париларнинг каттаси Мисқол пари:—Дамдам, э парилар, кулманглар, бунда кўп фазилат бор. Бу киши кўп мартабали одам, мазах қилманглар!— деди. Ҳалиги ойимлар, подшосидан ўтолмай, сўзини икки қилолмай ночор ўлтирди. Бир хили ўзини тўхтата олмай кулди. Гўрўғлибек «тойимни топдим», деб билди. Мисқол пари Гўрўғлибекни таниб бир сўз деди:

Тортиб кебсиз, Қуло чўлдан оҳу вой,
Кўлга борса чарқиллайди қарчиғай.
Ҳар бир қадамингиз дийдам устига,
Хуш келибсиз, ана манзил, ана жой!

Урушли кун отилади сариёй —
Аскарбоши тортиб турар мис карнай.
Ғам еманг етим той биздан топилар,
Хуш келибсиз, мана макон, мана жой!

Урушли кун совут қалқон ёпинар.
Меҳмон киши аввал уйга келади,
Ғам еманг, шербачча, Ғиркўк топилар!

Эшитинг, меҳмонжон, бизлардан додни,
Меҳмонларга яхши қилсак хизматни.
Одоб билан кириб келинг ватанга,
Ғам еманг, миндирайлик Ғиркўк отни!

Бунда келган муродига етади,
Сариёй билан душманини отади.
Хуш келибсиз, ватанима меҳмонжон,
От-анжомли бўлиб меҳмон кетади.

Сайислар Ғиротни боқиб келади,
Хушвақт қилиб меҳмон сизни кулдирай,
Душманларнинг рангин гулдай сўлдирай,
Ғам еманг,. отингиз кишнаб келади!
Бепарво бўп кела беринг ватанға,
Хушвақт қилиб отингизни миндирай.

Ушбу дамни, меҳмонжоним, дам деманг,
Бу ватанда ҳеч нарсани кам деманг!
Отингизни миндирайин бекбачча.
Бир от учун, меҳмон, асло ғам еманг!

Бунда келинг одамдайин шайлайин.
Отингизга хийла кейин тайлайин.
Уйнаб-кулиб кириб келинг маконга,
Лайли Ғирни якка михга бойлайин!

Гўруғлибек бу сўзни эшитиб:

— Билдим қароқчининг хотини экансан. Ҳамманг маслаҳат қилдинг, ушлаб олиб ўлдириб, ироқи совун қиламиз дединг,— деди. Шунда Мисқол парининг олдида турган қизлар, Мисқол парининг «дам-дам» деганига қарамасдан қаҳ-қаҳ уриб, кулишиб юборди. Мисқол пари:— Сизлар шундай мартабали одамни мазах қилиб кулиб юбординглзлар,— деди. Гўруғлибек айтди:— Энди уйларингизни кўрдим, ҳар қандай қилиб, қозидан одам олиб келиб, отимни оламан!— деди. Гўруғли аччиғланиб, бу ердан қайтиб бир жойга чиқди. Қирга чиқиб шундай қараса, Ғиркўк от фалакни кўзлаб турган анжомли тилла зул кўрарли нуқта марварид якка михга боғланган. Буни кўриб Гўруғлибекнинг вақти хуш бўлганидан ҳушидан кетиб йиқилди. Ўрнидан яна туриб хезлаб бориб бўйнидан ушлаётир, Ғиркўк от буни таниб искалаб кишнаётир, тиззасини букиб, Гўруғлининг устига ўзини ташлаётир. «Вой, хоназотгинам, хоназотим» деб суйиб, юраги ёрилгудай бўлиб, у ер-бу еридан ўпиб ётир.

Гўруғлибекни синаб кўрмоқ учун Хизр бобо:

— Эй, қандай одам бўласан? Менинг хоназот отимни нимага бўйнидан ушлайсан?— деди. Гўруғли айтди:

— Ҳо, тагин гапирдинг-а, менинг ёлгиз етим тойимни ўгирлаб олиб келасизми? Соқолингиз оқарганда, оёғингиз гўр лабига борганда, тишингиз тушганда, ёшингиз олтмишдан ошганда, шунча бойларнинг ичида менинг ёлғиз етим тойимни кўрдингизми? Сиздан шу ишлар эпми?

Шунда Хизр:

— Сенга бир гап бўлган экан. Бу менинг ўз хоназотим, бунинг бўйнидан ушлаб, танидим деб турганинг айб-да,— деди.

Гўруғли айтди:

— Осмон келиб ерга тармашмоғи даркор, сиздай қариган одам бировнинг хоназотини меники, дейсиз. Шу той меники эканлигига гувоҳим бор. Олти ойлик бўлганида мана бу еридан кучук тишлаган эди. Мана доғи турипти,— деди. Хизр:

— Номаъқул қипсан, от отга, одам одамға ухшайди,— деб, Гуруғлининг қулидан отини тортди. Гуруғли:

— Тавба-ей, замон ёмон булган, гап уғриники булганда, булмаса менинг хоназот отимни олиб кеп меникилаб юрасизми? Э, бобо, хайр эса икковимиз бир олишамиз, қайси биримиз йиқитсак, зур булсак от шунимизники,— деди. Гуруғли уз кунглида «бунинг билан курашиб, белидан сиқиб олиб қовурғасини синдиргудай қилиб, бундан нари бировнинг оти-ку оти, ҳатто тозисини олмайдиган қилайин, деди. Хизр айтди: «Олишсанг отангни йиқ», деган гап бор. Кел болам, олишсак олишайик». Шунда Гуруғлибек урнидан сачраб турди, бориб бобосининг белидан маҳкам ушлади. Қули белига етмай қолди. Гуруғли, «уҳ, кундадек чол экан», деди. Бобоси айтди:

— Маҳкам ушла, қулоғингга ол, эҳтиёт бул, армонда қолдим дема! Биз сен билан тараф. Лекин биздан бошқа билан курашганда ундай қилиб ушла, бундай қилиб ол, туғаноқни бундай сол! Орқасига бундай қилиб қайир! Буйтиб силтаб от! Гоҳ илгари, гоҳ кейинга сур! — деб курашди. Гуруғлибек шунча зур урди булмади. Бобоси ерга кутариб урди. Гуруғли айтди:

— Э бобо, менинг оёғим тойиб кетди.

Бобоси:

— Хайр, кел эса тагин курашайик, армонда қолма,— деди. Гуруғлибек яна урнидан туриб бобосини ухшатиб ушлади. Бобоси Гуруғлини у ёқ-бу ёққа юргани қуймай ерга босди-да, қуйди. Гуруғли мен ушлаёлмай қолдим, мен ушламай йиқитасизми, деди. Бобоси эса, тағин курашайик, деди. Гуруғлибек яна туриб курашди, бобоси яна бирдан ураб босди-да, қуйди. Гуруғли:

— Бу кураш этиб йиқилиш булди,— деди. Бобоси:

— Уч депти, учдан кейин пуч депти, йиқилган курашга туймас кураш булди. Энди курашмайман,— деди. Шунда Гуруғли бобосига кучи етмаганини билди, нима қиларини билмай, «вой-вой» деб чинқира берди. «Жанжаллашсам бу той Гуруғлиники эди, деядирган қози булмаса исбот булмаса. Олишсам, бу чолга кучим етмаса, куйдим, энди қандоқ қиламан» деди. Шунда бобоси Гуруғлига айтди:

— Бунча дод деябердинг? Мен бу отни сотаман, олмайсанми? Агар олар булсанг қирқ танга бер!

Гуруғли айтди:

— Сиз топганда беришга берсангиз, мен бир юз эллик тангага оламан.

Бобоси:

— Сен ўлармонга ўхшайсан, мен қирқ танга десам, сен бир юз эллик танга дейсан. Бир қирдан ошгандан кейин ўлармонлик қилиб бермай кетасан,— деб тойни Гўрўғлига берган жойида қуй-э, деб бир силкиб қўлидан тортиб олди. Гўрўғлибек айтди:

— Хайр бобо, жуда ҳам гож экансиз. Эса сизнинг айтган пулингизни топганда бериб олайин, баҳосини айтинг.

Бобоси:

— Қирқ танга дедим, қирқ танга,— деди. Гўрўғлибек:

— Топганда берарга ўттиз беш танга берайин,— деди.

Бобоси:

— Хайр, яна қайтиб кетмагин,— деб Гўрўғлига отни ўттиз беш танга насия пулга сотди. Шунда Гўрўғли, «ўзим Гўрўғлибек, уруғим Туркман бўлиб, ўз отимни ўзим сотиб олгунча, шу чолнинг оёғи остида ўла қолганим яхши», деб бобосига қараб, бир сўз деди:

Бобожон, бу дунё бефойдади(р),
Гапингизга юрак ошдай қайнади.
Яқинлашманг, бобожон, менинг қошима,
Савдом бу дунё пули қайтади.

Гап чиқади Гўрўғлининг тилидан,
Изма-из келдим Туркман элидан.
Чўтта келманг, бобо, менинг қошима,
Умид қилманг кўк тойимнинг пулидан!

Бизларни айтади шоир — бахши,
Қаранг, менинг бетим гулларнинг нақши.
Ўз отимни мен баҳолаб олгандан,
Шуйтиб тирик юргандан ўлган яхши!

Гўрўғлибек оқизибди кўп ёшни,
Бобоси билан қилмоқчи бўп савашни.
Шовқин қилиб Афсар тоғнинг белида,
Атрофига йиғиб ётир кўп тошни.

Бобоси: «Ҳай аттанг, Гўрўғлибек ҳали ёш экан, бунинг кўнглини жой қилмасам бўлмайди, бу ҳали жуда бола экан, шунча сўздан англамади», деди. Гўрўғлибекка «армонда қолмасин», деб ўзини билдириб бир сўз айтаётипти:

Сўзима қулоқ сол Гуруғли гўдак:
Заргар элда кўр Равшанман Ҳилолдан,
Қулоқ солгин, Заргар элдан айтайин.

Тоғанг билан отанг жонини сотди,
Бир бедовни иккови минди-да кетди.
Заргар элда Ҳилолойни бўзлатди,
Тоғанг билан отанг Ёвмитга етди.
Ўйла ўзинг, қари чолнинг фарзанди,
Ор билан Ҳилолой оламдан ўтди.

Қулоқ сол ўзимдай, чироғим, зорга,
Шерик бўлдинг мана дунё бекорга.
Ҳилолойни Рустамбек синглим деб,
Вой синглим деб, қўйиб келди мозорга.
Шу вақтаям[1] бирга юрган бобонгман.

Сарғайганда нечаларнинг сиёҳи,
Уйилганди неча одамнинг қовоғи.
Гўрда тутди Ҳилолойнинг тулғоги,
Мен сабаб бўп ёнган унинг чироғи.
Шу гўрда тушгин деган бобонгман!

Уя учун қушлар излар қияни,
Энди кепсан Гаждумбекнинг жияни.
Сенинг сиринг бу бобонгга аёни,
Қувиб кеп, йилқидан тулпор бияни.
Олиб келиб эна қилган бобонгман.

Қулоқ солгин бу бобонгнинг тилига,
Уч ёшингда келдинг Рустам қўлига.
Етти ёшда Бадкир қулни ўлдириб,
Кочиб келдинг болам Ёвмит элига.
Шу чўлларда бирга юрган бобонгман!

Райҳондан Ғиркўкни олдинг тўлатиб,
Ор билан Холжувонни йиғлатиб.
Бугун кепсан Ғиркўкингни йўқотиб,
Оҳ тортасан гапни гапга улатиб
Мана тоғда дучор бўлган бобонгман!

---

[1] Вақтда ҳам.

Савдогар юк қуяр катта норига,
Подшо осар ўғриларни дорига.
Энди қуй бобонгни ихтиёрига!
Бирга юргин шу бобонгнинг ғорига!
Сен етимга мақсад берган бобонгман!

Гўрўғли қандай этарини билмай, бобосининг сўзига ишонолмай, тойнинг нўхтасидан ушлаб келаётибди.

Шу вақтда саккиз отлиқ одам, баъзиси мошбиринч, баъзиси қорасоқол, келаётибди. Буни кўриб Гўрўғлибек катта қари муйсафид ўғрининг кони бу ёқда экан. Мен пастга тушгандан кейин босарлар, йўлгинамни тўсарлар, отимни тортиб олиб, кўкайимни кесарлар, деди. Ҳалиги муйсафид қарияларнинг биттаси Гўрўғлибекка қараб бир сўз деди:

Уч йил юрдинг Қуло чўлда далада.
Бобо Қамбар айтмабмиди Балх юртда,
Болам келиб қолдинг давлатхонага.
Йигитлар ичида сенсан ўдага,
Гўрўғлибек келдинг давлатхонага.
Қуймагин чирогим бизни хафатга.
Қўрқмагин минарга Ғиркўкдай отга!
Яхши гаплаш яхши сўйиш чироғим,
Сен эга бўласан кўп мамлакатга!
Эгалларсан, болам, Евмитдай юртни.
Ёшлигингдан сенга ҳасратлар ортди.

Гўрўғли бу сўзни эшитиб айтди, «мен кечадан бери ўзимнинг хоназот тойимни ололмай юрибман. Булар менга бир нарса берармиди, мен шу Ғиротимни омон-эсон, соғ-саломат олиб кетсам ҳам бўлади. Булар анойи чолми, бировга бир нарсани бекорга бериб кетадиган, уйтиб-буйтиб, алдаб-сулдаб қўлимдан тойимни олиб қуймоқчи». Гўрўғли қочмоқнинг тараддудини қилди. Хизр қараса, Гўрўғлининг кўзи бежой, қочмоқчи бўлиб, кўзи олайиб кетиб бораётибди. Шунда у:

— Гўрўғлибек, от сеники бўлса, исбот қилиб, пул бермай олиб кет,— деди. Гўрўғлибекнинг димоғи чог бўлди, даст алиф-лом қилиб, гарданини хам қилиб, «отни оламан» деб, вақти хушликда ҳалиги кишилар билан бориб, ҳамма ўлтирганларга, ассалому алайкум деб, ғорга кириб борди. Ғор ичидаги одамларнинг бирови Гўрўғлибекка «ўтир» деб, жой кўрсатди. Гўрўғлибек ўлтирди.

Ана шунда Соқибулбул ўрнидан жиндак туриб, ўртага кириб, шаробантахурни чоқлаб, жомни қўлга олиб, созини чертиб сўзини айтаётир. Соқибулбулнинг соқий бўлиб, май берганда одамларга қараб, «Аллаёр» деб бир сўз дегани:

Коса берай қўлим толиб,
Ҳар косага майлар солиб,
Менинг белларим буралиб,
Нуш қинг аллаёр, аллаёр!

Бек Соқибек айтган сўзлар,
Учар кўлдан турна ғозлар,
Навбатти олинг сизлар,
Ичинг, аллаёр, аллаёр!

Бу ерда ширин суҳбати,
Меҳмон Равшанбек фарзанди,
Олинг косанинг навбати,
Ичинг, аллаёр, аллаёр,

Юракларда ғамман ғусса,
Қарининг қўлида ҳасса,
Кўзим чўлда, қўлда коса,
Ичинг, аллаёр, аллаёр!
Қуйинг аллаёр, аллаёр!

Милтиқ келар алаб-ялаб,
Дардли кўнгил истар талаб,
Олтин коса гулгун шароб,
Навбат аллаёр, аллаёр!

Обод Туркманнинг юрти,
Синмагай мардининг қаноти,
Соҳибқирон қиёфати,
Гўрўғлининг зиёфати,
Меҳмон аллаёр, аллаёр!

Саломат борсин юртига,
Эсон кетсин элатига,
Минсин-да Ғиркўк отига,
Ичсин, аллаёр, аллаёр!

Ҳар тарафга тикилиб қаранг,
Узр этиб, кўплар йиғланг,
Яхши фарзандлар тиланг,

Ешлик қилмай бу мажлисдан.
Муддаони катта тиланг!

Қизил гулсиз яна сўлманг,
Сўнгги билан ўпка қилманг!
Меҳмонжон армонда қолманг,
Тиланг, аллаёр, аллаёр!

Кўзингиз тонгнинг юлдузи,
Болдан ширин Соқи сўзи,
Ўзинг Евмитнинг азизи,
Давлат тиланг, фарзанд тиланг,
Тиланг, аллаёр, аллаёр!

Бу гаплар бўлган бу тонгдан,
Той деб чиқдингиз ватандан,
Мақсад тиланг, қирқ чилтондан
Омин, аллаёр, аллаёр!

Мажлисда ўлтирган ҳамма азизлар антахур майдан навбатлари билан ичиб, Гўрўғлибекка ҳам навбат косаларини берди. Шунда Гўрўғли шароб ичиб соҳибқирон бўлди.

— Соҳибқиронликни Ғирот кўтара олмайди. Энди Ғиротга ҳам бир коса майдан берингглар,— деди. Гўрўғлибекнинг Ғиротига ҳам бир коса шаробдан сувга қўшиб бердилар. Гўрўғлибек пирларидан бу яхши сўзни эшитиб, ўлтирганларга қараб, бир сўз айтаётибти:

Куйганимдан гапни гапга улайман,
Қаландар бўп келдим давлатхонага,
Мен сизлардан Ғиркўк отни тилайман.

Сизга айтайин юрагимнинг черини,
Кетказинглар менинг тойимнинг шўрини
Гаримсел эритар тоғнинг қорини.
Сизлардан сўрайман икки парини,
Шул парини хотин қилсам бўлади.

Келиб қолдим ойимларнинг юртига,
Қулоқ солинг мендай марднинг додига,
Тойимни изладим, келиб сўз айтдим,
Ошиқи мубтало бўлдим бетига,
Шуларни хизматкор қилсам бўлади.

Жоним банда бўлди айтган сўзига,
Томоша қип юз карашма нозига,
Ойимларни хотин қилсам бўлади.
Ошиғи мубтало бўлдим кўзига.
Шуни обберинг Гўруғлининг ўзига!
Улар билан бирга юрсам бўлади.

Эшитинг подшоҳим менинг додимни,
Белима бойласам пўлатимни,
Юнг босган Райҳондан олсам лотимни,
Зайдинни хизматкор қилсам бўлади.
Шоҳ бўп эга бўлсам Туркман тахтига,
Ёвмит элда подшо бўлсам бўлади.

Туқсонда оппоқ бўп тоғларнинг қори.
Тила дединг, тўрттовини тиладим,
Ҳеч бошқа давлатнинг йўқдир даркори.

Мард йигит душманга савдо солади.
Бу мажлисдан тўрт муддао тиладим,
Тўрттовини берсангизлар бўлади.

Кенгаш чиқар элнинг катта бийидан,
Чопилса чин тулпор қайтмас раъйидан.
«Армонли бўлдинг Гўруғлибек», — деб
Эр Хизр бобоси турди жойидан.

Бобоси Гўруғлибекдан бу сўзни эшитиб, унга қараб, бир сўз деди:

Шунча қилдим қадримни билмадинг,
Билганингдан ёш Гўруғли қолмадинг.
Ёшлик қилдинг бу гапларни билмадинг,
Дунёда армонли бўлдинг, Гўруғли.

Юз йигирма бешга кирсин Ғиркўкинг,
Икковгинанг бирдай қари, Гўруғли!
Соқибулбул саймс бўлсин, Гўруғли!

Сўнг-сўнг бўлар юрагингда кўп дардинг,
Қариганда ортар сенинг ҳасратинг,
Соқибулбул бўлсин сенинг устодинг,
Доимо авжда бўлсин давлатинг!
Айтган амрин ҳамиша қилгин, Гўруғли!

Мажлисда чалсин Соқибек созини,
Дарров босгин тарафингнинг изини!
Олиб қочгин ой Зайдиннинг ўзини,
Ўйнатгин Ғиркўкдай асбитозини,
Душмандан ўчингни олгин, Гўруғли.

Эгарлаб берармиз, Ғиркўк отингни,
Кетказармиз юрагингдан дардингни.
Аввал бошлаб Ширвон элига бориб,
Шу Райҳон арабдан олгин лотингни!
Юрагингдан войим кетсин, Гўруғли!

Ёр кетказар юракларнинг черини,
Эшитмадинг, бек Соқининг зорини.
Сенга берайик Юнус, Мисқол парини,
Сенга берайик шуларнинг ихтиёрини.
Парилар хотининг бўлсин, Гўруғли!

Ҳукуматли тилинг бўлсин, Гўруғли!
Чамбил, Чортоқ элинг бўлсин, Гўруғли!
Ёв олмасин қиёматда сув олсин.
Аваз, Ҳасан ўғлинг бўлсин, Гўруғли!

Чамбилнинг подшоси бўлдинг, Гўруғли.
Охири армонли бўлдинг, Гўруғли.
Мажлисдан қуруқ кетдинг, Гўруғли.
Бир уядан ёлғиз учдинг, Гўруғли.

Душманнинг қонин сочдинг, Гўруғли
Ғанимнинг изига тушдинг, Гўруғли.
Сув ўрнига шарбат ичдинг, Гўруғли,
Сиёҳпўш кафанин бичдинг, Гўруғли.

Ваянгандан оп кел Холдор маҳрамни
Бошлиқ қилгин саркардага Холдорни!
Хон Ҳасанжон ўғлинг бўлсин, Гўруғли!

Эшит болам, бу бобонгнинг тилини,
Чамбилда ўйнатгин сонсиз лўлини,
Булдуруқ қассоб Аваздайин улини,
Хунхор элининг жону дилини,
Олиб келиб фарзанд қилгин, Гўруғли!
Товус деган қуш таралар қияда,
Душманларинг ҳамиша бўлсин пиёда!

Ҳасан, Аваз фарзанд бўлсин ўзингга,
Хизмат қилсин туққанлардан зиёда!

Қирқ йигитни олгин қирқта ўзбекдан.
Бир-иккита олиб келгин қозоқдан!
Чамбилбелда пўлат добил туйдиргин,
Сийлов тўндан бекларингга кийдиргин!
Ҳар уруғдан олиб кел яхши одамни,
Ўзбеклардан олиб келгин бийларни!
Топиб бергин уларга яхши уйларни!
Чамбилбелдай қўрғонингга елдиргин,
Кўнглин овлаб сарпой бергин, Гўрўғли!

Доим иззат қилгин тарафларингга[1],
Ғаним чидамасин ғайратларингга,
Душман чидай олмасин журъатларингга,
Ўзинг тугул балки йигитларингга!
Тарафнинг додини бергин, Гўрўғли!
Ҳеч қочмагин, ҳамиша қувгин, Гўрўғли!
Сиёҳпўшни босиб сўйгин, Гўрўғли!
Майдонда кўзини ўйгин, Гўрўғли!
Ўзинг танҳо мингга етгин, Гўрўғли!

Бир ёғи Асқардир Ховдакнинг кўли,
От чопса чангийди Чамбилнинг йўли.
Мажлисда сўзласин Соқининг тили,
Ўзинг бўлгин доим Чамбилнинг гули!
Тонг отгунча мажлис бергин, Гўрўғли!

Бек бўлиб мингайсан, отинг толмасин,
Ғазоли кун белга бойлаб олмосинг
Эса отинг қолсин, зотинг қолмасин
Дунёдан зурёдсиз ўтгин, Гўрўғли!

Соқибулбул бармогини тишлади,
Берар бўлди анжом-асбобларини,
Анжом-асбоб ўрталикка ташлади.
Гўрўғлибек лола гулдай жайнади,

Ширин тилман турфа-турфа сўйлади.
Яхши гавҳар тош тақилган камарни,
Ўхшатиб бекбачча, белга бойлади.

[1] Тарафдорларингни демоқчи.

Йиғлаганнинг ёқаси ҳўл ёшига,
Томоша айланг азизларнинг ишига.
Бир сидрама кийим бериб азизлар,
Оппоқ қилиб дастор қўйди бошига.

Гўрўғли қуллуқ деб қаддини букди,
Баччанинг қилиғи уларга ёқди.
Болға олиб эр Хизрдай бобоси,
Тўрт юз нағални Ғиротнинг оёғига.
Хизр бобо гулмихлар билан қоқди.
Соқибулбул кўринг вақтин хушлади,
Дариғо, деб банди бўғнин бўшлади.
Ғиркўк отни бари олиб ўртага,
Ўртада Ғиркўкни ялангочлади.

Гулдан жўраб, тилла қашоқ қўлида,
Қашов уриб Ғиротнинг баданига.
Соқибулбул чангин силаб ташлади.

Оша юртга ошган кўрар хўрликни,
Югрук минган қилар йўлбарс зўрликни,
Навбат билан Ғиркўк отнинг белига,
Астагина қўйди ипак терликни.

Подшолар олисга тутар дурбини,
Олис борган оп келмайми белгини?
Киш-кишлаб солди Ғирнинг белига,
Уймалаб ташлаган қирмиз чиргини,

Боз устидан яна қўйди белликни,
Суяб қўйди қундуз жаҳалдирикни.

Темирчи оллоҳ деб урар табарди,
Куйи келса бўлган сўзга чеварди,
Бисмилло, деб олиб қўйди бедовга,
Тилла чоптирган сарпай эгарди.

Чу, деса ўтади қанотли қушдан,
Пир дуоси кетди, тойликдан, ёшдан,
Астагина суяб урди думига,
Ўн саккиз қуббали карки қуюшқон,
Ҳар қуббаси пиёладай таркашдан.

Ўлмаган қул кўрар экан сайилди,
Мард қилган ишига эл қойилди.
Жангаллатиб ўраб тортди Ғиротга,
Тўқаси кумушдан ипак айилди.

Ёш баччанинг ақлларин шоширди,
Айтмай сирни ғанимлардан яширди.
Иккови ҳам тилладан узангини,
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.

Бир неча сулувнинг тишлари дурди
Шалдиратиб Ғирга сермаб ташлади,
Қимматбаҳо, зар чачоқли довурди.

Куйсин ўлим, ким чидайди доғига,
Парилар сўлқиллар Ирам богида.
Шалдираб отга солган довури,
Тушибди бедовнинг бақалоғига,

Афзалининг бари ғуло кумушдан
Жингиллатиб тортди отнинг белига,
Пай тўшаб ташлаган чағатой пуштан.

Пўлат добил илди эгар қошига,
Қатағон пешбантни урди тўшига.
Қиздай безаб Ғиркўк отни шайлади,
Қиздайин қилиқсиб жонвор ўйнади.
Қўтос тақди гардан дароз бўйнига,
Қирқ қуббали юган урди бошига,
Олиб келди Гўрўғлининг қошига.

Ярқилатиб кийиб эди эгнига,
Оқ кировка яшил, кўкиш совутни.
Гўрўғлибек, шукур деди сўйлади,
Ёш ўғлон-ку суқсурдай бўп бўйлади.
Илон тилли, заҳарли у ханжарни,
Жангиллатиб хипча белга бойлади.
Ҳеч ками йўқ отман[1] мардни шайлади,
Ўқ ўтмайдиган каркин қалқонни,
Селдиратиб елкасига бойлади.

---

[1] От билан.

Отга йўл бермаган сойнинг ўрани
Шайладилар Гўрўғлидай тўрани.
Иззат қип азизлар гавҳар бодани
Гўрўғли бўйнига тақди зерони.

Хушвақт қилиб, билмаганин билдирди,
Қўлтиғидан суяб, полвон дейишиб,
Ғиркўк отга Гўрўғлини миндирди.

Гўрўғли минди Ғиротнинг белига,
Ўн икки попукли пўлат найзани,
Табаррук деб суяб берди қўлига.

Бобоси Гўрўғлибекка панди насиҳат бериб айтди:

— Э Гўрўғлибек, болам, сен ёшлик қилдинг. Бундан бориб, Райҳоннинг қизини олиб кетарсан, Ёвмитнинг элига старсан. Ҳар нима ихтиёрни ўзингга бердик. Лекин Райхон араб қизининг орқасида жанжал кўп. Райхон араб бир марта шаҳрингга тегади. Ҳар нима бўлса, Гўрўғлибек, фарзандим, ишингга эҳтиёт бўл! Ёвмит элингда, тоғнинг пастидан бир шаҳар пайдо бўлади. Бу шаҳарни кўриб қўрқма, ўзингни тўхтат! Шу шаҳарни қиёматгача ҳеч ололмайди, қиёмат бўлганда сув олиб кетади.

Пайшанба куни кечқурун, жума оқшоми пешин вақтида бир талатўп ғалағул шовқин бўлиб, ерларни симобдай эритади, ерлар қимирлаб кетади. Шунда ўз Ёвмит шаҳрингнинг одамларини ва барча фуқароларингни ўзинг бош бўлиб, насиҳат қилиб, ўз олдингдан у ёқ-бу ёққа юбормай, «бу ишлардан қўрқманглар, индаманглар», деб маҳкам ушлаб тургин! Ана шунда Соқибулбул боради. Мана олдингда турибди, хўп қараб, таниб қўйгин! Соқибулбул бир хил одамлар билан одамларнинг қўрқиб турганлари устига боради. Одамларни янги бўлган шаҳарга олиб киради. Ўзингни тилла тахтга миндириб, подшо қилади. Сени подшо қилгандан кейин, фуқароларинг сенга тобе бўлади, ундан кейин сенинг мартабали эканингни билади. Соқибулбул «амри подшо вожиб» деб кўчаларга жарчи қўяди. Соқибулбул сенга ҳам устод бўлади, ҳам Ғиркўк отнинг сайислигини қилади. Зинҳор Соқибулбулнинг айтганидан чиқмагин! Шу куни, шаҳарнинг ичида бир мажлисхона бино бўлади, ҳамма одамлар йиғилади, мажлис бўлади. Соқибулбул сўзни айтиб, созни чалади, соқий бўлиб майни ҳаммага беради; қўрғонингга от қўйилади. Соқибулбул нима деб от қўйса, шаҳарнинг оти шу бўлади. Соқибулбулнинг

айтгани-айтган, билгани-билган, қилгани-қилган бўлади, деб, Гўрўғлининг қўлига бир қора пар, бир оқ пар берди. Парларнинг хосияти шу, баданингга сурсанг гоҳи ёш бўласан, гоҳи қаритобланиб, ҳар хил одам бўлиб қоласан. Оқ парни баданингга сурсанг қора одам, қора парни суйкасанг қора соқол бўлиб қоласан.— Тағин икки хат берди. Гўрўғлибек қараса, муҳр босилган икки никоҳ хат: икки пари Кўҳи Қофдан Юнус пари, Ирам боғдан Мисқол пари Гўрўғлибекка қиёматли чўри деб хатга ёзиб қўйилипти. Гўрўғлибек буни кўриб, айтди:

— Мени калака қилган икки қизни тилаб эдим, булар улар эмас-ку.

Шунда бобоси:

— Сенинг айтган қизларинг шу, — деди. Гўрўғлибек улар бўлса қуллуқ, деб димоғи чоғ бўлди. Ана шунда турган ҳамма энди бўлди, ҳеч каминг қолмади, ол олдирма, қувгин қочма, деб бетга фотиҳа тортдилар. Гўрўғлибек ўзининг қадди-қоматига, полвонлигига, шону шавкатига қараб, шукур қилиб, буларнинг олдидан жўнай берди. Ғиротим ҳам бўлганича бўлиб қолипти назаркарда экан деб отидан жуда вақти хуш бўлиб йўлда кетаётибди:

Очилар боғларда гули ғунча,
Жўнай берди чўлларда,
Гўрўғлидай бекбачча.
Кийимлари тоза-да,
Ҳар гаплари бомаза
Жўнай берди чўлларда
Гўрўғлидай бекзода.
Кўнгли жўш уриб кетди.
Чув-ҳо, деб жўнаб кетди.
Совут қалқонга тегса,
Яшиндай ярқиллатди.
Ёнидаги ханжарни,
Узангига тегизиб,
Чўлларда ширқиллатди.

Оёғидан чиққан чанг,
Тумандай йўлни тутди.
Йўлбарсдай ғариллаб
Келаётир Гўрўғли.
Мис карнайдай пириллаб,

Гўрўғлибекнинг Ғири,
Отган ўқдай зириллаб.
Найзасининг попуги,
Елкасида пириллаб,
Совут қолқонга тегса,
Ойдай бўлиб ярқиллаб.
Гўрўғли жонни сотди,
Бедовга қамчи чотди.
Ҳар юнгидан тер кетди.
Туйғундай бўп чирқиллаб
Гўрўғли чўлда кетди.
Чидамай ғайратига,
Қамчи уриб отига,
Қуло чўл тенгсаладн,
Марднинг сиёсатига.
Куйган қуллар,
Сарп уради сонига,
Ёвда ўлган бўялади қонига.
Қуло чўл сулқиллаб ларза беради,
Пишқириб бедовнинг ирғиганига.
Гоҳ сўзини сўзлайди,
Сийналарин тузлайди.
Ширвон эл деб Гўрўғли,
Холжувон деб излайди.
Гоҳ созини созлайди,
Бўтадай бўп бўзлайди.
Қамчи босса лайли Ғир,
Тоғнинг бошин кўзлайди.

Раҳм айлаган ҳолига,
Булбул қўнар гулига.
Бораётир Гўрўғли
Занглаб ётган чўлига.
Таваккал қип Гўрўғли,
Чув-ҳо, деди йўлларда
Райҳон араб элига.

Ол-ол юрди, ол юрди,
Озгинамас мўл юрди.
Чокламайин Гўрўғли,
Тағи бир кун йўл юрди.

Гўрўғлибек Райҳон арабнинг шаҳрини излаб, йўлда жўнаб кета берди. Лекин қайси тарафга боришини ҳам билмайди:

Чоқмоғига қув олди,
Меҳтарага сув олди,
Чоқламайин, Гўрўғли,
Қистади йўлга тушди.
Неча қирлардан ошди,
Ғирот тобга келибди.
Жонивор оғзин очди,
Қўлтиқдан парқии сочди.

Чайқалур Ойдиннинг кўли,
Чангийди юрган йўли.
Ғанимларга жазо, деб,
Эрта билан бўза деб
Ғайрат қилиб бекбачча,
Узоқ йўлга жўнади.
Юрган жойи ёнади.
Остида Ғиркўк оти,
Қушдай учиб боради.
Гоҳи тоғ, гоҳи кўлда,
Ол-ҳо, кетиб боради.
Ҳайло, кетиб боради.
Миниб отнинг белига,
Кун ёйилиб чошгоҳда,
Кириб борди бир подшонинг элига.

Гўрўғлибек кўзини очиб қараса, катта бир шаҳар кўзига кўринди. Дарёлар оққан, кўрган одамларнинг ақли шошган, ичида сол, кема, қайиқлар қуртдай қимирлаб ҳар тарафга келиб, кетиб бораётибди. Шундай тикилиб қараса, шаҳарнинг ичида неча бир ерларда катта мачитлар, мадрасалар, минoралар кўринди. Гўрўғлибекнинг завқи келиб юриб кетди. Бир катта салтанатли дарвозага етди. Қараса, дарвозанинг ҳар чеккасида ўн етти жойда қоровулхонаси бор. Шу хоналаридан катта-катта тўпларни далага қаратиб чиқариб қўйибди. Жуда салтанатли, жуда катта жой кўринди. Гўрўғли бу жой катта жой экан, деб дарвозадан кирмай, бир Кўкбулоқ деган булоққа етди. Қараса, бир хотин ўлтирипти, ўзи ориқ, ранглари сариқ, узун бўйли, шер ўмганли, қўлида кўзаси бор. Қўлидаги кўзасини тўлдириб, қўлтиғига тираб, Гўрўғлибекка қараб, «бу келган,

қандай ажали етган одам экан», деб қараб турибди. Гўруғлибек ҳалиги хотинга қараб, оёғини узангига тираб, «бу қандай шаҳар, дарвоза кимнинг уйи» деб, бир сўз деди:

Ақли борнинг бўладикан кўп уйи.
Кўзасини тўлдириб турган муштипар,
Наққошли жой, қандай одам саройи?

Адо бўлмас тор сийнамнинг ҳасрати,
Салтанатман тўп қўйибди ҳар ёққа,
Салтанатли работ кимнинг работи?
Кўзангни тўлдириб турмай, қарайсан,
Наққошли жой қандай хоннинг макони?
Худоё кетгай-да юракнинг дарди
Оша юртдан ошиб келдим, сўрайман,
Мана турган, қандай шоҳнинг боғоти?

Бечора муштипар аёл бу сўзни эшитиб, юрак-бағри эзилиб, кўзидан ёши тизилиб, Гўруғлибекка қараб бир сўз деди:

Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Кўп йилгача узоқ яша, ўлмагин!
Мени десанг, кетгин келган йўлингга,
Райҳон подшо кўриб, ўзинг ўлмагин!

Бу маккор Райҳон арабнинг жойи,
Чироққинам, кўрса сени ўлдирар,
Қизил гулсан, очилмайин сўлдирар,
Кўрсатмайди сенга ўз элатингни
Кундан-кунга зиёд қип ҳасратингни.
Раҳми келмас, Райҳон араб ўлдирар.

Ўлжа қилар остингдаги отингни.
Оқизар чироғим, кўздан ёшингни
Қузғунга торттирар сенинг гўштингни,
Ўлжа қилиб, кийим билан отингни,
Кесиб олар шу танангдан бошингни.

Ёш ўғлонсан раҳм айладим ҳолингга,
Кескир ханжарни боглабсан белингга.
Райҳон араб кўрса сени ўлдирар,
Чироғим кета бер, келган йўлингга!

Гўрўғлибек муштипардан бу сўзни эшитиб, чиройи очилиб, оғзидан дурлари сочилиб, Ғироти жўш қилиб, филдай бўлиб пишқириб, «мурод-мақсадимга етдим», деб юраги тошиб, ҳалиги бечора аёлга қараб, бир сўз деди:

Бедов минган тоғдан пастга чопинди,
Ёвнинг куни ботир қалқон ёпинди.
Минг мартаба шукур қилай, муштипар.
Излаганим ўз олдимдан топилди.

Қулоқ солгин гапнинг ёлғон-ростига,
Пойлаб юрдим юнг соқолнинг қасдига.
Ўлади деб хафа бўлма муштипар,
Шукур кепман тарафимнинг устига!
Сен гапирдинг юрагимда черим бор,
Мард йигитман номус билан орим бор.
Энди шукур, етибман муродима,
Ширвон элда сулқиллаган ёрим бор.

Йиғлатган элимда бир нечамни,
Юракларда ғам кўп, дардман анчамди.[1]
«Байталингга отимни қўяман», деб,
Оп келувди Холжувондай чечамди.

Кенгаш чиқар элнинг катта бийидан,
Гўрўғли той деб чиққан Ёвмит уйидан.
Вой болам, деб ўпкасини босолмай,
Шу аёл чинқириб турди жойидан.

Сарғайган экан-да бебахтнинг юзи,
Қоши қаро эди, дарё қундузи
Бунинг ўзи Туркман элнинг азизи.
Шундайин Гўрўғли тиклаб қараса,
Келаётган Холжувонойнинг ўзи.

Йиғлаб қолган элида бир нечаси,
Қаторга тиркалган норча, лўкчаси.
Гўрўғли шундайин тиклаб қараса,
Баччажон, деб ўпкасини босолмай
Келаётган Холжувондай чечаси.

Эна, деб Гўрўғли кўзин ёшлади,
Қамчисини оғзига олиб тишлади.

[1] Анча.



Отининг тизгинин солиб билакка
— Вой энам! — деб Ғирдан ўзин ташлади.
Томоша айланг, Холжувоннинг ишига,
Давлат турмас такобирнинг бошида.
Баччажон, деб қулочини ёзиб оп,
Болам деб айқалаб олди тўшига.
Тўхтатолмай Гўрўғлибек ўзини,
Мерганлар овлайди кўлнинг ғозини,
Бу энам деб, у болам деб йиғлайди
Искалаб юзига қўйиб юзини.
Бек бўлмай қўлларига добил туймайди,
Хафа бўлмай кўздан ёшни қўймайди.
Болам, деб кучоқлаб олиб қайнисин,
Искалайди меҳрига ҳеч тўймайди.
Гўрўғлини ёздиргани қўймайди,
Гўрўғлининг кокилларин силайди.
Чечан экан гапни гапга улайди,
Искалаб юзига юзини қўйиб,
Тақдир қурсин, деб меҳрига тўймайди.

Гўрўғлибекман Холжувонойим иккови бир-бири билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўраб Холжувонойим Гўрўғлибекка қараб, оҳ тортиб бир сўз деди:

Тоғларнинг бошини чолган туманми,
Ёвмит эли қадимгидай замонми?
Ўлмай кўрдим, чироққинам ўзингни,
Салтанатли Аҳмад тоғанг омонми?

Юракларим бўлган тўла қонми?
Кўчаларда неча беклар сарсонми?
Ўлмай кўрдим, сенинг ойдай бетингни,
Ёвмит подшоси Урайхон омонми?

Сарғайиб мендай чечанг рўйлари,
Оҳ деса соп бўлмай қолар ўйлари.
Қайтибгина келдинг, Ширвон элига,
Эсон-омонмикан Ёвмит бийлари?
Сарғайганди Холжувоннинг юзлари.
Ёвмитга қараган икки кўзлари.
Энди ўлсам, худодан йўқ армоним,
Саломат юрибми кўркам қизлари?

Мендай чечанг кўздан ёшин тўкибди,
Чечанг ўлсин, қаддин ёйдан букибди.
Ёппа-ёвлик қариндошлар омонми?

Ўлмай кўрдим, дардинг урсин ўзимни.
Мен эшитдим, эна деган сўзингни.
Холжувонман, изларингдан, айланай,
Чироққинам кўрдим икки кўзингни.

Гўрўғлибек:

— Эй чеча, бу дамни ғанимат билмоқ керак. Бу, Ширвоннинг юрти, катта тараф — душманимнинг мамлакати. Биров юнг босган Райҳон подшога бориб айтар, бурқиллаб теварагимни кўп лашкар олар, вақтли туринг, орқамга мингашинг, кетамиз Ёвмит элига,— деди. Холжувонойим айтди:

— Чироғим, менинг Ширвон элига келганимга уч йил бўлибди, лекин Райҳон арабга бир коса сув қўлимдан берганим йўқ. Агар сен мени олиб кетсанг, Ёвмитга етсанг маърака-мажлисларда, одамлар «Гўрўғлибек хўп иш қилибди, уч йилдан бери Райҳон араб хотин қилиб юрган чечасини олиб келибди», дейди. Менинг касофатим сенга тегади. Давлатингиз, мартабангиз, элларнинг ичида паст бўлади, «чечангизни Райҳон араб ундай қилган, бундай қилган» деб душманларинг айтади. Гўрўғлибек, энди сизга айтадиган бир гап бор: Райҳон арабнинг бир қизи бор, ярим белидан пасти уч ботмон, ярим белидан юқориси икки ботмон. Ўзи тўшли, тўладан келган гўштли, ширин сўзли, қизил юзли, жоду кўзли, саратон юлдузли, лаъл мунчоқли, ойдан сулув, офтобдан ортиқ, ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор. Ҳар бир нарса дегудай, ҳар бир барно кўргудай, ана шу қизнинг чин оти Хуморой, лақаби Зайдиной. Шуни олиб қочиб кетинг. Эртан Зайдинойни «кир юваман», деб кирга олиб чиқаман, шуни олиб қочиб кетсангиз, ҳамма ор-номусга баробар бўлади. Мана, Гулшан чорбоғда ётиб дамингизни олиб туринг, — деди. Гўрўғлибек Холжувондан бу сўзни эшитиб:

— Хайр эса, — деб, Гулшан боғда ётиб қолди. Шуйтиб, Гўрўғлибек ётиб турсин, Холжувондан эшитинг!

Холжувон ойим кетди, ўрдага етди. Холжувон уч йилдан бери Туркманнинг уруғи қуримаса, бир куни бир туркман ўғлони келиб олиб кетади, деб Райҳон араб билан гаплашган эмас, бир коса сув ҳам берган эмас эди.

Райҳон арабнинг оти Ғиротнинг исини олиб, боласи эмасми, эгаси Райҳон подшога савдо тушарини билиб, қозиқда туриб тинмасдан кишнаб, айланиб ётибди. Кечқурун бўлиб, тонг ҳам отди.

Райҳон арабнинг тўқсон турли читдан бўлган бир кўрпаси бор эди. Шуни ёпиниб ётиб эди. Шунда Холжувон Райҳон арабга қараб:

— Мен Кўкбулоққа кир ювишга чиқиб келай, — деди. Унда Райҳон араб Холжувонга айтди:

— Сен кирга чиқсанг мен нима кияман?

Холжувон айтди:

— Сени ким кўраётибди. Куйлак-иштонларингни ечиб бериб яланғоч бўлиб, кўрпага ўраниб ёта бер. Мен кирни дарров ювиб келаман. Қуриб қолади, кийиб оласан,— деди. Райҳон араб кўйлак-иштонларини ечиб, Холжувоннинг олдига қараб отди. Холжувон айтди:

— Зайдиной қизингни кир ювишга менга қўшиб юбор.

Шунда Райҳон араб:

— Кирни ювмасанг ювиқсиз қолсин, пешонамда бир қиз бор, бунинг ҳам қўлини қабартириб кир ювдирайинми?— деди. Холжувонойим айтди:

— Кўкбулоқда бир ўзим кир ювиб юрганда бир сув ёқлаган келади, мени ушлаб олади, дод деганимни ким эшитади, ўяти ўзингга қолади,— деди. Райҳон араб буни эшитиб, «рост айтади», деб қизини олдига чақириб олиб:

— Зайдиной, бор, энанг билан кир ювишиб кел,— деди. Зайдиной:

— Хўш,— деди. Холжувонойим билан Зайдиной иккови бир бўлиб, кирларни кўтариб, Кўкбулоқнинг олдига етди. Зайдиной етиб, энасига қараб, бошини чайқаб, бир сўз деди:

Отамнинг очилган гули сўлибди,
Кун қиёмат қари отамга бўлибди.
Кири қурсин, юринг эна кетамиз,
Оша юртдан элга душман келибди!

Аросат майдонда отин елибди,
Душманига йўқ савдони солибди.
Хаёл қилманг, эна, юринг ўрдага,
Ғайри юртдан элга душман келибди!

Эшит эна, Зайдинойнинг сўзини,
Ўлдиради қари отамнинг ўзини!

Бир элатдан катта тараф келибди,
Кўрмайсизми, дўнон тойнинг изини?

Мавж уриб, мисли дарёдай тошибди,
Буни кўриб ақлгинам шошибди,
Ҳаялламай тезроқ уйга етайик,
Оёғи қуббадай ерга тушибди!

Холжувон Зайдинойга қараб, «охир замоннинг боласи-да, уят борми» деб, бир сўз айтаётибди:

Отангизга чучук сўйладим,
Саҳар келиб, Кўкбулоқни лойладим.
Отанг оти етти марта бўшалди,
Ҳар марта, «моҳ-моҳлаб» ушлаб бойладим.

Хушвақт билан ўткар баҳор ёзини,
Англа болам, Холжувоннинг сўзини!
Отангнинг оти шу ерда ўйнаган,
Танимадинг, отанг отин изини.

Айланай, бизлардан хабар олмадинг,
Сен бойвучча тун уйқуни бўлмадинг,
Маст бедов шу ердан ўйнаб ўтганди.

Гапингга ичим ғамга тўлади,
Ёш баччасан, ҳеч нимани билмайсан.
Ўйнаганда катта тулпор изи ҳам
Шундайчоқ бўп кичик бўлиб қолади.

Зайдиной Холжувонойимга қараб, бир сўз деди:

Э энажон, бугун саҳар туш кўрдим,
Мен тушимда бир қабоҳат иш кўрдим.
Шу ерга кеп, мен кир ювиб ётганда,
Ўн беш яшар баччани йўлдош кўрдим.

Фириб билан ушлаб олди қўлимдан,
Зўрлик билан олиб кетди қўлимдан,
Бир шаҳарга олиб борди ўзимни,
Бир қари одам қучиб ётди белимдан.
Солланиб сўрганди ширин тилимдан,
Хотин қип, хизматкор қилган бўлиб.

Шу баччанинг ўзи тарафсиз полвон,
Ёнида ярқиллар кескир исфиҳон,
Олиб қочиб кетди, менинг ўзимни.
Туши қурсин таъбирлари кўп ёмон.
Бир мўйсафид хотин қилди бегумон.
Тезроқ юринг, энажон, иш ёмон.

Холжувонойим, туш ҳам дунёда гапми, деб кир қозонини қура берди. Зайдиной лаганни ерга отиб юборди, лаган тошга тегиб жангирлаб кетди, энасига қарамай араз қилиб, уйига қараб чопиб кетди. Буни кўриб, «иш ёмон бўлди», деб Холжувонойим ҳам илдам-илдам кийимларнинг бирини қора балчиқ лойга тиқиб ҳўл ҳолича бир лой кўйлакнинг ичига солиб, бир рўмол билан ўраб кўтариб булоққа борадиган бошқа бир йўл билан Зайдинойдан илгари уйига етди, уҳ, деб кийимларни ерга олиб урди. Холжувон хафа бўлиб келди, буни Райҳон араб кўрди:

— Нимага тағин қайтиб келдинг,— деди. Холжувонойим Райҳон арабга қараб, бир сўз деди:

Билдирайин билмаганинг билмасанг,
Шоҳ тўра мақсадга етгин ўлмасанг.
Кўрган сирни сизга айтай полвоним,
Тағин-а кўнглингга оғир олмасанг.

Аналман Мансурга қурган дор экан,
Энди ўйласам, бу манглайим шўр экан.
Келганимнинг маънисини айтайин,
Қизинг қурсин бир ўйнаши бор экан.

Силкиллаб жувонмарг вақтин хушлайди,
Бошин чайқаб, лабгинасин тишлайди.
Ким экан деб, ўзим туриб қарасам,
Шу жувонмарг ўзин бастгоҳ ташлайди.

Қулоқ сол шоҳ тўрам менинг дотима,
Рози бўлдим қайтайин қисматима.
Қочиб кетса ўйнашиман ер ютгур,
Бир кун тонглар таъна қилма афтима!

Райҳон араб айтди:

— Бўлди, бўлди гап келди. Лекин шу шаҳарга кечадан бери Гўрўғли пайдо бўлди. Ҳар кун жувонмаргни тер-

габ юрар эдим. Кеча сенга мен андармон бўлиб қолиб ман. Бу жувонмарг Гўрўғлини кўрган. Ҳар нима бўлс қизни бўй еткизмай ватандан чиқарадиган. Қандай қилай бу ишлар ўзимиздан бўлган. Э, хотин дурбини ол!

Холжувон кийимларни дарров панага тортди. Холжувон:

— Райҳон подшо, кўрпангни бўйнингга илиб, яланғоч минорнинг бошига чиқиб дурбини кўрмоққа одамлардан уялмайсанми? Мен ўзим дурбини кўриб, ким бор, ким йўклигини айтсам ишонмайсанми?—деди.

Райҳон араб:

— Мен сенинг гапингга минг марта ишонаман, лекин ўзим дурбини кўриб, душман келган бўлса ушлаб олиб ўлдириб, қонини тўкаман деб эдим-да. Эса сен ўзинг бор минорга чиқиб дурбини кўриб кел! Ҳар нима бўлса менга келиб айт! Мен ўзим душманнинг ишини қиламан,— деди Холжувонойим қўлига дурбини олиб, миноранинг устига чиқиб кетди. Лекин Холжувон минорга чиқиб кетган бўлса ҳам, Райҳон араб ўрнидан туриб, қўлига нўхатдан олиб фол кўриб, «келган душман Гўрўғли экан», деб ётди. Лекин «ҳар нима бўлса ҳам келгани рост бўлса Холжувон минорнинг устидан кўриб, менга айтади», деб ётди.

Холжувоннинг айтган сўзи будир:

Қуржун кўлга мингча байтал келибди,
Ўзинг ўлмай ким келади Ширвонга.
Кўрдим даврон сурсанг манзил маконда,
Сиздайин полвон йўқ мана жаҳонда.
Кўлга келган қисир байтал кўп экан,
Ўзинг ўлмай, ким келади Ширвонга?

Маст байталлар Қуло чўлда елибди
Чулқордан юриб Қуржун кўлга келибди.
Айғир отинг шунинг исин олибди,
Кишнагани, тўрам, шундан бўлибди.
Сиздай полвон эсон-омон турганда,
Ўзинг ўлмай, ким келади Ширвонга?

Бундан буён яхши салла ўрагин,
Соқолингни силдиратиб тарагин!
Гапгинама ишонмасанг полвоним,
Мендан кейин ўзинг чиқиб қарагин!

Холжувон ўзингга ихлос қилибди,
Отинг байталларнинг исин олибди.
Кишнагани тўрам шундан бўлибди,
Гапим ёлғон бўлса келиб қарагин!

Райҳон подшо:

— Ишондим, бу эл икки кун илгари келибди. Ҳар йилда икки кун кейин келар эди. Менинг отим шуларнинг исини олиб, шуйтиб кишнаган экан,— деди. Холжувон минордан тушиб, Райҳон арабнинг олдига етди.

— Қизинг кирдан аразлаб келди, энди кирга бормайди, чақириб, «кирга бор», деб дўқ уриб қўй,— деди. Райҳон араб қизини кирга буюрди. Зайдиной отасига дардини айтолмай, «вой, ўгайчилиги қурсин, ўз энам бўлса, бундай қилармиди», деб ночор энаси билан кирга жўнай берди. Энаси кирларни кўтариб олиб, яна ҳалиги Кўкбулоқнинг бошига етди. Холжувонойим энди чекалаб келдим, деб, димогини чоғ қилиб, янтоққа сувни сепиб, «тез ёнмасин, бурқираб тутун бўлсин» деб чўғ солиб янтоқни пуфлаб тутатиб юборди. Буни Гўрўғлибек кўриб, Ғиротининг айил пўштанларини зертанг-забартанг қилиб тортди. Ғиротини миниб ўйнатиб, Гулшан боғдаги работдан чиқди. Отнинг ерни босганига ерлар ларзага келиб, тебраниб, тупроқлар осмонга бурқиллаб, тўзон куннинг бетини олиб кела берди. Шунда Зайдиной айтди:

— Э эна, қаранг, кечаги душман ана.

Холжувон:

— Фалончи саркарданинг ўғли-ку, кўзинг кўр бўлдими?— деди. Зайдиной айтди:

— Э эна, ҳеч ерида юнги йўқ.

Шу орада Гўрўғлибек келиб қолди. Гўрўғлибек Зайдинойга қараб, оёғини узангига тираб, бир сўз деди:

Эниб келдим тоғларингдан,
Бир гул узсам боғларингдан,
Сувсаб келдим чўлларингдан,
Сув бер ойим қўлларингдан!

Тутма рўмол юзгинангга,
Дона-дона холларингдан!
Насиб қилган беклар қучар,
Сенинг хипча белларингдан.
Сув бер нозим қўлларингдан!

Кўзларинг тонгнинг юлдузи,
Қошларинг дарё қундузи,
Ўзинг Ширвоннинг азизи,
Сув бергин арабнинг қизи.
Райҳон арабнинг ёлғизи,
Ичай сенинг қўлларингдан!

Беклар отини елади,
Кўрганлар ҳайрон қолади.
Оғзинг олтин пиёладай,
Қуйиб бергин болларингдан!
Тутма рўмол бетгинангга,
Дона-дона холларингдан!

Буни эшитиб Зайдиной бир сўз деди:

Узун-узун увомиғ бор,
Элда катта бобомиз бор,
Сув бермакка товбамиз бор,
Ичинг куйса тушиб ичгин,

Остингда кўк тулпормиди?
Белингда зулфиқормиди?
Бунча ҳукм сўзлай бердинг,
Олиб қўйган чўрингмиди?

Ғунон тойни ўйнатасан,
Сен кўнглимни қабартасан.
Юрагинг куйса йўловчи,
Чашманинг бошига тушиб,
Ўзинг сув ичиб кетарсан.

Бу сўзни эшитиб Холжувон Зайдинойга қараб айтди:

— Ёш бошинг бор, сенга савоб даркор эмасми? Сув берган савобга ботар эмиш, дилозор тип-тикка имонсиз қотар эмиш. Сен олма эдинг-да, узиб об кетами? Мана, лаганга сувни солиб узатиб қўя қол-да. Бу замоннинг боласининг уяти йўқ-да, уялмай эркаклар билан сўзлашиб, гапига савол-жавоб қилиб туради.

Зайдиной энасининг сўзидан ўтолмай, энасига қаттиқ жавоб беролмай, ночор ўрнидан туриб мис косани олиб, Кўкбулоқнинг сувидан ярим қилиб, Гўрўғлибекка узатди. Гўрўғлибек қўлидаги мис косани уриб юбориб, икки қўли билан икки қўлидан ушлаб, силкиб илгарига тортди. Зайдиной тизза бўйи баланд кўтарилди. Зайдиной буни кўриб,

лабини тишлаб, аччиғи келиб, солдарини солиб, ерга қараб бир тортди. Ғиротнинг тиззасидан пасти ерга кириб кетди. Гўрўғлибекнинг бурнидан чак-чак қон кетди. Гўрўғлибек Холжувон чечасига қараб, бир сўз айтди:

Ғанқиллаб учади қўлларнинг ғози,
Сарғайди мендай йўлбарснинг юзи.
Чечажон, ўзима бергин ҳимоят
Қайтайин зўр экан арабнинг қизи!
Араб қизи билмаганим билдирар,
Кўплаб лашкар Ширвон элдан келтирар.
Вақтли иложин қилгин Холжувон,
Аввал мени, сўнгра сени ўлдирар!
Чўлларда миндим Ғиркўкдай отни,
Бурнимдан дийрак-дийрак қон кетди.
Вақтли олдима келгин Холжувон,
Бир андак, суягим шовшаб кетди!

Буни эшитиб, Холжувон ўрнидан туриб, «Зайдинойнинг кўнгли мендан қолмасин», деб, бир сўз айтиб кетиб бораётибди:

Янги оламдай қилганман ўзимни
Йўлингга тўрт қилдим шаҳло кўзимни.
Сен қандай бемазасан йўловчи
Қўйиб юбор, маҳкам ушла қизимни!
Ҳақ куйдирди менинг кулба хонамни
Райҳон араб куйдирганди танамни,
Сен қандай ўлармонсан йўловчи,
Қўйиб юбор, маҳкам ушла боламни!

Бориб обод қилгин хонадонимни!
Тағин-а қўлингдан чиқиб кетмасин,
Маҳкам ушла, қўйгин Зайдинжонимни!

Қуло чўлда яна вақтинг хушлама,
Сен йигитсан, лабларидан тишлама!
Қўйиб юбор менинг ёлғиз қизимни,
Маҳкам қилгин, билагидан ушлама!

Бу сўзларни айтди, чопқиллаб Зайдинойнинг олдига етди. Ёмон кирларнинг кирини кеткизмак учун расм бўлган бир газча қўлида йўғон таёғи бор эди. Шуни қўлига олиб.

Зайдинойнинг путига оралатди. Ой Зайдиннинг ёмон қитиғи келиб кетди, сачраб Гўрўғлидан бир газ юқори бўлиб кетди. Шунда Гўрўғлибек қўлини қўйиб юбориб, гўсам серкадай қилиб, икки қўли билан белидан, қўлтиғидан маҳкам ушлаб эгарнинг қошига кўпкари чопган одамдай тортиб олиб, бир босди. Зайдиннинг қобурғасига эгарнинг қоши ботди. Ана шунда Холжувон Гўрўғлибекнинг бошидан салласини олиб, Зайдинойни Ғиротнинг ёлига тенг таррози қилиб, эгнидан, оёғидан ўраб эгарнинг қошига маҳкам қилиб бойлаб бериб, бир сўз деди:

Худо қилган икковингга марҳамат,
Уч йил бўлмай Холжувонга қиёмат.
Зайдинойжон Аҳмадбекка омонат,
Омонатга, қайним, қилма хиёнат!
Ёвмит элга боринг соғу саломат!
Араб қизи Аҳмадбекка омонат.
Кўнглинг қочиб тағин қилма хиёнат,
Сени ҳаққа, Зайдинойни сенга топширдим!
Тоғанг рози бўлсин мендан давомат!

Дўнгга-дўнгга доболингни туйдиргин,
Ёвмит элда халойиқни йиғдиргин.
Аҳмад тоғанг, дод деб бўзлаб ётганди(р),
Зайдинойни Аҳмадбекка суйдиргин!
Тоғангнинг дуосини олгин валламат,
Ёвмитда қил Зайдинойнинг тўйини!
Келганларга чиройли тўн кийдиргин,
Тоғангга томоша қилдир бўйини!
Сенга айтолмаган тоғанг ўйини,
Зинҳор бергин Аҳмадбекка Зайдинни.
Тайин бир хотин қип олсин хон Аҳмад!
Боргайсан элингга соғу саломат.

Гўрўғлибек, хўп, деб жўнаб кетди, Ғиротнинг тўрт оёғи ерни тўрт қозондай қилиб ўйиб кетди. Оёғидан чиққан чанг тумандай куннинг юзини тутди. Гўрўғли қирқ тошча йўл юриб кетгандан кейин Холжувон «дод» деб кийимларни шу ерга қўйиб, Райҳон арабнинг олдига етди, ҳадеб зор-зор йиғлай берди. Райҳон араб:

— Нимага йиғлайсан? — деди. Холжувон айтди:

— Айтмабмидим, қизинг Зайдиной ўйнаши билан қочиб кетди!

Шунда Райҳон араб айтди:

— Ювган кийимлардан олиб келдингми?

Холжувон:

— Ҳали кийимларни ювганим йўқ эди. Озми-кўпми можаро бўлди. Талашиб-тортишиб, йиқилиб-сурилиб, сенинг олдингга келдим. Шунда Райҳон араб айтди:

— Эса биз нима киямиз?

Холжувон айтди:

— Энди сен кўрпанинг ўртасидан тешиб, кийиб олмасанг, бошқа кийим йўқ.

Райҳон араб:

— Сен тулпор отни эгарла!— деди. Холжувон терликни олиб бориб, отнинг белига ташлаб келди. Ундан келиб белликни олиб кетди, қайтиб келиб, чиргини олиб бориб отга қўйиб, жаҳалдирикни икки марта олиб борди. Эгарни олиб бориб тескари солди, ундан келиб ёлпўшни кўндаланг ташлаб, деркин ёйни ҳам тескари ташлади. Пуштанни отнинг чотидан тортиб қўйди. Афзаллар олдин-кейин бўлиб қолди. Келиб Райҳонга айтди:

— Тур, отингни эгарладим, тезроқ қамчиласанг-чи.

Райҳон жойидан туриб кўрпанинг ўртасидан тишлаб бир тортди. Йиртиғидан бўйнини чиқариб, белига бир чилвир бойлаб отнинг олдига келиб:

— Нега бундай эгарладинг,— деди. Холжувон айтди:

— Э, жонингдан ургур, мен сенинг сайислигингни қилиб юрибмидим?! Менга нон билан иликдан гапир.

— Рост айтасан,— деб Райҳоннинг ўзи отини ўхшатиб эгарлаб, юганлаб, далага чиқарди. Тулпор эмасми, учар қушдай бўлиб чиқди. Тўқсон ботмон чўяндан қуйдирган калтакчасини, қамчинини билагига солиб, отга миниб, «чув» деди.

Райҳон араб шошқич отнинг оёғидан тушовини ечмай минибди, Холжувонга қараб:

— Ў, хотин отнинг тушовини ечиб юбор,— деди. Холжувон бахмал қийғични олиб, отнинг тушовини ечган киши бўлиб, чачасига суқиб-суқиб олди. От безовта бўлиб ҳаволай берди. Райҳоннинг оти ҳаволаб, учар қушдай бўлиб, парвоз қилиб, ўзини жуфтаклаб бораётир, оёғи дўнг ерларга тегади, шип ерларга етмай ётир. Отнинг шамоли билан Райҳон арабнинг белидаги чилвири узилиб кетди. Ана энди кўрпаси ҳаво кемадай ҳавога олаётибди, товуши вор-вор этиб келаётибди. Райҳон араб яланғоч терга тушиб келаётибди.

Энди Гўруғлибекдан эшитинг:

Ғиркўк отнинг жиловини сақлаб, билагига солиб, тортиб, пирларнинг берган сариёйини қўлига олиб, «отаман», деб келаётибди. Ой Зайдин «мабодо отмасин» деб камонининг бир чеккасидан ушлаб келаётибди. «Ёлғиз мендан бошқа боласи йўқ, отам вилоятининг тухуми қуриб кетади», деб кўнглидан ўтказди.

Гўруғлибек Райҳоннинг келаётганини билиб, Зайдинойга айтди:

— Келаётган ким?

Зайдиной:

— Париллаган товушидан англадим, отам чопиб келаётганга ўхшайди,— деди. Зайдиной, Гўруғлининг отасидан қўрқмайдиганини билди. Шундай бўлса ҳам гўё Гўруғлига ичи ачигандай бўлиб, «отам зўр полвон, ўлдиради» деб Гўруғлига қараб, бир сўз деди:

Отам сенинг билмаганинг билдирар,
Чекиб ханжар қора бағринг тилдирар.
Жонингнинг ҳийласин қилгин ёш бачча,
Раҳми келмас сиздай мардни ўлдирар!

Оқизар кўзингдан қонли ёшингни,
Қузғунга торттирар сенинг гўштингни!
Отам полвон сиздай бекни ўлдирар,
Кесиб ташлар танангиздан бошингни!

Зор йиғлатиб банди қилар ўзингни,
Ғам сарғайтар Гўруғлибек юзингни.
Ғазаб билан қистаб етди ортингдан,
Агар етса ўйиб ташлар кўзингни,

Ошиқ бўлган мисли ўтдай қобинар,
Отам қурсин, бедов отин тепинар!
Зинҳор ташлаб кета бергин ўзимни,
Мендай хотин Туркман элдан топилар!

Илоё, дунёси тушсин бебақо,
Сайил қилинг элингизда чорбоққа.
Бир хотин деб ўлиб кетсанг чўлларда,
Қайтай, бўлдим чўлда сизга рўдапо.

Гўруғлибек буни эшитиб, Зайдинойга қараб, бир сўз деди:

Не савдо кўтармас мардларнинг боши,
Ўлжасини ташлаб кетарми мард киши?
Ўлжасини ташламоқ хотиннинг иши.

От чопилса шақирлар тоғларнинг тоши,
Ўлади деб хафа бўлма, қаддингдан,
Етса бўлсин, эр Алининг саваши.
Тўрғай чувлаб, тонг сарғайиб ортарми?
Қўл синмай муддаога етарми?
Ўлади, деб кўнглинг бўлма ой Зайдин,
Шунқор қуш емтикни ташлаб кетарми?

Майлисда мен ўзим майларни ичдим,
Ҳангамада мен оғзимдан дур сочдим.
Сени деб отланган куни ой Зайдин,
Молимни сарф қилиб, бошимдан кечдим.

Гўрўғлибек айтди:

— Сенинг отанг мени ўлдиролайди, унинг учун хафа бўлма! Менинг сенга ичим ачиб келаётибди. Мабодо, отасини ўлдириб қўйсам Зайдиной хафа бўлиб қолмасин деб. Хайр, нима бўлса сенинг отанг-да... Ўзи индамаса, мен индамайман,— деб Ғиркўк отнинг жиловини шундай бўшатиб, жонивор Ғиркўк от, кароматингни мана шу ерда кўрсат, деб бир дебсиниб юбориб эди, Ғиркўк яшиндай бўлиб жўнай берди. «Райҳон арабнинг оти катта, менинг отим той, ҳали кичик, етиб олиб қўймаса» деб Гўрўғлининг хавотири бор эди. Узангига оёғини тираб, Ғиротга қараб, бир сўз деди:

Душман билан бўлдим тараф,
Арзимни айтай сенга қараб,
Отим Ғирот, жоним Ғирот,
Еминг кишмиш, тўрванг банот,
Тезгир бўлгин, келди араб!

Евмит юрти мамлакатим,
Синмагай энди қанотим,
Назаркарда Ғиркўк отим.
Отим Ғирот, жоним Ғирот,
Еминг кишмиш, тўрванг банот.
Тезгир бўлгин, келди араб!

Тўрт оёғинг қоққан қозиқ,
Баданларинг қиздан нозик,
Ўмганларинг филдан ёзиқ,
Отим Ғирот, жоним Ғирот,
Еминг кишмиш, тўрванг банот.
Тезгир бўлгин, келди араб!

Тимкил-тимкил холларингдан,
Шол ипакдай ёлларингдан,
Араб келди йўлларингдан,
Ирғигин, бобонгнинг ирғиган ери.

Райҳон подшо хунобалар ютганди,
Тарафим орқангдан қувиб етганди.
Шу дарё хатарли жой Ғиркўк от,
Ота-бобонг яшиндай бўп ўтганди.
Отим Ғирот, жоним Ғирот,
Сени минган топар мурод,
Душман етса бўлар уят.
Ирғигин, отангнинг ирғиган ери,
Иргигин, бобонгнинг ирғиган ери!
Отим Ғирот, жоним Ғирот,
Еминг кишмиш, тўрванг банот.
Тезгир бўлгин, келди араб!

Гўрўғлининг бу тилини эшитиб,
Ғиркўк от жонини сотди.
Яхши отдир мард йигитнинг қаноти,
Қиздайин қилиқсиб назари Ғиркўк,
Ўкча тираб бошин баланд қаратди,
Қўлтиқда сириллаб яшин қаноти,
Жонивор Ғиркўк от оғзини очди
Қарчиғайдай бўп осмонга учди.
Гўрўғлибек кўзин очиб қараса,
Юз қулоч дарёдан нарига тушди.

Гўрўғлибек кўзин очиб қараса, Тажан дарёсидан ўтибди. Шунда орқасига қараб турди. Райҳон араб ҳам тулпорини «чув-ҳо», «чув-ҳо» деб қистаб Гўрўғлибек билан измаиз келаётиб эди. Бу ҳам отини Тажан дарёсига солди. Бояги пойидан қирққани асар қилди. Дарёдан ўтолмай отининг олдинги икки оёғи дарёнинг бериги лабига тушди, орқасидаги оёғи дарёга ботиб, Райҳон араб дарёга «чўлп» этиб тушиб кетди. Оти ўзининг тарафига сузиб ўтди. Ле-

кин Райҳон арабнинг бўйнидаги кўрпаси дарёлардаги наматчиларнинг наматидай бўлиб сувда айланиб Райҳон арабни ботгани қўймай оқиб бораётибди. Сув Райҳон арабни қўймай оқизиб кетаётибди. Балиқлар, «бизга яхши овқат келиб қолди», деб ҳар ер ҳар еридан тишлаб келаётибди. Буни шундай ҳолда кўриб, Гўрўғлибекнинг эсига Райҳоннинг айтган сўзи тушиб, «беш кун даврон сизники, беш кун даврон бизники, Райҳон подшо менга қара, мана» деб, Зайдинойнинг бўксасига шапатилаб-шапатилаб, Райҳоннинг қош-манглайига бориб, менинг сўзима қулоқ солинг, деб бир сўз деди:

Юнг босган эшитгин, менинг додимни,
Ёвмит дейди униб-ўсган юртимни,
Уч йилда ўзингдан олдим лотимни.
Э ҳок, э ҳок ет-да, ол-да, баччағар!

Юрган йўлим бўтакўзли жўнағар.
Сўлқиллатиб олиб келдим Зайдинни,
Э ҳок, э ҳок терда қолдинг, сийниғар!

Томоша қил, Ғиркўк асп тозимни,
Уч йилда босдими сенинг изингни?
Селдиратиб олиб қочдим қизингни,
Туман қилдим араб сенинг юзингни.
Тирик юрганингдан ўлим лозимди(р),
Бундан бу ёқ ўйлаб сўзла сўзингни!
Сўлқиллатиб Зайдиной қизингни,
Э ҳок, э ҳок мазах қилдим ўзингни.

Қулоқ солди Гўрўғлининг тилига,
Талатўп солади Ширвон элига.
Душманимнинг бири кам деб Гўрўғли,
Сариёйни садоқдан олди қўлига.

Тарафига хўп бемаза сўзлади,
Райҳон араб юрак-бағрин тузлади,
Ўлдирайин деди аччиғи келиб,
Икки қошнинг ўртасидан кўзлади.

Гўрўғлибекнинг ёй билан кўзлаб ўлдираман деганини билиб, Зайдиной Гўрўғлибекка ялиниб, бир сўз деди:

Холжувон чечангиз сочини ёйиб,
Мен қолармaн давлатингда мунғайиб.
Отамни отма, отни отгин бекбачча,
Отам ўлса, эли бўлар бесойиб!

Мен бўлармaн бунда дардли девона,
Отамни отма, отин отинг, тақсиржон,
Отам ўлса, жойи бўлар сағана!

Бедовлар чопилди Қуло далага,
Мен отамнинг ўлим ўтин тилайман,
Мендай хизматкоринг тушди ўртага.

Куйганимдан гапни гапга улайман,
Қора зулфим зарафшонни силайман.
Елғиз ўлса тухми қуриб кетмайми?
Мен отамнинг ўлим ўтин тилайман.

Қавми йўқ отамнинг қариндоши йўқ,
Сирин айтар бир эмчакдоши йўқ.
Менинг отам бир подшонинг авлоди,
Отам ўлса шу дарёнинг ичида,
«Вой акалар»им, бунинг эмчакдоши йўқ.

Мардлар ойимларни сақлар, ўдаға.
Тўрам, сенинг мард, номардинг синайман
Куйганимдан гапни гапга улайман,
Ҳақ ҳурмати ўлим ўтин тилайман.
Отам ўлса хафа бўлиб йиғлайман,
Сиздай марддан мендай қиз садага.

(Гўруғлибек Зайдинойнинг сўзини олиб, Райҳон арабни яна калака қила берди:)

Ичинг куйиб ўлгин араб,
Энди қойил бўлгин араб.
Етим тойим елмадимми?
Сени сарсон қилмадимми?
Энди лотим олмадимми?
Сени ғамга солмадимми?
Сувсиз чўлда еткизмайин,
Кучук бобо қилмадимми?
Ичинг куйиб ўлгин араб,
Энди қойил бўлгин араб!

Сенинг сўзлар сўзингни олдим,
Кечаю кундузингни олдим,
Билсанг жоду кўзингни олдим,
Жондек сенинг қизингни олдим.
Шундай сарвинозингни олдим,
Ширин-шакар сўзингни олдим,
Ичинг куйиб ўлгин араб,
Энди қойил бўлгин араб!

Сувсиз чўлда қолдинг энди,
Билсанг адо бўлдинг энди.
Тулпор отинг нима бўлди?
Эсинг бўлса ўлдинг энди.
Мени аҳмоқ демабмидинг,
Мендан баттар бўлдинг энди.
Ичинг куйиб ўлгин араб,
Энди қойил бўлгин араб!

Зўрлигимни билдирдимми?
Ичинг гамга тўлдирдимми?
Қизил гулинг сўлдирдимми?
Олмадимми қувватингни,
Қиз ойим суюклигингни,
Ичинг куйиб ўлгин араб,
Энди қойил бўлгин араб!

Бу сўзларни Райҳон араб эшитиб, сувнинг ичидан Гўрўғлибекка бир сўз деди:

Эшитгин етимак, айтган сўзимни,
Ўлмасам бир кун босарман изингни!
Мен сенга бир насиҳат айтайин,
Ўзинг олгин Зайдинойдай қизимни!

Бориб обод қилгин Ёвмит юртингни,
Олиб кетдинг мендай марддан лотингни!
Бу сўзимни қулоққа ол, энағар,
Биров байталига қўйма отингни!

Бедов минган Қуло чўлдан ўтади,
Мард деган мақсадига етади.
Бир одам Ғиротдан олса хоназот,
Сени ҳам мендай қилиб кетади.

Борганингдан кўп одамни йиғдирма,
Добилингни қўлма-қўлга чуйдирма.
Зинҳор ўзинг олгин Зайдинойимни,
Сен бошқага бериб, умрин куйдирма!

Райҳон араб айтди:

— Ҳар нима бўлса ўлжангни бировга берма, мард экансан, сен ҳам ўғил экансан, мендан лотингни олдинг, ҳалолинг бўлсин! Ўз йўлингни билиб, энди юрар ерингдан қолма!

Райҳон араб сувнинг бети билан сузиб дарёнинг қайрангроқ ерига бориб қолди. Шунда уйтиб-буйтиб дарёнинг қайрағидан чиқиб олди. Дарёдан чиқиб кўрпани йиртиб-йиртиб, пахтани олиб, аврасини ташлаб, астарини бошига ўраб, қўлини чиқариб ёпиниб олди. Пахта билан аврасини олиб кетар эди, пахта сувда ҳўл бўлиб қолган эмасми, оғир бўлиб отиға бир ўзи ортолмай қолди. Иложсиз «кўп увадага эга бўлиб юраманми? Тағин шундай увадани топармanда» деб, ҳотамтойлиги тутиб ташлаб кетди. Райҳон араб астарга ўраниб отининг олдига бориб, ушлаб олди. Минай деса оти чўлоқ бўлиб, оқсоқланарди. «Майиб бўлганга ўхшайди», деб хафа бўлиб етаклаб, Ширвонга қараб яёв кетди. Буни кетмоқда қўйиб, Гўрўғлидан эшитинг:

Гўрўғлибек дарёдан омон-эсон ўтиб, душманлардан қутулиб Зайдинойни орқасига мингаштириб олди. Гоҳ жебалаб, гоҳ йўрғалаб, гоҳ йўртиб маст бўлиб, юрагидан чери кетиб, ўн беш кунлик ойдай бўлиб, Ёвмит шаҳрига етди. Ёвмит эли, шаҳар халқи Гўрўғлини кўриб, талатўп-ғулғула тушиб қолди. Гўрўғлибек шаҳар ичига кириб Аҳмадбек ётган эшикнинг олдига бориб бир сўз демоқчи бўлиб турди. Аҳмадбек Гўрўғлининг Ёвмит элидан араз уриб, келмай кетган кунидан бери шу уйда илондай тўлғаниб, айиқдай ағанаб ҳам ўғлидан, ҳам хотинидан айрилиб ётиб эди. Гўрўғли «уйда ҳеч ким борми», деб бир сўз деб турибди:

Ассалому алайкум, Аҳмадбек тоға,
Пўлат добилинг туйғин-чи,
Кўлга шунқоринг чуйгин-чи,
Оп келдим араб қизини,
Тоғажон, бергин суюнчи!

Эшит Гўрўғли сўзини,
Ғамлар сарғайтди юзини,

Аҳмадбек, беринг суюнчи
Оп келдим араб қизини!
Сарғайтибман юзини
Ўйдим душманнинг кўзини,
Сўлқиллатиб олиб қочдим.
Зайдинойдай қизини.
Тоғажон, беринг суюнчи.

Сенинг номус, оринг келди,
Савдо харидоринг келди,
Тоғажон, беринг суюнчи!

Холжувоннинг ўрнига,
Зайдинойдай ёринг келди,
Тоғажон, беринг суюнчи!

Ватанингни обод қилар,
Ой Зайдиндай ёринг келди,
Кўзлари хуморинг келди
Тоғажон, беринг суюнчи!
Зайдин ўн саккиз ёшида,
Балхи рўмоли бошида,
Тоғажон беринг суюнчи!
Садаф шовдираб тўшига,
Чиққин ёрингнинг қошига,
Аҳмадбек, беринг суюнчи.

Бошинг чайқа, бармоқ тишла,
Чечамнинг вақтини хушла,
Остига тўшакдаи ташла,
Тоғажон, беринг суюнчи!

Чиқасоп ёрингни ушла,
Хотин қип вақтингни хушла,
Энига қўлингни ташла.
Кечкисинга искаб юздан,
Тоғажон, беринг суюнчи!

Ақлларини шоширгин,
Кўнгилларини жўширгин,
Тоғажон, беринг суюнчи!

Райҳон бўп қолди пиёда,
Шунқор толпинар уяда,
Ёмон деб ўпка қилмагин,
Тоғажон, беринг суюнчи!
Холжувондан бу зиёда,
Тўшакда ёт бирдай бўп,
Янги очилган гулдай бўп,
Тоғажон, беринг суюнчи!

Овлаб келган пирдай бўлиб,
Тишинг оппоқ дурдай бўлиб,
Баданлари қордай бўлиб,
Баданига анбар солиб.
Кўрганнинг кўкайин кесиб,
Чимилдиқда ҳазиллашсанг,
Тоғажон, беринг суюнчи!

Зайдиной сизга муносиб,
Қоши кўзи ёйдай бўлиб,
Чўпон тортган найдай бўлиб,
Ўн беш кунлик ойдай бўлиб,
Тоғажон, беринг суюнчи!

Уст-боши шойидай бўлиб,
Асовлиги тойдай бўлиб,
Ювошлиги қўйдай бўлиб,
Ёрингни суратин кўргин,
Лочин қарчиғайдай бўлиб,
Солланиб туришин қара.
Ёмон кунлар ўтди тоға,
Ёрингни олгин қулочлаб!
Ёринг билан сургин даврон.
Кел олдима, тур, тоғажон!
Энди давринг сур, тоғажон!
Уйингдан чиқиб далага!
Суяр ёринг кўр, тоғажон!
Бундан бошқа ёринг борми,
Кел олдима бек Аҳмадхон?!
Сенинг ёринг Ширвон қизи,
Арабларнинг сарвинози,
Шу шаҳарнинг жоду кўзи,
Райҳон шоҳ арабнинг қизи,
Бир подшонинг азизи.

Шу юртнинг соҳиб тамизи,
Хизматида неча канизи,
Болдан ширин ҳар бир сўзи,
Райҳоннинг бу ёлғизи,
Ширвон элда битта ўзи,
Тиши дур, лаби қирмизи.

Кўзлари тонгнинг юлдузи.
Учар кўлнинг турна, гози,
Йигит қилар тоға сизни.
Кўзга дори босган изи,
Қора сочлари қундузи,
Тоғажон, бергин суюнчи.
Келди ой Зайдиннинг ўзи,
Жуда ҳам койибди бизи,
Томоша қил кўра берсин,
Евмит элнинг барча қизи!
Қандай қизиқ бўлмас экан,
Суйганингнинг айтган сўзи!
Орқасидан эргашмасмикан,
Одам бўлиб, қўйдай қўзи.

Қулига олса созини,
Булбулдай яхши овози.
Эшитганлар кетолмайди,
Шуйтиб, судраб юрар бизи.

Гўрўғлининг товушини эшитиб, Аҳмадбек уч йилдан бери ётган еридан «Вой болам, Гўрўғлижон бормисан», деб сачраб туриб кетди.

Янги эшитди Гўрўғлининг сўзини,
Ғам сарғайтган экан ойдай юзини.
Одамларнинг шовқиниман Аҳмадбек,
— Вой болам,— деб энди очди кўзини.

Мавж уриб мисли дарёдай тошди,
Сипоҳилар ҳам вазирлар гувлашди.
Гўрўғлини янги таниб Аҳмадбек,
Вой болам, деб Гўрўғлига тармашди.

Хўрсинибди сўйлатолмай тилини,
Талатўп қип беклар Евмит элини.
Вой болам, деб ўпкасини босолмай,
Вой болам, деб бўйнига соп қўлини

Ҳар ким кўнгли, мард билмайми ўзини?
Ҳар йиғлайди Аҳмадбекдай тоғаси,
Искалаб юзига қўйди юзини.
Гўрўғлибек имо қилди Аҳмадга,
Қучоқлаб кўтарди Райҳон қизини.

Зайдиной қараса, соқолининг ярми оқ, ярми қора, мош-гуруч ўзи каринамо чол бўлиб қолган бир киши. Зайдиной Аҳмадбекка қараб, шунга теккунча ўлганим яхши деб бир чираниб эди. Аҳмадбекнинг оёғи тойиб, орқасига чалқайиб, Зайдиной устига йиқилди, боши ерга тегиб, мияси айланиб қолди. Шунда шаҳар бекзодаларининг аёллари ичидан чечан кайвонилари чопишиб келиб, Зайдинойни қўлтиғидан суяб ўртага олиб, ўт ёқиб, еталатиб ўтди. Аҳмадбекнинг ўтовига олиб кирди. Аҳмадбек ҳам буларнинг орқасидан борди. Ҳамма шу ерда турган катта-кичик подшозодалар, бек ўғиллар, барча сипоҳилар, Гўрўғлибекни «ҳорманг, бор бўлинг», қилишиб, кўришиб, Аҳмадбекнинг Зайдиной ёрини қутлуғ бўлсин қилдилар. Буларни шу ерда қўйиб, энди Ёвмит элининг фуқароларидан эшитинг!

Ёвмитнинг подшолик дабдабасидан Гўрўғлибекка одам келиб, подшоликка олиб кетди. Ҳамма «юртимизнинг подшоси келди» дейишиб, ногора, карнай, сурнай чалишиб, ўйнашиб, кулишиб ҳангама қилишиб, кўрганларнинг ақли шошиб. бир хиллари йўлидан адашиб, дўстлар шод бўлишиб, душманлар хафа бўлишиб, душманлигини билдирмай ўлганидан улар ҳам кулишиб, созанда, жировлар соз чертишиб, Гўрўғлибекка жон диллари билан хизмат қилишиб, тонг отди. Гўрўғлибек «қутлуғ бўлсин деб келайин» деб, Аҳмадбек тоғасининг олдига кетди.

Зайдинни кайвонилар Аҳмадбекнинг уйига киргизиб қўйиб кетган эдилар. Аҳмадбек билан Зайдиной иккови қолган эди. Зайдиной, «Мен Аҳмадбекни ўлдирмасам мени олади. Аҳмадбекни ўлдирсам мени Гўрўғлибекнинг ўзи олади» деб ўйлаб Аҳмадбекни босиб, устига чиқиб, икки қўлини ушлаб турибди. Аҳмадбек Зайдинойни кўтаролмай, типир-типир этиб ётипти. Аҳмадбекнинг ҳолини Гўрўғлибек кўриб, аччиғи келиб, «э қизиғарнинг қизи, бу нима деган ишинг, нима қилган қилмишинг» деб Зайдинойнинг қўлидан ушлаб отиб юборди. «Агар хотин бўлсанг тоғамга хотин бўласан, бўлмасанг чойжўш кайнатадиган бир қалам ўтин бўласан. Агар тоғамга яна шундай қилсанг — ўлдира-

ман» деб уришди. Шундай бўлса ҳам Зайдиной кўп вақтгача Аҳмадбекка бўйсунмай, тан бермай, чақирса бормай юрди, сўнг-сўнг кўнгил қўйиб кетди. Аҳмадбек Гўрўғлибекни дуо қилиб айтди:

— Умринг узоқ, давлатинг беҳисоб бўлсин, тупроқ ушласанг олтин бўлсин! Ўлгунимча сенинг хизматкорингман, чироғим. Сени кўриб ҳамма дардим, ҳасратим эсимдан чиқиб кетди. Бунинг устига Зайдинойни олиб келиб бердинг. Давлатинг ўлгунингча адо бўлмасин. Сендан камсиз димоғим чоғ бўлди. Энди давлатга сен эгасан, болам, ўлигимнинг эгасини топтим, ҳамма подшолик, беклик ишларини, барча мол-ҳол, танга-зарларни сенга топширдим,— деб Гўрўғлибекни дуо қилиб, этагига калласини солди. Ўзида бор бўлган ҳар нима амалларни Гўрўғлибекка топширди. Айтди:

— Мен ўлганимда тўрт қада бўз билан гўркафан қилиб, кўмсанг бўлади.

Гўрўғлибек ҳам ўрнидан туриб:

— Қуллуқ, тоғажон, ҳар нима деганингизни қабул қилдим,— деди. Аҳмадбек билан Гўрўғлибек икковлари ўринларидан туриб, маслаҳат уйига бордилар. Аҳмадбек Гўрўғлибекка:

— Сен йўқ бўлиб кетган эдинг. Энди ўзингнинг келганингга, Зайдинойни олиб келиб берганингга бир тўй қилиб, Ёвмит элининг катта-кичикларини йиғиб сарполар бериб, вақтларини хушлагин, димоғларини чоқлагин,— деб Ёвмит элнинг шаҳридан катта-кичикларни йиғиб маслаҳатлашиб, «қирқ кунлик тўй қиламиз» деб мирза, мунши, муҳаррирларига ҳар бир шаҳарларга хат ёздириб, бир нечасига бодпой йўрға отлардан миндирди, бир хил узоқроқ шаҳарларга айёрлардан юборди. Жарчилар чақириб, тўйга айтувчилар кета берсин, энди тўйдан эшитинг!

Гўрўғлибек Ёвмитнинг фуқароларини йиғиб, тўй учун юзта ўчоқни ўйиб, кунда тўйга яраша семиз моллардан сўйиб, хизматкорлар хизматларни кила берди. Ана энди тўй бошланди. Катта-катта қўйлар сўйилиб ётир. Ёвмит шаҳрида ҳамма катта-кичик, қиз-жувон парилар, ҳур сифатли ойимлар, катта кайвонилар барчаси йиғилишиб, боғ майдонига етди. Шунда аёлларнинг бир хили п[illegible]га солди ўйнашиб, бир хили тақия тиқмоч ўйнаб, бир хили билган ишларини ўйнаб, бир хиллари бир-бирлари билан ўлан айтишиб,

лолагул ёвғошинлардай[1] очилиб, ҳар қайсилари ўз нозлари билан тараниб, ҳар хил ўйинларни қилиб, димоғлари чоқлашиб юра бердилар.

Энди келамиз тўйхонага... Ҳамма — шоҳлар, беклар, хонлар, шоҳ ўғли, бек ўғли, хон ўғли тўйини қизиқ қилмоқчи бўлиб, ҳар қайсилари бир ишга — бирови кўпкарига, бирови курашга, бирови пойгага, бир хили ош бермоқ, бир хили от ушламоқ, бир хили ҳамма ўйинчиларни йиғдирмоқ, шунга ўхшаш ишларга мутасадди бўлдилар. Тўй жуда талатўп бўлиб, тўйга келган одамларга кунда ош бериб, бир хилларига бош бериб, оқшом палов, эртан чой бериб зиёфат устига зиёфат, қанд устига новвот, асал устига шарбат тортди. Шоирлар сўз айтган, фуқаролар эшитган, созандалар созини чертган, қиз-жувонлар ўйнаган, дўст-душманларнинг димоғлари чоғ бўлиб кулишган, бир-бирлари билан севишган, янгидан келганлари бир-бирлари билан кўришган, билганлари «Зайдинойни Гўрўғлибек олиб келиб, Аҳмадга берди» деб билишган, билмаганлар ён-атрофдаги жўраларидан сўрашган, кўрганларнинг ақли шошган, бир хиллари бир-бирига тўқишган. Шуйтиб, тўй — қирқ кун ўтди, тўқсон икки бовли ўзбек ҳаммасидан йиғилишиб тўйга келди. Гуноҳкорларни озод қилди. Амалдорларга яхши сарполардан бериб, қайсиларининг олдиларига бир пуд келадиган калла қандлардан бериб, жўнатиб юборди.

Ана энди навбат Зайдинойга келди. Зайдиной ҳам ҳамма аёлларга мурсак сарпо, бош-оёқ кийимлар бериб, бир хилларига катта-катта кайвонилик амал берди. Оқшом тақдирга тан бериб, Аҳмадбекка кўнгил қўйиб, тан бағишламоқчи бўлди. Шунда Гўрўғлибек бош бўлиб, ҳамма улуғ беклар, хонлар, бекзода, хонзодалар, кичик фуқаролардан шу ерда ҳозир туриб, Зайдинойни подшолик расм-қоидаси билан Аҳмадбекка никоҳ қилиб бердилар. Қирқ кунлик тўй-томоша бўлиб, эл-элига, шаҳарлик шаҳарига жўнаб кетди. Шуйтиб мурод-мақсадга етдилар.

---

[1] Ўтнинг номи

# Юнус пари

Айтувчи:

*МУҲАММАДҚУЛ ЖОМРОТ ЎҒЛИ ПЎЛКАН*

Нашрга тайёрловчи:

*ШАҲЗОДА ХЎЖАЕВА*

Така юртдан, ҳар уруғдан Гаждумбек, Муродбой, Хидирали элбеги, Дониёр хўжа, Бердиёр оталиқ, Туркманнинг катта-катталари, Ўзбек хоннинг боласи Сафо, Сафонинг боласи Мустафо чаққон, жонни жонга суққан, тарафнинг қаддини буккан, ўзи саксонга кирган, овозаси ҳар тарафга маълум бўлиб кетган келиб Гўрўғлибек кундан-кунга ривож қилиб, давлати урчиб кетаверди.

Мустафо чаққоннинг боласи Такабеги Замон Гўрўғлибекка устод бўлди, уруш, ўттиз икки турли сипоҳгарликни ўргатди.

Гўрўғлибек номи ўзбекнинг катталарини, Туркманнинг катталарини йиғиб, ўрталикка дастурхон ёйиб, қандни, новвотни, асал билан шарбатни уйиб, семиз моллардан сўйиб, одамларнинг гўштдан қорни тўйиб, ана шу йиғинда Аҳмадбек бир сўз айтаётибди:

Катталар эшитинг менинг сўзимди,
Жавдиратдим Гўрўғлига кўзимди,
Сўзима қулоқ сонг ўзбек каттаси,
Жиянима яхши хотин лозимди(р).

Елғизликдан то бўлмасин кўп абгор,
Ҳар тунлари йиғламасин зор-зор,
Ҳар бир қизга тағин бўлмасин хуштор,
Маслаҳат бер бу сўзима ёронлар!

Ҳар тарафга яхши йўрға чопинглар,
Катталарга яхши сарпой ёпинглар!

Бу гапима маслаҳат бер, ёронлар,
Бир эсли яхши қиз дарров топинглар!

Юлдуздайин ярқилласин эк[1] кўзи,
Ойларга ўхшасин монанди юзи!
Кўп ақлли яхши қиздан топинглар!
Жиянима оп беринг яхши қиззи!

Оп берсанглар аввал кўринг бўйини,
Сўраб олинг ақли билан ўйини!
Карнай-сурнай тортиб элда халойиқ,
Қирқ кун қилинг чироғимнинг тўйини!

Гап чиқади Аҳмадбекнинг тилидан,
Қутулгаймиз ёмонларнинг хилидан.
Сўзима қулоқ сонг турган жамоат,
Хотин оп беринглар ўзбек элидан!

Утин, ўтин саксовулнинг ўтини,
Ҳақ эшитсин мард одамнинг додини!
Яхши бўлса эр йигитнинг хотини,
Хотин чиқарар йигитнинг отини.

Ёмон бўлса мард йигитнинг хотини,
Тумшуғидан чиқаради ўтини.
Харобот қилади мамлакатини,
Фалакка чиқарар бошдан додини.

Айламайди ҳеч кимга ҳасратини
Бир яхши қиз оп беринглар болама!

Энди ўтирган барча халойиқ жойидан туриб, ҳаммаси «Қуллуқ» деди, бари таъзим қилди. «Нима десангиз, фармондорингизман», деб Такабеги Замон бир сўз айтаяпти:

Отни минган уйдан дўнга чобинар,
Ошиқ бўлган йигит ўтдай қобинар,
Сўзима қулоқ сонг турган қариндош,
Яхши хотин ўзбек элдан топилар.

---

[1] Икки.

Югуртар отларни ўткир қамчи,
Йигитни қуллагай аҳмади замчи,
Ҳангамада турган жами қора кўз,
Чоқла майдон, қуйинг бир қизга совчи!

Ўлмасанг элатда даврон суринглар,
Ҳар қишлоқни, ҳар элатни кўринглар!
Бу элатда ҳам яхши-ёмон бор,
Бир яхшини элдан топиб беринглар!

Теринглар боғларнинг тоза лоласин,
Гумбурлатинг Элсаринниг даласин!
Уруғи яхшидан ёмонлик чиқмас,
Оп беринглар яхши одам боласин!

Куймайин ёшини кўздан тўкмайди.
Ботир бўлмай найза тангa суқмайди,
Оп беринглар тоза уруғ боласин,
Яхши одамдан хеч ёмонлик чиқмайди!

Ноасилнинг қилган иши ҳийлади(р),
Кеча-кундуз иши ўйлов бўлади.
Оп берманглар ёмон одам қизини,
Ёмон бир кун ёмонлигин қилади!

Мазах қилманг Така Замон сўзини,
Ўйиб олинг ёмонларнинг кўзини!
Бу гапимни хазил билманг жамоат,
Оп беринглар яхши одам қизини!

Ёмғир ёғса ўтлар кўклаб кетади,
Яхши олган муродига етади,
Харгиз олиб берманг ёмон бадбахтни,
Ёмон хотин олиб берсанг йигитга,
Ўтган умри доим куйиб ўтади!

Яхши қизни олиб беринг йигитга,
Ўн икки ой бир кундай бўп ўтади!

Ана энди Гўрўғлибекдан эшитмоқ даркор. Гўрўғлибек турган ҳаммага қараб бир сўз айтаяпти:

Ёвмит дейди менинг ота юртимни,
Энди айтай юрагимда дардимни:

Халойиқлар сизга малол келмаса,
Эр Хизр Гўрўғлибек қўйган отимни.

Душманлардан ҳамиша олсам лотимни,
Кундан-кунга обод қилсам кентимни.
Қариндош сизларга малол келмаса,
Қирқ чилтон Гўрўғли қўйган отимни.

Сўрай берсанг юракда ғуборим бор,
Туркмандайин униб-ўсган шаҳрим бор,
Мен сизларга ростин айтсам қариндош,
Юнус, Мисқол деган менинг ёрим бор.

Бек бўлганлар довулини туйганди.
Шоҳга хизмат қилган сарпой кийганди.
Мен сизларга ростин айтсам қариндош,
Юнус билан Мисқолдайин парининг,
Ёвтан чилтон никоҳини қийганди.

Ўз элимда номус билан орим бор,
Така Туркман деган ота шаҳрим бор.
Бир хотин деб кашал бўлманг халойиқ,
Юнус билан Мисқол деган ёрим бор,

Саратон юлдузга ўхшар кўзлари,
Гапирса ўртайди шакар сўзлари,
Таърифини айтай сизга қариндош,
Ўн беш кунлик ойга ўхшар юзлари.

Ғиротимни чўл жазирада еламан,
Ғанимима чўх[1] савдони соламан,
Менинг учун кашал бўлманг оғайин,
Юнусман Мисқолни олиб келаман!

Буралиб бўйнига қўлни соламан.
Ғайрат қилиб сувсиз чўлда жон сотиб,
Ўзим хотинимни олиб келаман.
Менинг учун кашал бўлманг Аҳмадбек
Ўз тараддимни ўзим қиламан!

Душманларни кўрсам ақлим шоша,
Ғиротимни миниб тоғлардан оша,

[1] Чўх — кўп.

Ғам еманглар менинг учун қариндош,
Кўйи Қофни қилиб келай томоша,
Ўлмасам дунёда даврон сураман,
Бир хотин деб кашал бўлманг қариндош,
Кўйи Қофдан ёримни олиб келаман.

Энди Аҳмадбек тоқати қолмай шундай кўнгли бузилиб, юраклари эзилиб, Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Сен кетган сўнг сарғаяди оқ юзим,
Қоронғилик бўлар ҳам қиши ёзим,
Мени десанг кетма, Евмит шаҳридан,
Бу сафаринг узоқ сафар, ёлғизим!

Қиш бўлмай, тоғларни туман чалмайди,
Гармсел бўлмайин гуллар сўлмайди.
Бу сафаринг узоқ сафар Гўрўғли,
Кўйи Қофга борган одам келмайди.

Юрган жойинг доим сувсиз дашт бўлар,
Ғажирнинг қўнгани чўлда лош бўлар,
Мени десанг узок чўлга бормагин,
Бу сафаринг ёмон душвор иш бўлар.

Бир нечага ёрнинг лаби асалдир,
Бир нечалар ёр ишқидан касалдир.
Айналай-е, борма айтган ёғингга,
Тирик келмак бу сафардан ўсалдир!

Ёқаларинг ҳўл бўп қолар ёшингга,
Ёмон ғаплар кирмадими тушингга?
Мени десанг, борма болам узоққа,
Яккалигинг асар қилар бошингга!

Уруш куни ботир шердай чопинар,
Қалқон билан совутини ёпинар,
Мени десанг, борма узоқ йўлларга,
Евмит элдан яхши хотин топилар!

Айланай, бормагин узоқ йўлларга!
Аҳмадбекнинг гапирмакка гапи бор,
Ёмонларнинг бир озроқ бови бор,
Мени десанг, борма узоқ йўлларга
Ўрталиқда тўрт минг тўқсон тоғи бор.

Саргайтирар юра-юра юзингни,
Тўхтамиш дев босар сенинг изингни
Мени десанг, борма шунча йўлларга,
Душман чиқиб банди қилар ўзингни!

Айналай, бормагин хатарли йўлга,
Оҳ тортарсан юрагингдан чер келар,
Чопа-чопа отгинангдан тер келар,
Бормагин чироғим хатарли йўлга.
Яккасан, ёлгиз бошингга зўр келар!
Насиҳатим олгин, борма узоққа,
Ўз элингдан яхши қизлар топилар.
Хатарли йўлларга борма фарзандим!

Қовминг йўқ, чироғим, қариндошинг йўқ,
Дардинг айтар ҳеч бирор сирдошинг йўқ,
Касал бўлсанг, шикаст кўрсанг сафарда,
Орқангда чироғим, эмчакдошинг йўқ,
Айналай, бормагин хатарли йўлга!

Куйи Қофга борган одам ўлади,
У ёғини бир яратган билади.
Чироғим бормагин шунча йўлларга,
Бу сафарга борган одам ўлади!
Қанотли қуш учар ҳайвон бўлмаса...
Учган одам унга бориб келади.

Сўйлайдиган оғизларда тил бўлар,
Сулувларда темгил-темгил хол бўлар.
Мени десанг, борма, Гўрўғли болам.
Бил, айтганинг ёмон узоқ йўл бўлар.

Ана энди Гўрўғлибек ҳиммати жўш уриб Аҳмадбек тоғасига, Такабеги Замон устозига қараб бир сўз айтаяпти:

Давлат турмас такаббурнинг бошида
Ёмон савдо зиён қилар ишига,
Омин деб дуо қинг турган оғайин,
Рад берманг талабга кирган кишига!

Ким яхши, ким ёмон худо билади,
Хотин десам рангим гулдай сўлади.
Рад берманг талабга кирган кишига
У ёғини туз-насибам билади!

Сарф айласам бисотимда боримни,
Ёвмит дейди менинг ота еримни.
Омин деб дуо қинг ёппа жамоат,
Оп келайин Юнус, Мисқол ёримни!

Нобоп гапни асли айтманг ўзима,
Ўлгангинам кўринмайди кўзима!
Омин денглар яна қайтиб кўргунча,
Омин де, дуо қинг менинг ўзима!

Менинг юзим қизил гулнинг нақшидир,
Бизни таъриф қилган чечан бахшидир.
Юнусжон деб бунда тинч бўп юргандан,
Хотин деб йўлда ўлганим яхшидир.

Оллойим йўл берса тоғдан ўтарман,
Ой Юнус деб хунобалар ютарман.
Ундай деманг мендай талабли қулга,
Албатта мен хотин олиб қайтарман.

Омон бўнглар тағи қайтиб кўргунча!
Таваккалчи битиради ҳар ишни.
Ўз кўнглимда мен ҳам қайнаб жўшарман
Тарафни зўр кўрсам ақлим шошарман.

Ғиркўк отим эсон гурса остимда,
Неча тоғдан, неча қирдан ошарман.
Мард киши ажалнинг тўнин бичади,
Уруш куни душманини санчади.
Дарё бор деб хафа бўлманг жамоат,
Дарёлардан отим қушдай учади.

Яхши одам муродига етади,
Тоққа чиққан тошни думалатади.
Ўпкадай қалқитиб Юнус парини,
Эсон-омон отим олиб қайтади.

Ана энди кўрди, гури-гури одам хабар қилди, ҳар тарафдан подшоликка одам келаверди. Жамоат жам бўлди. Гаждумбекка қараб Аҳмадбек бир сўз айтаяпти:

Гаждум эшит Аҳмадбекнинг сўзини,
Ғам сарғайтар хафа одам юзини.
Сайислар қулоқ сонг айтган гапима,
Эгарлаб келинглар Ғиркўк тозини!

Кетгаринглар жиянимнинг дардини,
Обод қинглар Така Туркман юртини!
Қулоқ сонг сайислар айтган гапима,
Эгарланглар чироғимнинг отини!

Кўп единг қўлимдан оши тузимни,
Овладингиз қўлларимдан ғозимни.
Хушвақт қип кулдиринг ёлғиз қўзимни!
Табладан эгарлаб келиб миндиринг,
Назаркарда илдам аспи тозимни!

Билмаганин халойиқлар билдиринг,
Қаватида кўп одамни жилдиринг,
Қаддингдан кетайин, турган қариндош,
Гўрўғлини Ғиротига миндиринг!

Амалдорлар ҳар тарафдан келинглар,
Келиб туриб элга эга бўлинглар!
Отига миндириб ёлғиз қўзини,
Шаҳардан чиқариб, йўлга солинглар!

Бир нечалар кўчаларда чопишиб,
Бир нечалар подшо кетди дейишиб,
Ёвмит элнинг сатта сулув қизлари,
Монанди ойларга ўхшаб юзлари,
Панжарадан чиқиб томоша қилиб,
Юлдуздайин ярқиллашиб кўзлари,
Қора зулфи ойдай бетга чирмаша,
Кўрганларнинг дарди дардга улаша,
Подшоликдан кетди гала хотинлар,
Шилдирашиб, қилиб бари томоша,
Рўмолларни шилдиратиб ўрайди,
Кўрган тушин яхшиликка йўрайди,
Гўрўғли қандайин одам экан деб,
Семиз-ориқ ёппа-ёвлик қарайди.

Қариндошнинг қовоқлари уюлиб,
Ҳамма келди Ёвмит элдан йиғилиб,
Томоша айланг яхшининг ҳимматини,
Талатўплар қилиб Ёвмит юртини.
Худойберди сайис, тоға Гаждумбек
Эгарлади Гўрўғлининг отини.

Беклар берар навкарларга сарпойни,
Уруш куни тортади нуқра найни.
Худойберди сайис, оға Ғаждумбек,
Эгарлади назаркарда кўк тойни.

Қиздай безаб Ғиркўк отни шайлади,
Қулоғини қайчилади, ўйнади.
Ҳар турли абзалдан солиб Ғиротга,
Ғиркўк отни худди қиздай шайлади.

Кўп гапларни эсли одам ўйлади.
Олқордай ўйнатиб жонвор бедовни,
Олиб келиб якка михга бойлади.
Ўртага ўтқизиб Гўрўғли хонни,
Ҳар турли тўнлардан оп кеп тайлади.
Ёмонларнинг кўкайини қийдирди,
Қариндошнинг қовоғини уйдирди,

Сарпойгинанг қутлуқ бўлсин болам деб,
Товуснинг суратин солган тўнларни,
Ҳар турли сарпойдан сайлаб кийдирди.

Халойиқ йиғилиб бежой шайлади,
Қўй кечганда тиниқ сувни лойлади.
Йилон тилли, заҳарли қиличини
Жинғирлатиб белларига бойлади.

Томоша айланг Гўрўғлининг ишига
Олқор ўйнар қия тоғнинг тошида,
Эгнига совутни кийиб Гўрўғли,
Чоройнани кийиб олди бошига.

Билмаганин тақсирлашиб билдирди,
Эсон юр деб мийиғидан кулдирди.
Қўлтиғидан суяб қариндошлари,
Назаркарда Ғиркўк отга миндирди.

Миниб олди Ғиротининг белига,
Ҳақ санаси ҳайвон қушнинг тилида
Ўн икки пўпакли олмос найзани
Яшиндай қип суяб берди қўлига,
Кетар бўлди ой Юнуснинг элига.

Ана энди ой Юнусниғ бодом қовоқлари, бўтанинг кўзидай кўзлари, шакардан ширин сўзлари, хол ярашган ой-

дайгина юзлари, юпқа куйлакни кутариб турган пиёладай гина булган безлари, Гуруғлининг ёдига тушиб улари кузимга куринмай ҳар кузи йулбарснинг кузидай булиб, ҳар тарафга қараб бир суз айтаётибди:

Бесоҳиб булмасин ҳеч кимнинг жойи.
Кетар булдим узоқ йулга талаб қип.
Омин деб дуо қинг Евмит подшойи!

Билмайман қай ерда ой Юнус пари,
Қачон кетар юрагимнинг ғубори,
Талаб қилиб улим ишга бораман,
Омин денглар Урайхоннинг вазири!

Отларга тақилган олтиндан овсар,
Евмит деган униб-усган шаҳрим бор.
Дуода бунг яна қайтиб кургунча,
Ун оталиқ, саф гардонкаш полвонлар!

Қошинг қора, дарёнинг қундузи,
Олисдан куринар йилқининг бузи,
Омин денглар яна қайтиб кургунча.
Дуода бунг сатта сардорнинг қизи!
Омин денглар Евмит элнинг азизи!

Омонат уйласанг одамнинг жони.
Омон бунглар таги қайтиб кургунча,
Омон бунглар, гала турган кайвони!

Юнус пари, қайтай, давлатга лойиқ,
Чарчаб-ҳориб булсам чулларда пойиқ,
Омон бунглар таги қайтиб кургунча
Омин денглар гала турган халойиқ!

Эгам қилсин ҳар жондорга далолат
Одамни устирар хайри саховат.
Узоқ йулга талаб айлаб жунадим,
Омин денглар жами турган жамоат!
Евмит элга келсин Юнус паризот,
Рози бунглар таги қайтиб кургунча
Хуш аллаёр, сап қора куз жамоат!
Юрган ерим гоҳи чулда тош энди.
Ойдин кулдан учадиган қуш энди.
Рози бунглар яна қайтиб кургунча,

Такабеги Замон, турган халойиқ!
Ёппа-ёвлик фуқаролар хуш энди!

Ана энди Аҳмадбекнинг қавми-қариндошлари, сап амалдорлар, фуқаролар йиғилишиб, Такабеги Замон устоди дуо қилиб бир сўз айтаётгани:

Кўкда малак бузрукворлар ёр бўлсин,
Сафаринг чироғим бехатар бўлсин,
Энангнинг арвоҳи сенга ёр бўлсин,
Ҳар жойда ўзингни тарбият қилсин!

Ўзинг кетиб ақлимни шоширдим,
Ўзгинангга зиёрат қип бош урдим,
Эсон-омон келгин хатарли йўлдан
Боргин сени бир оллога топширдим!

Гаплар чиқди Така Замон тилидан,
Такабеги Замон одамни йиғиб,
Шогирдин жўнатди Ёвмит элидан
Ким чидайди яхшининг ҳасратига
Омин деб жами турган қора кўз,
Баравар фотиҳа тортди бетига,
Жўнатди ой Юнус паризотига.

Ширин жонини сотди,
Отига қамчи тортди,
Гўрўғлибек ғайрат қип
Юнус парига кетди.
Ажал етса ўлгани,
Бўйнига қўл солгани,
Бораётир Гўрўғли,
Хотинини олгани,
Ёвмит қайтиб келгани
Раҳм айласа ҳолига
Булбул боғнинг гулига,
Жўнай берди Гўрўғли,
Чиқиб Ёвмит чўлига.
Томоша айланг ишига,
Сариёй отиб қушига
Кабоб қилиб қушларни
Гўрўғли йўл юради.
Отига қамчи тортди,
Гўрўғли қистаб кетди.

Таваккал қип Гўруғли,
Доим чўлда йўл тортди.
Куйибди ҳасратига
Келмайман деб юртига
Етайин деб боради,
Юнус паризодига.
Оралай деб гулларга
От қўяди Гўруғли,
Доим сувсиз чўлларга.
Кийими чанг бўп кетди,
Эсонлик ганиматди,
Тағин уч кун ўтганда,
Бир тегирмонга етди.

Тегирмон бир айри соқол тегирмончиники эди. Отини Пардавой қаллоб дегувчи эди. Шуйтиб қозоқлар тегирмон тортса, понсарини оларда ўн чорак қип олгувчи эди. Берарда беш чоракни понсари деб бергувчи эди. «Бу тегирмончи келаётир»,— деб Пардавой қаллоб бир нечасини бинғиртди. Гўруғли «бу нима экан» деб хаёли кетиб, отни ўйнатиб, тегирмончининг олдига етди. Тегирмончи қўрқиб кетди. Ҳеч бундай кўзи ўткир йигитни кўрган эмас эди. Гўруғлибек кулди. Ана Гўруғли тегирмончига қараб бир сўз айтаётибди:

Кайтайин бўлмади ўзимда ҳаво,
Изласам топилгай дардимга даво,
Мени кўриб сен булайтиб ётибсан,
Тур жойингдан, бунда келгин чол бобо!

Мен келмасдан ўзинг бунғиратасан,
Тез келмасанг кўнглингни қабартасан,
Тур жойингдан бери келгин баччағар,
Мен келувдим сен булайтиб ётасан!

Бери келгин, жавоб бергин баччағар!
Баҳорларда сен очилган бодомсан,
Юракка тушган қайғу билан ғамсан,
Пунғиртувдинг бир нарсани сен ўзинг,
Сабаб нима дўстуман бўп ётибсан?
Мана ёғинг бутакўзли жўнағар,
Найза тегса оқ бадандан қон оқар,
Мени кўрмай бир нарсани букраттинг

Букратганни яна букрат баччағар!
Тура келсанг гапинг дардима дармон,
Турмасанг қиларман ер билан яксон,
Букратган нарсангни оп кел ўзима,
Ҳар гапинг дардима дармон бобожон!
Ишонмайсан менинг айтган сўзима,
Бошқа нарса кўринмайди кўзима,
Бунғиратганинг олиб келгин чол бобо!

Энди теғирмончи Пардавой қаллоб тиклаб қаради. Гўруғли ҳам «келинг бобо» деб бир тиклади, бечора тегирмончи қўрқиб қалтираб гапини ҳам гапиролмай қолди. Гўруғли қулоғидан чўзиб ушлаб тегирмоннинг олдига олиб келди, айтди:

— Бир бувирчиғ бер,— деди. Тегирмончининг лаби билик-билик этди. Гўруғлининг аччиғи келиб беш, олти муштлади. Пардавой қаллоб ерни тишлади. Этагининг думини юлиб олди. Гўруғли бувирчиғини ҳам олди, топган пон-понларини ҳам олди, хуржунига солди. Ана энди Гўруғли (тағин йўлга тушиб кетаверди).

Тағи отини жилди,
Ишни худога солди,
Гўруғлибек ғайрат қип,
Ҳадеб чўлларга кирди,
Баланд тоғнинг қори деб,
Юракнинг ғубори деб,
От қуяди Гўруғли,
Юнусжондай пари деб.
Эгнида тумори деб,
Гўруғлибек йўл юрди,
Юнусжондай пари деб,
Кетсин манглай шўри деб,
От қуйиб чапараста,
Юнус, Мисқол пари деб.
Ёқаси хўл ёшига,
Ҳеч кими йўқ қошида,
От чопади Гўруғли,
Занглаб ётган дашига.
Чўлларда ранги сўлди,
Тустовуқнинг моягин,
Тўртта-бештасин олди.
Бир тошбақа, қуённи,

Гўрўғли ушлаб олди.
Даркор бўлар деди-да,
Бачча хуржунга солди.
Чўлни тутиб ҳайъати,
Келиб марднинг ғайрати,
Гўрўғлибек хотин деб,
Тинмай чўлдан йўл тортди.
Ғироти оғзин очиб,
Қултиқдан парқин сочиб,
От қўяди Гўрўғли,
Ғиркўк от қушдай учиб,
Яна ўн кун ўтганда,
Бир тоғни кўриб қолди.
Ўзи баланд тоғ экан,
Тевараги зов экан
Юра, юра Гўрўғли,
Тоққа яқинлаб қолди.
Ой Юнуснинг қасдига
Қулоқ сонг сўз ростига,
Кун ёйила, Гўрўғли,
Чиқди тоғнинг устига.

Ана энди Бало тоғининг устига чиқиб, ҳар атрофға қаради, куш учса каноти куядиган бул кетган чўл... жондор кўринмайди, эл нишони йўқ, йўл нишони ҳам йўқ. Ана Гўрўғлибек бир сўз айтаётибди:

Олис колиб кетди Ёвмитдай жойим,
Бир худой солмагай қайғуман войим,
Ҳеч бир нарса бу тоғларда бўлмаса,
Гапирмоққа ҳамдамгинам бўлмаса,
Ёлғиз турганимни ҳеч ким кўрмаса,
Яйловда мўл юрарга одам бўлмаса,
Турган тоғлар кимлар учун яралган,
На бир олқор, ўйнар кийик бўлмаса?

Юриб келдим қум чангиди изима,
Ҳеч бир жондор кўринмайди кўзима,
Отингдан айналай яратган жаббор,
Бу гапларни маълум қилсанг ўзима...
Бу тоғларни киминг учун яратдинг?

Томоша қиларга одам бўлмаса,
Гирас-ғирас моллар бунда юрмаса,
Элибойлар ўтов тикиб турмаса,
Ҳеч бир нарса ўтлиғингни билмаса,
Меҳмон деб олдима ҳеч ким келмаса,
Ҳеч бир ҳайвон бу ўтингни емаса,
Сен кимсан деб ҳеч ким олдима келмаса,
Бу тоғларни нима учун яратдинг?

Не савдо кўтармас банданинг боши,
Добил туйса учар кўлларнинг қуши,
Гўрўғлибек байт айтаётганда
Йиғлаб чиқди бир баччанинг товуши.

Йигитни ўртайди қизларнинг сўзи,
Тизилиб учади кўлларнинг ғози,
Гўрўғлибек шундай тиклаб қараса,
Йиғлаб чиқди бир баччанинг овози.

Гўрўғли шундай қараса бир нарса ётибди. Бир қулоғи кўрпадай, бир қулоғи супрадай, бўйлари минорадай, киприклари чинордай, буни кўриб Гўрўғлибекнинг ҳуши бошидан учди. Унинг отини Бало дев дегувчи эди. Буни Юнус пари қоровул қип қўйиб эди, шу ёқдан одам келса еган деб. Ўзининг Гўрўғлибекдан гумони бор эди. Ана ондин Бало девдаи эшитмак даркор:

Юргангинам тоғнинг тоши,
Учар кўлнинг турна қуши,
Еганим одамнинг гўшти,
Шукур овим барор олди.

Гўштингни тишлаб тортарман,
Сўнгагингни ушатарман,
Каллангни чайнаб ютарман,
Шукур овим барор олди.

Сўйлатайин қизил тилни,
Тоғдан терсам тоза гулни,
Таг тилима одам келди,
Шукур овим барор олди.

Тоғда синдирсам бодомни

Юракдан кеткарсам ғамни,
Тоғда еяман мен одамни
Шукур овим барор олди.

Сен ташлаб келгин саллангни,
Кемириб ейман каллангни,
Олдингга олмай муллангни,
Шукур овим барор олди!

Ана Гўрўғлибек жонидан умид узиб «ҳай аттанг» деб, ўзига тасалли бериб, «кел баччағарга бир қаттиқ дўқ урай» деди. Ғўрўғли баҳайбат тортиб, бир сўз айтаяпти:

Юрганим Хизрнинг даши,
Куйганнинг тўкилар ёши,
Еганимгина девнинг гўшти,
Менинг овим барор олди.

Осмондан тушган учимиз,
Ҳар кимга етар кучимиз,
Доим девни йиғувчимиз
Менинг овим барор олди.

Белимга бўғганим алвон,
Сен каттасан ўзим полвон.
Менинг ўзим балогардан,
Менинг овим барор олди.

Темирчи урар табарди,
Ўқидим алиф забарди,
Мен худойимнинг боласи,
Худойим сенга юборди,
Кўнглим ўзингдан қаварди.
Еяман сенинг ўзгинангни,
Тишлаб ўяй кўзгинангни,
Ёмон айтдинг сўзгинангни.
Бўкиртиб ей ўзгинангни.
Худойим мени юборди,
Мен осмондан кўриб тушдим,
Жавдиллаган кўзгинангни.

Дарров пишириб ей сени,
Нима дейсан ўзинг мени?

Таътил қилай ўзим сени.
Оқизай кўздан ёшингни,
Уриб синдирай тишингни,
Қилиб қўяман ишингни.
Дарров кесаман бошингни,
Қовуриб еймаң гўшингни
Менинг овим бароp олди.

Худо дарров келғин, деди,
Бориб девни егин, деди,
Айтганимни қилгин, деди.
Ўзим худойнинг балоси,
Йўқти тишимнинг чаласи
Менинг овим бароp олди.

Ана энди дев жойидан туриб тишини тошдай шақирлатиб, қулоғи тос тепадан ўтди. Кўзи манглайига чиқиб кетди, кўҳна безгаклари тутди. Жони чиқиб, жуда қўрқиб кетди. Гуруғли хез қип девнинг олдига яқинлаб етди. Дев қочмокчи бўлди. Гўруғлининг кўзи девдан ўтиб кетди. Дев энди Гўруғлига қараб бир сўз айтаётир:

Еп-ёмон кўриндинг менинг кўзима,
Энди билсам ўзинг тараф изима.
Сенам кетгин, менам кетай баччағар,
Кетавергин, кўринмагин ўзима!

Сен юрасан Бало тоғнинг дашига
Ёмон савдо зиён қилар кишига,
Келган бўлсанг кетгин йўлдан қолмагин,
Енашмагин[1] Қизил девнинг қошига.

Сен-да йўқ, мен-да йўқ келма олдима
Бало бўлсанг мендан умид қилмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин.
Кимам бўлсанг кетавергин йўлингга
Кет-кет, гўштимдан умид қилмагин!

Оқадиган тиниқ сувни лойладим,
Яхши кўрдим сенга ширин сўйладим.

[1] Яқинлашмагин.

Ёнашма олдима, турғин нарироқ,
Қилган гуноҳингни озод айладим!

Бемаза гапларни айтдинг тилингга,
Раҳм айладим ёш баччасан ҳолингга,
Боргин ўтирмай озод айладим,
Кимам бўлсанг кетавергин йўлингга.

Ана энди дев Гўрўғлибекдан қўрқди. Гўрўғли қўрққанини билди. Гўрўғлибекнинг Ғироти уч марта кишнади, девнинг қулоқлари битди, тоза жони чиқиб кетди. Гўрўғли Ғиротига:— Миндиргин жонворим. Бу қочмоқчи бўляпти,— деди. Ғирот ўзини очиб, кийикдай ўйнаб, ерни тепиб уч айланди. Дев (ўзича) айтди:— Буниси ёмон экан, тўрт оёқли экан. Бунинг калласиям икки ёқли экан,— деди. (Гўрўғли Ғиротига) айтди:— Қочмасин, эҳтиёт бўп тур, қимирласа қулоғидан ола кет,— деди. Девнинг жон-пони чиқиб кетди. Ана энди дев қўрққанидан Гўрўғлига қараб сўзлаяпти:

Сен худонинг бўлсанг балоси,
Белги кўрсат ўзгинама?
Нишонани кўрсата қол,
Дарров менинг кўзгинама!
Ишонайин сўзгинангга.
Ёмон бўлсанг тоғдан ўтгин,
Манов нарсанг нарроқ тортгин!
Бало бўлсанг ўзгинама,
Дарров белгингни кўрсатгин!
Бўлгин менга ўзинг пано,
Тоғларда юради тана,
Бало бўлсанг дарров кўрсат,
Кўзгинама сен нишона?
Қилган ишинг чаламисан,
Юрган еринг даламисан,
Кўп гапларни биламисан,
Ҳақдан келган баломисан,
Мени бир иш қиламисан?
Нарроқ тургин баччағар,
Дарров буғиб оламисан?!

Шуйтиб Гўрўғлининг айтаётган сўзи:

Аввал бошлаб ўйиб олай кўзингни,
Очқаб келяпман олис йуллардан,
Тишлаб-тишлаб овқат қилай ўзингни,
Ҳар нарса деб айтавердинг сўзингни.

Келган бало айтса гапга чеварди,
Усталар уради пўлат табарди.
Қулоғингни шарра тилик қиламан,
Бир худойим ўлдиргин деб юборди.

Оллойимнинг айтганини қиламан.
Ҳали сенга не савдони соламан,
Бир худойим ўлдиргин деб буюрган.
Қулоқман бурнингни кесиб оламан.
Мана худойим турибди-ку олдингда
Худойимнинг айтганини қиламан.

Бало эга бўлар сенинг гўшингга,
Худойим кишнаб турибди қошингда.
Шу худонинг айтганини қиламан,
Осмондан учиб келганман қошингга.

Шу худойга етгай менинг бул зорим,
Қайтайин юракдан кетгай-да черим.
Манглайдан тўкилгай дириллаб шўрим,
Худойимнинг айтганини қиламан,
Қайтайин очликдан кетди мадорим.

Кўп бўлганди душманларнинг жафоси,
Худоё бўлгай-да завқи сафоси,
Ўлар бўлдинг ростин айтсам ўзгинанг,
Менинг ўзим оллойимнинг вабоси.

Ол ўлдинг, еяман сенинг ўзингни,
Нега бўзартасан икки кўзингни?
Аввалги овни балогардан қўймайди,
Аввал бошлаб ўлдирайин ўзингни.

Қайтмай ўзим ширин жонни сотаман,
Қаерда дев (кўрсам) кўкка отаман,
Аввал бошлаб мен еяйин ўзингни,
Сени таътил қилиб қорним тўйғазиб,
Ундан кейин Кўйи Қофга кетаман.

Эшит ўзинг балогардон зорини
Бориб қирай дев битканнинг барини.
Кўриб келдим Кўйи Қофнинг ўрини,
Асли тополмайман чуқур жарини.
Аввал сени ўлдирайин, баччағар,
Бориб қирай дев битканнинг барини!

Бир оллойим юргин, деди,
Кўйи Қофда тургин деди.
Кўйи Қофда дев парини,
Бориб туриб қиргин, деди,
Уч оғайни сўрасангиз,
Бировимиз инсга кетди,
Бировимиз молга кетди.
Катта бало дер ўзимни,
Кўйи Қофга худойим оп юриб,
Сени егин деб жўнатди.

Ана шунда гапни девдан эшитмак даркор: Дев айтди:— Сен бало бўлсанг худойингга айтгин, нарироқда турсин. Мен қўрқаман, ёмон худойингнинг олти оёғи бор, икки калласи бор. Бу худойингнинг ёмон таёғиям бор. Мен ёмон қўрқиб кетдим,— деди. Гўрўғли айтди:— Ё жонивор худой нарёққа тур,— деди. Дев айтди:— Худо айтганингни қилар экан, гапнинг бўларини айтиб қўя қол, сен бало бўлсанг, аввал битингни кўрсат,— деди. Гўрўғли айтди:— Ха, кўрсат десанг кўрсатамиз. Тағи қўрқма, аввал сен кўрсат! Ундан кейин мен кўрсатаман,— деди. Дев қўйнига қўлини солди, битини олди. Мана деб ташлади. Бити қурбақадай бўлиб ўрмалаб кетаверди. Гўрўғли қўйнидан тошбақани чиқариб ташлади. Тошбақа девнинг битини чирқиратиб босиб еяверди. Дев айтди:— Бунинг бити устига тош битиб кетган экан,— деди. Дев бургасини чиқариб кўрсатди, Гўрўғли қуённи чиқариб ташлади. Девнинг бургасини бўғиб еяверди. Энди дев:— Қўлтиғингнинг жунини кўрсат,— деди. Дев жунини кўрсатди, жинғиртқадай илашиб кетаверди. Гўрўғли қўйнидан эшакнинг думини чиқариб берди. Дев айтди:— Во худо урди, энди бунинг балолиги рост экан.

— Энди бир усришарий қиламиз,— деди. Гўрўғли бувирчиқни тортди. Девнинг қулоқ-пулоғи битди, эси кетиб ётди. Гўрўғли бориб қулоғидан тишлаб тортди. Оти бу

ўлогидан тортди. Энди дев ўлдим деган шу бўлди деб бир сўз айтаяпти:

Кўлдан учган ўзим ғозман,
Сарғайган сомондай юзман,
Емагин ўзим ёлғизман,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Қизлар чиқар исмалоққа,
Добил урсанг тақҡа-тақҡа,
Ўлдирмагин ўзим ёлғиз,
Отадан мен ўзим якка!
Олиб борай Ирам боққа,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Айтганингни қилайин,
Сенман билла бўлайин,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Ирам боққа, Кўйи Қофга
Кўтариб бориб келайин.
Дев битканга қасд бўлайин,
Сенинг билан дўс(т) бўлайин,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Душманингни итарайин,
Тарабингни қантарайин,
Олти оёқли худойингни,
Зиёрат қип кўзга суртиб,
Ҳам ўзингни кўтарайин.
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Қулоқ сол ошнанг тилига,
Оп борай девнинг мўлига,
Ўлдирма бизни, ўлдирма,
Раҳм айла дўстинг қолига!
Ширин жонингни сотарсан,
Неча тоғдан, дарёлардан,
Сен бир соатда ўтарсан,
Билкиллаган дев мўлига
Ўзинг уч кунда етарсан,
Қорнинг тўйганча ўзинг
Тинмай таътил қип ётарсан.
Қўйивор мени раъйима,

Ўлдирмасин айтиб қуйгин,
Олти оёқли худойга,
Ёмон қўрқитди ўзимни.
Худойинғга банда бўлдим,
Айтганингни ўзим қилдим.
Олти оёқли худойингга,
Ўлдирма деб, дўстим айтгин!
Кўп қўрқиб сени пир қилдим,
Ёмон зўр экан худойинг
Худойингга банда бўлдим.

Гўрўғли «Қуй!» деди. Оти тишловини қўйди. Дев айтди:— Бунинг худоси ёмон зўр худо экан. Биз ҳам шу худога банда бўлдик, биз ҳам бошқа миллатга қараб қолдик. Энди ўлдирмайди,— деди. Гўрўғлибек девга қараб бир сўз айтяпти:

Эшитгин бадбахт оҳимни,
Сен кўрдингми худойимни?
Узун билмагин бўйингни,
Соламан сенга войимни,
Биламан ўзим уйингни,
Кўп элангин оллойимга.
Аввал сени йиғиб олайин,
Балога дучор қилайин,
Билсанг, сен аввалги овим,
Соп бўлмайди сенга гапим.
Бало тоғ ўзимнинг тоғим,
Ажал тўнингни бичаман,
Пўлат сопли ханжаримни
Кўкраккинангга санчаман,
Аввал сени йиғиб бўлган сўнг
Ўзим осмонга учаман.
Пари билан дев битканни,
Бориб мен ўзим янчаман:
Ол ўлдинг, сен ўзинг ўлдинг.

Гўрўғлибек, кўрмайсанми, худойимнинг бошида ҳам икки оёғи бор. Қуй десам қўяди, йиғ десам йиғади. Киши аввалги овини ҳам қўями, ол худойим буни татала, деди. Ғирот жопалахлаб келиб девнинг устидан босиб, тепасидан ўтиб кетди. Дев «ўлдирар экан», деб қўрқиб, эси кетиб, беҳуш бўлиб қолди. Гўрўғли:— Қуй, қўрқитма буни,—

эди. От чопиб-чопиб кишнаб кегди. Дев айтди:— Куйи Қофга уч кунда етказаман,— деди. Гўрўғли айтди:— Уч кунда уч минг девни ейман. Мен ўзим ҳам Куйи Қофга уч кунда бораман. Сен ҳали мени кўзга илмабсан,— деди. Дев.— Ҳо, дегунча бориб етаман,— деди. Гўрўғли девнинг устига миниб олди. Дев бир пориллаб учди, қўрққанидан юлдуздай оғиб учди. Гўрўғли кўзини очиб қараса ярқиллаган пўлат қўрғоннинг олдига келибди. Дев Гўрўғлига айтди:— Пари суймакка кўнглинг бўлса, анов Ирамнинг боғи. Дев кўрмоққа раъйинг бўлса, анов Куйи Қофи. Бошингга мушкул савдо тушса, жунимдан тутатсанг, ўзим олдингга келаман. Ана энди худойингга айтгин, бизга индамасин. Биз ўлгунча сенга хизматкормиз. Бизнинг отимизни етти яшар Самандар дев дейди. Энди мен кетайми ё олдингда юрайми?— деди. Гўрўғли:— Худойингдан сўра! Жавоб берса кетавер,— деди. Дев айтди:— Олти оёқли худойим, биз сизга қулмиз. Жавоб берсангиз мен кетсам,— деди. Гўрўғлининг оти:— Ҳа, бор кетавер!— дегандай ишора қилди. Бизга жавоб берди деб, дев бечора Гўрўғлидан қутулганига хушвақт бўлиб, туриб жўнай берди. Девдан қутулганига хушвақт бўлиб Гўрўғли ҳам жўнай берди.

Энди ғапни Юнус паридан эшитмак керак. Гўрўғли Куйи Қофга борди. Пари келарни, кетарни билар экан, Юнус парида бир ҳарорат пайдо бўлибди. Юрагига хавил тушди. Ҳовлиқиб канизларга қараб бир сўз айтаяпти:

Сарғаймасин менинг ойдай юзларим,
Юлдуздай ярқиллар икки кўзларим,
Бир аросат тушди юраккинама,
Сўзима қулоқ сол турган қизларим.

Юракларга тушди қайғу-войимлар,
Кимнинг эси бўлса гапни фаҳмла[illegible]
Бул танама тушди ёмон аросат,
Сўзима қулоқ сонг турган ойимлар.

Бадангинам менинг тебраниб кетди.
Нон-насибам билдим бир жойга тортди,
Сўзима қулоқ сонг турган донолар,
Бул танама аросат тушиб кетди.

Бул кўшкда юраккинам чер бўлди,
Баланд тоғнинг қия ёги жар бўлди,

Гўрўғли ёшини тўкди, қадди бўйнини букди. Тағи олти ой боқди, бундан бошқа эрмаги йўқ. Лекин ҳамма гапга ўргатди. Жонивор жуда зийрак, доно бўлди, ҳамма ишни, тилни билди. Тусдан, бадандан, афт-башарадан ҳеч бир камлиги қолмади. Райҳон арабнинг отига ўхшайди, балки бунинг икки ёғи ҳам тулпор. Райҳоннинг тулпоридан неча ҳисса зиёда бўлди. Гўрўғлибек тойидан кўнгли тўлиб, «бир синаб кўрайин» деди. Шундай қараса, бир қора кучук олдидан ўтиб кетиб боради. Гўрўғлибек тойга узалиб миниб олди. Ҳалиги кучукнинг орқасидан қувиб ерга узалиб, икки оёғидан ушлаб, улоқ қилиб, оч биқинидан оёғини ошириб олди, кўз очиб юмгунча беш олти қирдан ошиб кетди. Шунда кучук жонидан тўйиб, аччиғидан тойнинг мушак этидан тишлаб, нимча гўштини юлиб олди. Той чўчиб кетди. Гўрўғли қараса, кучук тойнинг мушак этидан юлиб олибди. Буни кўриб кучукни ерга отиб ташлади. Илдам чопгандан кучук ўлиб, майда-майда бўлиб кетди. Гўрўғли тойидан тушиб, чопонининг ўнгаридан юлиб олиб, куйдириб тойининг кучук тишлаган ерига суртди. Оббо жонивор тойим, деб хафа бўлди. Шу аҳволда юриб эди, буни Хизр билди. У, Гўрўғлибек энди тойни чопиб ёмон ўрганди. Яна бир чопса қизил мой қилиб, ишдан чиқариб қўяди. Бунинг тойини олиб келай, ўзим боқиб берай, бўлмаса Гўрўғлибек отсиз бўлиб қолади, деди.

Шу орада Ёвмитнинг подшоси Урайхон ўлиб қолди. Ҳамма энди кимни подшо қиламиз, деб маслаҳат қилдилар, ҳамма бирдан Гўрўғлини подшо қиламиз, деб маслаҳат қилди. Саккиз чор ҳоким, ўн тўрт муҳрдор, тўқсон олти туғдор, ўнг оталик, чап оталик вазирлар, қози калон, муфтилар йиғилишиб Гўрўғлининг олдига бордилар. Саломалик қилиб, Гўрўғли билан кўришдилар. Гўрўғли шунда ўн учга кирган эди. Келган вазир, сипоҳилар Гўрўғлига айтди:

— Э, Гўрўғлибек, Урайхон подшо ўлди, ҳамма орқасиртингиздан сизни подшо қилди.

Гўрўғлибек айтди:

— Хўп қилибсизлар, яхши қилибсизлар, — деб акс гапирди. — Подшо бўладиганнинг қаторда нори бўлади, хазинада зари бўлади, эртан чой, оқшом палов, ранг-баранг сарпойи бўлади, ҳамиша фуқароларга бериб турадиган чулони бўлади, саркардаларга берадиган семиз чори қўйи бўлади. Гўрўғлининг бир тойи бор. Подшо қиламиз, деб буни ҳам суйиб егиларинг келдими? Сизларнинг алдаганларингга

қўрқадиган ўзбек мен эмас. Мен сизларнинг тишларингизни тош билан уриб синдираман, — деди. Шуйтиб, Гўрўғли қолган одамларни ҳадеб қува берди. Аввал-аввал дасторларини, сўнг-сўнг чопонларини ташлаб қочди. Гўрўғли етиб, ҳаммаларини уриб, баданларини кўкартириб, бошларида ёрилмаган ерлари қолмади. Ҳаммаларини олдига солиб, шаҳарнинг дарвозасига ҳайдаб бориб, орқасига қайтди. Қочиб келган вазирлар, оталиқ, беклар подшонинг ўрнида ўтирган барча улуғ сипоҳиларининг олдига бориб, Гўрўғлибекдан кўрган заҳмат, кулфатларини айтдилар. Булар, «энди бундай бўлса, қандай қиламиз» деб ҳайрон бўлиб юра берди. Орадан бир неча кун ўтди. Гўрўғлибек, «мен тунов кун жуда қизиқ қилиб, келган вазирларни, бекларни, оталиқ, баковулларни хафа қилдим. Кел-э, энди ўзим бориб бу беклар, вазир-акобир, сипоҳилар, барча амалдорларнинг олдидан ўтиб, вақтини хушлаб келайин», деб ўзидан-ўзи подшоликка кириб қолди. Буни кўриб, ҳамма одам бардор-бардор қилиб, ҳаммаси бирдан ўрнидан туриб югуриб келиб, Гўрўғлибекни кўтариб, подшоликнинг тилладан бўлган иморатига олиб кириб кетди. Тойини ташқарида тошдан бўлган якка михга боғлаб қўйди. Гўрўғлибек булар билан сўзлашиб ўтириб турсин. Ҳазрати Хизр ҳар куни Гўрўғлининг тойини олиб кетмоқчи бўлиб юрар эди. Лекин Гўрўғлибек тойдан айрилмас эди. Бу куни кўрса, Гўрўғлибекнинг тойи қозиқда боғлоғли турипти. Астагина тойни етаклаб олиб чиқиб кетди. Ҳеч ким билмай қолди. Тойни олиб Афсар тоққа етди. Тойни қўйиб юборди. У ўтлаб юра берди. Тойни ўтлаб юрмоқда қўйинг, энди Гўрўғлибекдан эшитинг: Гўрўғлибек эшикка қараса, тойи йўқ. Чопиб чиқиб тойни ахтарди, тополмади. Шунда подшоликнинг саксон таблахонасини ахтариб кўрди. Таблахонада ҳам йўқ. Шунда раиснинг даррасини тортиб олди. Катта-кичик демасдан одамларнинг ҳаммасини ура берди. Одамларнинг гўштлари қоп-қора бўлиб учиб кетди.

— Э аҳмоқлар, мен шу тойимни от қилиб минар эдим, Райҳон арабдан лотимни олар эдим, Зайдинойни олиб келиб, Аҳмадбекка берар эдим. Сизларнинг, подшо қиламиз, деб менинг тойимни сўйиб ерларингизни билиб эдим, — деди. Шунда улар:

— Бизлар сира кўрганимиз йўқ, қаёққа қараб кетди билмай қолдик. Бизлар ҳам ҳайрон бўлиб қолдик, — деб Гўрўғлибекка кўп узрлар айтди. Гўрўғлибек, аразлаб Евмит шаҳридан далага тойни ахтариб чиқиб кетди. Ўтдай

туташиб, «Ҳу!» деганда оғзидан ўтлар сочилиб, бўзлаб, гоҳ йиғлаб кета берди. Гўруғлибек зор-зор йиғлаб ўз аҳволига қараб, бир сўз деди:

Қайтайин, қариндош солди войимни,
Менда отажонгинам бўлмаса...
Сени подшо қиламиз, деб
Еб қўйди етим тойимни.
Сўндирди боғда гулимни,
Кўрмайман Ёвмит элимни,
Қирон қилдилар кунимни,
Сени подшо қиламиз, деб,
Еб қўйди етим тойимни.
Бўтадай бўзлаб йиғларман,
Сийна бағримни тузларман,
Бор кечдим қариндошимдан.
Тўрт подшонинг шаҳрини,
Қаландар бўлиб изларман.
Уҳ, ҳо, уҳ, куйиб ўртандим,
Дод ёмоннинг дастидан.
Еб қўйди етим тойимни
Тойим излаб қаландарман.

Гўруғли ўтдай туташди,
Етим тойдан адашди.
Инграниб йўлларга тушди.
Неча сой, қирлардан ошди,
Тойим деб юраги шошди.

Гоҳи йўлдан, гоҳи чўлдан,
Йилқи билан чўпонлардан,
Бир кўк тойни кўрдингми, деб
Мард Гўруғли сўради.
— Етим тойимни урлатдим[1]
Ўғрилар еталаб кетди.
Кўрдингларми кўк тойимни?

Туркманни оралаб кетди.
Тухуми қозоқни сўратди,
Тополмади азиз отини,
Жарчилар куйиб кичқиртди,

---

[1] Ўғирлатдим.

Қорақистон элни сўраб,
Ундан Нуротага етди.
Чашманинг бошига келди.
Манғит билан Кенакасдан,
Боқирғон, Самарқанддан,
Қирқ билан Жузадан
Хитой, Қипчоқ ул Муйтандан,
Халфа туркман йиғилишиб,
Зиёратга бориб қолди.
Гўруғлибек кўрингаидан,
Етим тойни сўраб ётди.
Дарагин топмай Ғиротининг
Нуротадан чиқиб кетди.
Нуротадан Сентоп етди
Ундан Бағдодга ўтди,
Жиззахнинг элин сўратди;
Иссиқлади, куйиб кетди.
Ҳар кимни кўрса сўратди,
Ундан Зоминга етди.
Қирқ сопли Бароқхоннинг юрти,
Ўратепага етди.
Бозорга келганлардан,
Етим тойни сўраб ётди.
Тополмай кўк той дарагин,
Ховосдан ўтиб кетди.
Ундан Сирдарёга етди.
Кемага тушган одамдан,
Бир кўк тойни кўрдингми, деб
Кўрингандан сўраб кетди.

Шаҳарнинг ичига кириб,
Бир танга мешкопга бериб
Етим тойни кўрдингми, деб
Тошкент шаҳрин сўратди.
Жарчилар қуйиб қичқиртди.
Кўк тойдан хабар топмай,
Юраклари куйиб-ёниб,
Ундан Заркат тоғдан ўтди,
Қирғизни оралаб кетди.

Тополмади Ғиротини.
Қирғиз билан Тўқмоқлидан,
— Етим тойим, — деб сўратди.

Вой, вой, ёмон ўлсин, деб
Ундан ўтиб, Қўқон етди.
Тополмайин кўк тойини,
Марғилонга қараб кетди.
Марғилон элни сўратди.
Ўғриси кўп, каззоби кўп,
Бориб туриб сўрайин деб,
Сим деган шаҳарга етди.
Ўғрилардан етим той деб,
Гўрўғли полвон сўратди.
Яна топмай дарагини,
Ундан Андижонга ўтди.
Андижондан дарак топмай,
Ўшга қараб жўнаб кетди,
Ўшга бориб уч кун ётди,
Кўрингандан сўратди,
Тополмади Ғиротини,
Ундан Олай қирғиз етди,
Сўрай, сўрай Гўрўғлибек
Қашқарни оралаб кетди.
Тағи орадан қирқ кун ўтди,
Кўринган одамдан сўраб,
Тополмайин от дарагин,
Ҳув, деб чўлларга кетди.
Денгиз довонига етди,
Гўрўғлининг эси кетди.
Бир соатда Гўрўғлибек,
Хитой Хўтан шаҳрига етди.
Сўраб-сўраб Хитой юртни
Тополмайин шу кўк отни,
Ундан Райи элга кетди,
Ҳеч дарагин тополмай,
Ундан Чин-Мочинга кетди,
Чин-Мочинда юриб-юриб
Етим тойим деб сўратди;
Тойим деб хуноба ютди.
Гўрўғлининг ақли шошди.
Юрар йўлидан адашди,
Қайси ерга борар билмай,
Чоқламай йўлга тушди.
Бир фаслда Гўрўғлибек,
Неча қор, неча тоғлардан ошди.
Афғоннинг шаҳрига тушди.

Йиғлай-йиғлай Гўруғлибек,
Етим тойини сўратди.
Бу тилга ҳеч ким тушмайди[1].
Гўруғлиман қотишмайди;
Бир-бирига ботишмайди.
Гўруғли ёшини тизиб,
Афғоннинг шаҳрини кезиб,
Тополмайин Ғиротини
Бир отим, деб қонлар ютди.

Тойим деб фарёд айлаб, сарғайиб Гўруғлининг юзи очилмайди. Гўруғлибек зор-зор йиғлаб кўзи уйқуга кетди. Гўруғлибекнинг кўзи уйқуда эди тушида олдидан қизил тўнли, оқ дасторли, юзларидан нур томган нуроний бир гуруҳ одам атрофига йиғилиб келди. Буларнинг ичидан каттаси ўзининг хизматкори бўлган бир кишига қараб:

— Э Бобо Қамбар, шу бола тойининг ихтиёрини тилаб келган. Ҳамма муддаосини бергин! Ҳар нима бўлса, Гўруғлибекни ноумид қилма. Гўруғлибек менинг фарзандим бўлади, — деди. Шунда Бобо Қамбар Гўруғлига қараб бир сўз деди:

Нолима, фарзандим, Ёвмит жойингдан,
Сен қутулдинг, болам, қайғу-войимдан
Йиғлама, Ғиркўкинг эсон-омон-а,
Хафа бўлма, етим тойингдан!

Уруш куни ботир қалқон ёпинар,
Юраклари мисли ўтдай қобинар.
Бир той учун хафа бўлма, фарзандим,
Йиғлама фарзандим, отинг топилар!

Ҳар шаҳарга сени насибанг тортди,
Коса даврон эр йигитга навбатди(р),
Йиғлама фарзандим, отинг саломат,
Гўруғли сен минарсан Ғиркўк отди.

Сен обод қиларсан Ёвмит юртингни,
Душманлардан сен оларсан лотингни.
Йиғлама фарзандим, тойинг от бўлган,

[1] Тушунмайди.

Оқадиган тиниқ сувни лойларсан,
Хафа бўлма Ғиротингни шайларсан!
Райҳоннинг элига талаб айларсан.
Фарзандгинам ширин жонни сотарсан,
Ундан кейин муддаога етарсан.
Мулланинг битгани алиф хат бўлди,
Йиғлай-йиғлай юракларинг дард бўлди.
Қизил мой қилиб қўяр эдинг тойингни.
Ғам ема, фарзандим, тойинг от бўлди!

Сен етим эмас, ўзинг зўравор,
Сен Мисрдан нарёқ қараб ўтганда,
«Санам Чорбоғ» деган битта чорбоғ бор.
Шу Чорбоқда икки ётган пари бор.
Шу ерингда мақсадингга етарсан.

Кўп гап чиқар эсли одам ўйидан,
Яхши йигит ҳеч ҳам қайтмас раъйидан.
Ғиркўкни мингандай бўлиб Гўрўғли,
Юраги ёрилиб турди жойидан.

Ёш ёғилди Гўрўғлининг юзига,
Ишонади тушидагининг сўзига,
Ҳар тарафга тиклаб-тиклаб қарайди,
Етим тойи кўринмайди кўзига.
Ё билмайман, юраклари чер бўлди,
Баланд тоғда ётган оппоқ қор бўлди.
Йиғламай найлайин, қисматлар қаттиқ,
Кўҳна дунё Гўрўғлини бўзлатти.
Бора-бора куйиб, кул бўпти Гўрўғли,
Етим тойим деди, бу сўзни айтди: .

Э, додим додга улашиб,
Неча улкан тоғдан ошиб,
Ёзидайин йўлга тушиб,
Тойим излаб, қаландарман.

Вомиқдайин чўлни кезиб,
Фарҳоддайин тоғни қазиб.
Фироқида сухангарман,
Шаҳарма-шаҳар кезиб
Шириндайин қошим сузиб,
Тойим излаб, қаландарман.

Қизил гулман, мен сўлгунча,
Чопдан паймонам тўлғунча,
Азройил жоним олгунча,
Шу дунёнг охир бўлганча,
Тойим излаб, қаландарман!

Гўрўғли айтар ҳолини,
Фалак бузди иқболини,
Қайтай дунёнинг молини,
Мен кўрсам Туркман элини,
Тойим излаб, қаландарман!
Гўрўғли айтиб тилини
Унутиб Ёвмит элини,
Излаб тоғларнинг белини
Кўриб даштларнинг кўлини,
Куйиб кетган, қаландарман!

Бўтадай бўлиб бўзлади,
Юрак-бағрини тузлади,
Гўрўғлибек бу чўлларда,
Етим тойини излади.

Сўйлаб танглайида тили,
Ўзи боғларнинг булбули,
Бир тойим, деб элни кезиб,
Равшанбекнинг ёлғиз ули.

Юра-юра Гўрўғлибек,
Кўҳаннинг шаҳрига келиб,
Арабга ҳам хабар солиб,
Тойим, деб излаб юрипти.
Боғдоднинг юртига бориб,
Бек Гўрўғли ўтдай тошиб,
Кўрингандан тойин сўраб,
Борди энди Шомга ошиб.

Ким қайтарар чин ботирнинг раъйини.
Шом элини бир-бир қилиб излади,
Тополмади суйган етим тойини.
Излаб борди Ҳиндистонга:
Хабар солди Гуржистонга.
Гўрўғлибек излаб юрар.
Овоза соп Туркистонга:
«Тойимни излаб, суханварман!

Тинмай тойимни излармаи,
Ҳар ерда сўзим сўзларман.
Етим тойимнинг ишқидан,
Бўтадай бўлиб бўзларман.
Тойимни излаб, қаландарман!»

Энди қолди етим тойнинг дардига,
Савдо тушди Ёвмит элнинг мардига.
Йўлга тушиб кўринганда сўрайди,
Етиб борди энди Миср шаҳрига.
Мисрнинг излади баланд-пастини,
Тополмади кўнгилда ҳавасини,
Кўрингандан етим тойни сўрайди,
Гўрўғлибек, унутганди эсини.
Бир той деб ёш бачча қолди балога,
Ёқаси ҳўл кўздан оққан жалага.
Етим тойни тинмай излаб Гўрўғли,
Чиқиб кетди элсиз, сувсиз далага.
От чопилар баланд тоғнинг пастига,
Тойин излаб юра-юра ёш бачча,
Чиқиб қолди катта тоғнинг устига.

Гўрўғлибек шу тогнинг устига чикди. Тоғнинг оти Афсар тоғ эди. Ҳар тарафга тикилиб қараса узоқдан гоҳ кўк, гоҳ оппоқ, гоҳ қип-қизил, гоҳ яшил, гоҳ пистоқи бўлиб ҳар (хил) ранг товланиб, бир нарса кўринди. Гўрўғлибек шунга қараб, яшиндай бўлиб қистаб, юриб кетди. Бориб қараса, у бир работ, бир пахсаси гавҳардан, бир пахсаси жавҳардан, бир пахсаси забаржаддан, устунги пахсаси ферузадан бир қўрғонки, ажаб бир жаннатга ўхшайди. Қўрғоннинг дарвозасидан аста кириб бўйнини узатиб, лабини қийшайтириб қаради. Кўрса булбуллар, тўтилар, майналар, қумрилар ғазалхонлик қилиб сайраб, биров-бировига чақ-чақ қилишиб турипти. Ҳар хил мевалар пишган, остига тап этиб тушган, бир бол ҳовуз, ичи биллурдан, теварагн гавҳар тошдан қуйилган, олдида бир шосупаси бор. Шу супанинг устида қимматбаҳо тўшаклар ташланган. Ўрталиққа дастурхон ёйилган, ҳар турли мевалар уйилган, супада қирқ қиз ўлтирган. Ҳар қайсилари ўз шавқ-завқида ўйнаб кулиб, бир-бирига ноз қилиб ўтирипти. Буларнинг энг ўртасида икки барно қиз ўлтирипти, қадди-қомати мисли ўн тўрт кунлик ойдай, қошлари қийилган ёйдай, тишлари оппоқ дурдай, ҳамма ери текисдан келган бирдай,

(адани туқсонда ёққан қордай, юзининг қизиллиги қорнинг устига томган қизил қондай, сулувлигига ойлар хира бўлиб қолган. Булутлар бошиға соя бўлиб туриб, томоша қилмадик, деб тирра бўлиб қолган. Ҳалиги қирқ қизлар хам қилиқлари қозондаги қайнаб турган ошдай, ўзлари абжир учадиган қушдай, лаъл мунчоқли, жоду кўзли, ширин сўзли, ҳур сифатли, ғилмон нозли, қумурсқа белли: Лаъли́га тўкиб қуйилган ҳар хил майизлардан еса қоп-қора бўп киндигидан кўринади. Гўрўғлибек, энди шу ердан отимни топиб оламан, деб севиниб туриб эди, ҳалиги қизлар:

— Ҳой, канизлар, вой соҳиб тамизлар, менга қарангизлар, бу ердан одамзоднинг иси чиқади, у ёқ-бу ёққа қарангизлар, одамзод келган бўлмасин,— дедилар. Гўрўғли томоша қилиб ўлтириб эди. Қизлар, «одам иси келди, келди», деб ҳар тарафга қарашди. Шуларнинг ичидаги ҳалиги икки барно қиз Гўрўғлибек турган тарафга ялт этиб қаради. Гўрўғлибекка кўзи тушди. Гўрўғлибек ҳам шу икки ойимга аччиқ қаҳри билан тикилиб қаради. Қизлар қўрқди. Париларнинг катталари:— Ҳар гап бўлса, кочманглар,— деди. Гўрўғлибек «яхши бўлди, тойимни ўғирлаб кетган ўғриларнинг хотинини кўрдим, тойимни топдим, энди қароқчиларнинг уясини бузаман» деб супада турган қизларга қараб, бир сўз деди:

Уч йил солдинг, баччағарлар войимни,
Сенга айтай юрагимда ўйимни.

Бунда турган газзобларнинг хотини,
Чиқариб бер кучук қопган тойимни!

Туркман дейди униб-ўсган ю[рт]имни,
Қаерда қаллобдан олай лотимни.
Паналатиб қўйган жойинг шулмиди?
Вақтли оп кел бергин етим отимни.

Эшит дейман мендай етим додини
Лой қилганлар томга тирар шотини.
Чиқариб бер кучук қопган тойимни,
Йиғилишган қароқчининг хотини.

Кимнинг эси бўлса сўзни фаҳмлар,
Бир той деб хўракка тушган войимлар.
Чиқариб бер менинг Ғиркўк отимни,
Сан гардонкаш жоду кўзли ойимлар!

Ана шунда, париларнинг каттаси Мисқол пари: — Дам-дам, э парилар, кулманглар, бунда кўп фазилат бор. Бу киши кўп мартабали одам, мазах қилманглар! — деди. Ҳалиги ойимлар, подшосидан ўтолмай, сўзини икки қилолмай ночор ўлтирди. Бир хили ўзини тўхтата олмай кулди. Гўрўғлибек «тойимни топдим», деб билди. Мисқол пари Гўрўғлибекни таниб бир сўз деди:

Тортиб кебсиз, Қуло чўлдан оҳу вой,
Кўлга борса чарқиллайди қарчиғай.
Ҳар бир қадамингиз дийдам устига,
Хуш келибсиз, ана манзил, ана жой!

Урушли кун отилади сариёй —
Аскарбоши тортиб турар мис карнай.
Ғам еманг етим той биздан топилар,
Хуш келибсиз, мана макон, мана жой!

Урушли кун совут қалқон ёпинар.
Меҳмон киши аввал уйга келади,
Ғам еманг, шербачча, Ғиркўк топилар!

Эшитинг, меҳмонжон, бизлардан додни,
Меҳмонларга яхши қилсак хизматни.
Одоб билан кириб келинг ватанга,
Ғам еманг, миндирайлик Ғиркўк отни!

Бунда келган муродига етади,
Сариёй билан душманини отади.
Хуш келибсиз, ватанима меҳмонжон,
От-анжомли бўлиб меҳмон кетади.

Сайислар Ғиротни боқиб келади,
Хушвақт қилиб меҳмон сизни кулдирай,
Душманларнинг рангин гулдай сўлдирай,
Ғам еманг, отингиз кишнаб келади!
Бепарво бўп кела беринг ватанга,
Хушвақт қилиб отингизни миндирай.

Ушбу дамни, меҳмонжоним, дам деманг,
Бу ватанда ҳеч нарсани кам деманг!
Отингизни миндирайин бекбачча.
Бир от учун, меҳмон, асло ғам еманг!

Бунда келинг одамдайин шайлайин.
Отингизга хийла кейин тайлайин.
Ўйнаб-кулиб кириб келинг маконга,
Лайли Ғирни якка михга бойлайин!

Гўрўғлибек бу сўзни эшитиб:

— Билдим қароқчининг хотини экансан. Ҳамманг маслаҳат қилдинг, ушлаб олиб ўлдириб, ироқи совун қиламиз дединг,— деди. Шунда Мисқол парининг олдида турган қизлар, Мисқол парининг «дам-дам» деганига қарамасдан қаҳ-қаҳ уриб, кулишиб юборди. Мисқол пари:— Сизлар шундай мартабали одамни мазах қилиб кулиб юбордингизлар,— деди. Гўрўғлибек айтди:— Энди уйларингизни кўрдим, ҳар қандай қилиб, қозидан одам олиб келиб, отимни оламан!— деди. Гўрўғли аччиғланиб, бу ердан қайтиб бир жойга чиқди. Қирга чиқиб шундай қараса, Ғиркўк от фалакни кўзлаб турган анжомли тилла зул кўрарли нуқта марварид якка михга боғланган. Буни кўриб Гўрўғлибекнинг нақти хуш бўлганидан ҳушидан кетиб йиқилди. Ўрнидан яна туриб ҳевлаб бориб бўйнидан ушлаётир, Ғиркўк от буни таниб искалаб кишнаётир, тиззасини букиб, Гўрўғлининг устига ўзини ташлаётир. «Вой, хоназотгинам, хоназотим» деб суйиб, юраги ёрилгудай бўлиб, у ер-бу еридан ўпиб ётир.

Гўрўғлибекни синаб кўрмоқ учун Хизр бобо:

— Эй, қандай одам бўласан? Менинг хоназот отимни ошмага бўйнидан ушлайсан?— деди. Гўрўғли айтди:

— Ҳо, тағин гапирдинг-а, менинг ёлғиз етим тойимни ўғирлаб олиб келасизми? Соқолингиз оқарганда, оёғингиз гўр лабига борганда, тишингиз тушганда, ёшингиз олтмишдан ошганда, шунча бойларнинг ичида менинг ёлғиз етим тойимни кўрдингизми? Сиздан шу ишлар эпми?

Шунда Хизр:

— Сенга бир гап бўлган экан. Бу менинг ўз хоназотим, бунинг бўйнидан ушлаб, танидим деб турганинг айб-да,— деди.

Гўрўғли айтди:

— Осмон келиб ерга тармашмоғи даркор, сиздай қариган одам бировнинг хоназотини меники, дейсиз. Шу той меники эканлигига гувоҳим бор. Олти ойлик бўлганида мана бу еридан кучук тишлаган эди. Мана доғи турипти,— деди. Хизр:

— Номаъқул қипсан, от отга, одам одамга ухшайди,— деб, Гўрўғлининг қўлидан отини тортди. Гўрўғли:

— Тавба-ей, замон ёмон бўлган, гап ўғриники бўлганда, бўлмаса менинг хоназот отимни олиб кеп меникилаб юрасизми? Э, бобо, хайр эса икковимиз бир олишамиз, қайси биримиз йиқитсак, зўр бўлсак от шунимизники,— деди. Гўрўғли ўз кўнглида «бунинг билан курашиб, белидан сиқиб олиб қовурғасини синдиргудай қилиб, бундан нари бировнинг оти-ку оти, ҳатто тозисини олмайдиган қилайин, деди. Хизр айтди: «Олишсанг отангни йиқ», деган гап бор. Кел болам, олишсак олишайик». Шунда Гўрўғлибек ўрнидан сачраб турди, бориб бобосининг белидан маҳкам ушлади. Қўли белига етмай қолди. Гўрўғли, «ух, кундадек чол экан», деди. Бобоси айтди:

— Маҳкам ушла, қулоғингга ол, эҳтиёт бўл, армонда қолдим дема! Биз сен билан тараф. Лекин биздан бошқа билан курашганда ундай қилиб ушла, бундай қилиб ол, туғаноқни бундай сол! Орқасига бундай қилиб қайир! Буйтиб силтаб от! Гоҳ илгари, гоҳ кейинга сур!— деб курашди. Гўрўғлибек шунча зўр урди бўлмади. Бобоси ерга кўтариб урди. Гўрўғли айтди:

— Э бобо, менинг оёғим тойиб кетди.

Бобоси:

— Хайр, кел эса тағин курашайик, армонда қолма,— деди. Гўрўғлибек яна ўрнидан туриб бобосини ўхшатиб ушлади. Бобоси Гўрўғлини у ёқ-бу ёққа юргани қўймай ерга босди-да, қўйди. Гўрўғли мен ушлаёлмай қолдим, мен ушламай йиқитасизми, деди. Бобоси эса, тағин курашайик, деди. Гўрўғлибек яна туриб курашди, бобоси яна бирдан ўраб босди-да, қўйди. Гўрўғли:

— Бу кураш этиб йиқилиш бўлди,— деди. Бобоси:

— Уч депти, учдан кейин пуч депти, йиқилган курашга тўймас кураш бўлди. Энди курашмайман,— деди. Шунда Гўрўғли бобосига кучи етмаганини билди, нима қиларини билмай, «вой-вой» деб чинқира берди. «Жанжаллашсам бу той Гўрўғлиники эди, деядирган қози бўлмаса исбот бўлмаса. Олишсам, бу чолга кучим етмаса, куйдим, энди қандоқ қиламан» деди. Шунда бобоси Гўрўғлига айтди:

— Бунча дод деябердинг? Мен бу отни сотаман, олмайсанми? Агар олар бўлсанг қирқ танга бер!

Гўрўғли айтди:

— Сиз топганда беришга берсангиз, мен бир юз эллик тангага оламан.

Бобоси:

— Сен ўлармонга ўхшайсан, мен қирқ танга десам, сен бир юз эллик танга дейсан. Бир қирдан ошгандан кейин ўлармонлик қилиб бермай кетасан,— деб тойни Гўрўғлига берган жойида қуй-э, деб бир силкиб қўлидан тортиб олди. Гўрўғлибек айтди:

— Хайр бобо, жуда ҳам гож экансиз. Эса сизнинг айтган пулингизни топганда бериб олайин, баҳосини айтинг.

Бобоси:

— Қирқ танга дедим, қирқ танга,— деди. Гўрўғлибек:

— Топганда берарга ўттиз беш танга берайин,— деди. Бобоси:

— Хайр, яна қайтиб кетмагин,— деб Гўрўғлига отни ўттиз беш танга насия пулга сотди. Шунда Гўрўғли, «ўзим Гўрўғлибек, уруғим Туркман бўлиб, ўз отимни ўзим сотиб олгунча, шу чолнинг оёғи остида ўла қолганим яхши», деб бобосига қараб, бир сўз деди:

Бобожон, бу дунё бефойдади(р),
Гапингизга юрак ошдай қайнади.
Яқинлашманг, бобожон, менинг қошима,
Савдом бу дунё пули қайтади.

Гап чиқади Гўрўғлининг тилидан,
Изма-из келдим Туркман элидан.
Чўтта келманг, бобо, менинг қошима,
Умид қилманг кўк тойимнинг пулидан!

Бизларни айтади шоир — бахши,
Қаранг, менинг бетим гулларнинг нақши.
Ўз отимни мен баҳолаб олгандан,
Шуйтиб тирик юргандан ўлган яхши!

Гўрўғлибек оқизибди кўп ёшни,
Бобоси билан қилмоқчи бўп савашни.
Шовқин қилиб Афсар тоғнинг белида,
Атрофига йиғиб ётир кўп тошни.

Бобоси: «Ҳай аттанг, Гўрўғлибек ҳали ёш экан, бунинг кўнглини жой қилмасам бўлмайди, бу ҳали жуда бола экан, шунга сўздан англамади», деди. Гўрўғлибекка «армонда қолмасин», деб ўзини билдириб бир сўз айтаётипти:

Сўзима қулоқ сол Гуруғли гўдак:
Заргар элда кўр Равшанман Ҳилолдан,
Қулоқ солгин, Заргар элдан айтайин.

Тоғанг билан отанг жонини сотди,
Бир бедовни иккови минди-да кетди.
Заргар элда Ҳилолойни бузлатди,
Тоғанг билан отанг Евмитга етди.
Ўйла ўзинг, қари чолнинг фарзанди,
Ор билан Ҳилолой оламдан ўтди.

Қулоқ сол ўзимдай, чироғим, зорга,
Шерик бўлдинг мана дунё бекорга.
Ҳилолойни Рустамбек синглим деб,
Вой синглим деб, қуйиб келди мозорга.
Шу вақтаям[1] бирга юрган бобонгман.

Сарғайганда нечаларнинг сиёҳи,
Уйилганди неча одамнинг ҳовоғи.
Гўрда тутди Ҳилолойнинг тўлгоғи,
Мен сабаб бўп ёнган унинг чироғи.
Шу гўрда тушгин деган бобонгман!

Уя учун қушлар излар қияни,
Энди кепсан Гаждумбекнинг жияни.
Сенинг сиринг бу бобонгга аёни,
Қувиб кеп, йилқидан тулпор бияни.
Олиб келиб эна қилган бобонгман.

Қулоқ солгин бу бобонгнинг тилига,
Уч ёшингда келдинг Рустам қўлига.
Етти ёшда Бадкир қулни ўлдириб,
Қочиб келдинг болам Евмит элига.
Шу чўлларда бирга юрган бобонгман!

Райҳондан Ғиркўкни олдинг тўлатиб,
Ор билан Холжувонни йиғлатиб.
Бугун кепсан Ғиркўкингни йўқотиб,
Оҳ тортасан гапни гапга улатиб
Мана тоғда дучор бўлган бобонгман!

---

[1] Вақтда ҳам.

Савдогар юк қўяр катта норига,
Подшо осар ўғриларни дорига.
Энди қўй бобонгни ихтиёрига!
Бирга юргин шу бобонгнинг ғорига!
Сен етимга мақсад берган бобонгман!

Гўруғли қандай этарини билмай, бобосининг сўзига ишонолмай, тойнинг нўхтасидан ушлаб келаётибди.

Шу вақтда саккиз отлиқ одам, баъзиси мошбиринч, баъзиси қорасоқол, келаётибди. Буни кўриб Гўруғлибек катта қари мўйсафид ўғрининг кони бу ёқда экан. Мен пастга тушгандан кейин босарлар, йўлгинамни тўсарлар, отимни тортиб олиб, кўкайимни кесарлар, деди. Ҳалиги мўйсафид қарияларнинг биттаси Гўруғлибекка қараб бир сўз деди:

Уч йил юрдинг Қуло чўлда далада.
Бобо Қамбар айтмабмиди Балх юртда,
Болам келиб қолдинг давлатхонага.
Йигитлар ичида сенсан ўдаға,
Гўруғлибек келдинг давлатхонага.
Қўймагин чироғим бизни хафатга.
Қўрқмагин минарга Ғиркўкдай отга!
Яхши гаплаш яхши сўйиш чироғим,
Сен эга бўласан кўп мамлакатга!
Эгалларсан, болам, Евмитдай юртни.
Ёшлигингдан сенга ҳасратлар ортди.

Гўруғли бу сўзни эшитиб айтди, «мен кечадан бери ўзимнинг хоназот тойимни ололмай юрибман. Булар менга бир нарса берармиди, мен шу Ғиротимни омон-эсон, соғ-саломат олиб кетсам ҳам бўлади. Булар анойи чолми, бировга бир нарсани бекорга бериб кетадиган, уйтиб-буйтиб, алдаб-сулдаб қўлимдан тойимни олиб қўймоқчи». Гўруғли қочмоқнинг тараддудини қилди. Хизр қараса, Гўруғлининг кўзи бежой, қочмоқчи бўлиб, кўзи олайиб кетиб бораётибди. Шунда у:

— Гўруғлибек, от сеники бўлса, исбот қилиб, пул бермай олиб кет,— деди. Гўруғлибекнинг димоғи чоғ бўлди, даст алиф-лом қилиб, гарданини хам қилиб, «отни оламан» деб, вақти хушликда ҳалиги кишилар билан бориб, ҳамма ўлтирганларга, ассалому алайкум деб, ғорга кириб борди. Ғор ичидаги одамларнинг бирови Гўруғлибекка «ўтир» деб, жой кўрсатди. Гўруғлибек ўлтирди.

Ана шунда Соқибулбул ўрнидан жиндак туриб, ўртага кириб, шаробантахурни чоқлаб, жомни қўлга олиб, созини чертиб сўзини айтаётир. Соқибулбулнинг соқий бўлиб, май берганда одамларга қараб, «Аллаёр» деб бир сўз дегани:

Коса берай қўлим толиб,
Ҳар косага майлар солиб,
Менинг белларим буралиб,
Нўш қинг аллаёр, аллаёр!

Бек Соқибек айтган сўзлар,
Учар кўлдан турна ғозлар,
Навбатти олинг сизлар,
Ичинг, аллаёр, аллаёр!

Бу ерда ширин суҳбати,
Меҳмон Равшанбек фарзанди,
Олинг косанинг навбати,
Ичинг, аллаёр, аллаёр,

Юракларда ғамман ғусса,
Қарининг қўлида ҳасса,
Кўзим чўлда, қўлда коса,
Ичинг, аллаёр, аллаёр!
Куйинг аллаёр, аллаёр!

Милтиқ келар алаб-ялаб,
Дардли кўнгил истар талаб,
Олтин коса гулгун шароб,
Навбат аллаёр, аллаёр!

Обод Туркманнинг юрти,
Синмагай мардннинг қаноти,
Соҳибқирон қиёфати,
Гўрўғлининг зиёфати.
Меҳмон аллаёр, аллаёр!

Саломат борсин юртига,
Эсон кетсин элатига,
Минсин-да Ғиркўк отига,
Ичсин, аллаёр, аллаёр!

Ҳар тарафга тикилиб қаранг,
Узр этиб, кўплар йиғланг,
Яхши фарзандлар тиланг,

Ешлик қилмай бу мажлисдан.
Муддаони катта тиланг!

Қизил гулсиз яна сўлманғ,
Сўнгги билан ўпка қилманг!
Меҳмонжон армонда қолманг,
Тиланг, аллаёр, аллаёр!

Кўзингиз тонгнинг юлдузи,
Болдан ширин Соқи сўзи,
Ўзинг Ёвмитнинг азизи,
Давлат тиланг, фарзанд тиланг,
Тиланг, аллаёр, аллаёр!

Бу гаплар бўлган бу тонгдан,
Той деб чиқдингиз ватандан,
Мақсад тиланг, қирқ чилтондан
Омин, аллаёр, аллаёр!

Мажлисда ўлтирган ҳамма азизлар антахур майдан навбатлари билан ичиб, Гўрўғлибекка ҳам навбат косаларини берди. Шунда Гўрўғли шароб ичиб соҳибқирон бўлди.

— Соҳибқиронликни Ғирот кўтара олмайди. Энди Ғиротга ҳам бир коса майдан берінглар,— деди. Гўрўғлибекнинг Ғиротига ҳам бир коса шаробдан сувга қўшиб бердилар. Гўрўғлибек пирларидан бу яхши сўзни эшитиб, ўлтирганларга қараб, бир сўз айтаётибти:

Куйганимдан гапни гапга улайман,
Қаландар бўп келдим давлатхонага
Мен сизлардан Ғиркўк отни тилайман.

Сизга айтайин юрагимнинг черини,
Кетказинглар менинг тойимнинг шўрини.
Гаримсел эритар тоғнинг қорини.
Сизлардан сўрайман икки парини,
Шул парини хотин қилсам бўлади.

Келиб қолдим ойимларнинг юртига,
Қулоқ солинг мендай марднинг додига,
Тойимни изладим, келиб сўз айтдим,
Ошиқи мубтало бўлдим бетига.
Шуларни хизматкор қилсам бўлади.

Жоним банда бўлди айтган сўзига,
Томоша қип юз карашма нозига,
Ойимларни хотин қилсам бўлади.
Ошиғи мубтало бўлдим кўзига.
Шуни обберинг Ғўруғлининг ўзига!
Улар билан бирга юрсам бўлади.

Эшитинг подшоҳим менинг додимни,
Белима бойласам пўлатимни,
Юнг босган Райҳондан олсам лотимни,
Зайдинни хизматкор қилсам бўлади.
Шоҳ бўп эга бўлсам Туркман тахтига,
Евмит элда подшо бўлсам бўлади.

Туқсонда оппоқ бўп тоғларнинг қори.
Тила дединг, тўрттовини тиладим,
Ҳеч бошқа давлатнинг йўқдир даркори.

Мард йигит душманга савдо солади.
Бу мажлисдан тўрт муддао тиладим,
Тўрттовини берсангизлар бўлади.

Кенгаш чиқар элнинг катта бийидан,
Чопилса чин тулпор қайтмас раъйидан.
«Армонли бўлдинг Ғўруғлибек», — деб
Эр Хизр бобоси турди жойидан.

Бобоси Ғўруғлибекдан бу сўзни эшитиб, унга қараб, бир сўз деди:

Шунча қилдим қадримни билмадинг,
Билганингдан ёш Ғўруғли қолмадинг.
Ёшлик қилдинг бу гапларни билмадинг,
Дунёда армонли бўлдинг, Ғўруғли.

Юз йигирма бешга кирсин Ғиркўкинг,
Икковгинанг бирдай қари, Ғўруғли!
Соқибулбул саййс бўлсин, Ғўруғли!

Сўнг-сўнг булар юрагингда кўп дардинг,
Қариганда ортар сенинг ҳасратинг,
Соқибулбул бўлсин сенинг устодинг,
Доимо авжда бўлсин давлатинг!
Айтган амрин ҳамиша қилгин, Ғўруғли!

Мажлисда чалсин Соқибек созини,
Дарров босгин тарафингнинг изини!
Олиб қочгин ой Зайдиннинг ўзини,
Ўйнатгин Ғиркўкдай асбитозини,
Душмандан ўчингни олгин, Гўрўғли.

Эгарлаб берармиз, Ғиркўк отингни,
Кетказармиз юрагингдан дардингни.
Аввал бошлаб Ширвон элига бориб,
Шу Райҳон арабдан олгин лотингни!
Юрагингдан войим кетсин, Гўрўғли!

Ёр кетказар юракларнинг черини,
Эшитмадинг, бек Соқининг зорини.
Сенга берайик Юнус, Мисқол парини,
Сенга берайик шуларнинг ихтиёрини.
Парилар хотининг бўлсин, Гўрўғли!

Ҳукуматли тилинг бўлсин, Гўрўғли!
Чамбил, Чортоқ элинг бўлсин, Гўрўғли!
Ёв олмасин қиёматда сув олсин.
Аваз, Ҳасан ўғлинг бўлсин, Гўрўғли!

Чамбилнинг подшоси бўлдинг, Гўрўғли.
Охири армонли бўлдинг, Гўрўғли.
Мажлисдан қуруқ кетдинг, Гўрўғли.
Бир уядан ёлгиз учдинг, Гўрўғли.

Душманнинг қонин сочдинг, Гўрўғли
Ғанимнинг изига тушдинг, Гўрўғли.
Сув ўрнига шарбат ичдинг, Гўрўғли,
Сиёҳпўш кафанин бичдинг, Гўрўғли.

Ваянгандан оп кел Холдор маҳрамни
Бошлиқ қилгин саркардага Холдорни!
Хон Ҳасанжон ўғлинг бўлсин, Гўрўғли!

Эшит болам, бу бобонгнинг тилини,
Чамбилда ўйнатгин сонсиз лўлини,
Булдуруқ қассоб Аваздайин улини,
Хунхор элининг жону дилини,
Олиб келиб фарзанд қилгин, Гўрўғли!
Товус деган қуш таралар қияда,
Душманларинг ҳамиша бўлсин пиёда!

Ҳасан, Аваз фарзанд бўлсин ўзингга,
Хизмат қилсин туққанлардан зиёда!

Қирқ йигитни олгин қирқта ўзбекдан.
Бир-иккита олиб келгин қозоқдан!
Чамбилбелда пўлат добил туйдиргин,
Сийлов тўндан бекларингга кийдиргин!
Ҳар уруғдан олиб кел яхши одамни,
Ўзбеклардан олиб келгин бийларни!
Топиб бергин уларга яхши уйларни!
Чамбилбелдай қўрғонингга елдиргин,
Кўнглин овлаб сарпой бергин, Гўрўғли!

Доим иззат қилгин тарафларингга[1],
Ғаним чидамасин ғайратларингга,
Душман чидай олмасин журъатларингга,
Ўзинг тугул балки йигитларингга!
Тарафнинг додини бергин, Гўрўғли!
Ҳеч қочмагин, ҳамиша қувгин, Гўрўғли!
Сиёҳпўшни босиб сўйгин, Гўрўғли!
Майдонда кўзини ўйгин, Гўрўғли!
Ўзинг танҳо мингга етгин, Гўрўғли!

Бир ёги Асқардир Ховдакнинг кўли,
От чопса чангийди Чамбилнинг йўли.
Мажлисда сўзласин Соқининг тили,
Ўзинг бўлгин доим Чамбилнинг гули!
Тонг отгунча мажлис бергин, Гўрўғли!

Бек бўлиб мингайсан, отинг толмасин,
Ғазоли кун белга бойлаб олмосинг
Эса отинг қолсин, зотинг қолмасин
Дунёдан зурёдсиз ўтгин, Гўрўғли!

Соқибулбул бармоғини тишлади,
Берар бўлди анжом-асбобларини,
Анжом-асбоб ўрталикка ташлади.
Гўрўғлибек лола гулдай жайнади,

Ширин тилман турфа-турфа сўйлади.
Яхши гавҳар тош тақилган камарни,
Ўхшатиб бекбачча, белга бойлади.

---

[1] Тарафдорларингни демоқчи.

Йиғлаганнинг ёқаси ҳўл ёшига,
Томоша айланг азизларнинг ишига.
Бир сидрама кийим бериб азизлар,
Оппоқ қилиб дастор қўйди бошига.

Гўрўғли қуллуқ деб қаддини букди,
Баччанинг қилиғи уларга ёқди.
Болға олиб эр Хизрдай бобоси,
Тўрт юз нағални Ғиротнинг оёғига.
Хизр бобо гулмихлар билан қоқди.
Соқибулбул кўринг вақтин хушлади,
Дариғо, деб банди бўғнин бўшлади.
Ғиркўк отни бари олиб ўртага,
Ўртада Ғиркўкни яланғочлади.

Гулдан жўраб, тилла қошоқ қўлида,
Қашов уриб Ғиротнинг баданига.
Соқибулбул чангин силаб ташлади.

Оша юртга ошган кўрар хўрликни,
Югрук минган қилар йулбарс зўрликни,
Навбат билан Ғиркўк отнинг белига,
Астагина қўйди ипак терликни.

Подшолар олисга тутар дурбини,
Олис борган оп келмайми белгини?
Киш-кишлаб солди Ғирнинг белига,
Уймалаб ташлаган қирмиз чиргини,

Боз устидан яна қўйди белликни,
Суяб қўйди қундуз жаҳалдирикни.

Темирчи оллоҳ деб урар табарди,
Куйи келса бўлган сўзга чеварди,
Бисмилло, деб олиб қўйди бедовга,
Тилла чоптирган сарпай эгарди.

Чу, деса ўтади қанотли қушдан,
Пир дуоси кетди, тойликдан, ёшдан,
Астагина суяб урди думига,
Ўн саккиз қуббали карки қуюшқон,
Ҳар қуббаси пиёладай таркашдан.

Ўлмаган қул кўрар экан сайилди,
Мард қилган ишига эл қойилди.
Жангаллатиб ўраб тортди Ғиротга,
Тўқаси кумушдан ипак айилди.

Ёш баччанинг ақлларин шоширди,
Айтмай сирни ғанимлардан яширди.
Иккови ҳам тилладан узангини,
Ярқиллатиб икки ёққа туширди.

Бир неча сулувнинг тишлари дурди
Шалдиратиб Ғирга сермаб ташлади,
Қимматбаҳо, зар чачоқли довурди.

Куйсин ўлим, ким чидайди доғига,
Парилар сулқиллар Ирам боғида.
Шалдираб отга солган довури,
Тушибди бедовнинг бақалоғига,

Афзалининг бари ғуло кумушдан
Жингиллатиб тортди отнинг белига,
Пай тўшаб ташлаган чағатой пуштан.

Пўлат добил илди эгар қошига,
Қатағон пешбантни урди тўшига.
Қиздай безаб Ғиркўк отни шайлади,
Қиздайин қилиқсиб жонвор ўйнади.
Қўтос тақди гардан дароз бўйнига,
Қирқ қуббали юган урди бошига,
Олиб келди Гўрўғлининг қошига.

Ярқилатиб кийиб эди эгнига,
Оқ кировка яшил, кўкиш совутни.
Гўрўғлибек, шукур деди сўйлади,
Ёш ўғлон-ку суқсурдай бўп бўйлади.
Илон тилли, заҳарли у ханжарни,
Жангиллатиб хипча белга бойлади.
Ҳеч ками йўқ отман[1] мардни шайлади,
Ўқ ўтмайдиган каркин қалқонни,
Селдиратиб елкасига бойлади.

---

[1] От билан.

Отга йўл бермаган сойнинг ўрани
Шайладилар Гўрўғлидай тўрани.
Иззат қип азизлар гавҳар бодани
Гўрўғли бўйнига тақди зерони.

Хушвақт қилиб, билмаганин билдирди,
Қўлтиғидан суяб, полвон дейишиб,
Ғиркўк отга Гўрўғлини миндирди.

Гўрўғли минди Ғиротнинг белига,
Ўн икки попукли пўлат найзани,
Табаррук деб суяб берди қўлига.

Бобоси Гўрўғлибекка панди насиҳат бериб айтди:

— Э Гўрўғлибек, болам, сен ёшлик қилдинг. Бундан бориб, Райҳоннинг қизини олиб кетарсан, Евмитнинг элига старсан. Ҳар нима ихтиёрни ўзингга бердик. Лекин Райхон араб қизининг орқасида жанжал кўп. Райхон араб Ўн бир марта шахрингга тегади. Ҳар нима бўлса, Гўрўғлибек, фарзандим, ишингга эҳтиёт бўл! Евмит элингда, тоғнинг пастидан бир шаҳар пайдо бўлади. Бу шаҳарни кўриб кўрқма, ўзингни тўхтат! Шу шаҳарни қиёматгача ҳеч ким ололмайди, қиёмат бўлганда сув олиб кетади.

Пайшанба куни кечқурун, жума оқшоми пешин вақтида бир таллатўп ғалағул шовқин бўлиб, ерларни симобдай эритади, ерлар қимирлаб кетади. Шунда ўз Евмит шаҳрингнинг одамларини ва барча фуқароларингни ўзинг бош бўлиб, насиҳат қилиб, ўз олдингдан у ёқ-бу ёққа юбормай, «бу ишлардан қўрқманглар, индаманглар», деб маҳкам ушлаб тургин! Ана шунда Соқибулбул боради. Мана олдингда турибди, хўп қараб, таниб қўйгин! Соқибулбул бир хил одамлар билан одамларнинг қўрқиб турганлари устига боради. Одамларни янги бўлган шаҳарга олиб киради. Ўзингни тилла тахтга миндириб, подшо қилади. Сени подшо қилгандан кейин, фуқароларинг сенга тобе бўлади, ундан кейин сенинг мартабали эканингни билади. Соқибулбул «амри подшо вожиб» деб кўчаларга жарчи қўяди. Соқибулбул сенга ҳам устод бўлади, ҳам Ғиркўк отнинг сайисликини қилади. Зинҳор Соқибулбулнинг айтганидан чиқмагин! Шу куни, шаҳарнинг ичида бир мажлисхона бино бўлади, ҳамма одамлар йиғилади, мажлис бўлади. Соқибулбул сўзни айтиб, созни чалади, соқий бўлиб майни ҳаммага беради; қўрғонингга от қўйилади. Соқибулбул нима деб от қўйса, шаҳарнинг оти шу бўлади. Соқибулбулнинг

айтгани-айтган, билгани-билган, қилгани-қилган бўлади, — деб, Гўрўғлининг қўлига бир қора пар, бир оқ пар берди. — Парларнинг хосияти шу, баданингга сурсанг гоҳи ёш бўласан, гоҳи қаритобланиб, ҳар хил одам бўлиб қоласан. Оқ парни баданингга сурсанг қора одам, қора парни суйкасанг қора соқол бўлиб қоласан.— Тағин икки хат берди. Гўрўғлибек қараса, муҳр босилган икки никоҳ хат: икки пари Кўҳи Қофдан Юнус пари, Ирам боғдан Мисқол пари Гўрўғлибекка қиёматли чўри деб хатга ёзиб қўйилипти. Гўрўғлибек буни кўриб, айтди:

— Мени калака қилган икки қизни тилаб эдим, булар улар эмас-ку.

Шунда бобоси:

— Сенинг айтган қизларинг шу, — деди. Гўрўғлибек улар бўлса қуллуқ, деб димоғи чоғ бўлди. Ана шунда турган ҳамма энди бўлди, ҳеч каминг қолмади, ол олдирма, қувгин қочма, деб бетга фотиҳа тортдилар. Гўрўғлибек ўзининг қадди-қоматига, полвонлигига, шону шавкатига қараб, шукур қилиб, буларнинг олдидан жўнай берди. Ғиротим ҳам бўлганича бўлиб қолипти назаркарда экан деб отидан жуда вакти хуш бўлиб йўлда кетаётибди:

Очилар боғларда гули ғунча,
Жўнай берди чўлларда,
Гўрўғлидай бекбачча.
Кийимлари тоза-да,
Ҳар гаплари бомаза
Жўнай берди чўлларда
Гўрўғлидай бекзода.
Кўнгли жўш уриб кетди.
Чув-ҳо, деб жўнаб кетди.
Совут қалқонга тегса,
Яшиндай ярқиллатди.
Енидаги ханжарни,
Узангига тегизиб,
Чўлларда ширқиллатди.

Оёғидан чиққан чанг,
Тумандай йўлни тутди.
Йўлбарсдай ғариллаб
Келаётир Гўрўғли.
Мис карнайдай пириллаб,

Гўрўғлибекнинг Ғири.
Отган ўқдай зириллаб.
Найзасининг попуги,
Елкасида пириллаб,
Совут қолқонга тегса,
Ойдай бўлиб ярқиллаб.
Гўрўғли жонни сотди,
Бедовга қамчи чотди.
Ҳар юнгидан тер кетди.
Туйғундай бўп чирқиллаб
Гўрўғли чўлда кетди.
Чидамай ғайратига,
Қамчи уриб отига,
Қуло чўл тенгсалади,
Марднинг сиёсатига.
Куйган қуллар,
Сарп уради сонига,
Евда ўлган бўялади қонига.
Қуло чўл сўлқиллаб ларза беради,
Пишқириб бедовнинг ирғиганига.
Гоҳ сўзини сўзлайди,
Сийналарин тузлайди.
Ширвон эл деб Гўрўғли,
Холжувон деб излайди.
Гоҳ созини созлайди,
Бўтадай бўп бўзлайди.
Қамчи босса лайли Ғир,
Тоғнинг бошин кўзлайди.

Раҳм айлаган ҳолига,
Булбул қўнар ғулига.
Бораётир Гўрўғли
Занглаб ётган чўлига.
Таваккал қип Гўрўғли,
Чув-ҳо, деди йўлларда
Райҳон араб элига.

Ол-ол юрди, ол юрди,
Озгинамас мўл юрди.
Чоқламайин Гўрўғли
Тағи бир кун йўл юрди.

Гўрўғлибек Райҳон арабнинг шаҳрини излаб, йўлда жўнаб кета берди. Лекин қайси тарафга боришини ҳам билмайди:

Чоқмоғига қув олди,
Меҳтарага сув олди,
Чоқламайин, Гўрўғли,
Қистади йўлга тушди.
Неча қирлардан ошди,
Ғирот тобга келибди.
Жонивор оғзин очди,
Қўлтиқдан парқин сочди.

Чайқалур Ойдиннинг кўли,
Чангийди юрган йўли.
Ғанимларга жазо, деб,
Эрта билан бўза деб
Ғайрат қилиб бекбачча,
Узоқ йўлга жўнади.
Юрган жойи ёнади.
Остида Ғиркўк оти,
Қушдай учиб боради.
Гоҳи тоғ, гоҳи кўлда,
Ол-ҳо, кетиб боради.
Ҳайло, кетиб боради.
Миниб отнинг белига,
Кун ёйилиб чошгоҳда,
Кириб борди бир подшонинг элига.

Гўрўғлибек кўзини очиб қараса, катта бир шаҳар кўзига кўринди. Дарёлар оққан, кўрган одамларнинг ақли шошган, ичида сол, кема, қайиқлар қуртдай қимирлаб ҳар тарафга келиб, кетиб бораётибди. Шундай тикилиб қараса, шаҳарнинг ичида неча бир ерларда катта мачитлар, мадрасалар, миноралар кўринди. Гўрўғлибекнинг завқи келиб юриб кетди. Бир катта салтанатли дарвозага етди. Қараса, дарвозанинг ҳар чеккасида ўн етти жойда коровулхонаси бор. Шу хоналаридан катта-катта тўпларни далага қаратиб чиқариб қўйибди. Жуда салтанатли, жуда катта жой кўринди. Гўрўғли бу жой катта жой экан, деб дарвозадан кирмай, бир Кўкбулоқ деган булоққа етди. Қараса, бир хотин ўлтирипти, ўзи ориқ, ранглари сариқ, узун бўйли, шер ўмганли, қўлида кўзаси бор. Қўлидаги кўзасини тўлдириб, қўлтиғига тираб, Гўрўғлибекка қараб, «бу келган,



қандай ажали етган одам экан», деб қараб турибди. Гўрўғлибек ҳалиги хотинга қараб, оёғини узангига тираб, «бу қандай шаҳар, дарвоза кимнинг уйи» деб, бир сўз деди:

Ақли борнинг бўладикан кўп уйи,
Кўзасини тўлдириб турган муштипар,
Наққошли жой, қандай одам саройи?

Адо бўлмас тор сийнамнинг ҳасрати,
Салтанатман тўп қўйибди ҳар ёқа,
Салтанатли работ кимнинг работи?
Кўзангни тўлдириб турмай, қарайсан,
Наққошли жой қандай хоннинг макони?
Худоё кетгай-да юракнинг дарди
Оша юртдан ошиб келдим, сўрайман,
Мана турган, қандай шоҳнинг боғоти?

Бечора муштипар аёл бу сўзни эшитиб, юрак-бағри эзилиб, кўзидан ёши тизилиб, Гўрўғлибекка қараб бир сўз деди:

Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин,
Кўп йилгача узоқ яша, ўлмагин!
Мени десанг, кетгин келган йўлингга,
Райҳон подшо кўриб, ўзинг ўлмагин!

Бу маккор Райҳон арабнинг жойи,
Чироққинам, кўрса сени ўлдирар,
Қизил гулсан, очилмайин сўлдирар,
Кўрсатмайди сенга ўз элатингни
Кундан-кунга зиёд қип ҳасратингни.
Раҳми келмас, Райҳон араб ўлдирар.

Ўлжа қилар остингдаги отингни.
Оқизар чироғим, кўздан ёшингни
Қузғунга торттирар сенинг гўштингни,
Ўлжа қилиб, кийим билан отингни,
Кесиб олар шу танангдан бошингни.

Ёш ўғлонсан раҳм айладим ҳолингга,
Кескир ханжарни боғлабсан белингга.
Райҳон араб кўрса сени ўлдирар,
Чироғим кета бер, келган йўлингга!

Гўрўғлибек муштипардан бу сўзни эшитиб, чиройи очилиб, оғзидан дурлари сочилиб, Ғироти жўш қилиб, филдай бўлиб пишқириб, «мурод-мақсадимга етдим», деб юраги тошиб, ҳалиги бечора аёлга қараб, бир сўз деди:

Бедов минган тоғдан пастга чопинди,
Евнинг куни ботир қалқон ёпинди.
Минг мартаба шукур қилай, муштипар,
Излаганим ўз олдимдан топилди.

Қулоқ солгин гапнинг ёлғон-ростига,
Пойлаб юрдим юнг соқолнинг қасдига.
Ўлади деб хафа бўлма муштипар,
Шукур кепман тарафимнинг устига!
Сен гапирдинг юрагимда черим бор,
Мард йигитман номус билан орим бор.
Энди шукур, етибман муродима,
Ширвон элда сўлқиллаган ёрим бор.

Йиғлатган элимда бир нечамни,
Юракларда ғам кўп, дардман анчамди.[1]
«Байталингга отимни қўяман», деб,
Оп келувди Холжувондай чечамди.

Кенгаш чиқар элнинг катта бийидан,
Гўрўғли той деб чиққан Евмит уйидан.
Вой болам, деб ўпкасини босолмай,
Шу аёл чинқириб турди жойидан.

Сарғайган экан-да бебахтнинг юзи,
Қоши қаро эди, дарё қундузи
Бунинг ўзи Туркман элнинг азизи.
Шундайин Гўрўғли тиклаб қараса,
Келаётган Холжувонойнинг ўзи.

Йиғлаб қолган элида бир нечаси,
Каторга тиркалган норча, лўкчаси.
Гўрўғли шундайин тиклаб қараса,
Баччажон, деб ўпкасини босолмай
Келаётган Холжувондай чечаси.

Эна, деб Гўрўғли кўзин ёшлади,
Қамчисини оғзига олиб тишлади.

[1] Анча.



Отининг тизгинин солиб билакка
— Вой энам! — деб Ғирдан ўзин ташлади.
Томоша айланг, Холжувоннинг ишига,
Давлат турмас такобирнинг бошида.
Баччажон, деб қулочини ёзиб оп,
Болам деб айқалаб олди тўшига.
Тўхтатолмай Гўрўғлибек ўзини,
Мерганлар овлайди кўлнинг ғозини,
Бу энам деб, у болам деб йиғлайди
Искалаб юзига қўйиб юзини.
Бек бўлмай қулларига добил туймайди,
Хафа бўлмай кўздан ёшин қуймайди.
Болам, деб қучоқлаб олиб қайнисин,
Искалайди меҳрига ҳеч тўймайди.
Гўрўғлини ёздиргани қўймайди,
Гўрўғлининг кокилларин силайди.
Чечан экан гапни гапга улайди,
Искалаб юзига юзини қўйиб,
Тақдир курсин, деб меҳрига тўймайди.

Гўрўғлибекман Холжувонойим иккови бир-бири билан кўришиб, ҳол-аҳвол сўраб Холжувонойим Гўрўғлибекка қараб, оҳ тортиб бир сўз деди:

Тоғларнинг бошини чолган туманми,
Евмит эли қадимгидай замонми?
Ўлмай кўрдим, чироққинам ўзингни,
Салтанатли Аҳмад тоғанг омонми?

Юракларим бўлган тўла қонми?
Кўчаларда неча беклар сарсонми?
Ўлмай кўрдим, сенинг ойдай бетингни;
Евмит подшоси Урайхон омонми?

Сарғайиб мендай чечанг рўйлари,
Оҳ деса сон бўлмай қолар ўйлари.
Қайтибгина келдинг, Ширвон элига,
Эсон-омонмикан Евмит бийлари?
Сарғайганди Холжувоннинг юзлари.
Евмитга қараган икки кўзлари.
Энди ўлсам, худодан йўқ армоним,
Саломат юрибми кўркам қизлари?

Мендай чечанг кўздан ёшин тўкибди,
Чечанг ўлсин, қаддин ёйдан букибди,
Ёппа-ёвлик қариндошлар омонми?

Ўлмай кўрдим, дардинг ўрсин ўзимни,
Мен эшитдим, эна деган сўзингни,
Холжувонман, изларингдан, айланай,
Чироққинам кўрдим икки кўзингни.

Гўрўғлибек:

— Эй чеча, бу дамни ғаниматт билмоқ керак. Бу, Ширвоннинг юрти, катта тараф — душманимнинг мамлакати. Биров юнг босган Райҳон подшога бориб айтар, бурқиллаб теварагимни кўп лашкар олар, вақтли туринг, орқамга мингашинг, кетамиз Евмит элига,— деди. Холжувонойим айтди:

— Чироғим, менинг Ширвон элига келганимга уч йил бўлибди, лекин Райҳон арабга бир коса сув қўлимдан берганим йўқ. Агар сен мени олиб кетсанг, Евмитга етсанг маъракa-мажлисларда, одамлар «Гўрўғлибек хўп иш қилибди, уч йилдан бери Райҳон араб хотин қилиб юрган чечасини олиб келибди», дейди. Менинг касофатим сенга тегади. Давлатингиз, мартабангиз, элларнинг ичида паст бўлади, «чечангизни Райҳон араб ундай қилган, бундай қилган» деб душманларинг айтади. Гўрўғлибек, энди сизга айтадиган бир гап бор: Райҳон арабнинг бир қизи бор, ярим белидан пасти уч ботмон, ярим белидан юқориси икки ботмон. Ўзи тўшли, тўладан келган гўштли, ширин сўзли, қизил юзли, жоду кўзли, саратон юлдузли, лаъл мунчоқли, ойдан сулув, офтобдан ортиқ, ой деса оғзи бор, кун деса кўзи бор. Ҳар бир нарса дегудай, ҳар бир барно кўргудай, ана шу қизнинг чин оти Хуморой, лақаби Зайдиной. Шуни олиб қочиб кетинг. Эртан Зайдинойни «кир ювaман», деб кирга олиб чиқаман, шуни олиб қочиб кетсангиз, ҳамма ор-номусга баробар бўлади. Мана, Гулшан чорбоғда ётиб дамингизни олиб туринг, — деди. Гўрўғлибек Холжувондан бу сўзни эшитиб:

— Хайр эса, — деб, Гулшан боғда ётиб қолди. Шуйтиб, Гўрўғлибек ётиб турсин, Холжувондан эшитинг!

Холжувон ойим кетди, ўрдага етди. Холжувон уч йилдан бери Туркманнинг уруғи қуримаса, бир куни бир туркман ўғлони келиб олиб кетади, деб Райҳон араб билан гаплашган эмас, бир коса сув ҳам берган эмас эди.



Райҳон арабнинг оти Ғиротнинг исини олиб, боласи эмасми, эгаси Райҳон подшога савдо тушарини билиб, қозиқда туриб тинмасдан кишнаб, айланиб ётибди. Кечқурун бўлиб, тонг ҳам отди.

Райҳон арабнинг тўқсон турли читдан бўлган бир кўрпаси бор эди. Шуни ёпиниб ётиб эди. Шунда Холжувон Райҳон арабга қараб:

— Мен Кўкбулоққа кир ювишга чиқиб келай, — деди. Унда Райҳон араб Холжувонга айтди:

— Сен кирга чиқсанг мен нима кияман?

Холжувон айтди:

— Сени ким кўраётибди. Кўйлак-иштонларингни ечиб бериб ялангоч бўлиб, кўрпага ўраниб ёта бер. Мен кирни дарров ювиб келаман. Қуриб қолади, кийиб оласан,— деди. Райҳон араб кўйлак-иштонларини ечиб, Холжувоннинг олдига қараб отди. Холжувон айтди:

— Зайдиной қизингни кир ювишга менга қўшиб юбор.

Шунда Райҳон араб:

— Кирни ювмасанг ювиқсиз қолсин, пешонамда бир қиз бор, бунинг ҳам қўлини қабартириб кир ювдирайинми?— деди. Холжувонойим айтди:

— Кўкбулоқда бир ўзим кир ювиб юрганда бир сув ёқлаган келади, мени ушлаб олади, дод деганимни ким эшитади, уяти ўзингга қолади,— деди. Райҳон араб буни эшитиб, «рост айтади», деб қизини олдига чақириб олиб:

— Зайдиной, бор, энанг билан кир ювишиб кел,— деди. Зайдиной:

— Хўш,— деди. Холжувонойим билан Зайдиной иккови бир бўлиб, кирларни кўтариб, Кўкбулоқнинг олдига етди. Зайдиной етиб, энасига қараб, бошини чайқаб, бир сўз деди:

Отамнинг очилган гули сўлибди,
Кун қиёмат қари отамга бўлибди.
Кири қурсин, юринг эна кетамиз,
Оша юртдан элга душман келибди!

Аросат майдонда отин елибди,
Душманига йўқ савдони солибди.
Хаёл қилманг, эна, юринг ўрдага,
Ғайри юртдан элга душман келибди!

Эшит эна, Зайдинойнинг сўзини,
Ўлдиради қари отамнинг ўзини!

Бир элатдан катта тараф келибди,
Кўрмайсизми, дўнон тойнинг изини?

Мавж уриб, мисли дарёдай тошибди,
Буни кўриб ақлгинам шошибди,
Ҳаялламай тезроқ уйга етайик,
Оёғи қуббадай ерга тушибди!

Холжувон Зайдинойга қараб, «охир замоннинг боласида, уят борми» деб, бир сўз айтаётибди:

Отангизга чучук сўйладим,
Саҳар келиб, Кўкбулоқни лойладим.
Отанг оти етти марта бўшалди,
Ҳар марта, «моқ-моқлаб» ушлаб бойладим.

Хушвақт билан ўткар баҳор ёзини,
Англа болам, Холжувоннинг сўзини!
Отангнинг оти шу ерда ўйнаган,
Танимадинг, отанг отин изини.

Айланай, бизлардан хабар олмадинг,
Сен бойвучча тун уйқуни бўлмадинг,
Маст бедов шу ердан ўйнаб ўтганди.

Гапингга ичим ғамга тўлади,
Ёш бачасан, ҳеч нимани билмайсан.
Ўйнаганда катта тулпор изи ҳам
Шундайчоқ бўп кичик бўлиб қолади.

Зайдиной Холжувонойимга қараб, бир сўз деди:

Э энажон, бугун саҳар туш кўрдим,
Мен тушимда бир кабоҳат иш кўрдим.
Шу ерга кеп, мен кир ювиб ётганда,
Ўн беш яшар баччани йўлдош кўрдим.

Фириб билан ушлаб олди қўлимдан,
Зўрлик билан олиб кетди қўлимдан,
Бир шаҳарга олиб борди ўзимни,
Бир қари одам қучиб ётди белимдан.
Солланиб сўрганди ширин тилимдан,
Хотин қип, хизматкор қилган бўлиб.



Шу бачанинг ўзи тарафсиз полвон,
Ёнида ярқиллар кескир исфиҳон,
Олиб қочиб кетди, менинг ўзимни.
Туши курсин таъбирлари кўп ёмон.
Бир мўйсафид хотин қилди бегумон.
Тезроқ юринг, энажон, иш ёмон.

Холжувонойим, туш ҳам дунёда гапми, деб кир қозонини қура берди. Зайдиной лаганни ерга отиб юборди, лаган тошга тегиб жангирлаб кетди, энасига қарамай араз уриб, уйига қараб чопиб кетди. Буни кўриб, «иш ёмон бўлди», деб Холжувонойим ҳам илдам-илдам кийимларнинг барини қора балчиқ лойга тиқиб ҳўл ҳолича бир лой кўйлакнинг ичига солиб, бир рўмол билан ўраб кўтариб булоққа борадиган бошқа бир йўл билан Зайдинойдан илгари уйига етди, уҳ, деб кийимларни ерга олиб урди. Холжувон хафа бўлиб келди, буни Райҳон араб кўрди:

— Нимага тағин қайтиб келдинг,— деди. Холжувонойим Райҳон арабга қараб, бир сўз деди:

Билдирайин билмаганинг билмасанг,
Шоҳ тўра мақсадга етгин ўлмасанг.
Кўрган сирин сизга айтай полвоним,
Тағин-а кўнглингга оғир олмасанг.

Аналман Мансурга қурган дор экан,
Энди ўйласам, бу манглайим шўр экан.
Келганимнинг маънисини айтайин,
Қизинг қурсин бир ўйнаши бор экан.

Силкиллаб жувонмарг вақтин хушлайди,
Бошин чайқаб, лабгинасин тишлайди.
Ким экан деб, ўзим туриб қарасам,
Шу жувонмарг ўзин бастоҳ ташлайди.

Қулоқ сол шоҳ тўрам менинг дотима,
Рози бўлдим қайтайин қисматима.
Қочиб кетса ўйнашиман ер ютгур,
Бир кун тонглар таъна қилма афтима!

Райҳон араб айтди:

— Бўлди, бўлди гап келди. Лекин шу шаҳарга кечадан бери Гўрўғли пайдо бўлди. Ҳар кун жувонмаргни тер-

габ юрар эдим. Кеча сенга мен андармон бўлиб қолибман. Бу жувонмарг Гўрўғлини кўрган. Ҳар нима бўлса, қизни бўй еткизмай ватандан чиқарадиган. Қандай қилай, бу ишлар ўзимиздан бўлган. Э, хотин дурбинни ол!

Холжувон кийимларни дарров панага тортди. Холжувон:

— Райҳон подшо, кўрпангни бўйнингга илиб, яланғоч минорнинг бошига чиқиб дурбини кўрмоққа одамлардан уялмайсанми? Мен ўзим дурбинни кўриб, ким бор, ким йўқлигини айтсам ишонмайсанми?—деди.

Райҳон араб:

— Мен сенинг гапингга минг марта ишонаман, лекин ўзим дурбини кўриб, душман келган бўлса ушлаб олиб, ўлдириб, қонини тўкаман деб эдим-да. Эса сен ўзинг бор, минорга чиқиб дурбини кўриб кел! Ҳар нима бўлса менга келиб айт! Мен ўзим душманнинг ишини қиламан,— деди. Холжувонойим қўлига дурбини олиб, минорнинг устига чиқиб кетди. Лекин Холжувон минорга чиқиб кетган бўлса ҳам, Райҳон араб ўрнидан туриб, қўлига нўхатдан олиб, фол кўриб, «келган душман Гўрўғли экан», деб ётди. Лекин «ҳар нима бўлса ҳам келгани рост бўлса Холжувон минорнинг устидан кўриб, менга айтади», деб ётди.

Холжувоннинг айтган сўзи будир:

Қуржун кўлга мингча байтал келибди,
Ўзинг ўлмай ким келади Ширвонга.
Кўрдим даврон сурсанг манзил маконда,
Сиздайин полвон йўқ мана жаҳонда.
Кўлга келган қисир байтал кўп экан,
Ўзинг ўлмай, ким келади Ширвонга?

Маст байталлар Қуло чўлда елибди
Чулқордан юриб Қуржун кўлга келибди.
Айғир отинг шунинг исин олибди,
Кишнагани, тўрам, шундан бўлибди.
Сиздай полвон эсон-омон турганда,
Ўзинг ўлмай, ким келади Ширвонга?

Бундан буён яхши салла ўрагин,
Соқолингни силдиратиб тарагин!
Гапгинама ишонмасанг полвоним,
Мендан кейин ўзинг чиқиб қарагин!



Холжувон ўзингга ихлос қилибди,
Отинг байталларнинг исин олибди.
Кишнагани тўрам шундан бўлибди,
Гапим ёлғон бўлса келиб қарагин!

Райҳон подшо:

— Ишондим, бу эл икки кун илгари келибди. Ҳар йилда икки кун кейин келар эди. Менинг отим шуларнинг исини олиб, шуйтиб кишнаган экан.— деди. Холжувон минордан тушиб, Райҳон арабнинг олдига етди.

— Қизнинг кирдан аразлаб келди, энди кирга бормайди, бақириб, «кирга бор», деб дўқ уриб қўй,— деди. Райҳон араб қизнинг кирга буюрди. Зайдиной отасига дардини айтолмай, «вой, ўгайчилиги қурсин, ўз энам бўлса, бундай қилармиди», деб ночор энаси билан кирга жўнай берди. Энаси кирларни кўтариб олиб, яна ҳалиги Кўкбулоқнинг бошига етди. Холжувонойим энди чекалаб келдим, деб, димоғини чоғ қилиб, янтоққа сувни сепиб, «тез ёнмасин, бурқираб тутун бўлсин» деб чўғ солиб янтоқни пуфлаб тутатиб юборди. Буни Гўрўғлибек кўриб, Ғиротнинг айил пўштанларини зертанг-забартанг қилиб тортди. Ғиротни миниб ўйнатиб, Гулшан боғдаги работдан чиқди. Отнинг ерни босганига ерлар ларзага келиб, тебраниб, тупроқлар осмонга бурқиллаб, тўзон куннинг бетини олиб кела берди. Шунда Зайдиной айтди:

— Э эна, қаранг, кечаги душман ана.

Холжувон:

— Фалончи саркарданинг ўғли-ку, кўзинг кўр бўлдими?— деди. Зайдиной айтди:

— Э эна, ҳеч ерида юнги йўқ.

Шу орада Гўрўғлибек келиб қолди. Гўрўғлибек Зайдинойга қараб, оёғини узангига тираб, бир сўз деди:

Эниб келдим тоғларингдан,
Бир гул узсам боғларингдан,
Сувсаб келдим чўлларингдан,
Сув бер ойим қўлларингдан!

Тутма рўмол юзгинангга,
Дона-дона холларингдан!
Насиб қилган беклар қучар,
Сенинг хипча белларингдан.
Сув бер нозим қўлларингдан!

Кўзларинг тонгнинг юлдузи,
Қошларинг дарё қундузи,
Ўзинг Ширвоннинг азизи,
Сув бергин арабнинг қизи.
Райҳон арабнинг ёлғизи,
Ичай сенинг қўлларингдан!

Беклар отини олади,
Кўрганлар ҳайрон қолади,
Оғзинг олтин пиёладай,
Қуйиб бергин болларингдан!
Тутма рўмол бетгинангга,
Дона-дона холларингдан!

Буни эшитиб Зайдиной бир сўз деди:

Узун-узун увомиғ бор,
Элда катта бобомиз бор,
Сув бермакка товбамиз бор.
Ичинг куйса тушиб ичгин.

Остингда кўк тулпормиди?
Белингда зулфиқормиди?
Бунча ҳукм сўзлай бердинг,
Олиб қўйган чўрингмиди?

Ғўион тойни ўйнатасан,
Сен кўнглимни қабартасан.
Юрагинг куйса йўловчи,
Чашманинг бошига тушиб,
Ўзинг сув ичиб кетарсан.

Бу сўзни эшитиб Холжувон Зайдинойга қараб айтди:

— Ёш бошинг бор, сенга савоб даркор эмасми? Сув берган савобга ботар эмиш, дилозор тип-тикка имонсиз қотар эмиш. Сен олма эдинг-да, узиб об кетами? Мана, лаганга сувни солиб узатиб қўя қол-да. Бу замоннинг боласининг ўяти йўқ-да, уялмай эркаклар билан сўзлашиб, гапига савол-жавоб қилиб туради.

Зайдиной энасининг сўзидан ўтолмай, энасига қаттиқ жавоб беролмай, ночор ўрнидан туриб мис косани олиб, Кўкбулоқнинг сувидан ярим қилиб, Гўрўғлибекка узатди. Гўрўғлибек қўлидаги мис косани уриб юбориб, икки қўли билан икки қўлидан ушлаб, силкиб илгарига тортди. Зайдиной тизза бўйи баланд кўтарилди. Зайдиной буни кўриб,



лабини тишлаб, аччиғи келиб, солдарини солиб, ерга қараб бир тортди. Ғиротнинг тиззасидан пасти ерга кириб кетди. Гўрўғлибекнинг бурнидан чак-чак қон кетди. Гўрўғлибек Холжувон чечасига қараб, бир сўз айтди:

Ғанқиллаб учади қулларнинг ғози,
Сарғайди мендай йўлбарснинг юзи.
Чечажон, ўзима бергин ҳимоят
Қайтайин зўр экан арабнинг қизи!
Араб қизи билмаганим билдирар,
Кўплаб лашкар Ширвон элдан келтирар.
Вақтли илошни қилгин Холжувон,
Аввал мени, сўнгра сени ўлдирар!
Чўлларда миндим Ғиркўкдай отни,
Бурнимдан дийрак-дийрак қон кетди.
Вақтли олдима келгин Холжувон,
Бир андак, суягим шовшаб кетди!

Буни эшитиб, Холжувон ўрнидан туриб, «Зайдинойнинг кўнгли мендан қолмасин», деб, бир сўз айтиб кетиб бораётибди:

Янги оламдай қилганман ўзимни
Йўлингга тўрт қилдим шаҳло кўзимни.
Сен қандай бемазасан йўловчи
Қўйиб юбор, маҳкам ушла қизимни!
Ҳақ куйдирди менинг кулба хонамни
Райҳон араб куйдирганди танамни,
Сен қандай ўлармонсан йўловчи,
Қўйиб юбор, маҳкам ушла боламни!

Бориб обод қилгин хонадонимни!
Тағин-а қўлингдан чиқиб кетмасин,
Маҳкам ушла, қўйгин Зайдинжонимни!

Қуло чўлда яна вақтинг хушлама,
Сен йигитсан, лабларидан тишлама!
Қўйиб юбор менинг ёлғиз қизимни,
Маҳкам қилгин, билагидан ушлама!

Бу сўзларни айтди, чопқиллаб Зайдинойнинг олдига етди. Ёмон кирларнинг кирини кеткизмак учун расм бўлган бир газча қўлида йўғон таёғи бор эди. Шуни қўлига олиб,

Зайдинойнинг путига оралатди. Ой Зайдиннинг ёмон қитиғи келиб кетди, сачраб Гўрўғлидан бир газ юқори бўлиб кетди. Шунда Гўрўғлибек қўлини қўйиб юбориб, гўсам серкадай қилиб, икки қўли билан белидан, қўлтиғидан маҳкам ушлаб эгарнинг қошига кўпкари чопган одамдай тортиб олиб, бир босди. Зайдиннинг қобурғасига эгарнинг қоши ботди. Ана шунда Холжувон Гўрўғлибекнинг бошидан салласини олиб, Зайдинойни Ғиротнинг ёлига тенг тарози қилиб, эгнидан, оёғидан ўраб эгарнинг қошига маҳкам қилиб бойлаб бериб, бир сўз деди:

Худо қилган икковингга марҳамат,
Уч йил бўлмай Холжувонга қиёмат.
Зайдиной-кон Аҳмадбекка омонат,
Омонатга, қайним, қилма хиёнат!
Ёвмит элга боринг соғу саломат!
Араб қизи Аҳмадбекка омонат,
Кўнглинг қочиб тағин қилма хиёнат,
Сени ҳаққа, Зайдинойни сенга топширдим!
Тоғанг рози бўлсин мендан давомат!

Дўнгга-дўнгга доболингни туйдиргин,
Ёвмит элда халойиқни йиғдиргин.
Аҳмад тоғанг, дод деб бўзлаб ётганди(р),
Зайдинойни Аҳмадбекка суйдиргин!
Тоғангнинг дуосини олгин валламат,
Ёвмитда қил Зайдинойнинг тўйини!
Келганларга чиройли тўн кийдиргин,
Тоғангга томоша қилдир бўйини!
Сенга айтолмаган тоғанг ўйини,
Зинҳор бергин Аҳмадбекка Зайдинни.
Тайин бир хотин қип олсин хон Аҳмад!
Боргайсан элингга соғу саломат.

Гўрўғлибек, хўп, деб жўнаб кетди, Ғиротнинг тўрт оёғи ерни тўрт қозондай қилиб ўйиб кетди. Оёғидан чиққан чанг тумандай куннинг юзини тутди. Гўрўғли қирқ тошча йўл юриб кетгандан кейин Холжувон «дод» деб кийимларни шу ерга қўйиб, Райҳон арабнинг олдига етди, ҳадеб зор-зор йиғлай берди. Райҳон араб:

— Нимага йиғлайсан?— деди. Холжувон айтди:

— Айтмабмидим, қизинг Зайдиной ўйнаши билан қочиб кетди!



Шунда Райҳон араб айтди:

— Ювган кийимлардан олиб келдингми?

Холжувон:

— Ҳали кийимларни ювганим йўқ эди. Озми-кўпми можаро бўлди. Талашиб-тортишиб, йиқилиб-сурилиб, сенинг олдингга келдим. Шунда Райҳон араб айтди:

— Эса биз нима киямиз?

Холжувон айтди:

— Энди сен кўрпанинг ўртасидан тешиб, кийиб олмасанг, бошқа кийим йўқ.

Райҳон араб:

— Сен тулпор отни эгарла!— деди. Холжувон терликни олиб бориб, отнинг белига ташлаб келди. Ундан келиб белликни олиб кетди, қайтиб келиб, чиргини олиб бориб отга қўйиб, жаҳалдирикни икки марта олиб борди. Эгарни олиб бориб тескари солди, ундан келиб ёлпўшни кўндаланг ташлаб, деркин ёйни ҳам тескари ташлади. Пуштанни отнинг чотидан тортиб қўйди. Афзаллар олдин-кейин бўлиб қолди. Келиб Райҳонга айтди:

— Тур, отингни эгарладим, тезроқ қамчиласанг-чи.

Райҳон жойидан туриб кўрпанинг ўртасидан тишлаб бир тортди. Йиртигидан бўйнини чиқариб, белига бир чилвир бойлаб отнинг олдига келиб:

— Нега бундай эгарладинг,— деди. Холжувон айтди:

— Э, жонингдан ургур, мен сенинг сайислигингни қилиб юрибмидим?! Менга нон билан иликдан гапир.

— Рост айтасан,— деб Райҳоннинг ўзи отини ўхшатиб эгарлаб, юганлаб, далага чиқарди. Тулпор эмасми, учар қушдай бўлиб чиқди. Тўқсон ботмон чўяндан қуйдирган калтакчасини, қамчинини билагига солиб, отга миниб, «чув» деди.

Райҳон араб шошқич отнинг оёғидан тушовини ечмай минибди, Холжувонга қараб:

— У, хотин отнинг тушовини ечиб юбор,— деди. Холжувон бахмал қийғични олиб, отнинг тушовини ечган киши бўлиб, чачасига суқиб-суқиб олди. От безовта бўлиб ҳаволай берди. Райҳоннинг оти ҳаволаб, учар қушдай бўлиб, парвоз қилиб, ўзини жуфтаклаб бораётир, оёғи дўнг ерларга тегади, шип ерларга етмай ётир. Отнинг шамоли билан Райҳон арабнинг белидаги чилвири узилиб кетди. Ана энди кўрпаси ҳаво кемадай ҳавога олаётибди, товуши вор-вор этиб келаётибди. Райҳон араб яланғоч терга тушиб келаётибди.

Ҳар ким кўнгли, мард билмайми ўзини?
Ҳар йиғлайди Аҳмадбекдай тоғаси,
Искалаб юзига қўйди юзини.
Гўрўғлибек имо қилди Аҳмадга,
Қучоқлаб кўтарди Райҳон қизини.

Зайдиной қараса, соқолининг ярми оқ, ярми қора, мошгуруч ўзи қаринамо чол бўлиб қолган бир киши. Зайдиной Аҳмадбекка қараб, шунга теккунча ўлганим яхши деб бир чираниб эди. Аҳмадбекнинг оёғи тойиб, орқасига чалқайиб, Зайдиной устига йиқилди, боши ерга тегиб, мияси айланиб қолди. Шунда шаҳар бекзодаларининг аёллари ичидан чечан кайвонилари чопишиб келиб, Зайдинойни қўлтиғидан суяб ўртага олиб, ўт ёқиб, еталатиб ўтди. Аҳмадбекнинг ўтовига олиб кирди. Аҳмадбек ҳам буларнинг орқасидан борди. Ҳамма шу ерда турган катта-кичик подшозодалар, бек ўғиллар, барча сипоҳилар, Гўрўғлибекни «ҳорманг, бор бўлинг», қилишиб, кўришиб, Аҳмадбекнинг Зайдиной ёрини қутлуғ бўлсин қилдилар. Буларни шу ерда қўйиб, энди Ёвмит элининг фуқароларидан эшитинг!

Ёвмитнинг подшолик дабдабасидан Гўрўғлибекка одам келиб, иодшоликка олиб кетди. Ҳамма «юртимизнинг подшоси келди» дейишиб, ноғора, карнай, сурнай чалишиб, ўйнашиб, кулишиб ҳангама қилишиб, кўрганларнинг ақли шошиб, бир хиллари йўлидан адашиб, дўстлар шод бўлишиб, душманлар хафа бўлишиб, душманлигини билдирмай ўлганидан улар ҳам кулишиб, созанда, жировлар соз чертишиб, Гўрўғлибекка жон диллари билан хизмат қилишиб, тонг отди. Гўрўғлибек «қутлуғ бўлсин деб келайин» деб, Аҳмадбек тоғасининг олдига кетди.

Зайдинни кайвонилар Аҳмадбекнинг уйига киргизиб қўйиб кетган эдилар. Аҳмадбек билан Зайдиной иккови қолган эди. Зайдиной, «Мен Аҳмадбекни ўлдирмасам мени олади. Аҳмадбекни ўлдирсам мени Гўрўғлибекнинг ўзи олади» деб ўйлаб Аҳмадбекни босиб, устига чиқиб, икки қўлини ушлаб турибди. Аҳмадбек Зайдинойни кўтаролмай, типир-типир этиб ётипти. Аҳмадбекнинг ҳолини Гўрўғлибек кўриб, аччиғи келиб, «э қизиғарнинг қизи, бу нима деган ишинг, нима қилган қилмишинг» деб Зайдинойнинг қўлидан ушлаб отиб юборди. «Агар хотин бўлсанг тоғамга хотин бўласан, бўлмасанг чойжўш қайнатадиган бир қалам ўтин бўласан. Агар тоғамга яна шундай қилсанг — ўлдира-



ман» деб уришди. Шундай бўлса ҳам Зайдиной кўп вақтгача Аҳмадбекка бўйсунмай, тан бермай, чақирса бормай юрди, сўнг-сўнг кўнгил қўйиб кетди. Аҳмадбек Гўрўғлибекни дуо қилиб айтди:

— Умринг узоқ, давлатинг беҳисоб бўлсин, тупроқ ушласанг олтин бўлсин! Ўлгунимча сенинг хизматкорингман, чироғим. Сени кўриб ҳамма дардим, ҳасратим эсимдан чиқиб кетди. Бунинг устига Зайдинойни олиб келиб бердинг. Давлатинг ўлгунингча адо бўлмасин. Сендан камсиз димоғим чоғ бўлди. Энди давлатга сен эгасан, болам, ўлигимнинг эгасини топтим, ҳамма подшолик, беклик ишларини, барча мол-ҳол, танга-зарларни сенга топширдим,— деб Гўрўғлибекни дуо қилиб, этагига калласини солди. Ўзида бор бўлган ҳар нима амалларни Гўрўғлибекка топширди. Айтди:

— Мен ўлганимда тўрт қада бўз билан гўркафан қилиб, кўмсанг бўлади.

Гўрўғлибек ҳам ўрнидан туриб:

— Қуллуқ, тоғажон, ҳар нима деганингизни қабул қилдим,— деди. Аҳмадбек билан Гўрўғлибек икковлари ўринларидан туриб, маслаҳат уйига бордилар. Аҳмадбек Гўрўғлибекка:

— Сен йўқ бўлиб кетган эдинг. Энди ўзингнинг келганингга, Зайдинойни олиб келиб берганингга бир тўй қилиб, Ёвмит элининг катта-кичикларини йиғиб сарполар бериб, вақтларини хушлагин, димоғларини чоқлагин,— деб Ёвмит элнинг шаҳридан катта-кичикларни йиғиб маслаҳатлашиб, «қирқ кунлик тўй қиламиз» деб мирза, мунши, муҳаррирларига ҳар бир шаҳарларга хат ёздириб, бир нечасига бодпой йўрға отлардан миндирди, бир хил узоқроқ шаҳарларга айёрлардан юборди. Жарчилар чақириб, тўйга айтувчилар кета берсин, энди тўйдан эшитинг!

Гўрўғлибек Ёвмитнинг фуқароларини йиғиб, тўй учун юзта ўчоқни ўйиб, кунда тўйга яраша семиз моллардан сўйиб, хизматкорлар хизматларни қила берди. Ана энди тўй бошланди. Катта-катта қўйлар сўйилиб ётир. Ёвмит шаҳрида ҳамма катта-кичик, қиз-жувон парилар, ҳур сифатли ойимлар, катта кайвонилар барчаси йиғилишиб, боғ майдонига егди. Шунда аёлларнинг бир хили пўта солди ўйнашиб, бир хили тақия тикмоч ўйнаб, бир хили билган ишларини ўйнаб, бир хиллари бир-бирлари билан ўлан айтишиб,

лолагул ёвғошинлардай[1] очилиб, ҳар қайсилари ўз нозлари билан тараниб, ҳар хил ўйинларни қилиб, димоғлари чоқлашиб юра бердилар.

Энди келамиз тўйхонага... Ҳамма — шоҳлар, беклар, хонлар, шоҳ ўғли, бек ўғли, хон ўғли тўйини қизиқ қилмоқчи бўлиб, ҳар қайсилари бир ишга — бирови кўпкарига, бирови курашга, бирови пойгага, бир хили ош бермоқ, бир хили от ушламоқ, бир хили ҳамма ўйинчиларни йиғдирмоқ, шуига ўхшаш ишларга мутасадди бўлдилар. Тўй жуда талатўп бўлиб, тўйга келган одамларга кунда ош бериб, бир хилларига бош бериб, оқшом палов, эртан чой бериб зиёфат устига зиёфат, қанд устига новвот, асал устига шарбат тортди. Шоирлар сўз айтган, фуқаролар эшитган, созандалар созини чертган, қиз-жувонлар ўйнаган, дўстдушманларнинг димоғлари чоғ бўлиб кулишган, бир-бирлари билан севишган, янгидан келганлари бир-бирлари билан кўришган, ~~билганлари «Зайдинойни Гўрўғлибек олиб келиб, Аҳмадга берди» деб билишган~~, билмаганлар ён-атрофдаги жўраларидан сўрашган, кўрганларнинг ақли шошган, бир хиллари бир-бирига тўқишган. Шуйтиб, тўй — қирқ кун ўтди, тўқсон икки бовли ўзбек ҳаммасидан йиғилишиб тўйга келди. Гуноҳкорларни озод қилди. Амалдорларга яхши сарполардан бериб, қайсиларининг олдиларига бир пуд келадиган калла қандлардан бериб, жўнатиб юборди.

Ана энди навбат Зайдинойга келди. Зайдиной ҳам ҳамма аёлларга мурсак сарпо, бош-оёқ кийимлар бериб, бир хилларига катта-катта кайвонилик амал берди. Оқшом тақдирга тан бериб, Аҳмадбекка кўнгил қўйиб, тан бағишламоқчи бўлди. Шунда Гўрўғлибек бош бўлиб, ҳамма улуғ беклар, хонлар, бекзода, хонзодалар, кичик фуқаролардан шу ерда ҳозир туриб, Зайдинойни подшолик расм-қоидаси билан Аҳмадбекка никоҳ қилиб бердилар. Қирқ кунлик тўй-томоша бўлиб, эл-элига, шаҳарлик шаҳарига жўнаб кетди. Шуйтиб мурод-мақсадга етдилар.

---

[1] Отнинг номи

# Юнус пари

Бу гапима маслаҳат бер, ёронлар,
Бир эсли яхши қиз дарров топинглар!

Юлдуздайин ярқилласин эк[1] кўзи,
Ойларга ўхшасин монанди юзи!
Кўп ақлли яхши қиздан топинглар!
Жиявима оп беринг яхши қиззи!

Оп берсанглар аввал кўринг бўйини,
Сўраб олинг ақли билан ўйини!
Карнай-сурнай тортиб элда халойиқ,
Қирқ кун қилинг чироғимнинг тўйини!

Гап чиқади Аҳмадбекнинг тилидан,
Қутулгаймиз ёмонларнинг хилидан.
Сўзима қулоқ сонг турган жамоат,
Хотин оп беринглар ўзбек элидан!

Утин, ўтин саксовулнинг ўтини,
Ҳақ эшитсин мард одамнинг додини!
Яхши бўлса эр йигитнинг хотини,
Хотин чиқарар йигитнинг отини.

Ёмон бўлса мард йигитнинг хотини,
Тумшугидан чиқаради ўтини.
Харобот қилади мамлакатини,
Фалакка чиқарар бошдан додини.

Айламайди ҳеч кимга ҳасратини
Бир яхши қиз оп беринглар болама!

Энди ўтирган барча халойиқ жойидан туриб, ҳаммаси «Қуллуқ» деди, бари таъзим қилди. «Нима десангиз, фармондорингизман», деб Такабеги Замон бир сўз айтаяпти:

Отни минган уйдан дунга чобинар,
Ошиқ бўлган йигит ўтдай қобинар,
Сўзима қулоқ сонг турган қариндош,
Яхши хотин ўзбек элдан топилар.

[1] Икки.



Югуртар отларни ўткир қамчи,
Йигитни қўллагай аҳмади замчи,
Ҳангамада турган жами қора кўз,
Чоқла майдон, қуйинг бир қизга совчи!

Ўлмасанг элатда даврон суринглар,
Ҳар қишлоқни, ҳар элатни кўринглар!
Бу элатда ҳам яхши-ёмон бор,
Бир яхшини элдан топиб беринглар!

Теринглар боғларнинг тоза лоласин,
Гумбурлатинг Элсарининг даласин!
Уруғи яхшидан ёмонлик чиқмас,
Оп беринглар яхши одам боласин!

Куймайин ёшини кўздан тўкмайди.
Ботир бўлмай найза танга суқмайди,
Оп беринглар тоза уруғ боласин,
Яхши одамдан ҳеч ёмонлик чиқмайди!

Ноасилнинг қилган иши ҳийлади(р),
Кеча-кундуз иши ўйлов бўлади.
Оп берманглар ёмон одам қизини,
Ёмон бир кун ёмонлигин қилади!

Мазах қилманг Така Замон сўзини,
Ўйиб олинг ёмонларнинг кўзини!
Бу гапимни ҳазил билманг жамоат,
Оп беринглар яхши одам қизини!

Ёмғир ёғса ўтлар кўклаб кетади,
Яхши олган муродига етади,
Ҳаргиз олиб берманг ёмон бадбахтни,
Ёмон хотин олиб берсанг йигитга,
Ўтган умри доим куйиб ўтади!

Яхши қизни олиб беринг йигитга,
Ўн икки ой бир кундай бўп ўтади!

Ана энди Гўрўғлибекдан эшитмоқ даркор. Гўрўғлибек турган ҳаммага қараб бир сўз айтаяпти:

Евмит дейди менинг ота юртимни,
Энди айгай юрагимда дардимни:

Халойиқлар сизга малол келмаса,
Эр Хизр Гўрўғлибек қўйган отимни.

Душманлардан ҳамиша олсам лотимни,
Кундан-кунга обод қилсам кентимни.
Қариндош сизларга малол келмаса,
Қирқ чилтон Гўрўғли қўйган отимни.

Сўрай берсанг юракда ғуборим бор,
Туркмандайин униб-ўсган шаҳрим бор,
Мен сизларга ростин айтсам қариндош,
Юнус, Мисқол деган менинг ёрим бор.

Бек бўлганлар довулини туйганди.
Шоҳга хизмат қилган сарпой кийганди.
Мен сизларга ростин айтсам қариндош,
Юнус билан Мисқолдайин парининг,
Евтан чилтон никоҳини қийганди.

Ўз элимда номус билан орим бор,
Така Туркман деган ота шаҳрим бор.
Бир хотин деб кашал бўлманг халойиқ,
Юнус билан Мисқол деган ёрим бор,

Саратон юлдузга ўхшар кўзлари,
Гапирса ўртайди шакар сўзлари,
Таърифини айтай сизга қариндош,
Ўн беш кунлик ойга ўхшар юзлари.

Ғиротимни чўл жазирада еламан,
Ғанимима чўх[1] савдони соламан,
Менинг учун кашал бўлманг оғайин,
Юнусман Мисқолни олиб келаман!

Буралиб бўйнига қўлни соламан.
Ғайрат қилиб сувсиз чўлда жон сотиб,
Ўзим хотинимни олиб келаман.
Менинг учун кашал бўлманг Аҳмадбек
Ўз тараддимни ўзим қиламан!

Душманларни кўрсам ақлим шоша,
Ғиротимни миниб тоғлардан оша.

[1] Чўх — кўп.



Ғам еманглар менинг учун қариндош.
Қўйи Қофни қилиб келай томоша,
Ўлмасам дунёда даврон сураман,
Бир хотин деб кашал бўлманг қариндош,
Қўйи Қофдан ёримни олиб келаман.

Энди Аҳмадбек тоқати қолмай шундай кўнгли бузилиб, юраклари эзилиб, Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Сен кетган сўнг сарғаяди оқ юзим,
Қоронғилик бўлар ҳам қиши ёзим,
Мени десанг кетма, Евмит шаҳридан,
Бу сафаринг узоқ сафар, ёлғизим!

Қиш бўлмай, тоғларни туман чалмайди,
Гармсел бўлмайин гуллар сўлмайди.
Бу сафаринг узоқ сафар Гўрўғли,
Қўйи Қофга борган одам келмайди.

Юрган жойинг доим сувсиз дашт бўлар,
Ғажирнинг қўнгани чўлда лош бўлар.
Мени десанг узоқ чўлга бормагин,
Бу сафаринг ёмон душвор иш бўлар.

Бир нечага ёрнинг лаби асалдир,
Бир нечалар ёр ишқидан касалдир.
Айналай-е, борма айтган ёғингга,
Тирик келмак бу сафардан ўсалдир!

Ёқаларинг ҳўл бўп қолар ёшингга,
Ёмон гаплар кирмадими тушингга?
Мени десанг, борма болам узоққа,
Ялкалигинг асар қилар бошингга!

Уруш куни ботир шердай чопинар,
Қалқон билан совутини ёпинар,
Мени десанг, борма узоқ йўлларга,
Евмит элдан яхши хотин топилар!

Айланай, бормагин узоқ йўлларга!
Аҳмадбекнинг гапирмакка гапи бор,
Ёмонларнинг бир озроқ бови бор,
Мени десанг, борма узоқ йўлларга
Ўрталиқда тўрт минг тўқсон тоғи бор.

Сарғайтирар юра-юра юзингни,
Тўхтамиш дев босар сенинг изингни.
Мени десанг, борма шунча йўлларга,
Душман чиқиб банди қилар ўзингни!

Айналай, бормагин хатарли йўлга,
Оҳ тортарсан юрагингдан чер келар,
Чопа-чопа отгинангдан тер келар,
Бормагин чироғим хатарли йўлга,
Яккасан, ёлғиз бошингга зўр келар!
Насиҳатим олгин, борма узоққа,
Уз элингдан яхши қизлар топилар.
Хатарли йўлларга борма фарзандим!

Қовминг йўқ, чироғим, қариндошинг йўқ,
Дардинг айтар ҳеч бирор сирдошинг йўқ,
Касал бўлсанг, шикаст кўрсанг сафарда,
Орқангда чироғим, эмчакдошинг йўқ,
Айналай, бормагин хатарли йўлга!

Кўйи Қофга борган одам ўлади,
У ёғини бир яратган билади.
Чироғим бормагин шунча йўлларга,
Бу сафарга борган одам ўлади!
Қанотли қуш учар ҳайвон бўлмаса...
Учган одам унга бориб келади.

Сўйлайдиган оғизларда тил бўлар,
Сулувларда темгил-темгил хол бўлар.
Мени десанг, борма, Гўрўғли болам.
Бил, айтганинг ёмон узоқ йўл бўлар.

Ана энди Гўрўғлибек ҳиммати жўш уриб Аҳмадбек тоғасига, Такабеги Замон устозига қараб бир сўз айтаяпти:

Давлат турмас такаббурнинг бошида
Ёмон савдо зиён қилар ишига,
Омин деб дуо қинг турган оғайин,
Рад берманг талабга кирган кишига!

Ким яхши, ким ёмон худо билади,
Хотин десам рангим гулдай сўлади.
Рад берманг талабга кирган кишига
У ёғини туз-насибам билади!



Сарф айласам бисотимда боримни,
Ёвмит дейди менинг ота еримни.
Омин деб дуо қинг ёппа жамоат,
Оп келайин Юнус, Мисқол ёримни!

Нобоп гапни асли айтманг ўзима,
Улганинам кўринмайди кўзима!
Омин денглар яна қайтиб кўргунча,
Омин де, дуо қинг менинг ўзима!

Менинг юзим қизил гулнинг нақшидир,
Бизни таъриф қилган чечан бахшидир.
Юнусжон деб бунда тинч бўп юргандан,
Хотин деб йўлда ўлганим яхшидир.

Оллойим йўл берса тогдан ўтарман,
Ой Юнус деб хунобалар ютарман.
Ундай деманг мендай талабли қулга,
Албатта мен хотин олиб қайтарман.

Омон бўнглар таги қайтиб кўргунча!
Таваккалчи битиради ҳар ишни.
Уз кўнглимда мен ҳам қайнаб жўшарман
Тарафни зўр кўрсам ақлим шошарман.

Ғиркўк отим эсон турса остимда,
Неча тоғдан, неча қирдан ошарман.
Мард киши ажалнинг тўнин бичади,
Уруш куни душманини санчади.
Дарё бор деб хафа бўлманг жамоат,
Дарёлардан отим қушдай учади.

Яхши одам муродига етади,
Тоққа чиққан тошни думалатади.
Упкадай қалқитиб Юнус парини,
Эсон-омон отим олиб қайтади.

Ана энди кўрди, гури-гури одам хабар қилди, ҳар тарафдан подшоликка одам келаверди. Жамоат жам бўлди. Ғаждумбекка қараб Аҳмадбек бир сўз айтаяпти:

Ғаждум эшит Аҳмадбекнинг сўзини,
Ғам сарғайтар хафа одам юзини.
Сайислар қулоқ сонг айтган гапима,
Эгарлаб келинглар Ғиркўк тозини!

Кетарингглар жиянимнинг дардини,
Обод қинглар Така Туркман юртини!
Қулоқ сонг сайислар айтган гапима,
Эгарланглар чироғимнинг отини!

Кўп единг қўлимдан оши тузимни,
Овладингиз қўлларимдан ғозимни.
Хушвақт қип кулдиринг ёлғиз қўзимни!
Табладан эгарлаб келиб миндиринг,
Назаркарда илдам аспи тозимни!

Билмаганин халойиқлар билдиринг,
Қаватида кўп одамни жилдиринг,
Қаддингдан кетайин, турган қариндош,
Гўрўғлини Ғиротига миндиринг!

Амалдорлар ҳар тарафдан келинглар,
Келиб туриб элга эга бўлинглар!
Отига миндириб ёлғиз қўзини,
Шаҳардан чиқариб, йўлга солинглар!

Бир нечалар кўчаларда чопишиб,
Бир нечалар подшо кетди дейишиб,
Ёвмит элнинг сатта сулув қизлари,
Монанди ойларга ўхшаб юзлари,
Панжарадан чиқиб томоша қилиб,
Юлдуздайин ярқиллашиб кўзлари,
Қора зулфи ойдай бетга чирмаша,
Кўрганларнинг дарди дардга улаша,
Подшоликдан кетди гала хотинлар,
Шилдирашиб, қилиб бари томоша,
Рўмолларни шилдиратиб ўрайди,
Кўрган тушин яхшиликка йўрайди,
Гўрўғли қандайин одам экан деб,
Семиз-орик ёппа-ёвлик қарайди.

Қариндошнинг қовоқлари уюлиб,
Ҳамма келди Ёвмит элдан йиғилиб,
Томоша айланг яхшининг ҳимматини,
Талатўплар қилиб Ёвмит юртини.
Худойберди сайис, тоға Гаждумбек
Эгарлади Гўрўғлининг отини.



Беклар берар навкарларга сарпойни,
Уруш куни тортади нуқра найни.
Худойберди сайис, оға Гаждумбек,
Эгарлади назаркарда кўк тойни.

Қиздай безаб Ғиркўк отни шайлади,
Қулоғини қайчилади, ўйнади.
Ҳар турли абзалдан солиб Ғиротга,
Ғиркўк отни худди қиздай шайлади.

Кўп гапларни эсли одам ўйлади.
Олқордай ўйнатиб жонвор бедовни,
Олиб келиб якка михга бойлади.
Ўртага ўтқизиб Гўрўғли хонни,
Ҳар турли тўнлардан оп кеп тайлади.
Ёмонларнинг кўкайини қийдирди,
Қариндошнинг қовоғини уйдирди,

Сарпойгинанг қутлуқ бўлсин болам деб,
Товуснинг суратин солган тўнларни,
Ҳар турли сарпойдан сайлаб кийдирди.

Халойиқ йиғилиб бежой шайлади,
Қўй кечганда тиниқ сувни лойлади.
Йилон тилли, заҳарли қиличини
Жинғирлатиб белларига бойлади.

Томоша айланг Гўрўғлининг ишига
Олқор ўйнар қия тоғнинг тошида,
Эгнига совутни кийиб Гўрўғли,
Чоройнани кийиб олди бошига.

Билмаганин тақсирлашиб билдирди,
Эсон юр деб мийиғидан кулдирди.
Қўлтиғидан суяб қариндошлари,
Назаркарда Ғиркўк отга миндирди.

Миниб олди Ғиротининг белига,
Ҳақ санаси ҳайвон қушнинг тилида
Ўн икки пўпакли олмос найзани
Яшиндай қип суяб берди қўлига,
Кетар бўлди ой Юнуснинг элига.

Ана энди ой Юнуснинг бодом қовоқлари, бўтанинг кўзидай кўзлари, шакардан ширин сўзлари, хол ярашган ой-

дайгина юзлари, юпқа кўйлакни кўтариб турган пиёладай-гина бўлган безлари, Гўрўғлининг ёдига тушиб ўлари кў-зимга кўринмай ҳар кўзи йўлбарснинг кўзидай бўлиб, ҳар тарафга қараб бир сўз айтаётибди:

Бесоҳиб бўлмасин ҳеч кимнинг жойи.
Кетар бўлдим узоқ йўлга талаб қип.
Омин деб дуо қинг Евмит подшойи!

Билмайман қай ерда ой Юнус пари,
Қачон кетар юрагимнинг ғубори,
Талаб қилиб ўлим ишга бораман,
Омин денглар Урайхоннинг вазири!

Отларга тақилган олтиндан овсар,
Ёвмит деган униб-ўсган шаҳрим бор.
Дуода бўнг яна қайтиб кўргунча,
Ўн оталиқ, саф гардонкаш полвонлар!

Қошинг қора, дарёнинг қундузи,
Олисдан кўринар йилқининг бўзи,
Омин денглар яна қайтиб кўргунча.
Дуода бўнг сатта сардорнинг қизи!
Омин денглар Ёвмит элнинг азизи!

Омонат ўйласанг одамнинг жони.
Омон бўнглар тағи қайтиб кўргунча,
Омон бўнглар, гала турган кайвони!

Юнус пари, қайтай, давлатга лойиқ,
Чарчаб-ҳориб бўлсам чўлларда пойиқ,
Омон бўнглар тағи қайтиб кўргунча
Омин денглар гала турган халойиқ!

Эгам қилсин ҳар жондорга далолат
Одамни ўстирар хайри саховат.
Узоқ йўлга талаб айлаб жўнадим,
Омин денглар жами турган жамоат!
Ёвмит элга келсин Юнус паризот,
Рози бўнглар тағи қайтиб кўргунча
Хўш аллаёр, сап қора кўз жамоат!
Юрган ерим гоҳи чўлда тош энди.
Ойдин кўлдан учадиган қуш энди.
Рози бўнглар яна қайтиб кўргунча,



Такабеги Замон, турган халойиқ!
Еппа-ёвлик фуқаролар хуш энди!

Ана энди Аҳмадбекнинг қавми-қариндошлари, сап амалдорлар, фуқаролар йиғилишиб, Такабеги Замон усто-ди дуо қилиб бир сўз айтаётгани:

Кўкда малак бузрукворлар ёр бўлсин,
Сафаринг чироғим бехатар бўлсин,
Энангнинг арвоҳи сенга ёр бўлсин,
Ҳар жойда ўзингни тарбият қилсин!

Ўзинг кетиб аклимни шоширдим,
Ўзгинангга зиёрат қип бош урдим,
Эсон-омон келгин хатарли йўлдан
Боргин сени бир оллога топширдим!

Гаплар чиқди Така Замон тилидан,
Такабеги Замон одамни йиғиб,
Шогирдин жўнатди Ёвмит элидан
Ким чидайди яхшининг ҳасратига
Омин деб жами турган қора кўз,
Баравар фотиҳа тортди бетига,
Жўнатди ой Юнус паризотига.

Ширин жонини сотди,
Отига қамчи тортди,
Гўрўғлибек ғайрат қип
Юнус парига кетди.
Ажал етса ўлгани,
Бўйнига қўл солгани,
Бораётир Гўрўғли,
Хотинини олгани,
Ёвмит қайтиб келгани
Раҳм айласа ҳолига
Булбул боғнинг гулига,
Жўнай берди Гўрўғли,
Чиқиб Ёвмит чўлига.
Томоша айланг ишига,
Сариёй отиб қушига
Кабоб қилиб қушларни
Гўрўғли йўл юради.
Отига қамчи тортди,
Гўрўғли қистаб кетди.

Таваккал қип Гўрўғли,
Доим чўлда йўл тортди.
Куйибди ҳасратига
Келмайман деб юртига
Етайин деб боради,
Юнус паризодига.
Оралай деб гулларга
От қўяди Гўрўғли,
Доим сувсиз чўлларга.
Кийими чанг бўп кетди,
Эсонлик ғаниматди,
Тағин уч кун ўтганда,
Бир тегирмонга етди.

Тегирмон бир айри соқол тегирмончиники эди. Отини Пардавой қаллоб дегувчи эди. Шуйтиб қозоқлар тегирмон тортса, понсарини оларда ўп чорак қип олгувчи эди. Берарда беш чоракни понсари деб бергувчи эди. «Бу тегирмончи келаётир»,— деб Пардавой қаллоб бир нечасини бинғиртди. Гўрўғли «бу нима экан» деб хаёли кетиб, отни ўйнатиб, тегирмончининг олдига етди. Тегирмончи қўрқиб кетди. Ҳеч бундай кўзи ўткир йигитни кўрган эмас эди. Гўрўғлибек кулди. Ана Гўрўғли тегирмончига қараб бир сўз айтаётибди:

Қайтайин бўлмади ўзимда ҳаво,
Йзласам топилгай дардимга даво,
Мени кўриб сен булайтиб ётибсан,
Тур жойингдан, бунда келгин чол бобо!

Мен келмасдан ўзинг бунғиратасан,
Тез келмасанг кўнглингни қабартасан,
Тур жойингдан бери келгин баччағар,
Мен келувдим сен булайтиб ётасан!

Бери келгин, жавоб бергин баччағар!
Баҳорларда сен очилган бодомсаи,
Юракка тушган қайғу билан ғамсан,
Пунғиртувдинг бир нарсани сен ўзинг,
Сабаб нима дўстуман бўп ётибсан?
Мана ёғинг бутакўзли жўнағар,
Найза тегса оқ бадандан қон оқар,
Мени кўрмай бир нарсани букраттинг



Букратганни яна букрат баччағар!
Тура келсанг гапинг дардима дармон,
Турмасанг қиларман ер билан яксон,
Букратган нарсангни оп кел ўзима,
Ҳар гапинг дардима дармон бобожон!
Ишонмайсан менинг айтган сўзима,
Бошқа нарса кўринмайди кўзима,
Бунғиратганинг олиб келгин чол бобо!

Энди тегирмончи Пардавой қаллоб тиклаб қаради. Гўрўғли ҳам «келинг бобо» деб бир тиклади, бечора тегирмончи қўрқиб қалтираб гапини ҳам гапиролмай қолди. Гўрўғли қулоғидан чўзиб ушлаб тегирмоннинг олдига олиб келди, айтди:

— Бир бувирчиғ бер,— деди. Тегирмончининг лаби билик-билик этди. Гўрўғлининг аччиғи келиб беш, олти муштлади. Пардавой қаллоб ерни тишлади. Этагининг думини юлиб олди. Гўрўғли бувирчиғини ҳам олди, топган нон-понларини ҳам олди, хуржунига солди. Ана энди Гўрўғли (тағин йўлга тушиб кетаверди).

Тағи отини жилди,
Ишин худога солди,
Гўрўғлибек ғайрат қип,
Ҳадеб чўлларга кирди,
Баланд тоғнинг қори деб,
Юракнинг ғубори деб,
От қўяди Гўрўғли,
Юнусжондай пари деб.
Эгнида тумори деб,
Гўрўғлибек йўл юрди,
Юнусжондай пари деб,
Кетсин манглай шўри деб,
От қўйиб чапараста,
Юнус, Мисқол пари деб.
Ёқаси ҳўл ёшига,
Ҳеч кими йўқ қошида,
От чопади Гўрўғли,
Занглаб ётган дашига.
Чўлларда ранги сўлди,
Тустовуқнинг моягин,
Тўртта-бештасин олди.
Бир тошбақа, қуённи,

Гўрўғли ушлаб олди.
Даркор бўлар деди-да,
Бачча хуржунга солди.
Чўлни тутиб ҳайъати,
Келиб марднинг ғайрати,
Гўрўғлибек хотин деб,
Тинмай чўлдан йўл тортди.
Ғироти оғзин очиб,
Кўлтиқдан парқин сочиб,
От қўйди Гўрўғли,
Ғиркўк от қушдай учиб,
Яна ўн кун ўтганда,
Бир тоғни кўриб қолди.
Ўзи баланд тоғ экан,
Тевараги зов экан
Юра, юра Гўрўғли,
Тоққа яқинлаб қолди.
Ой Юнуснинг қасдига
Қулоқ сонг сўз ростига,
Кун ёйила, Гўрўғли,
Чиқди тоғнинг устига.

Ана энди Бало тоғининг устига чиқиб, ҳар атрофга қаради, қуш учса қаноти куядиган бул кетган чўл... жондор кўринмайди, эл нишони йўқ, йўл нишони ҳам йўқ. Ана Гўрўғлибек бир сўз айтаётибди:

Олис қолиб кетди Ёвмитдай жойим,
Бир худой солмагай қайғуман войим,
Ҳеч бир нарса бу тоғларда бўлмаса,
Гапирмоққа ҳамдамгинам бўлмаса,
Ёлғиз турганимни ҳеч ким кўрмаса,
Яйловда мўл юрарга одам бўлмаса,
Турган тоғлар кимлар учун яралган,
На бир олқор, ўйнар кийик бўлмаса?

Юриб келдим қум чангиди изима,
Ҳеч бир жондор кўринмайди кўзима,
Отингдан айналай яратган жаббор,
Бу ғанларни маълум қилсанг ўзима...
Бу тоғларни киминг учун яратдинг?



Томоша қиларга одам бўлмаса,
Гирас-гирас моллар бунда юрмаса,
Элибойлар ўтов тикиб турмаса,
Ҳеч бир нарса ўтлиғингни билмаса,
Меҳмон деб олдима ҳеч ким келмаса,
Ҳеч бир ҳайвон бу ўтингни емаса,
Сен кимсан деб ҳеч ким олдима келмаса,
Бу тоғларни нима учун яратдинг?

Не савдо кўтармас бандангнинг боши,
Добил туйса учар кўлларнинг қуши,
Гўрўғлибек байт айтаётганда
Йиглаб чиқди бир баччанинг товуши.

Йигитни ўртайди қизларнинг сўзи,
Тизилиб учади кўлларнинг ғози,
Гўрўғлибек шундай тиклаб қараса,
Йиглаб чиқди бир баччанинг овози.

Гўрўғли шундай қараса бир нарса ётибди. Бир қулоғи кўрпадай, бир қулоғи супрадай, бўйлари минорадай, киприклари чинордай, буни кўриб Гўрўғлибекнинг ҳуши бошидан учди. Унинг отини Бало дев дегувчи эди. Буни Юнус пари қоровул қип қўйиб эди, шу ёқдан одам келса ейсан деб. Ўзининг Гўрўғлибекдан гумони бор эди. Ана энди Бало девдан эшитмак даркор:

Юрганимнинг тоғнинг тоши,
Учар кўлнинг турна қуши,
Еганим одамнинг гўшти,
Шукур овим барор олди.

Гўштингни тишлаб тортарман,
Сўнгагингни ушатарман,
Каллангни чайнаб ютарман,
Шукур овим барор олди.

Сўйлатайин қизил тилни,
Тоғдан терсам тоза гулни,
Тағ тилима одам келди,
Шукур овим барор олди.

Тоғда синдирсам бодомни

Юракдан кеткарсам ғамни,
Тоғда ейман мен одамни
Шукур овим барор олди.

Сен ташлаб келгин салланғни,
Кемириб ейман калланғни,
Олдингга олмай мулланғни,
Шукур овим барор олди!

Ана Гўрўғлибек жонидан умид узиб «ҳай аттанг» деб, ўзига тасалли бериб, «кел баччағарга бир қаттиқ дўқ урай» деди. Гўрўғли баҳайбат тортиб, бир сўз айтаяпти:

Юрганим Хизрнинг даши,
Куйганнинг тўкилар ёши,
Еганимгина девнинг гўшти,
Менинг овим барор олди.

Осмондан тушган учимиз,
Ҳар кимга етар кучимиз,
Доим девни йиғувчимиз
Менинг овим барор олди.

Белимга бўғганим алвон,
Сен каттасан ўзим полвон.
Менинг ўзим балогардан,
Менинг овим барор олди.

Темирчи урар табарди,
Ўқидим алиф забарди,
Мен худойимнинг боласи,
Худойим сенга юборди,
Кўнглим ўзингдан қаварди.
Ейман сенинг ўзгинангни,
Тишлаб ўяй кўзгинангни,
Ёмон айтдинг сўзгинангни.
Бўкиртиб ей ўзгинангни.
Худойим мени юборди,
Мен осмондан кўриб тушдим,
Жавдиллаган кўзгинангни.

Дарров пишириб ей сени,
Нима дейсан ўзинг мени?



Таътил қилай ўзим сени.
Оқизай кўздан ёшингни,
Уриб синдирай тишингни,
Қилиб қўяман ишингни.
Дарров кесаман бошингни,
Ковуриб ейман гўшингни
Менинг овим барор олди.

Худо дарров келгин, деди,
Бориб девни егин, деди,
Айтганимни қилгин, деди.
Ўзим худойнинг балоси,
Йўқти тишимнинг чаласи
Менинг овим барор олди.

Ана энди дев жойидан туриб тишини тошдай шақирлатиб, кулоғи тос тепадан ўтди. Кўзи манглайига чиқиб кетди, кўхна безгаклари тутди. Жони чиқиб, жуда қўрқиб кетди. Гўрўғли хез қип девнинг олдига яқинлаб етди. Дев қочмоқчи бўлди. Гўрўғлининг кўзи девдан ўтиб кетди. Дев энди Гўрўғлига қараб бир сўз айтаётир:

Ёп-ёмон кўриндинг менинг кўзима,
Энди билсам ўзинг тараф изима
Сенам кетгин, менам кетай баччағар,
Кетавергин, кўринмагин ўзима!

Сен юрасан Бало тоғнинг дашига
Ёмон саидо зиён қилар кишига,
Келган бўлсанг кетгин йўлдан қолмагин,
Енашмагин[1] Қизил девнинг қошига.

Сен-да йўқ, мен-да йўқ келма олдима
Бало бўлсанг мендан умид қилмагин,
Яхшилик кўр, ёмонликни кўрмагин.
Кимам бўлсанг кетавергин йўлингга
Кет-кет, гўштимдан умид қилмагин!

Оқадиган тиниқ сувни лойладим,
Яхши кўрдим сенга ширин сўйладим.

[1] Яқинлашмагин.

Ёнашма олдима, тургин нарироқ,
Қилган гуноҳингни озод айладим!

Бемаза гапларни айтдинг тилингга,
Раҳм айладим ёш баччасан ҳолингга,
Боргин ўтирмай озод айладим,
Кимам бўлсанг кетавергин йўлингга.

Ана энди дев Гўрўғлибекдан қўрқди. Гўрўғли қўрққанини билди. Гўрўғлибекнинг Ғироти уч марта кишнади, девнинг қулоқлари битди, тоза жони чиқиб кетди. Гўрўғли Ғиротига:— Миндиргин жонворим. Бу қочмоқчи бўляпти,— деди. Ғирот ўзини очиб, кийикдай ўйнаб, ерни тепиб уч айланди. Дев (ўзича) айтди:— Буниси ёмон экан, тўрт оёқли экан. Бунинг калласиям икки ёқли экан,— деди. (Гўрўғли Ғиротига) айтди:— Қочмасин, эҳтиёт бўп тур, қимирласа қулоғидан ола кет,— деди. Девнинг жон-пони чиқиб кетди. Ана энди дев қўрққанидан Гўрўғлига қараб сўзлаяпти:

Сен худонинг бўлсанг балоси,
Белги кўрсат ўзгинама?
Нишонани кўрсата қол,
Дарров менинг кўзгинама!
Ишонайин сўзгинангга.
Ёмон бўлсанг тоғдан ўтгин,
Манов нарсанг нарроқ тортгин!
Бало бўлсанг ўзгинама,
Дарров белгингни кўрсатгин!
Бўлгин менга ўзинг пано,
Тоғларда юради тана,
Бало бўлсанг дарров кўрсат,
Кўзгинама сен нишона?
Қилган ишинг чаламисан,
Юрган еринг даламисан,
Кўп гапларни биламисан,
Ҳақдан келган баломисан,
Мени бир иш қиламисан?
Нарроқ тургин баччағар,
Дарров бўғиб оламисан?!

Шуйтиб Гўрўғлининг айтаётган сўзи:



Аввал бошлаб ўйиб олай кўзингни,
Очқаб келяпман олис йўллардан,
Тишлаб-тишлаб овқат қилай ўзингни,
Ҳар нарса деб айтавердинг сўзингни.

Келган бало айтса гапга чеварди,
Усталар уради пўлат табарди.
Қулоғингни шарра тилик қиламан,
Бир худойим ўлдиргин деб юборди.

Оллойимнинг айтганини қиламан.
Ҳали сенга не савдони соламан,
Бир худойим ўлдиргин деб буюрган.
Қулоқман бурнингни кесиб оламан.
Мана худойим турибди-ку олдингда
Худойимнинг айтганини қиламан.

Бало эга бўлар сенинг гўшингга,
Худойим кишнаб турибди қошингда.
Шу худонинг айтганини қиламан,
Осмондан учиб келганман қошингга.

Шу худойга етгай менинг бул зорим,
Қайтайин юракдан кетгай-да черим,
Манглайдан тўкилгай дириллаб шўрим,
Худойимнинг айтганини қиламан,
Қайтайин очликдан кетди мадорим.

Кўп бўлганди душманларнинг жафоси,
Худоё бўлгай-да завқи сафоси,
Улар бўлдинг ростин айтсам ўзгинанг,
Менинг ўзим оллойимнинг вафоси.

Ол ўлдинг, еяман сенинг ўзингни,
Нега бўзартасан икки кўзингни?
Аввалги овни балогардон қўймайди,
Аввал бошлаб ўлдирайин ўзингни.

Қайтмай ўзим ширин жонни сотаман,
Қаерда дев (кўрсам) кўкка отаман,
Аввал бошлаб мен еййин ўзингни,
Сени таътил қилиб қорним тўйғазиб,
Ундан кейин Кўйи Қофга кетаман.

Эшит ўзинг балогардон зорини
Бориб қирай дев битканнинг барини.
Кўриб келдим Кўйи Қофнинг ўрнин.
Асли тополмайман чуқур жарини.
Аввал сени ўлдирайин, баччағар,
Бориб қирай дев битканнинг барини!

Бир оллойим юргин, деди,
Кўйи Қофда тургин деди.
Кўйи Қофда дев парини,
Бориб туриб қиргин, деди,
Уч оғайни сўрасангиз,
Бировимиз инсга кетди,
Бировимиз молга кетди.
Катта бало дер ўзимни,
Кўйи Қофга худойим оп юриб,
Сени егин деб жўпатди.

Ана шунда гапни девдан эшитмак даркор: Дев айтди:— Сен бало бўлсанг худойингга айтгин, нарироқда турсин. Мен қўрқаман, ёмон худойингнинг олти оёғи бор: икки калласи бор. Бу худойингнинг ёмон таёғиям бор. Мен ёмон қўрқиб кетдим,— деди. Гўрўғли айтди:— Е жонивор худой нарёққа тур,— деди. Дев айтди:— Худо айтганингни қилар экан, гапинг бўларини айтиб қўя қол, сен бало бўлсанг, аввал битингни кўрсат,— деди. Гўрўғли айтди:— Ҳа, кўрсат десанг кўрсатамиз. Тағи қўрқма, аввал сен кўрсат! Ундан кейин мен кўрсатаман,— деди. Дев қўйнига қўлини солди, битини олди. Мана деб ташлади. Бити қурбақадай бўлиб ўрмалаб кетаверди. Гўрўғли қўйнидан тошбақани чиқариб ташлади. Тошбақа девнинг битини чирқиратиб босиб сиверди. Дев айтди:— Бунинг бити устига тош битиб кетган экан,— деди. Дев бургасини чиқариб кўрсатди, Гўрўғли қуённи чиқариб ташлади. Девнинг бургасини бўғиб еяверди. Энди дев:— Қўлтиғингнинг жунини кўрсат,— деди. Дев жунини кўрсатди, жинғиртқадай илашиб кетаверди. Гўрўғли қўйнидан эшакнинг думини чиқариб берди. Дев айтди:— Во худо урди, энди бунинг бололиги рост экан.

— Энди бир усришарий қиламиз,— деди. Гўрўғли бувирчиқни тортди. Девнинг қулоқ-пулоғи битди, эси кетиб ёгди. Гўрўғли бориб қулоғидан тишлаб тортди. Оти бу



қулоғидан тортди. Энди дев ўлдим деган шу бўлди деб бир сўз айтаяпти:

Кўлдан учган ўзим ғозман,
Сарғайган сомондай юзман,
Емагин ўзим ёлғизман,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Қизлар чиқар исмалоққа,
Добил урсанг таққа-таққа,
Ўлдирмагин ўзим ёлғиз,
Отадан мен ўзим якка!
Олиб борай Ирам боққа,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Айтганингни қилайин,
Сенман билла бўлайин,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Ирам боққа, Кўйи Қофга
Кўтариб бориб келайин.
Дев битканга қасд бўлайин,
Сенинг билан дўс(т) бўлайин,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Душманингни итарайин,
Тарабингни қантарайин,
Олти оёқли худойингни,
Зиёрат қип кўзга суртиб,
Ҳам ўзингни кўтарайин,
Ўлдирма мени, ўлдирма!

Қулоқ сол ошнанг тилига,
Оп борай девнинг мўлига,
Ўлдирма бизни, ўлдирма,
Раҳм айла дўстинг қолига!
Ширин жонингни сотарсан,
Неча тоғдан, дарёлардан,
Сен бир соатда ўтарсан,
Билкиллаган дев мўлига
Ўзинг уч кунда етарсан,
Қорнинг тўйганча ўзинг
Тинмай таътил қип ётарсан.
Қўйивор мени раъйима,

Ўлдирмасин айтиб қўйгин,
Олти оёқли худойга,
Ёмон қўрқитди ўзимни.
Худойингга банда бўлдим,
Айтганингни ўзим қилдим.
Олти оёқли худойингга,
Ўлдирма деб, дўстим айтгин!
Кўп қўрқиб сени пир қилдим,
Ёмон зўр экан худойинг
Худойингга банда бўлдим.

Гўрўғли «Қўй!» деди. Отн тишловини қўйди. Дев айтди:— Бунинг худоси ёмон зўр худо экан. Биз ҳам шу худога банда бўлдик, биз ҳам бошқа миллатга қараб қолдик. Энди ўлдирмайди,— деди. Гўрўғлибек девга қараб бир сўз айтяпти:

Эшитгин бадбахт оҳимни,
Сен кўрдингми худойимни?
Узун билмагин бўйингни,
Соламан сенга войимни,
Биламан ўзим уйингни,
Кўп элангин оллойимга.
Аввал сени йиғиб олайин,
Балога дучор қилайин,
Билсанг, сен аввалги оним,
Сон бўлмайди сенга гапим.
Бало тоғ ўзимнинг тоғим,
Ажал тўнингни бичаман,
Пўлат сопли ханжаримни
Кўкраккинангга санчаман,
Аввал сени йиғиб бўлган сўнг
Ўзим осмонга учаман.
Пари билан дев битканини,
Бориб мен ўзим янчаман:
Ол ўлдинг, сен ўзинг ўлдинг.

Гўрўғлибек, кўрмайсанми, худойимнинг бошида ҳам икки оёғи бор. Қўй десам қўяди, йиғ десам йиғади. Киши аввалги овини ҳам қўями, ол худойим буни татала, деди. Ғирот жопалахлаб келиб девинг устидан босиб, тепасидан ўтиб кетди. Дев «ўлдирар экан», деб қўрқиб, эси кетиб, беҳуш бўлиб қолди. Гўрўғли:— Қўй, қўрқитма буни,—



деди. От чопиб-чопиб кишнаб кетди. Дев айтди:— Кўйи Қофга уч кунда етказаман,— деди. Гўрўғли айтди:— Уч кунда уч минг девни еяман. Мен ўзим ҳам Кўйи Қофга уч кунда бораман. Сен ҳали мени кўзга илмабсан,— деди. Дев.— Ҳо, дегунча бориб етаман,— деди. Гўрўғли девнинг устига миниб олди. Дев бир порилаб учди, қўрққанидан юлдуздай оғиб учди. Гўрўғли кўзини очиб қараса ярқиллаган пўлат қўрғоннинг олдига келибди. Дев Гўрўғлига айтди.— Пари суймакка кўнглинг бўлса, анов Ирамнинг боғи. Дев кўрмоққа раъйинг бўлса, анов Кўйи Қофи. Бошингга мушкул савдо тушса, жунимдан тутатсанг, ўзим олдингга келаман. Ана энди худойингга айтгин, бизга индамасин. Биз ўлгунча сенга хизматкормиз. Бизнинг отимизни етти яшар Самандар дев дейди. Энди мен кетайми ё олдингда юрайми?— деди. Гўрўғли:— Худойингдан сўра! Жавоб берса кетавер,— деди. Дев айтди:— Олти оёқли худойим, биз сизга қулмиз. Жавоб берсангиз мен кетсам,— деди. Гўрўғлининг оти:— Ҳа, бор кетавер!— дегандай ишора қилди. Бизга жавоб берди деб, дев бечора Гўрўғлидан қутулганига хушвақт бўлиб, туриб жўнай берди. Девдан қутулганига хушвақт бўлиб Гўрўғли ҳам жўнай берди.

Энди гапни Юнус паридан эшитмак керак. Гўрўғли Кўйи Қофга борди. Пари келарни, кетарни билар экан, Юнус парида бир ҳарорат пайдо бўлибди. Юрагига хавил тушди. Ҳовлиқиб канизларга қараб бир сўз айтаяпти:

Сарғаймасин менинг ойдай юзларим,
Юлдуздай ярқиллар икки кўзларим,
Бир аросат тушди юраккинама,
Сўзима қулоқ сол турган қизларим.

Юракларга тушди қайғу-войимлар,
Кимнинг эси бўлса гапни фаҳмлар
Бул танама тушди ёмон аросат,
Сўзима қулоқ сонг турган ойимлар.

Бадангинам менинг тебраниб кетди.
Нон-насибам билдим бир жойга тортди.
Сўзима қулоқ сонг турган донолар,
Бул танама аросат тушиб кетди.

Бул кўшкда юраккинам чер бўлди,
Баланд тоғнинг қия ёғи жар бўлди.

Сўзима қулоқ сонг ақли донолар,
Маслаҳат қинг бу не деган сир бўлди?!

Ухлаб ётиб кўрдим ёмон ғавғони,
Тўхтамишга солди катта савдони,
Маслаҳат бер менга аҳли донолар,
Тўхтамишнинг кўзин ўйган ким бўлди?

Йўқ савдони Самандарга солдими?
Ё билмайман кунлар қаро бўлдими?
Қуръандозлар қуръа ташланг ҳаммангиз,
Ё башардан бирор одам келдими?!

Қора сочни барк-барк қилиб таранглар,
Рўмолларни пириллатиб ўранглар,
Йиғилишинг эслилар, доно қизларим
Ҳар тарафга тиклаб, тиклаб қаранглар!

Самандарни яна банди қилмасин,
Гўрўғли етимак бунда келмасин!
Дарров қаранг ҳар тарафга вазирлар,
Ҳеч таълимни, ҳеч тартибни билмайди,
Тағин-а хотин деб келиб қолмасин!

Тўхтамиш акамни айтиб келинглар,
Овқат-анжомни тайёр қилинглар,
Тағи келиб бир дардисар бўлмасин,
Далада ушлаб иложин қилинглар!

Ўзи ўзбек, ўзбеклигин қилади,
Тентак эмас бир хил гапни билади.
Кириб келса бу ватанга ойимлар,
Яхшига тармашиб бало бўлади.
Хотиним деб катта жанжал қилади.

Тўхтамиш акамни айтиб келинглар,
Гулқизжонни Тўхтамишга буюринглар!
Маслаҳат қил сатта доно қизларим,
Маслаҳат қил дарров жоду кўзларим!

Кириб келмай иложини қилинглар,
Бу гапимнинг дарагида бўлинглар,
Гулқизжонни дарров айтиб келинглар.
Ўзи ўзбек ўзбеклигин қилади
Меҳнат қилиб олис йўлдан келади.



Кириб келса дарвозадан Гўрўғли,
Сен хотин деб бизман жанжал қилади.

Ғиротни минса қамчи чотади,
Менинг учун қони зардоб ютади.
Дарвозага қулфни солинг ойимлар,
Кириб келса бизни олиб кетади.

Ўзи ўзбек ўзбекларнинг соддаси,
Асли сўрсанг ўзбекларнинг каттаси
Келтирмайин иложини қилинглар,
Тўхтамиш акамни айтиб келинглар.
Бу ишимнинг дарагида бўлинглар!
Юнусжоннинг андан бордир гумони,
Тараддисин дарров қилинг ойимлар.

Булар бу ёқда шуйтиб турсин, ана энди Гулқиз пари бадангиналари мисли тоғнинг қори, юз мақом юришлар билан бошини чайқаб, юз турли кулишлар билан қўлини алиф лом қилиб, лабини тишлаб, мийиғида кулиб, белгиналари толиб, ҳар мақом ҳангамаларини қилиб, икки даста гулни Юнус парининг олдига мана деб қўйди. Ана энди Гулқиз Юнус парига қараб бир сўз айтаяпти:

Кетиб қолдим ўзгинамдан ҳар замон,
Сулувларнинг ишқи йигитга ёмон.
Қулоқ солинг хизматкорнинг арзига,
Сўзима қулоқ сонг турган ойимжон!

Хол ярашар сулув қизнинг юзига,
Яхши одамлар ҳасрат қилар изига.
Юнус пошшом айтадиган арзим бор,
Қулоқ солинг Гулқизжоннинг сўзига!

Ойдан сулув, кундан яхши юзим бор,
Саратон юлдуздай икки кўзим бор.
Сўзима қулоқ сонг, тақсир пошшойим,
Айтадиган сизга менинг арзим бор!

Товуслар таралар баланд тоғига,
Қулоқ солинг Гулқизжоннинг гапига,
Арзима қулоқ сонг, тақсир пошшойим,
Бир сайил қилайик Гулшан боғига.

Ҳар турли гул очилибди,
Бинггак чакиб сочилибди,
Юринглар Гулшан боғига,
Шамшод гуллар очилибди,
Юринглар, ойимлар, Гулшан боғига!

Боққа бориб завқи кулиш қиламиз,
Алп толга халинчаклар соламиз,
Болҳовуз бошида, марварид супада,
Сайил қилиб хўп чақ-чақ қип келамиз!
Оқшомиман бугун ўйин қиламиз.

Кир кўйлакни ечиб гулдай яшнаймиз.
Яхши сақич қирсиллатиб чайнаймиз.
Юринг энди болҳовузнинг бошига,
Саҳаргача чақ-чақ қилиб ўйнаймиз!

Юринглар ойимлар Гулшан боғига,
Боққа бориб анор мева отамиз,
Иншоолло муддаога етамиз.
Болҳовузда чўмилишиб, ойимлар,
Баданларни тозалашиб қайтамиз.

Ана Гулқизнинг гапига завқи келиб, Юнус парининг бояги гапи эсидан чиқиб кетди, бормоққа андак мойил бўлди. Яхши гап яхши, Юнус парининг юрагидан ғубори кўтарилиб қолди. Юнус парининг энди канизларга қараб айтаётган сўзи:

Кўтарилгай юрагимнинг ғубори,
Ҳангамада кетар юракнинг чери,
Кир кўйлакнинг барин ечиб ташланглар,
Айтганима қулоқ солинг сап пари.

Сайил қилиб вақтларинг хушланглар
Бошни чайқаб бармоқларни тишланглар!
Юринг эса баринг Ирам боғига,
Кир кўйлакни тандан ечиб ташланглар!

Айтганимни, «қуллуқ», дейишиб қилинглар,
Нима десам, айтганимда бўлинглар.
Икки кунлик сайил бердим сизларга,
Кийим кийиб ҳаммангиз бирдай бўлинглар!



Тахассуфга яхши ойнага қаранглар,
Зулфларингни ярашиққа таранглар!
Юринг энди баринг Гулшан боғига,
Рўмолларни қиёвони ўранглар!

Қуллуқ, деб кўнгли қайнади жўшди,
Кийими йўқ ҳисобидан адашди.
Кийими кўп сатта сулув жононлар,
Хушвақт бўлиб бари сандиқни очди.
Сайил берди ойимимиз бизга деб,
Ҳангома қип оғзидан дур сочди,
Кийими озларнинг ақли шошди,

Юнус пари барин вақтин хушлади,
Тахассуфга шуйтиб белин ушлади,
Хафа бўлманг менда кийим кўп деди,
Уртаға ой Юнус сарпой ташлади.
Хушвақт бўлиб кийими оз парилар,
Яхши кўрганини шуйтиб ушлади.

Хушвақт бўлиб жами қизлар кулишиб,
Ойимимиз беклик қилди дейишади.
Қора сочин ярашиққа туйдирди,
Гулдор пиёлага майлар қуйдирди.
Юнус пари тошқинлиги кеп кетиб,
Ҳар ранг желак, хила кўйлак кийдирди.

Қулоқ солиб бир-бирининг сўзига,
Шақаман ўқ отар даштнинг ғозига,
Юнус пари беклик қилиб, ёронлар,
Сарпой берди жами турган қизига.

Кўрганларнинг кўкайини кийдирди,
Ярашиққа ҳар ранг сарпой кийдирди.
Томоша айланг каттаконнинг ишига,
Ҳақиқ маржон тақаверди тўшига.

Яхши рўмол ўрайверди бошига,
Шундайгина ўсма қўйди қошига.
Ярашиққа сурма қўйди кўзига
Томоша айланг ой Юнуснинг юзига.

Энди Юнус пари канизакларга қараб бир сўз айтаяпти:

Қулоқ солинглар сўзима,
Упа суртинглар юзима,
Гирдим олинг хизматкорлар,
Кийим кийгизинг ўзима!
Бор нарсани йиғдиринглар,
Кўнгилларни тўлдиринглар,
Келинг бунда вазирларим,
Яхши кийим олиб келиб,
Юнусжонга кийдиринглар!

Зулфимни яхши таранглар,
Кўнглимни яхши сўранглар,
Йиғилишинг паризодлар,
Яхши рўмолдан ўранглар!

Сизга қилган адабимни,
Келиб очай мактабимни.
Жовдиратиб тақиб қўйинг,
Гавҳар-жавҳар, садабимни!

Гартак қовоқни ўйдиртинг
Кўзларга сурма қўйдиртинг,
Яхши, қиммат кўйлакларни,
Оқ баданима кийдиртинг.

Бир қайрила боқиб қўйинг,
Ой Юнусга ёқиб қўйинг,
Қайқаиган яхши гажжакни,
Зулфгинама тоқиб қўйинг.

Чақириб кенглар холамни,
Ҳам айтиб кенглар бўламни
Қулоғима тақиб қўйинг,
Жилдираган хўп сирғамни!
Бурнима тақиб қўйинг,
Гавҳар тошли лотибамни.

Ўн бешимда равишимни
Яхши қилдим товушимни
Оёғима кийгизинглар,
Карра туёқ ковушимни!

Яхши олинглар бобимни
Келтириб олманг тобимни



Сочимни ювиб тарашиб,
Тақиб қўйинг пўпагимни!

Юринглар боққа борайик,
Шамшоди гулни терайик!
Икки кун сайил қип юрайик,
Ундан сўнг қайтиб келайик,

Сўнг билан уйда бўлайик!
Суяб юринглар канизлар,
Сайли чорвоқ қип келайик!

Кўрганнинг бағри куяди,
Йўлда бўзлаган мояди.
Кўп парилар туриб бари,
Қуллуқ тақсир ойимжон деб,
Қўлтиқларидан суяди.

Сатта пари гулдай яшнаб,
Қўлларни бўйинга ташлаб,
Қаҳ-қаҳ уриб вақтин хушлаб,
Ҳазиллашиб бир-бирига,
Бошни чайқаб, лабни тишлаб,
Ўз вақтини ўзи хушлаб,
Сатта маст қизлар киш-кишлаб.
Ой Юнуснинг қўлидан ушлаб,
Ноз билан қизлар жўнади,
Соз билан қизлар жўнади.

Рўмолларни пириллатиб,
Баданларни дириллатиб,
Сатта парилар жўнади,
Йўлларда ҳангама этиб.
Сўлқиллаб қизлар жўнади,
Таралиб қизлар жўнади
Буралиб қизлар жўнади.

Тиши оппоқ дурдай бўлиб,
Баданлари қордай бўлиб,
Жаннатдаги ҳурдай бўлиб,
Гулдай яшнаб келаётир,
Ҳаммалари бирдай бўлиб.

Қизлар келади арсиллаб,
Оёқлари ерга дурсиллаб,
Оғзида машати сақич,
Ҳар чайнаганда қирсиллаб,
Ноз билан қизлар жўнади,
Соз билан қизлар жўнади.

Чўпон тортган найдай бўлиб,
Қоши, кўзи ёйдай бўлиб,
Кўзи сотган бойдай бўлиб,
Сап маст қизлар ҳазиллашиб,
Минилмаган тойдай бўлиб,
Баданлари қимирлайди,
Мисли семиз қўйдай бўлиб
Соллашиб қизлар жўнади.

Ойим жўнади ой [illegible],
Билагида билагузук,
Уни қўлида тўла узук.
Келаётир сатта қизлар,
Қоши қаро, кўзи сузук,
Бир нечалар ўлдим дейди
Бир нечалар худойга ёзиқ.
Ноз билан қизлар жўнади.
Соз билан қизлар жўнади.

Босган йўллари бўп миннатдор,
Босмаган йўллар ўпкадор,
Келаётир сап парилар,
Ноз билан қизлар жўнади,
Соз билан қизлар жўнади.

Ойга ўхшайди юзлари,
Ярқиллашиб ик кўзлари,
Шакардан ширин сўзлари,
Кўкракда муштдай безлари,
Келаётир дириллашиб,
Юнуснинг сулув қизлари.

Мисли лаби болдай бўлиб,
Шоир айтган тилдай бўлиб,
Темгил-темгил холдай бўлиб,
Ойимлар боққа жўнади,
Сап қизлар боққа жўнади.



Эримас тоғларнинг қори,
Кетсин юракнинг ғубори,
Сўлқиллашиб жўнайверди,
Гулшан боққа сатта пари.
Ойдай бўп қизлар жўнади,
Бойдай бўп қизлар жўнади.

Бошин чайқаб, лаб тишлашиб,
Жуда вақтини хушлашиб,
Бари белларин ушлашиб,
Келаётибди терлашиб.
Кўрганларнинг ранги сўлди,
Оғзи анграйиб қолди,
Келаётган париларга
Бурни шанграйиб қолди.
Узоқ экан Гулшан боғи,
Кўрганнинг кўп бўлар доғи,
Сарғайиб ойдай сиёғи,
Олис ойимнинг чорбоғи,
Бора-бора чарчаб қолди.

Ана энди Юнус пари қизларга қараб бир сўз айтаяпти:

Аста юринглар парилар,
Тез юрсам ичим куяди!
Ҳақиғимни ечиб ташланг,
Боғи бўйнимни қияди!
Гулшан боғи олис экан,
Вой қачон боққа етади,
Пўпагимни кўтаринглар,
Шилдираб қаттиқ ботади.
Баданим ҳовлиқиб кетди,
Астароқ юрсанг қайтади?
Тез юрсам ўпкам пишади.
Ғамхона кўнгил жўшади.
Кўйлагимни елпитинглар,
Терлаб кетдим ёпишади.
Аста юринглар дўстларим,
Ҳовлиқиб ўпкам пишади.

Хотин чиқар исмалоққа,
Пўлат добил урар тоққа,
Эҳ воҳ, ўлдик, деб ойимлар.

Келаётибди чорвоққа.
Оёқ босиб якка-дикка,
Дуд ўрлаб кетди фалакка
Гала парилар жўнади,
Оёқ босиб якка-якка.
Яхши рўмоллар бошида.
Тишқолиси бор тишида,
Ҳурдай бўлиб силдирашиб,
Жоду кўзи мўлтирашиб,
Яқинлаб ҳовуз бошига
Қулоқ сонг сўзнинг ростига,
Гўрўғли борган қасдига,
Силдирашиб сап сулувлар,
Чиқди супанинг устига.

Ҳаммалари келиб вақтин хушлади,
Бошини чайқаб, лабларини тишлади.
Сап марварид супага чиқиб ойимлар
Қалин кўйлакларини ечиб ташлади.

Ана энди шу парилар вақтини хушлашиб, баданларини ушлашиб, чақчақлашиб, жуда кулишиб, гулга оралаб, тоза гуллардан саралаб, Юнус пошшоси экан, Мисқол канизи экан, бу Ирамнинг боғи экан. Юнуснинг энасини Қария пари дегувчи эди. Отасининг отини Раҳмат пари дегувчи эди. Кўйи Қофнинг подшоси эди. Ана энди булар сайил қилаверсин. Энди гапни Гўрўғлидан эшитмак даркор.

Гўрўғли намозгар бўлган паллада бир панага отини боғлаб, Ғиротга қараб бир сўз айтаяпти:

Сенсан менинг ёмон кунда қанотим,
Хатарли кунларда сенсан қувватим.
Мен кирамап бугун Гулшан боғига,
Ҳеч кимга кўринмай тургин Ғиротим.

Эшит жонвор менинг айтган сўзимни,
Сен бўлмасанг ғам сарғайтар юзимни.
Дев битканлар ол ушла деб қолганда,
Қутқарасан дев биткандан ўзимни!

Сен бўлмасанг ўйиб олар кўзимни.
Яёв бўлсам ғам сарғайтар юзимни.



Ажал етиб мендай эганг ўлмасин,
Бир оллойим жудоликни солмасин.
Пусиниб шу ерда ётгин жонивор,
Келганимни ҳеч бир киши билмасин!
Сени билиб девлар ғавғо қилмасин,
Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон билмасин!

Тўхтамиш дев ол ушла деб қолмасин,
Келиб туриб бизни банди қилмасин!
Одам кўрсанг пусиниб ёт, жонивор,
Бу гапларни ҳеч бир киши билмасин!

Ажал етса, бу йўлларда ўламан,
Тарафларни майда-майда қиламан.
Мен келганча пусиниб ёт, жонивор,
Бугун Юнусжонни кўриб келаман!

Сен бўлмасанг кучук тортар гўштимни,
Учирар кўллардан турна қушимни.
Ғавғолар Кўйи Қофида бўлса,
Ўлмай туриб миниб олсам устингга,
Сен ажалдан қутқарарсан бошимни.

Сени боқсам кўклам қишдай тилатиб,
Баданларинг Юнусжонга силатиб,
Сағрингга Юнусни солсам жонивор,
Қутқарарсан дев битканни йиғлатиб.

Бугун тунда Кўйи Қофни кезаман,
Биров кўрса оллойима ёзаман.
Ўлмай кирсам ой Юнуснинг боғига,
Тонг отгунча Кўйи Қофни кезаман.

Менинг ўзим ширин жонни сотаман,
Хунобани туни билан ютаман,
Кўринмай, пусиниб ётгин жонивор,
Гулшан боққа ўзим кириб кетаман!
Балодан балога бўлдим гирифтор,
Кетар бўлдим Юнуснинг чорвоғига
Жонивор ўзимдан бўлгин бохабар!

Бугун оқшом кўп ғайратлар қиламан,
Нима бўлсам мен шу бугун бўламан.

Ё ўламан, ё Юнусни оламан,
Тонг қоронғуси мен олдингга келаман.
Келиб туриб миниб олиб ўзингни,
Девлар билан ўзим жанжал қиламан,
Мен келгунча эҳтиёт бўл ишингга!

Иссиқлар эритар тоғнинг қорини,
Кимга айтай юракларнинг черини,
Жонивор эҳтиёт бўлгин ишингга,
Олиб келай ой Юнусдай парини!

Ана энди шуйтиб Ғирот билан ваъдалашиб, Гўрўғлибек намозшом бўлганда аста-аста Юнуснинг чорвоғига қараб жўнайверди. (Гулшан боғнинг) бир дарчаси бор экан, ёпилмай қолган экан. Гўрўғлибек аста бориб шу дарчадан ўтиб кетди. Хуфтон бўлганда бир бўлиқ гулга етди. Гулнинг остига бориб пусиниб ётди. Ана энди бу пусиниб ётаверсин, гапни Юнус паридан эшитмак даркор. Юнус парининг айтаётган сўзи:

Хол ярашган темгил-темгил юзларим,
Жовдирайди доим жоду кўзларим.
Юринглар чиқайик кўшк устига,
Қаватимда турган сулув қизларим!

Қулоқ солинг гапнинг ёлғон-ростига,
Мард йигит юради душман қасдига,
Қаватимда турган сатта парилар,
Баринг юргин зумрад кўшк устига.

Тоза гулдан баринг теринг,
Кўшкнинг устига юринг,
Ҳар тарафни пойлаб кўринг,
Тағин-а душман бўлмасин,
Дурбивонлар дурби кўринг!

Юринглар кўшкнинг устига!
Бир бесиёҳ ғайри юртдан келмасин,
Ишнинг ўзи тағи уят бўлмасин!
Ҳаммамиз чиқайлик кўшкнинг бошига,
Томоша қилинг ой Юнуснинг ишига,
Банда кўнар яратганнинг ишига
Ёппа юринг Зумрад кўшкнинг бошига!
Бирқиллаб боз тағи бунда келмасин,
Келиб туриб йўқ савдони солмасин!





„Юнус пари“ достонига.

Таги ушлаб олиб менинг ўзимни,
Хотиним деб жанжаллашиб қолмасин!

Бир гумоним бор яна шу бўлмасин,
Олис юртдан биров келиб қолмасин,
Ҳар тарафга қараб-қараб қўйинглар.
Маҳкам ушлаб олиб менинг ўзимни,
Бир можаро Гулшан боғда бўлмасин!

Юринглар ойимлар кўшк бошига,
Шакардан шириндир менинг сўзларим,
Ирам боққа катта менинг ўзларим
Юринглар борайик кўшк устига!

Энди Юнус пари ҳамма парилар билан Гулқиз доно вазири билан саёҳат қилиб, кўринг кўшкнинг бошига жўнашини:

Юнус жўнади баландга,
Сатта сулув қизлар билан,
Неча муқом сўзлар билан,
Жўнай берди Юнус пари,
Сатти жоду кўзлар билан,
Жўнади кўшкнинг бошига.

Баданлари қордай бўлиб,
Ҳаммалари бирдай бўлиб,
Жаннатдаги ҳурдай бўлиб,
Жўнади кўшкнинг бошига.

Кетсин юракнинг губори,
Тананинг кетди мадори,
Жўнади сатта ҳур пари,
Самандар тоғнинг даштида.
Юнус пари канизакларман,
Чиқди кўшкнинг бошига.

Ана энди кўшкнинг бошига чиқиб ҳамма парилар тери қотиб юзини совитиб, дастурхон ёзиб, турли таомларни дастурхонга ташлаб, вақтини хушлаб, ҳамма мевалардан ейишиб юзларини рўмол билан силашиб, ўн беш кунлик ойдай бўлиб кетди. Парилар ҳаммаси худди гулга ўхшаб кўнгли хоҳлаган гулдан тераверди. Шуйтиб Гулқиз Гўрўғли пусиниб ётган бутадан «икки гул олайик» деб бориб

бир гулни чирт этиб юлиб олди. Гўрўғли бирдан қўрқиб тура кеп қолди. Гулқиз тура соп қочди. Йиқилиб кўйлаги бошига қараб ошди. Гулқиз жойидан туриб, Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Кўнгли суйса ёрнинг лаби бол бўлсин,
Кийикнинг юргани Қуло чўл бўлсин,
Нега келиб бунда пусиб ётибсан,
Тентакмисан, нечук жонсан, йўл бўлсин?

Дарёга ғалт урган кема, сол бўлсин,
Қизларнинг таққани мунчоқ, лаъл бўлсин!
Нега буйтиб урсаланиб ётибсан,
Ўлармон меҳмоним сенга йўл бўлсин?

Мен қарасам, сен бундайин пусасан.
Олмаларни ўзинг йиғиб кетасан.
Мен билувда ёмон савдо этасан.
Бориб айтсам Юнусжондай парига,
Пошшомиз эшитса сўнгман қайтасан?

Оқизмайми кўздан қонли ёшингни?
Қочирмайми ақл билан ҳушингни?
Ой Юнусга бориб айтсам меҳмонжон,
Бул танангдан кесиб олар бошингни.

Юнусжоннинг бежойин кўп зўри бор.
Ё билмайман пешонангнинг шўри бор?
Нега қўрқмай келдинг ажалхонага?
Кўчаларда одам сўяр дори бор.

Кўп гап келар пошшойимнинг ўйига,
Ишқибоз бўлдингми пари суювга
Юнус пари билса сени ўлдирар,
Нега келдинг зўр одамнинг жойига?
Жонидан қўрқмаган меҳмон йўл бўлсин?

Мен айтаман асал билан масалди,
Кўп гапириб менинг белларим толди,
Қаллоб меҳмон ростин айтгин йўл бўлсин,
Ойимимиз билса бу гап ўсалди.

Бўйнингга ғул соп кўчада жилдирар,
Иш билмассан кўп гапларни билдирар.



Ёмон кепсан зўр одамнинг боғига,
Ойимимиз билса сени ўлдирар.

Гўрўғлибек Гулқизжонга қараб ялиниб-ёлвориб бир сўз айтаяпти:

Қайтайин ўзимдан кетдим ҳар замон,
Қизинг хили, бўтам, йигитга ёмон
Эсинг бўлса мақтаб боргин Юнусга.
Ёмонлама, мақтаб боргин Гулқизжон.

Қулоқ солгин юрагим ғубориga,
Қойил бўлдим худойнинг тақдирига,
Эсинг бўлса ёмонлама, чироғим,
Мақтаб боргин ой Юнусдай парига!

Қиз халқининг ўн саккизда камоли,
Лабларида бўлар асалман боли.
Эсинг бўлса ёмонлама Гулқизжон,
Худоё тўкилсин манглайнинг шўри.
Жонимни йўлларга айлайин қурбон,
Юракларим бўлиб кетган тўла қон.

Ҳазил билма чироққинам сўзимни
Ғам сарғайтган менинг ойдай юзимни.
Мен биламан Юнус катта одамдир,
Эсинг бўлса мақтаб боргин ўзимни.

Бир одам кеп кўп гапларни депти, де,
Ишқ чўлида кўп мубтало бўпти де.
Ёмонлама, мақтаб боргин Юнусга,
Яхши одам Гулшан боққа кепти, де.

Дона-дона хол ярашар юзингга,
Нима десанг ишонаман сўзингга.
Эсинг бўлса кўплаб мақта Гулжонқиз,
Ихтиёр, чироғим, қайтай ўзингга.

Энди Гулқиз Гўрўғлига қараб:— Юнуснинг ихтиёри ўзимда. Менга бир нарса берсанг айтганингни қиламан, қўйнингга гулдай яшнатиб соламан,— деди. Ана Гулқиз бирор нарса бер деб Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Ёмон эмас ўзинг билдим тўрасан,
Париларман ўйнаб-кулиб юрасан.
Аввал берарингни кўрсат кўзима

Олиб борсам ой Юнуснинг олдига,
Кўримликка менга нима берасан?

Кўнгилгинам қийнабгина жўшайин
Ақлгинам катта олдида шошайин.
Аввал бирор нарса берсанг ўзима,
Олиб бориб ой Юнусга қўшайин.

Булбул билан давра олмоққа тоғ яхши
Қизлар билан қовушмоққа боғ яхши.
Неча-неча насиянгдан қуйганман,
Ҳар на берсанг Гулқизжонга нақд яхши.

Балхи рўмол ой Юнуснинг бошида,
Садаф ҳақиқ жавдирайди тўшида
Аввал берарингни кўрсат меҳмонжон
Олиб борай Юнусжоннинг қошига.

Бир нарса берсанг хизматлар қиламан,
Хизматин тиндириб сўнгра оламан.
Аввал берарингни кўрсат кўзима
Ухлаган сўнг сени элтиб қўяман.

Гапман бориб кўнглини тўлдирай,
Кечасиман бориб ётиб олдида
Эртан билан олдингизга келтирай,
Аввал берарингни кўрсат кўзима!

Кечасиман алдаб-сулдаб кўндирай,
Кўп одамлар хизмат қилар ўзима.
Аввал берарингни кўрсат меҳмонжон
Нима десам сен ишонгин сўзима!

Қарамагин қовогимман кўзима,
Аввал берарингни кўрсат, меҳмонжон,
Билмаганим меҳмон менинг билдиргин,
Хушвақт қилиб мийигимдан кулдиргин,

Ол кетди десам девлар келмайми,
Келиб туриб сени банди қилмайми,
Войвойлатиб сендай тентак меҳмонни
Гўш(т)ларингни бурда-бурда қилмайми.

Дев битканга хати хабар қилайин
Аломат савдо бошингга солайин.



Аввал берарингни кўрсат меҳмонжон.
Бир нарса бермасанг шовқин солайин.

Ана энди, Гулқиз Гўрўғлини қўрқитиб иғвогарлиги тутиб, «бундан бир нарса олганим наф» деяётир. Гўрўғлибек «буни алдамасам ишни бузади» деб Гулқизга қараб бир сўз айтаяпти:

Нима десанг айтганингни қилайин,
Гул бошимни этагингга солайин.
Шовқин солма ювош бўлгин Гулқизжон,
Нима десанг айтганингни берайин!

Ўйлаб турсам мана дунё бепоён,
Тухмат билан мен бебахтни ўлдирма,
Ишинг бўлса мақтаб боргин Гулқизжон!

Бедов минган баланд тогдан ўтади,
Суюнган қул муддаога етади,
Эсинг бўлса мақтаб боргин Гулқизжон
Юнусни ол берсанг нимаиг кетади?!

Қойил бўлай сендай қизнинг ишига,
Давлат турмас такаббурнинг бошида
Хизмат қилганингда нимаиг кетади,
Ухлаган сўнг олиб боргин бошига?!

Олиб борсанг мен ишимни биламан,
Ой Юнусни (мен) қўйнима соламан.
Олиб боргин Юнусжоннинг олдига,
Дингиллаcа, шовқин солса майлига!

Гулин териб хотин қилиб оламан,
Ювош қилиб хизматима соламан.
Ўзим сенга яхши нарсадан бериб,
Ўлгунингча катта одам қиламан.

Энди Гулқиз Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Худойнинг ишини энди нетайин?
Гулни олиб ой Юнусга етайин.
Сўзима қулоқ сонг, эса меҳмонжон,
Пошшойимга бориб мақтаб айтайин.

Эса сизга яхши хизмат қиламан,
Ой Юнусни бориб йўлга соламан,
Катта билсанг сен ўзингни, меҳмонжон,
Ҳолингиздан келиб хабар оламан.

Кечкисинга овқат олиб келаман.
Билдирмайин ёта беринг шу ерда!
Бир-икки кун насиқат қип мен ўзим,
Вақтингизни ўзим кўп хуш қиламан.

Меҳринг уйи икки кўздадир,
Икковингизни бир кун билла қиламан,
Эртан чошга ўн ёғингдан ўтаман,
Бунда қаранг деб имо қип кетаман,
Аста-аста мен амаллаб пошшога
Хафа бўлманг бир кун олиб кетаман.

Юракларга тушган қайғу-войимни
Сабаб билан кеп кўрибсиз жойимни.
Ҳали сўраганим йўқди зотингни.
Оп бераман сизга Юнус ойимни.
Юракдан кетгариб туринг войимни.

Ана энди Гўрўғлибек, бошидан ўтган сири воқеаларни бир-бир баён қилиб, Гулқизжонга қараб бир сўз айтаяпти:

Насва тортиб бунга келдим бегумон,
Эгнимда силдирар карк тери қалқон!
Уруғимни, авлодимни сўрадинг,
Отимни сўрасанг дер Гўрўғлижон.

Эиамнинг отини дейди Ҳилолжон.
Қулоқ солгин Гўрўғлининг тилига
Йигит бўпти раҳм айлагин ҳолига.

Ҳай демадим юраклар тўлди черга,
Қайтай юрдим мана дунё бекларда.
Юнусжонга айтиб боргин қаддингдан,
Аслим сўрсанг катта бўлдим мозорда.

Туркман дейди менинг вилоятимни,
Кимга айтай юрагимда дардимни?
Мен сенга ростини айтсам Гулқизжон
Эр Хизр Гўрўғли қўйган отимни.



Ҳазил билма айтадиган сўзимни,
Етимликлар сарғайтирган юзимни.
Мен сенга ростини айтсам Гулқизжон
Қирқ чилтонлар катта қилган ўзимни.

Кўплар куйдим етимликнинг хилидан,
Қўнғирвойман ошиқ ўйнаб кўчада,
Кўп юрдим шаҳри Заргар элида.

Зеҳнингни қўй Гўрўғли тилига,
Саккизимда келдим Туркман элига.
Отам билан, хешим билан танишиб,
Бориб турдим кўр Равшаннинг қўлига.

Ёвмит дейди менинг ота жойимни,
Шу ерда солмагин қайғу-войимни!
Райҳондан урчитдим Ғиркўк тойимни.

Очилган боғлардан гули ғунчамни,
Райҳон араб олиб кетди чечамни.
Кўп ваҳм-қайғуни мен ўзим тортдим,
Холжувон деб ўзим хуноба ютдим,
Тойимни қирқ чилтон об қочиб кетди.
Уч йилча қидирдим ернинг юзини,
Афсар тоғда кўрдим отнинг ўзини,
Эр Хизрман ҳазиллашган кунларим.

Қулоқ солгин мендай зўрнинг зорига,
Кириб бордим қирқ чилтонинг ғорига.
Антаҳур майини менга узатди,
Тила деб ёвтанлар ўзимга айтди.

Куйганимдан гапни гапга уладим.
Ғиркўк отни, Райҳон араб қизини,
Аҳмадбекка берсанг дедим, тиладим,
Зот тиламай от тилаган кунларим.

Эшитгин қаддингдан паризодимни,
Душманлардан олсам дедим лотимни.
Бошдан ўтганини айтсам соп бўлмас.
Эр Хизр эгарлаб берди отимни.

Яхши сарпой қўлга добил тўй, деди.
Эр Хизрга дарров никоҳ қий, деди.

Никоҳ қийиб берди менга ёвтанлар,
Икки қизни силантириб суй, деди.
Ширвон элга Гўрўғлибек бор, деди.

Отимни миндим-да Ширвонга кетдим,
Ширвоннинг элига уч кунда етдим,
Кир ювганда Райҳон араб қизини,
Сўлқиллаган Зайдинжоннинг ўзини,
Билагидан ушлаб отга ўнгариб,
Гулдайин яшнатиб оп қочиб кетдим.

Яхши кўрдим ўзгинангнинг кўзингни,
Шуйтиб ҳамма гапни ўзингга айтдим,
Эсинг бўлса мақтаб боргин Гулқизжон.
Ҳар гап ўйлагин бошдан бўлади.

Кўп айтмадим, айтган сўзим талади,
Астагина айтсанг Юнус парига,
Ҳеч ким билмас кўп эсли қиз ой Юнус,
Овлоқ жойда айтсанг ўзи билади.

Кўп ичида айтсанг жанжал қилади,
Бир хил гапни айтаверсам ўзингга,
Бир оз ироқ, нима уят бўлади,

Кам-кам ишимиз яхши бўлади,
Мақтаган етказар, чаққон ўлдирар,
Кўнглингда нима муддаонг бўлса,
Гўрўғлибек кам-кам тўғри қилади.
Эсинг бўлса мақтайвергин Гулқизжон!

Сенга айтиб қўйдим ҳар на борини,
Сен кўтаргин юракнинг ғуборини!
Тухмат-шилтоқ қилиб менга Гулқизжон,
Олиб бергин Юнус, Мисқол парини.
Ўзинг кўргин бу ишимнинг корини!

Ана энди Гулқиз кўп хаёллаб кетди. Юнус пари «Гулқиз қаёққа кетди» деб сўратди.

Икки соат Гўрўғли билан гаплашиб қолди. Гулқиз Гўрўғлининг гапини маза қилиб эшитди. Шуйтиб кетолмай қолди. Энди аста-аста Гулқиз туриб кетди. Парилар:— Ҳайда, келаяпти, келаяпти,— деди. Гулқизнинг хаёли бошқача бўлганини билди. Юнус пари, мийиғида кулди. Ана шуйтиб бу боргандан кейин париларнинг ҳаммаси «одамнинг иси келди», дейишиб қолди. Ана энди париларга Гулқиз муттайин бўп қолди. Парилар шивирлашади: «Гулқиз қурғурнинг юриши бузилиб келганга ўхшайди, ўзи пичагина ёзилиб қопти, бўйлари ҳам чўзилиб қопти», деб. Кўнгил бирдай бўлиб турса одамнинг ҳамма ери бирдай бўлиб турар экан. Кўнгил бир ёққа қийшайса гардаккина ериси чўзилиб қолар экан. Ана Юнус пошшо Гулқиз вазирига қараб хитоб қилиб айтаётган сўзи:

Ўн саккизда тўлишади қиз халқи,
Одамни қутқармас ажалнинг ўқи.
Нобоп ис келади сенинг ўзингдан,
Ё бировга сен тегдингми, киянки?

Икки соат, ё уч соат кетасан,
Овлоқ жойда сен мўралаб ётасан.
Ё билмайман ўзинг қочиб кетасан,
Киянки, шарманда айтгин, рост гапни!

Юрагингдан кетсин қайғуман ғаминг,
Ростин айт Гулқизжон менга бу гапнинг
Қай ерларда қолди кўрган одаминг?

Нима десам сен ишонгин сўзима,
Ёруғ дунё қора бўлди кўзима,
Ёлғонни қўй рост гапиргин Гулқизжон,
Кўрган одамингни айтгин ўзима!

Бошинг чайқаб бармоқларинг тишладинг,
Овлоқ жойда ўз вақтингни хушладинг,
Ёлғонни қўй, рост гапиргин Гулқизжон,
Кўрган одамингни қайга ташладинг?

Келар вақтдан сен хаёллаб қолибсан,
Бир балога ўзинг дучор бўлибсан.
Рост гапир сен киянки, шарманда,
Кўрган одамингни қайга қўйибсан?
Рост айт, Гулқизжон, менга кўрганинг!

Қочираман эсинг билан хушингни,
Қулатаман сенинг гулдай лошингни.
Бу гапингнинг ростини айтмасанг,
Гулқизжон кесаман тандан бошингни.

Тўғри айтгин энди менга сўзингни,
Мен сарғайтаман ойдай юзингни.
Кўрганингни ростин (агар) айтмасанг,
Дарров ўйиб олай икки кўзингни.

Ўзинг пастда баланд ерни кўзладинг,
Юрак-бағринг ростин айтсам тузладинг,
Тўғри-тўғри айтавергин, Гулқизжон,
Ёлғонни қўй, рост гаплардан сўзлагин!

Давлатим бор, тараф тушмас изима,
Нима десам, сен ишонгин сўзима!
Кўрган одамингни тўғрисин айтгин,
Кўрганингни бир-бир айтгин ўзима!

Сен айтмасанг обрўйингни тўкаман,
Мен энама бориб сени чақаман,
Шу гапингнинг тайинини айтмасанг,
Ҳар иш қилиб мен уддангдан чиқаман.

Кўрган одамингни айтгин Гулқизжон,
Сочгинангни тупроқ қилиб келибсан.
Бир нарсани ўйлаб турсам билибсан,
Ёлғонни қўй, рост гапиргин Гулқизжон!
Биров билан қаттиқ ваъда қилибсан.

Кўрганингни бир-бир айтгин, Гулқизжон!
Пошшоларнинг бежойин кўп зўри бор,
Мен билмайман пешонангнинг шўри бор.
Ёлғонни қўй, рост гапиргин, Гулқизжон!
Регистонда Мисқолжоннинг дори бор.

Фалокат босганнинг йўли тўсилар,
Сулувни кўрганнинг кўнгли ўсилар.
Пошшоликка ёлғон айтса ҳар киши,
Иложи йўқ, тандан боши кесилар.
Ёлғонни қўй, рост сўйлагин, Гулқизжон.



Бунда келдинг кўнгилларинг бузилиб,
Етиб келдинг баданларинг чўзилиб.
Ёлғонни қўй, рост сўйлагин Гулқизжон!

Энди Гулқиз қўрқиб бир сўз айтмоқчи бўлиб ўйлаб, иёгин ерга тираб, онги эзилиб, Юнусга қараб бир сўз айтаяпти:

Гулшан боққа ўзим оралаб кетдим,
Бир жойга мен ўзим йўл юриб етдим,
Кўрганимни айтаверсам кўп гап бор,
Ариқнинг бошига бордим-да ётдим.

Юнус шоҳим эшитингиз сўзимди,
Буйтиб юрганимдан ўлим лозимди.
Мен сизга ростини айтсам ойимжон,
Ётганимда уйқу опти кўзимди.

Гул бутадан иккита гул олибман,
Олиб туриб оёқ-қўлга солибман.
Ўйлай, ўйлай икки кўзим бўзарар,
Тумшуққииам андайгина қизариб,
Гул бута остида ухлаб қолибман.

Кўрганимни айтаверсам соп бўлмас,
Бори гапни айтаверсам эп бўлмас.
Эсли одамнинг ўзи билар ойимжон,
Айта солсам гапи қурғур хўп бўлмас,

Мен гапирдим, ўзинг билгин пошшойим.
Кулли айиб хизмат қилдим мен сизга,
Нима бўлса кечирарсан гунойим.
Қўлгинанг тиришиб, тағин керишма,
Нобоб бўлса бизи билан суришма,
Кулли айиб хизмат қилдим домуллам
Жанжаллашиб бизинг билан уришма!

Ухлаб гул бутада ўзим туш кўрдим,
Мен тушимда кўплар яхши иш кўрдим.
Кўрганимни айтаверсам ойимжон,
Ухлаб бир одамни мен йўлдош кўрдим.

Тушимда нима деса дейибди,
Айтгангинам ойим ўзинга хўпди.
Кўп одамди ўзи не деса дебди.
Шу тушимдан кўп қўрқаман Юнусжон,
Бир одам одамзод элидан кепти.

Гулқиз санам ҳар ранг гулдан терибди,
Шу одам тушида мени кўрибди,
Мен уйқудан уйғонсам, ойимжон,
Шунинг иси менга туриб қолибди.

Қайтайин ўзимдан кетдим ҳар замон,
Ухлаб ётиб кўрган менинг одамим,
Қуйи Қофда бўлиб юрибди сарсон.
Кўрганимни айтаверсам кўп гап бор.
Сўзимни эшитинг тақсир Юнусжон.

Худонинг ишини энди нетаман,
Сўзима қулоқ сонг тақсир пошшойим,
Кўрган одамдан қўрқиб кетаман.

Мен билмайман, сен йўрагин ойимжон,
Ҳар банда бўлган-да элида омон,
Қишнинг куни тоғни босади туман,
Шу одамнинг ҳисобини сен қилгин,
Кўрган тушни сен йўргин, Юнусжон!

Ҳолгинамдан сен ўзинг хабар олгин,
Душман бўлса чўх савдоларни солгин,
Шу йигитнинг иложини сен қилгин!

Кўрган тушим сенинг гапинг Юнусжон
Айтган гапим сенинг учун пошшойим.
Ҳар иш бўлса ўзингдан ёзилади,
Куёв келса семиз қиз чўзилади

Ана энди Юнусжон Гулқизнинг бу гапига ҳайрон қолди. «Нима десам экан, Гулқизнинг бу гапи, дабжил тоброқ бўлди, шунга дўқ қилиб бир сўз айтай», деди.

Гоҳ хаёлинг айниб-айниб кетасан,
Гул бута остида нима деб ётасан?



Кўрганингни айтавергин шарманда
Митчилатиб неча ёлгон айтасан?

Ёлғон айтиб бунда келдинг бегумон,
Фалак савдо солмагай-да ҳар замон,
Ўзинг эслик қилиб бизни аҳмоқ қип,
Ётган одамингни айтгин, Гулқизжон!

Диринг гаплар чиқди сенинг сўзингдан,
Хабарим йўқ сен аҳмоқнинг ўзингдан,
Билиб қўйдим бу гапингнинг мазасин,
Ёмон тортар ёлғон гапнинг жазосин!

Энди билсам бирор нарса олибсан,
Ўйлаб турсам қаттиқ ваъда қилибсан,
Кўрганингни айтавергин ёлғончи,
Бирор ишнинг сен бошида бўлибсан!

Аввало сен бир балони қилибсан.
Ёлғонни қўй, ростин айтгин Гулқизжон!
Мен билувда пандн фириб этибсан.
Кўрган одамингни қандайча одам.
Ажабтовур бўлиб ёлгон айтибсан.

Билиб қўйдим ўзинг билан кўзингни,
Кўп сўрадим, қовоғингман юзингни.
Кўрганингнинг ростин айтсанг Гулқизжон,
Катта одам қилай сенинг ўзингни.

Яхши амал ўзим сенга берайин,
Овлоқ томда бугун оқшом турайин,
Кўрганингнинг ростин айтсанг Гулқизжон,
Ўзим сенга бирор нарса берайин.

Ёлғонни қўй, ростин айтгин Гулқизжон,
Ҳақ ҳурмати тўғри айтгин сўзингни,
Менга қилгин юз карашма, нозингни!
Кўрган одамингни айтсанг чирогим,
Катта одам қилай сенинг ўзингни.

Ана энди Гулқиз бу гапга юмшаб кетди. Бир кулди. Энди Юнус гумон қилди: «Шу гапнинг жони бор». Гулқиз Юнусга қараб кўзини қисди. Ана энди Гулқиз пошшога қараб бир сўз айтаяпти:

Темгил-темгил холларинг бор юзингда,
Давлатинг бор ишонаман сўзингга.
Ҳали-ҳозир уяламан ойимжон,
Ярим кеча мен айтаман ўзингга.

Қорнимни тўйдириб ухлаб ётаман,
Холис хизмат ўзингизга этаман.
Тағин-а бировга айтиб қўймасанг,
Овлоқ жойда ўзим сенга айтаман.

Беглар чуяр Ойдин кўлга қушини,
Гулқиз айтар сенга кўрган тушини.
Кўрганимни айтаверай ойимжон,
Томоша қил Гулқизжоннинг ишини!

Кўрган тушим овлоқ жойда айтаман,
Ишим зарур дарров туриб кетаман,
Кўрганимни бир-бир айтсам кўп гапдир,
Овлоқ жойда дарди ҳолим айтаман.

Бу тушимни айтаверсам пошшойим,
У одамнинг ўзи бежой зўр одам.
Баданингдан мушки заъфарон сасиб,
Сулув қизлар йигит кўкайин кесиб,
Ҳамма ухлаган сўнг айтиб бераман,
Кўрган тушим ўзингизга муносиб.

Яхши одамнинг тилида бўлар боли,
Қиз халқининг йигирмада камоли,
Шу тушимни кўрганимни мен айтсам,
Ўзингиздан зиёдадир жамоли.

Хизмат қилдим отни минмай пиёда,
Бургут деган қуш чарқиллар уёда.
Тушда кўрганимни айтсам ой Юнус,
Сулувлиги сиздан юзлай зиёда.
Гулгинам қолибди ўзим кетаман,
Бир узугим тушиб қопти шу жойда.
Ухлаб қолган жойга ўзим етаман.

Оқшом бўлса овлоқ қилиб айтаман,
Жамоатда айтиб бўлмайди тушни,
Илойим ўнгарсин бу қилган ишни,
Ишим зарур, ойим туриб кетаман.



Эшит шойим хизматкоринг додини,
Айтолмайди юракдаги дардини
Тушда кўрганимни айтсам, пошшойим,
Афсар тоғда пирлар қўйган отини.
Хизр бова боққан экан отини,
Белга бўғган эканди пўлотини.

Тушда кўрганимни айтсам мен сизга,
Соқибулбул эгарлаган отини
Тушда кўргангинам ойим шул бўпти,
Юрган жойим Гулшан боғда гул бўпти.
Айтаверсам соп бўлмайди сўзлари,
Тушимда кепти шу одамнинг ўзлари.

Хийла тўн устига кийган эканди,
Пўлат добил чўлда туйган эканди.
Уч йил қидириб кўп меҳнатлар қилиб,
Қирқ чилтон никоҳин қийган эканди.
Тушимда шу одам бунда келибди,
Мендай чўрингиз ўзи қўрқиб қолибди.

Мисқол сачам чорбоғида Юнус пари қирқ пари билан ўлтирганда Гўрўғли тойини сўраб бориб бу парилар билан ҳангамалашиб эди. Шунда Юнус билан Мисқол пари Гўрўғлини калака қилиб эди. Гўрўғлибек йиғлаб эди. Уни Юнус пари билиб эди. Ой Юнуснинг бадани юмшаб кетди. Ана энди Гулқизга қараб ҳар ранг, ҳар ранг сўзлар айтаяпти:

Ўсмалар ярашар менинг қошима,
Қойил бўлгин менинг қилган ишима!
Йўллар юриб келдим Қуло дашима
Билар-билмас сандирадинг Гулқизжон,
Келиб тургин менинг чап ёнбошима.

Боққа кирмай олма, анор отмайди,
Суюнмай қул муродига етмайди.
Кўрган тушни ҳар кимсага айтмайди,

Жонимни жонингга айлайин қурбон,
Илоё дунёси тушсин бепоён.
Туш деганни ҳар кимсага айтмайди,
Ўрнингдан келиб ўтир Гулқизжон.

Гулқиз санам тағи қўрқиб кетмагин,
Ҳар кимсага кўрган сирни айтмагин!
Келиб ўтир ёнбошимда Гулқизжон,
Бу гапларни ҳар нокасга айтмагин!
Кўрган тушни сувга бориб айтасан,
Иншоолло муродима етасан,
Сўзима қулоқ сол Гулқиз паризод,
Тун оққан сўнг кўрганингни айтасан!

Худо қилсин сендай жонга марҳамат,
Очқаб келсанг қилай сенга зиёфат.
Кўрган тушни сен кечаси айтарсан,
Бу дунёда асли ўлма паризод.

Бугун туни боғдан гулни терамиз,
Биллалашиб икковимиз юрамиз.
Овлоқ жойда сен айтасан тушингни,
Ухлаган жойга бирга борамиз,
Бориб туриб нўхат ташлаб кўрамиз.
Бул тушингнинг табгирини биламиз.
Айтганингни икковлашиб қиламиз.

Ҳамма қизлар ётаверсин уй-уйда
Бир неча ўйинда, бир неча тўйда.
Бўрилар юради даштдаги қўйда,
Ғам емагин ярим кеча айтасан,
Ундан кейин уйга қараб қайтасан!
Гавҳар мунчоқ жовтиллайди тўшингда
Қойил бўлдим Гулқиз сенинг ишингга.
Баракалла, сенинг кўрган тушингга.

Сулув қизлар бошга рўмол ўрасин,
Жонон пари сочин ювиб тарасин!
Қойил бўлдим Гулқиз қилган ишингга,
Бора-бора маза чиқди сўзингдан.
Мен айналай ҳам қомати ўзингдан,
Тушгинангни пайғамбарлар йўрасин,
Жонгинам айналсин айтган сўзингдан.

Емонга гап айтсанг юртга ёяди,
Камбағаллик марднинг кўзин ўяди.
Баракалло, Гулқиз кўрган тушингга,
Тушди айтдинг юрак-бағрим куяди.



Ана энди шунда ярим кеча бўлди. Гулқизни овлоқ қолди.

— Гулқиз ростини айт! Сен ҳозима сўз қип гапирдинг. Мен маъносини билмадим. Жанжал бўп қолами? Ўл, сен ўзинг бир эрни топибсан,— деди Юнус. Гулқиз айтди:— Бизларга эр қайси гўрда, эр ҳар кимга тегаверами?— деди. Юнус «уйқум келди» деб кўрпанинг ичига кириб кетди. Гулқиз пойлаб турди. Юнус пари жўрттадан «хўрр, хўрр» айтди. Гулқиз аста бориб кўрпани кўтарди. Юнус яна «хўрр-хўрр» этди. Ана Гулқиз бир сўз айтаяпти:

Худо раҳм айлагай кўзининг ёшига,
Томошалар қилар эдик икковимиз,
Уйқу деган касат ортар кишига.

Билолмадим кўнглингдаги ишингни,
Кундан-кунга вақтларингиз хуш энди,
Уйқу деган ҳар вақтга лозимдир,
Уйқудан кўтаргин ойим бошингни.

Мен яхши кўраман бежой ўзингни,
Менга айтгин кўнгилдаги сўзингни!
Бемаҳалда ухлаб қолдинг Юнусжон,
Ойимжон уйқудан очгин кўзингни!

Иш кўп эди ухлаб қолдинг бегумон,
Сайдо солар бир фаслда ҳам замон,
Уйқу деган касофатдир кишига,
Уйқудан кўзингни очгин Юнусжон!

Мен қочирдим ақл билан ҳушимни
Учирдим Гулшандан булбул қушимни.
Уйқудан кўзингни очгин ой Юнус,
Қилиб бергин кўнглимдаги ишимни!

Гулқиз Юнусни турткилади. Юнус жўрттага хўрр, хўрр этаверди. Гулқиз айтди: «Бўлди, бунинг қирқ кунлик уйқуси тутиб қолди», деди. Буни Юнус эшитди. Аста Гулқиз туриб эшикни очиб кетди. Юнус аста калласини кўтарди. Юнус пари ҳам қорама-қора пойлаб кетаверди. Гулқиз гул бутанинг остига етди. Юнус пари ўзини пана-

га тортди. Ана энди талтайиб Гулқиз «салом алайкум» деб етиб борди. Юнус буни эшитди. Юнус эмаклаб кетиб бораяпти. Гўрўғлибек Гулқизжонга қараб, салласини ўраб, Гулқиз турибди оёғини тираб. Юнус пари пойлаб турди. Ана энди тоза гапини эшитадиган ерда бўлди. Энди Гўрўғлибек Гулқизга қараб бир сўз айтаяпти:

Қулон деган сувсиз чўлда ётами,
Пойлаган мерганлар уни отами?
Қаддингдан кетайин Гулқиз хизматкор
Совчилигинг ростин айтгин, битами?

Айта берсам меҳмон сўзга чеварди,
Иш чиққанда отга солдим эгарди.
Қаддингдан кетайин Гулқиз хизматкор,
Ой Юнусдан менга бергин хабарди!

Мендай полвон бу ерларда ётами?
Кечаси олмадан овқат этами?
Яхши сўздан, яхши гапдан бер хабар,
Илиқ, юмшоқ гап Юнусжон айтами?

Мен ўқийман алиф билан лом, забар,
Темирчининг қўлида пўлатдан табар,
Яхши сўздан Юнус пари айтдими?
Ой Юнус пошшодан бергин бир хабар!

Неча одам мунтазирди изима,
Эсон-омон чиқсам қишдан ёзима,
Ой Юнус пошшодан бергин бир хабар,
Илиқ гап айтдими менинг ўзима?

Нима десам сен ишонгин сўзима,
Давлатимда, ўз элимда, нозима.
Ой Юнус пошшодан бергин бир хабар
Яхши гап айтмайми менинг ўзима?

Ана энди Юнус пари бу гапларни билди. Энди қулоғини солиб турибди. Гулқиз талтайиб, иш битирган киши бўп мардайиб, айтаётган сўзи:

Йигит банда Гулқизжоннинг кўзига
Хол ярашар Гулқизжоннинг юзига,



Билиб келдим кўнглингдаги борини,
Аввал берарингни кўрсат кўзима!

Аввал бергин ростин айтсам ўзима,
Энди билсам ўзбек элга тўрасан,
Ўлмасанг қизларман даврон сурасан.
Билиб келдим кўнглингдаги борини,
Хизмат ҳаққинама нима берасан?

Ё ўламан, ўзим одам бўламан,
Чин сидқидил хизматингни қиламан,
Аввал бирор нарса бергин ўзима,
Ой Юнусни сизман бирга қиламан!

Қизлар билан томошага боғ яхши,
Олқор билан қузишгани тоғ яхши.
Аввал берарингни кўрсат кўзима,
Нима берсанг Гулқизжонга ноғ[1] яхши!

Гул бутанинг яхшисини тераман,
Сочгинамни тўқсон тоқиб тураман,
Нима берсанг аввал нақд бер, қаддингдан,
Анданкай Юнусга олиб бораман!

Яхши хизмат ўзим сизга қиламан,
Ҳарна бўлсам сизи билан бўламан.
Бежойин уйқуси қаттиқ Юнуснинг,
Олиб бориб қўйнига соламан.

Зўр бўлмай душманга савдо солмайди,
Офтоб тегмай боғдаги гул сўлмайди.
Аввал берарингни кўрсат кўзима,
Олиб борай Юнусжоннинг қўйнига.

Энди Юнус туриб кетди. «Бу менинг қўйнима олиб боради. Бунинг андозасини олдим. Энди бу бечора бирор нарсасини олсин. Мен шу палла билдирсам Гулқиз уялиб қолади. Ҳар гап бўлса бир қадрдон одамим», деди. Бориб кўрпасига кириб ётди. Пар ёстиққа боши чўкиб кетди. Жўрттага пиш-пиш этди.

---

[1] Нақд.

Ана энди гапни Гулқиз билан Гўрўғлидан эшитмак даркор. Гўрўғлибек Гулқизжонга қараб бир сўз айтаяпти:

Куйганингдан гапни гапга улагин,
Мард-номардлигимни сўнгман синагин!
Олиб боргин ой Юнуснинг олдига,
Ундан кейин матлабингни тилагин!

Йўл узоқдир, кўздан ёшим тизилар,
Юнус десам юрак-бағрим эзилар.
Юнусжонни кўрмай берсам бир нарса,
Ўз элимда айтган қасам бузилар.

Нима десанг қабул қилдим сўзингни,
Кўплар кўрдим жавдираган кўзингни
Олиб борсанг ой Юнуснинг олдига
Катта одам қилай сенинг ўзингни.
Оп боргин-да, муддаонгни тилагин,
Бермасам қарғагин, сўнгман йиғлагин!

— Нима берасан?— деди Гулқиз.

— Нима тиласанг шуни бераман,— деди Гўрўғли. Гулқиз Гўрўғлидан тилхат олди, жуда ваъда қилди. Ана иш ўнгидан келди. Юнус пари тошдай қотиб ухлаб қолди. Гулқиз Гўрўғлини яртиб олиб кетди. Аста-аста Юнус парининг олдига етди. Гўрўғлибек шундай (қаради): Юнус парининг қош-кўзлари ойдай, товлинаган юзлари, шакардан ширин сўзлари. Гўрўғли маст бўп кўйнига кириб кетди...

Энди Ширвонда Райҳон подшодан эшитмак даркор. Райҳон подшонинг қизини Гўрўғлибек оп қочиб келган эди. Райҳон подшо арабларни йиғиб, кўп молларни сўйиб, гўштига тўйиб, бир сўз айтаяпти:

Арабларим эшит менинг сўзимни,
Етимак Гўрўғли босган изимни.
Маслаҳат бер подшойингга араблар,
Олиб қочиб кетган Зайдин қизимни!

Куйдириб кетганди кулба хонамни,
Ўртаб кетган менинг гулдай танамни.



Арабларим маслаҳат бер ўзима,
Олиб қочиб кетган Зайдин боламни!

Елғиз қизим ранги гулдай сўлганди,
Туркман элда мусофир бўп қолганди.
Қариндошлар менга беринг маслаҳат,
Гўрўғли ўзима жабр қилганди.

Ғиротни ўз отимдан ўрчитганди,
Худо деган муддаога етганди.

Қариндошлар менга бергин маслаҳат,
Ой Зайдин қизимни олиб кетганди!
Ширвон дейди ўсган вилоятимни
Кимга айтай юрагимда дардимни?
Гала араб менга бергин маслаҳат,
Зайдиной боламни олиб кетганди!

Чўх савдони ўзим солмасам бўлмас,
Кўп қирғинни бориб қилмасам бўлмас.
Сўзима қулоқ сонг жами араблар,
Ой Зайдинни олиб келмасам бўлмас!

Эшитинглар Райҳон араб сўзини,
Ҳар ким кўнгли мард билмайми ўзини?
Қаватимда турган жами араблар,
Оп келайин Туркман элнинг қизини.

Элсарида қулатайин лошини,
Ғажирларга торттирайин гўшини.
Маслаҳат бер сатта араб қариндош.
Кесиб келай туркманларнинг бошини!

Бедов минган қамчилардан чотганди,
Хафа одам қони зардоб ютганди.
Сўзима қулоқ сонг турган қариндош,
Ой Зайдиним қони зардоб ютганди!

Гўрўғлибек гулларни терган эмиш,
Одам бўлиб салтанат қилган эмиш,
Аҳмадбекка ой Зайдиндай боламни
Зўрлик қилиб йиғлатиб берган эмиш.

Юринглар араблар Евмит борайик,
Евмит бориб чўк савдолар қилайик!

Ёлғизгина болам йиғлаб ётгандир,
Бориб фарзандимни олиб келайик!

Ебир-есир қилиб Ёвмит элини,
Зайдинжондан бориб хабар олайик,
Ё ўлайик, Зайдинни оп келайик.
Соғиниб қолгандир ёлғиз фарзандим,
Бориб туриб бирор хабар олайик!

Сўйлади Райҳондай подшонинг тили
Қайтай менга тушган душманнинг хили.
Бундан ортиқ зулм борми, ёронлар,
Сўзима қулоқ сонг Ширвоннинг эли?!

Ана энди Райҳон подшонинг вазирлари Арабистон шаҳрида йиғилишиб, ҳаммаси биров-бировига қараб, Тўғон араб деган (биров) Райҳон подшога қараб бир сўз айтаяпти:

Эшит шоҳим Тўғон араб зорини,
Кўтаринг юракнинг ғуборини!
Маслаҳат ўзингга, Райҳон подшойим,
Йиғиб келсак арабларнинг барини.

Сўндирсак боғидан тоза гулини,
Кора қилсак туркманларнинг ҳолини.
Ихтиёр ўзингда Райҳон подшойим,
Бориб талаб келсак Туркман элини.

Олиб қайтсак қатор-қатор норини,
Нор устига юклаб қайтсак зарини.
Йиғиб келсак арабларнинг барини,
Маслаҳат ўзингга, Райҳон подшойим,

Эшитинг подшойим ўзимдан додни,
Кўп ортмасин сиздай подшо ҳасрати,
Бу иш учун хафа бўлманг подшойим,
Гўрўғлидан олиб келамиз лотни.

Ёвлаб бориб бузсак кирдикорини,
Айтолмайман юрагим ғуборини.
Чин нияти ғазога деб қичқиртинг,
Талаб қилсак Ўзбекистон борини.



Билмаганин туркманларнинг билдирсак,
Чекиб ханжар қора бағрин тилдирсак.
Унинг учун хафа бўлманг подшойим,
Туркманистон шаҳарини ўлдирсак.

Гўрўғлибек бир жойга кетган эмиш,
Олма, анжир боғлардан отган эмиш;
Шу вақтларда беэга қоп Туркман эли,
Гўрўғлибек кўп узап кетган эмиш.

Шу палла босамиз бориб изини,
Сарғайтирсак бориб ойдай юзини,
Ўлжа қип қайтамиз сулув қизини.

Ширин жонни ҳаммамиз сотамиз,
Иншоолло ўчни олиб қайтамиз,
Шу палла борсак Ёвмит шаҳрига,
Сулув қизин ўлжа қилиб қайтамиз.

Раҳм айламанг тарабларнинг ҳолига
Ё ўлинглар, ё олинглар араблар.
Ёппа-ёвлик юринг Туркман элига.

Энди юринг Гўрўғлининг қасдига,
Отни чопинг ҳам баланду пастига,
Хабар қилинг бари қишлоқ, шаҳарга,
Ёппа юринг Туркман элнинг устига.

Йиғлайман оллога ўзим зору зор,
Балога бўлмайин тағи гирифтор.
Ёппа-ёвлик юринг Туркман элига
Сўзима қулоқ сонг турган ёронлар,

Ўртаб кетди менга душманнинг хили,
Ўрдакни маст қилар чалқиган кўли.
Ёппа-ёвлик юринг улкан араблар,
Юринглар, ёронлар Ширвоннинг эли.

Ҳазил билманг Тўғон араб сўзларин,
Сарғайтиринг душманларнинг юзларин!
Ёппа юринг Арабистоннинг шаҳри,
Ўлжа қилиб келинг сулув қизларин!

Ана энди ҳар тарафга хабарни қўйиб, сап соқоли ўсиқ арабларни йиғиб, одам битканни қуртдай қайнатиб, Туркманни талаб келмоққа шартнома қилди. Холжувон Райҳон подшонинг хотини эди, Гўрўғлибекнинг чечаси эди. Райҳон араб Холжувонни оп қочиб зўрлик билан хотин қилиб эди. Холжувон бечора элига (буларнинг) борарини билиб, кўшкдан арабларга қараб, бошмоқлаб бир сўз айтаяпти:

Қулоқ сонглар Холжувоннинг тилига,
Йўл юрарсан Тажан дарё чўлига!
Туркман деган бежойин зўр элатдир,
Борманглар, араблар, Туркман элига!

Йўлиқарсан туркманларнинг қаҳрига
Чидамассан Гўрўғлининг заҳрига!
Мен сенга ростини айтай араблар,
Мени десанг, борма Туркман шаҳрига!

Билмаганинг туркманларим билдирар,
Найза билан юрак-бағринг тилдирар,
Мени десанг, борма Туркман шаҳрига,
Битта қолмай ҳаммангизни ўлдирар!

Ғажирга беради борсанг гўштингни,
Элсарида қулатади лошингни,
Борманглар ҳаммангиз Туркман шаҳрига,
Кесиб ташлар танангиздан бошингни!
Қилиб қўяр туркманларим ишингни,
Синдиради оғиздаги тишингни!

Турна қўнар Сосиқ деган кўлига,
Сен борасан Жанпарининг элига,
Мени десанг, борма ҳаргиз Евмитга,
Дучор бўларсан одамхўр қўлига!

Туркман элга талтайишиб борасиз,
Бориб туриб Хуросонда ўласиз.
Мени десанг, борма Туркман элига.
Бир балодан қутулолмай қоласиз!

Ғарот қилар келиб Ширвон шаҳрингни,
Бир борсанг сира очмас баҳрингни.



Мени десанг, борма Туркман элига,
Ўлдиради одамхўрлар барингни!

Уларнинг танида йўқдир уяти,
Ҳаммасининг бежойин кўп ғайрати.
Борсанг ҳаммангни уриб ўлдирар.
Одамхўрдир Туркман элнинг йигити.
Борманглар ҳаргиз Туркман элига,
Раҳм қилмас одамзоднинг ҳолига!

Ҳаммаларинг банди қилиб бойлайди!
Евлик куни қўрқмагин деб сўйлайди.
Фалокатин қисиб борсанг жуйқонсиз,
Ҳаммангизни каман ташлаб бойлайди.
Одамхўрдир Евмит элнинг йигити.

Соқолингни қирқиб арқон қилади,
Қул қилиб ҳаммангни молга солади.
Қул қилиб барингни банди қилади,
Мени десанг, борма Туркман элига!

Раҳми келмас банди қилар ўзингни,
Нима десанг қабул қилмас сўзингни.
Одамхўрдир Евмит элнинг йигити,
Туртибгина ўйиб олар кўзингни.
Борманглар, араблар, Евмит элига.
Раҳм айлаиглар фуқаронинг ҳолига!

Холжувон бечора шунча тапларин айтди, «Борманглар» деб, жуда аччиғи кеп кетди. Шунда Райҳон подшо Холжувонга қараб бир сўз айтаяпти:

Эгам раҳм қилгай мендай кишига,
Йиғлаганнинг ёқаси хўл ёшига.
Яхши ният — бутун нондир, қаддингдан,
Рад берма талабга кирган кишига!

Холжувон эшит Райҳоннинг тилини,
Урдак лойлар чалқиб ётган кўлини,
Рад берма талабга кирган кишига,
Талаб келсак бориб Туркман элини!

Қулоқ солгин сўзининг ёлғон ростига,
Зеҳнингни қўй сўзимнинг пайвастига!

Фарзанднинг ишқи ёмон ўзима,
Ой Зайдиндай қизим тушди эсима.

Эсга тушиб ота деган сўзлари,
Эсима тушипти ойдай юзлари,
Ёлғиз қизим бежойин кўп соғиндим,
Эсима тушипти ширин сўзлари.

Уруш куни қалқонимни ёпиндим,
Мисли ўтдай менинг ўзим қопиндим,
Рад берма талабга кирган кишига,
Ой Зайдин боламни бежой соғиндим!

Хўрсинибман айтолмайман сўзимни,
Қаратаман ётган жойга кўзимни.
Рад берма талабга кирган кишига,
Мен соғиндим ой Зайдиндай қизимни!

Аҳмадбекнинг калласини олайин!
Билганимдай баччағарни қилайин!
Калласини ўзим ёнбошга бойлаб,
Ой Зайдин қизимни олиб келайин.

Райҳон подшо дейди менинг ўзимни,
Гўрўғли етимак босган изимни.
Рад берма талабга кирган кишига,
Кўрсам бўлар Зайдинойдай қизимни!

Сарғаяди бунда ойдай сиёғим,
Фарзанд ширин, уйилибди қовоғим,
Рад бермагин йўлга кирган кишига,
Омин деб дуо қил энди севдигим!

Ана энди теваракдан лашкар келиб, арабларнинг бари тўп бўлди. Ёвмитни бориб талон-торож қилмоққа қарорнома қилиб, ёвгарчилик бўлди.

Энди Райҳон подшонинг халойиққа қараб айтаётган сўзи:

Қулоқ сонг араблар айтган сазога,
Гўрўғлини ўзим берсам жазога,
От-анжомни ҳаммаңг менинг, халойиқ
Ёппа-ёвлик юраверинг ғазога!



Эсон-омон бунда қайтиб келгаймиз,
Туркмандан бориб ўчни олгаймиз,
Биттанг қолмай юргин Туркман элига,
Бориб Гўрўғлидан ўчни олгаймиз!
Эсон-омон қайтиб бунда келгаймиз!

Ўртади бизларни тарафнинг хили,
Илоё кесилсин душманнинг тили!
Омон бўлинг тағи қайтиб кўргунча
Дуода бўнг жами Ширвоннинг эли!

Йигитни куйдирар сулувнинг нози,
Қоши қора Тажан дарё қундузи.
Омон бўлинг яна қайтиб кўргунча,
Омон бўлинг Ширвон элининг қизи!
Омин денглар гала турган азизи.

Юрагимдан кетган ваҳмман чер-а
Қишнинг куни тоғда бўлади қор-а.
Ёвмит элга ғазо қилиб бораман,
Омин денглар гала турган фуқаро!

Обод қилсам Ширвондайин юртимни,
Белга бўғсам яшиндайин пўлотимни,
Омин денглар қизи жувон халойиқ,
Гўрўғли, Туркмандан олсам лотимни!

Энди Холжувон дарров бир одамни юбориб Ёвмитга қараб чоптирди:

— Бориб хабар бергин! Араблар уруғлашиб, лашкар тортиб Ёвмитни бориб ғорат қилишга қарор қилди. Тез фурсатда бориб билдиргин,— деди-да, бир чанаш танга берди, бир йўрға берди. Элчи йўрғани миниб ўн кун отнинг жонига, ўзининг жонига жабр қилиб, бир ойлик йўлни ўн кунда олиб Ёвмитда подшоликка келди.

Ана энди Холжувоннинг элчисига қараб Темирхон, унинг олисдан келганлигини билиб, бир сўз айтаяпти:

Бир юртга матони юклар қалъачи,
Шамолда силкинар туғнинг ёғочи,
Ўн бешда тобланар қизларнинг сочи.
Рангингдан қон қочиб кепсан олисдан,
Келганинг маънисин айтгин арзачи!

Подшонинг бошида бўлмайди тожи,
Элдан йиғилган ҳам хирож, божи,
Ол жонига, ўз жонига жабр қип,
Менга айтгин бунда келган арзачи!

Подшонинг олдида борди сатранжи,
Ҳар нарсага етар милтиқнинг кучи,
Билишимча олис юртдан келибсан,
Келганингнинг важин айтгин, арзачи!

Отингнинг жонига жабр қилибсан,
Олис йўлни ўзинг калта қилибсан,
Ўткир қамчи от этига чолипсан,
Келганингнинг важин айтгин арзачи!

Устанинг қўлида бўлади табар,
Ишқибоз айтади алифман забар,
Оша юртдан мунда келган арзачи,
Яхшиликми, ёмонликми бер хабар!

Ана энди Арабистондан келган элчи қаддини ростлаб олиб, бир сўз айтаяпти:

Кўп бўлмасин ҳеч одамнинг гуноҳи,
Подшонинг олдида бордир сипоҳи,
Тақсиржон арзимни баён айлайин,
Сўзима қулоқ сонг, Ёвмит подшоҳи!

Нағалчи олло деб урар табарди,
Отларга солинган сарпой эгарди(р),
Кўрганимни бир-бир айтай подшойим,
Бир аёл ўзимни бунда юборди.

Сўз чиқади йўловчининг тилидан,
Қутулгаймиз ёмонларнинг хилидан,
Кўрганимни айтаверай мен сизга,
Хабарчи бўп келдим Ширвон элидан.

Холжувон ўзимга кўп гаплар айтди,
Элатим деб сизлар учун қон ютди,
Кўрганимни айтаверай мен сизга,
«Тез бор», деб Холжувон мени жўнатди.



Энди бўлди Туркман элига тарафлар,
«Тез боргин», деб Холжувоной юборди,
Ёвмит элга лашкар тортди араблар.

Араб биткан Ширвон элда йиғилди,
Семиз моллар кунда-кунда сўйилди,
Холжувон «боргин», деб мени юборди,
Йиғилишди ҳамма ердан араблар.

Туркман элга савдо соламиз, деди,
Қизларин банди қип келамиз, деди,
Ўз кўзимман кўриб келдим йиғинни,
Туркман элни талаб келамиз, деди.

Қулоқ солинг мендай меҳмон тилига,
Олло раҳм айласин ҳар ким ҳолига,
Кўрганимни айтаверсам, подшойим,
Бектош араб келар Туркман элига.

Сўзлайверсам айтган сўзим эп бўлди,
Евғарчилик ўзи катта гап бўлди.
Кўрганимни айтаверай, подшойим,
Тухми араб йиғилишиб тўп бўлди.

Бектош араб қовоқлари уйилиб,
Хитойи қосага майлар қуйилиб,
Мен сизга айтайин кўрган сирларни,
Арабистон ёвлаб келар йиғилиб.

Келиб хароб қилар Туркман элини,
Булбул сайр этар боғнинг гулини.
Тараддини дарров қилинг, подшойим,
Бектош подшо талар Туркман элини.

Сўйиб ейди ёйилиб юрган молини,
Сўндирарди очилганда гулини,
Қарорнома қилди жами араблар,
Тўс-талқон қилади Туркман элини.

Агар зўрлик қилса келиб араблар,
Ундан кейин ҳолларингиз хароблар.
Тараддини дарров қилинг, подшойим.
Йиғилишди сап соқолли араблар!

Раҳм этмайди хотин-қизнинг ҳолига,
Ҳеч ким тушмас[1] бир нечасин тилига.
Тараддини дарров қилинг, подшойим,
Яқинда кеп қолар Туркман элига!
Қоровул қўйинг Асқар тоғ белига!

Темирхон Гўрўғлининг ноиби эди. Темирхон бир сўз айтаяпти:

Кўзлари шаҳлолар, юзи анварлар,
Кўклам куни томошади ёронлар,
Ширвон эли бежой маслаҳат қипти,
Йиғилишинг Туркман элдан сардорлар.

Юрагимга тушди арабнинг хили,
Сўнани маст қилар Ойдиннинг кўли.
Йигитни мас(т) қилар Ирамда пари,
Йиғилишинг Туркман элнинг сардори.

Эшитинглар жами бийлар сўзимди,
Кўп единглар кулчатойман тузимди,
Сардорларим, йиғилинглар ҳаммангиз.
Нима гап бекларим энди лозимди?

Ҳар тарафга хати-хабар қилинглар,
Такага, Марига, Элсари, Қизил,
Урганчнинг элига хабар қилинглар!
Тўним кийиб телпак олган амалдор,
Арабларнинг тараддисин қилинглар!
Ҳаммаларинг иттифоқ бўп олинглар
Ёппа-ёвлик Туркман эли келинглар!
Арабларнинг иложини қилинглар!

Араб келса, талаб кетар сизларни,
Ўлжа қилиб ҳайдаб сулув қизларни.
Зўрлик қилса ўйиб олар кўзларни:
Раҳм айламас ўлдиради сизларни,
Сардорлар, маслаҳат қандай бўлади?

Жун босган араблар бунда келмасин,
Келиб туриб элни ғорат қилмасин,

[1] Тушунмас.



Илгари тарадди қилинг сардорлар,
Бирдан келиб кўп овора қилмасин!
Қайғу-кулфат фуқарога солмасин,
Тараддини дарров қилмоқ лозимдир,
Тумсқиндан[1] бирдан келиб қолмасин!

Ана энди ой Зайдиннинг эри Аҳмадбек қутуриб, шердай барқираб, мас(т) туядай гуркираб тасалли бериб бир сўз деяпти:

Ёмон билан бўлма сирдош,
Қўрқоқ билан бўлгин сен ғаш,
Бир мард билан бўлсанг йўлдош,
Душманингга отади тош,
Ғам ема, асли ғам ема!

Олдим арабнинг қизини,
Сарғайтирайин юзини,
Жун босган араблар келса,
Ўйиб олайин кўзини.
Ғам ема, Темир, ғам ема,

Тушов қилай салласини,
Талаб келай тилласини,
Туяга ортай ғалласини,
Юлиб ташлай калласини.
Ғам ема, беклар, ғам ема!

Агар келса тарабларни,
Бўлган куни харобларни,
Тўс-тўс қилиб ўлдирайин,
Ундан келган арабларни,
Ғам ема, беклар, ғам ема!

Сарғаймаса менинг юзим,
Ҳангамада чиқар сўзим,
Жами араб бунда келса,
Ҳамма арабга ёлғиз ўзим,
Ғам ема, асли ғам ема!

Қоқиб олайин тишини,
Қилай душманнинг ишини,

[1] Тўсиндан.

Майли бўлса келаверсин,
Қулатай унинг лошини.
Утларга ёқай гўшини,
Ғам ема, асли ғам ема!

Ана энди ҳуркинчилик бўлиб, ҳамма элдан одам битган келаверди. Ҳамма кеп жам бўлди. Аҳмадбекни сардори лашкар қилди. Энди Темирхондан эшитмак даркор:

Ҳеч ким қолмасин дарак беринглар,
Подшоликда бундан буён туринглар!
Сўзима қулоқ сонг турган халойиқ,
Душман келса битта қўймай қиринглар!

Зўр ҳўкиздай бўлиб келса суринглар,
Туркман борсанг отнинг ёлин ўринглар,
Кечаликка тинмайгина юринглар!
Кундуз бўлса тўп-тўп бўлиб туринглар!
Жуп босган араблар келса ўт чақар,
Банди қилиб душманларни қиринглар!

Айтиб туринг келган гапнинг мақолин,
Асли қилманг уруш куни тақалин,
Оч бўридай бўлиб тинмай уришиб,
Қирқиб олиб арқон қилинг соқолин!

Асқар тоғдан бери қараб ошмасин,
Элсарига битта лашкар тушмасин!
Уламан деб асли қўрқманг жамоат.
Асқар тоғнинг тумшуғидан ошмасин!
Қўрқоқларнинг асли тапин олманглар!
Иғвогарнинг айтганини қилманглар.
Урушдан бўлакни асли деманглар!
Иттифоқ битади, жанжалчи йитар.
Ширвон элни қаратмайин қўйманглар!

Раҳм айламанг арабларнинг ҳолига,
Ботирлар боради уруш мўлига.
Келгандан кай қон тўкишиб халойиқ,
Ёппа-ёвлик юринг Ширвон элига!

Давлатлининг элда кўпдир хотири,
Ёвга чопар эр йигитнинг ботири.





„Юнус пари“ достонига.

Райҳон араб бир кун ёвлаб келганда,
Аттанг ўтар Гўрўғлининг кадри!

Минг қўшчига бир бошчидир халойиқ,
Юрт эгаси Гўрўғлибек бўлмади.
Ўз кўзиман шу урушни кўрмади,
Сардор бўлиб тўп остида турмади.
Араблрман катта жанжал қилмади.

Ёвда қайнар эр йигитнинг мияси,
Чиқмагай-да ҳеч одамнинг чияси,
Талатўп бўлганда Туркманнинг эли,
Аттанг, бўлмади Туркман эгаси.

Бирор дарак чироғимдан бўлмади,
Хату хабар Гўрўғлидан келмади,
Бозорчидан, юрт кезгандан сўранглар,
Ҳеч бир дарак чироғимдан бўлмади.

Гапни гапга қариндошлар улади,
Қорада кўрсак қорнимиз тўқ дейишиб,
Шукур қилиб ҳарна дамга барча одам,
Гўрўғлининг эсонлигин тилади.

Ана энди гапни араблардан эшитмак даркор. Райҳон поппонинг айтаётган сўзи:

Қулоқ сол араблар тилига,
Ораламанг боғда гулига,
Карнай тортинг, сурнай тортинг,
Энди юринг Ёвмит элига!

Гоҳи тоққа, гоҳи чўлга,
Ғулғула солг Ёвмит элга,
Раҳм этманглар асли ҳолга,
Отни чопинг сувсиз чўлга,
Талаб қилинг Туркман элга!

Мининглар отнинг устига,
Чўян бош калтак бастига!
Ёппа-ёвлик юраверинг,
Энди Туркманнинг қасдига!
Тиши оппоқдай дурини,

Қилинг ишнинг табғирини,
Ўлдиринглар сардорини,
Қирингиз туркман барини,
Талаб олинглар зарини!

Етаклаб келинг норини!
Ғорат қилиб бузиб кенглар,
Бориб Ёвмитнинг шаҳрини!
Банди бўлган кай қул қип сотинг,
Туркман элнинг бекларини!

Ана энди шодиёна уриб отланиб арғблар чоқ бўп келди.

Райҳон подшо билмаганин билдирди,
Хушвақт қилиб мийиғида кулдирди.
Қўлтиғидан суяб сап бой араблар,
Жонивор бедов отига миндирди.
Чўққидай қип оти устига қўндирди.
Раҳм қилмас тухми Туркман ҳолига,
Миниб олди чин тулпорнинг белига.
Қирқ ботмон чўянни қилган бошига,
Шол калтаккинасин берди қўлига.
Соқолини тирқиратиб таради,
Тивит салласини бошга ўради,
Кетар бўлиб энди Ёвмит шаҳрига,
Теваракка Райҳон подшо қаради.

Ана энди Райҳон подшо дуогўй мўйсафидларга қараб бир сўз айтаяпти:

Гўрўғлибек душман менинг ўзима,
Ўқлар отсам кўлда сузган ғозима,
Ёппа-ёвлик Ширвон элнинг каттаси,
Талаб қилдим ой Зайдиндай қизима.

Омин деб дуо қинг менинг ўзима,
Ўларгинам кўринмайди кўзима.
Хафа бўлсам оқ юз тушар тизима,
Халойиқлар дуо қинглар ўзима,

Талаб қилдим ота деган қизима,
Зайдин кетгандан кай ҳолим хароблар.



Талаб қилдим ёлғизгина қизима,
Омин деб дуо қинг улкан араблар!

Сарғаймасин ҳеч одамнинг юзлари,
Олисдан кўринар отнинг бўзлари.
Чини билан дуо қилинг ҳақима,
Йиғилишган Ширвон элнинг қизлари!

Ана энди бу Холжувон товусдай таралган, беллар буралган, сочи таралган, кунда тўқсон тусли кийимга ўралган, асли Аҳмадбекнинг хотини эди. Шуни бир куни Райҳон опқочиб кетиб эди. Гўрўғли бориб Райҳон арабнинг қизини опқочиб келиб эди. Холжувон бир сўз айтаяпти:

Чир Туркманим ўйиб олар кўзингни
Туркманларим подшо дейди ўзингни,
Борaринг бўлсин, келаринг бўлмасин,
Ёвлаб борсанг, ўлдиради ўзингни.

Ёвмит элни йигитлари бурдайин,
Ҳангамада тиши оппоқ дурдайин,
Ёвлик куни гуркираган шердайин,
Чиллаларда маст бўлган нордайин.

Елкалари тақир бўлган қирдайин,
Туркманнинг йигити бари эрдайин,
Борaринг бўлсин, келаринг бўлмасин,
Илоё йиқилиб ўлгин жун соқол!

Отгинангни ҳар тарафга жилгайсан,
Нима десам айтганимдай бўлгайсан,
Илоҳи йиқилиб ўлгур жун босган,
Биттанг қолмай борганингинанг ўлгайсан.
Ўйнаб бориб йиғлаб қайтгин, қирилгур!

Очилганда тоза гулинг сўлгайсан,
Ҳали ҳозир тўда-тўда бўлгайсан,
Ҳаммангнинг сафаринг хатарли бўлсин,
Бориб туриб ўмбалоқ бўп ўлгайсан.
Илоё чўпчилаб ўлгин араблар,

Мусофирман кетган кўзимнинг ёши,
Қайтайин бул ишлар худонинг иши,

Ерга тушмас Холжувоннинг қарғиши,
Боранинг бўлсин, келаринг бўлмасин,
Илоё қон бўлиб ўлгин араблар.

Энди Райҳон араб Холжувонга қараб бир сўз айтаяпти:

Оқарга сув берар ёмғирнинг қоқи[1],
Жонларни қутқармас ажалнинг ўқи.
Бундай десанг сен талабли арабга,
Оғзингга тош билан тупроқ шаллақи!

Кўллагай бандани яратган ҳақи,
Яхши гап қайтайин кўнгилнинг тўқи,
Чакки-чукки сандирайсан бизларга,
Оғзингга тош билан тезак, киянки!

Бу гапингга ҳамма бўлди бир қарол,
Ит қарғиши қайтай бўрига ўтмас,
Ҳар нарса деб сандирайсан мочағар.
Юракни айладинг жўнарда сен қон,
Чакки-чукки сандирайсан бизларга,
Оғзингга тош билан тезак, Холжувон.

Райҳон араб айтди:

— Биз билан тарабнамо. Акаларига ёллаб бораман деганга ёмон кўраётир. Туркманлардан кўп қизларни олиб келиб амалдорларимга бўлиб бериб, буни ҳам кўп қип кўяман. Ҳар нима деса деяверсин. Кўнгилларингга оғир олмангдар,— деди. Ана энди Евмитга ой Зайдиннинг лотини олмоққа маслаҳат билан арабларнинг жўнашини кўринг:

Бедовларни диркиллатиб,
Туғ байдоқни сўлқиллатиб,
Карнай-сурнайларни тортиб,
Араблар Евмит жўнади.

Душманга савдо солгани,
Евмитни текис қилгани,
Райҳон араб жўнай берди.

[1] Қоқ — сув.



Евмит шаҳрини олгани.
Араблар Евмит жўнади.

Калтак бовин қўлга солиб,
Араб биткан ғайрат қилиб,
Ширвон элдан лашкар олиб,
Араблар Евмит жўнади.

Булбуллар боғнинг гулига,
Душман чидамас хилига,
Гала араб ларсиллашиб,
Бўйнида жун силдирашиб,
Ҳўкиздай бўп буркирашиб,
Араблар Евмит жўнади.

Урдаклар Ойдин кўлида
Олқорлар тоғнинг белида,
Араб биткан қуртдай қайнаб,
Остида отлари ўйнаб,
Жўнади Евмит элига.

Мўйсафиди туғ кўтариб,
Мешкопларда сув кўтариб,
Ярим жони қув кўтариб,
Араблар Евмит жўнади.

Туркман элнинг йўлин тўсиб,
Қуртдай қайнаб йўлин босиб,
Шохли милтиқлар эгнида,
Пилтаси тўқайдай сасиб,
Араблар Евмит жўнади.

Шамол турса соқоллар ийнидан ўтди.
Мурти тип-тикка бўп кетди,
Чўлларни босиб ҳайбати,
Бўйнида жун силпиллатди,
Ўзбек тушунмас тилига,
Араби тил билан сўйлаб,
Добилни эгарга бойлаб
Туркманнинг шаҳрини пойлаб,
Гана ерга лашкар тайлаб,
Араблар Евмит жўнади.

Евмитни вайрон қилгани,
Ажали етган ўлгани,
Гала араб тўп-тўп бўлиб,
Лашкар чўлда саф-саф бўлиб,
Қўлида калтак чўп бўлиб,
Ғулдирашиб, чулдирашиб,
Араблар Евмит жўнади.

Талатўпларни қилгани
Евмитни чўлга солгани,
Барқирашиб, гуркирашиб
Араблар Евмит жўнади.

Энди булар жўнай берсин, сўзни Гўрўғлидан эшитмак керак.

Юнус пари қирқ кун ухлайди. Гўрўғлибек Гулкиздан рози бўп, қирқ кунгача Юнуснинг ёнида бўлди. Юнуснинг қирқ кун уйқуси битди. Ярим кечага борганда ярқ этиб уйқуси очилиб кетди. Шундай қараса, бир қўл бўйнидан, бир қўл қўлтиғидан ўтиб, маҳкам қип қучоқлаб ётибди. Юнус шуйтиб кўзини очиб теваракка қаради: «Бу нима бало? Мен Раҳмат парининг қизи бўлсам, энам Қария пари бўлса, қандай одам экан, бу менинг қўйнимга кириб ётган?»—деди. Юнус пари калласини кўтариб қаради. Терлаб, кўп қаттиқ уялди. Кел-э, шовқин солсам, дев биткан, пари биткан келар. Бу бечора ўлар. Аввал буни уйғотиб бир гапга солиб кўрай. Ҳар гап бўлса, бўпти. Энди, гапидан маза чиқса, ўзидан маза чиқади. Гапи бетартиб бўлса, ундан кейин калласини олай»,— деди. Гўрўғлини кўкрагидан итариб аста-аста ўзини кетин олди. Гўрўғли буни билди. Маҳкам қип сиқиб, яна қучоқлаб олди. Энди иш қизиқ бўп қолди, дод деса подшонинг қизи, уялади, дод демайин деса, бу қўлидан қўймай тобора Юнусни маҳкам қилади. Юнус пари дев билан уришганда ҳамиша ўзи қувиб тобе фуқаро қип келгувчи эди. Юнус пари шу палла «ҳа» деди. Ҳеч кучи етмади. Энди Юнус пари ётган одамга қараб бир сўз айтаяпти:

Фариштасан ўзинг қайдан келибсан,
Уят-андишани киссага солибсан.
Сен қандай одам эдинг беуят
Уйлаб турсам уят ишни қилибсан,



Уй эгасин аввал рози қилмаган,
Бир худонинг бирлигини билмаган,
Қудратига ўзи бўйинсунмаган,
Беуят меҳмонжон, айтгин сен кимсан?

Оҳ урганда куйиб кетар гулдай тан,
Кўйи Қофда менинг отим Юнусжон,
Рўбарў маҳкам қип мени беркиттинг,
Иссиғладим қўйиб юбор, меҳмонжон!

Гапиргин, эшитай, сенинг сўзингни,
Ушла десам девлар босар изингни.
Сен қандай банда эдинг одамзод?
Кимам бўлсанг маълум қилгин ўзингни!

Авлиё одам бу ерга келади,
Банда келса бу йўлларда ўлади.
Фаришта, малоика бўлса келади,
Фариштами, малоиксан, айт ўзинг?
Уялмаган одам сиз ким бўласиз?

Эшитингиз мендай пошшо сўзини,
Душман босар бедавлатнинг изини.
Рози қилмай сен қучоқлаб ётибсан,
Қария парининг ёлғиз қизини.

Е, билмайман ажалгинанг еттими?
Ажал ҳайдаб, зиён-захмат турттими?
Биров сени оп кеп қўйиб кетдими?
Маҳкам қилиб қучоқлагин шуни деб,
Энам, отам рози бўлиб ияртиб,
Бу қўйнима сени қўйиб кеттими?

Уяти йўқ меҳмон, айтгин ростини,
Бу ерга ажали етган келади,
Ким яхши, ким ёмон худой билади,
Баракалла қойил бўлдим ўзингга,
Уялмаган одам айтгин, сиз кимсиз?

Ана энди Юнусга қараб Гўрўғлибек бир сўз айтаяпти:

Гап эшитгин бу меҳмоннинг тилидан,
Ошиб келдим Бало тоғнинг белидан,

Мен башарман, сен парисан ой Юнус,
Мени сўрсанг (ўзим) Ёвмит элидан.

Эшитгин қаддингдан Юнус додимни,
Айтаверай сен кулоқ сол кўзингдан,
Гўрўғли етимак дейди отимни.

Долвой келса, толпинади қарчиғай,
Уруш куни тортилади нуқра, най.
Момо Ҳаво мени фарзандим деган,
Энамнинг отини дейди Ҳилолой.
Худо ҳайдаб келди бунда Юнусжон.
Отимни азизлар Гўрўғли қўйган,
Бемаза сўзлардан айтма Юнусжон!

Ёвмит келиб, Ёвмит элда жой тутдим,
Кўчаларда ўзим олчиғиз отдим,
Шу Райҳон отидан Ғирни урчитдим
Холжувонни олиб кетди жун соқол.
Холжувон деб ўзим хуноба ютдим,
Ёвмит элда байтал боққан етимман.
Ундай дема, сандирама Юнусжон!

Бир кунлари мен тойчамни йўқотдим.
Тойимни ахтариб, Ёвмитдан чиқиб,
Хитой, Хўтон, Чини Мочин қолмади
Афғонистон, ул Хиндистон қолмади,
Ўзбекистон. Фарангистон қолмади.
Шоми Шариф, Миср юрти қолмади,
Етим тойдан ҳеч бир дарак бўлмади,
Гўрўғлибек бир от деди қон ютди,
Уч йилда Афсарнинг тоғига етди.

Санам чорбоғида юрган экансан,
Болҳовуз бошида кўп қизлар билан.
Икковгинанг май сузиб, мажлис қилиб,
Болҳовуз бошида турган экансан.

Кўрган тушим яхшиликка йўрадим,
Ёмон салла мен бошима ўрадим,
Ўртада турувдинг битта қиз билан
Унинг ўзи ўзингдан сулув эди.



Етим той деб икковингдан сўрадим.
Икковгинанг бизни тентак билдинглар,
Сенга ўхшаб хўп калака қилдинглар,
Бунда кел деб икковгинанг айттинглар,
Жўранг билан хўп калака тутдинглар.

Олтин пиёлага шарбат қуйдирдинг,
Калака қип сенга биз тегамиз деб,
Гўрўғли етимни ик кун куйдирдинг,

Уҳ дедим, ўзим аразлаб кетдим,
Афсар тоғнинг ўзим остига етдим,
Ғиротимни топиб мақсадга етдим.
Хизр билан ҳазиллашган кунларим.

Қулоқ солгин Гўрўғлининг зорига,
Савдо соп душманнинг кирдикорига,
Хизр билан сандирашиб мен ўзим,
Бориб қолдим, ёвтанларнинг горига.

Гўрўғлиман ганни ганга уладим,
Пирлар, Гўрўғлибек тила деганда,
Икковингни хотинликка тиладим,
Наъра тортиб қирқ чилтонлар жўшканди
Шу суҳбатда ақлларим шошганди,
Ундай дема бир оллога ёқмайсан,
Тақдирингни пирлар менга қўшганди.

Ҳадди борми, одам бунда келмоққа,
Қаландарлар мени олиб келганди,
Сенга айтдим, юракда бор дардимни,
Пирлар берган, ўзинг, паризодимни.

Эр Хизр нағаллар қоқиб оёққа,
Пирлар эгарлаб берган Ғиротимни.
Мен сенга ростини айтай Ой Юнус,
Алҳамдулло олдим сенинг ўзингни,
Олиб кеп бер Мисқол паризодимни
Соқибекни устод қилиб ўзима,
Эгарлаб пирлар миндирди отимни.
Ошиқ бўлсанг ҳазар қилма ўзимдан,
Худо берди қучоқладим белингдан.
Такаббурлик қилма ҳаргиз Юнусжон,
Қирқ кун бўлди сўриб ётдим тилингдан!

Ана энди Юнус ўзига ўзи айтди: «Тақдирга табгир йўқ. Мени бу олибди. Энди ўйлаб турсам хотин қилибди. Бу ишимиз уят бўлиб қолибди. Чекка тушган чагра эмас. Кўнгиз оппоғим дермиш, кипритикон юмшоғим дермиш. Энди ў билан илиқ гаплашмоқ даркор»,— деди. Жойидан туриб, кийимларини кийиб, Гўрўғлибекка қараб:

— Энди биз гуноҳ қилсак, сиз адо қилинг. Қиёматлик чўрингман, ўлганча ўйнаб-кулар ёрингман. Худонинг тақдирига тан бердим,— деди.

(Шу чоқ) Гулқиз аста сиғалаб қаради. «Иккови сўзлашаяпти, энди бориб бир сўз айтиб, икковининг уятини тарқатиб келай»,— деди. Гулқиз «ассалому алайкум» деб кириб борди. Юнус уялиб қолди. Гулқизнинг айтаётган сўзи:

Даврон сурдинг Кўйи Қофда бегумон,
Нечовлар ишқингда бўлганди сарсон,
Ё, акангиз, ё тоғангиз келдими,
Меҳмонингиз қутлуғ бўлсин, Юнусжон!

Омонатдир бу танда гартак жон,
На жойдан келибди, иошло меҳмонжон?
Қариндошингиз қидириб келдими?
Меҳмонингиз қутлуғ бўлсин, Юнусжон!

Илгаридан мен таради қилмабман,
Нима десам айтганимча демабман.
Азиз меҳмон қутлуғ бўлсин, Юнусжон!
Ухлаб қопман, дастурхонлар солмабман,
Азиз меҳмон қутлуғ бўлсин, опажон!

Ё учиб, ё отини елдими,
Жойингизга келиб кўнгли тўлдими?
Оғабаччанг, тоғабаччанг келдими?
Қариндошинг сиздан кўнгли тўлдими?
Қутлуғ бўлсин келган меҳмон, ой Юнус!

Томошага қизлар чиқиб шайлансин,
Оқадиган тиниқ сувлар лойлансин!
Қайдан келди яхши одам бу ерга?
Меҳмонингдан жасадда жон айлансин!

Айрилмасин ҳеч мусулмон имондан,
Қачон чиққан экан манзил макондан?



Бул танам айлансин келган меҳмондан,
Меҳмонингиз қутлуғ бўлсин, опажон!

Дона-дона холлар қўйдим юзима,
Қулоқ солинг, Юнус пошшо сўзима!
Меҳмонингиз қутлуғ бўлсин, опажон,
Шу меҳмонни айтиб беринг ўзима!

Ана энди Юнус пари билган йўқ экан деб, бир сўз айтаяпти:

Кўйи Қофнинг тоғ тарафи сувсиз даш(т),
Байталимсан сенинг ўзинг кўп бебош,
Хизматкор меҳмондан хабар олмайми?
Санам чорбоғидан кепти қариндош.

Уруғдошим мени излаб келипти,
Бир нечалар «ким» деб жанжал қилипти,
Яхши зиёфатлар, тўнлар лозимди,
Сен эсликсан, билиб қўйгин сўзимди,
Яхши зиёфатлар дарров лозимди.

Эшитгин Гулқиз ўзимдан додни,
Бул меҳмоннинг билдинг ҳасрати ортди.
Меҳмонжонга тез қилгин зиёфатни,
Олиб келгин асал билан шарбатни.

Яхши гапдан қариндошга сўйлагин,
Сен ёмон гапирма ортин ўйлагин!
Тақсиржон деб иззат қилиб меҳмонни,
Бежойин кўп шу меҳмонни сийлагин!
Терлик таом дарров тайёр айлагин,
Одам бўлмасин ҳар ёқда бўйлагин.

Гулқиз санам энди вақтин хушлади.
Бошни чайқаб, лабларини тишлади.
Дастурхонлар ёзиб, кўнгли тўқ бўлиб,
Меҳмоннинг Гулқизжон вақтин хушлади..

Ана энди Гўрўғлини панага солиб, Гулқиз хизматни қилди. Энди Гулқизнинг ишини қаранг:

— Билдим, билдим. Икковингиз бирор нарса берасизми, бермайсизми,— деди. Ой Юнусга қараб:—Юришинг бошқа бўп қопти,— деб бир сўз айтаяпти:

Нималар сарғайтти ойдай юзингни?
Билиб куйдим Юнус пари ўзингни,
Аввал берарингни кўрсат кўзима,
Билиб куйдим икки қаллоб ўзингни.

Ким оп кеп кўрсатди сенинг эрингни?
Биров оп куйибди юзда нурингни.
Аввал берарингни кўрсат, Юнусжон,
Сен қариндош дейсан теккан эрингни!

Бир нарса бермасанг шовқин соламан,
Ҳар савдони икковингга соламан.
Эрга текканга ўхшадинг ўзгинанг,
Бориб мен энангни айтиб келаман.

Юрагингдан кеткарибсан гинангни,
Ўртабсан, шарманда, гулдай танангни
Сенинг ўзинг бир балони қилибсан,
Ияртиб келайин бориб энангни.

Май шарбатин сенинг ўзинг қуйибсан,
Энди билсам шул меҳнатни суйибсан.
Қариндош деб ёлғон айтдинг, ой Юнус,
Шунинг билан биллалашиб ётибсан.

Қариндош бўлгани жонни сотами?
Боққа кирган олма, анжир отами?
Аввал берарингни кўрсат, ой Юнус,
Қариндош қиз билан бирга ётами?

«Ол кетди» деб Гулқиз чўртта бақирди,
Юнус пари «бунда кел», деб чақирди,
Гўрўғлибек имо қилди Гулқизга.
Юнус пари энди жонини сотди.
Гавҳар тошли битта яхши узукни
«Ма, бошингни есин, ҳеч кимга айтма»,
Деб шундай Гулқизга Ой Юнус отди.

Ана энди Гулқиз:

— Тортиб оп қуйсанг узукни олмайман,— деб Юнусдан пора олиб, «эринг қутлуғ бўлсин» дея бир сўз айтаяпти:



Тўкилмагай кўздан қонли ёшингиз,
От чопса чангийди сувсиз дашингиз.
Бирор нарса олмоқ эди бу кўнглим,
Қутлуқ бўлсин, меҳмон — булбул қушингиз!

Юракдан кетипти бу ғуборингиз,
Сарф айласанг давлатингда борингиз,
Икковгинанг қўша қари дунёда,
Қутлуғ бўлсин назаркарда эрингиз,
Яхши бўлсин Юнус тушган eрингиз!

Баданингда мушки заъфарон сасиб,
Нечовларни ўзинг кўкайин кесиб,
Теккан эринг қутлуғ бўлсин, ой Юнус,
Худо қўшса ўзингизга муносиб!

Энди Юнус пари Гулқизга қараб:

— Ҳеч ким билган йўқми?— деб сўради. Гулқиз айтди:

— Худодан ўзга киши билган йўқ,— деди. Ана энди Юнус пари Гулқиз билан Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Девлар кўрса қилар бизларди сангсор,
Етиб туринг Гулшан боғда панада!
Гулқизжон бўлади сиздан бохабар.

Бемаза ган ҳеч чиқмасин тилингдан!
Мени деб келибсан Туркман элингдан,
Бориб ётинг Гулшан боғнинг ичида,
Гулқиз пари хабар олар қолингдан!

Сиздай одам бунда келиб ўлмасин,
Қариндошга қайғу тушиб қолмасин
Гулқиз билан боринг боғнинг ичига,
Ҳеч бир киши, ҳатто жондор билмасин!
Девлар билиб катта ғавғо қилмасин,
Раҳмат пари лашкар тортиб келмасин,
Ғиркираииб яна сизни емасин,
Ҳеч бир одам сири ҳолинг билмасин!
Кимни дўстим десанг, душманинг шудир!

Бу сирлар ҳеч кимга ошкор бўлмасин!
Гулқизжон бу ишга бўлгин эҳтиёт
Сендан бошқа ҳеч бир киши билмасин!

Астагина мен энамга айтайин,
Меҳмон учун хунобалар югайин,
Отали ўғил, хўжали қиз Гулқизжон,
Не яхши ғап бўлса аста айтайин.

Мен энамни айтибгина келайин,
Кечасиман хўб маслаҳат қилайин
Нима бўлса меҳмон билан бўлайин.

Гулқиз тур деб қош ўйнатди,
Эсонлик ғаниматди(р),
Гулқиз пари Гўрўғлини,
Юринг деб иялтиб кетди.

Гулқиз Гўрўғли қошида,
Гоҳ олдига, ён бошига,
Аста-аста бир-бир босиб,
Борди ҳовузнинг бошига.

Чўкка кетмон олиб келди,
Ерни қазиб ертўла қилди.
Мен оқшом хабар олай деб,
Гўрўғлини шунга солди,
Ишини эҳтиёт қилди.
Аттанг-а, қамовда қолди.
Ҳийла билан иш битади,
Гулқиз ишни фириб қилди.

Етган пари, Ҳасан Кўлбар,
Ҳасан Чопсон, Якдастаси,
Юнусжоннинг коровули,
Бу ерга одам кепти деб,
Пари, девлар, бари билди.

Топинг одамни дейишиб,
Ҳасан Кўлбар шовқин солди.
Одамнинг исини олди.
Кўйи Қофнинг дала, даши,
Симобдай тебраниб қолди.

Ҳасан Чопсон жонни сотди,
Тўхтамиш девга кетди,
— Одам кепти, юринг,— деб,



Девнинг подшосига айтди.
Тўхтамиш девни ияртди.
Юнусжоннинг кеп олдига,
Бу одамзоднинг иси,
Юнусжоннинг ётган жойи,
Чўртта бинкиб, сасиб кетди,
Раҳмат пари талатўпда,
Бул ҳам лашкар тортиб етди.
Юнусга тушган ғам бўлди.
Юнусжоннинг энаси,
Париларни ияртириб,
Келди Юнуснинг қошига.

Раҳмат пари, Қария пари, Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Якдаста, Ҳасан Чопсон ҳаммаси етди. Тўхтамишнинг боласи Қора девга ҳам хабар кетди. Қария пари шундай қараса, Юнуснинг бети одам муччилагандай бўлиб, андак хиралашиб кетди. Қария пари биларди ўзи. Ҳар замонда, «Гўрўғли болам келар, Юнусни олар»,— деб, баъзи ерлардан хабар олиб юрарди. Шундай полминак кўрди. Ана энди Гулқизга қараб бир сўз айтмоқчи бўлди. Шу палла Гўрўғлининг оти гулдираб кишнаб юборди. «Ана бу ёқда экан, одам»,— деб, Тўхтамиш дев бирдан туриб кетди. Парилар чапак чалар экан, «бу ерда бир мажлис бўлдими?» деб Қария пари ҳам чапак урди. Тўхтамиш девдан бўлак лашкарнинг бари тўхтаб тўйбоп бўлдик деб ўтириб қолди.

Талатўп бўп Кўйи Қофнинг дашида.
Тўхтамиш дев ғайрат қилиб шовқин соп,
Бориб қолди Ғиркўк отнинг қошига.

Душман босар бедавлатнинг изини,
Кийикдайин ўйнаб жонвор Ғиркўк от,
Шапалохлаб икки оёқман уриб,
Кўр қип қўйди Тўхтамишнинг кўзини.

Ғўлдиратди Тўхтамишнинг ўзини,
Сад офарин Гўрўғлининг Ғирига,
Сарғайтирди Тўхтамишнинг юзини,
Майиб қилиб қўйди чўртта ўзини.

Гўрўғлининг тарафи кеп устига,
Одам қурбон мард йигитнинг бастига.

Қора дев кеп қолди бунинг устига.
Жонивор Ғир ўйнаб вақтин хушлади,
Отам деб Қора дев кўзин ёшлади.
Олқордайин ўйнаб жонвор Ғиркўк от,
Қора девнинг қулоғидан тишлади.
Туёғиман тўбасига муштлади,
Добилни уради ботирлар тоққа.
Гўрўғли борувди Туркмандан якка,
Дуд ўрнади, шовқин солиб фалакка.
Гўрўғли ётибди бул Гулшан боғда,
Ендошмайди Қора Девга ҳеч бир дев,

Девлар кўпди, Гўрўғли ўзи якка.
Томоша айланг назаркарда Ғиркўкка.
Ўлдик дейишиб девлар лабин тишлади.
Юнус билан Гулқиз вақтин хушлади.

Олти оёқли бало кепти бунда деб,
Дев битканлар энди қоча бошлади,
Юриб келган Гўрўғлибек даладан,
Ғиркўк отнинг товушини эшитиб,
Гўрўғли хуш бўлиб чиқди тўпадан.

Пусининг деб Гулқиз кўплар сўйлади,
Ишни ёмон қилдинг деди ўйлади.
Жондан кечиб товуш қилиб Гўрўғли,
Ўткир ханжар бул белига бойлади.

Олло раҳм айласин банда ҳолига,
Узи полвон эди Туркман элида,
Ғайратига чидай олмай Гўрўғли,
Олмос найзасини олди қўлига.

Тўхтамишнинг, аттанг, чироғи ўчди,
Чопиб бориб Қора девнинг олдига,
Қора девни тахти бўйиндан санчди.
Ўлдим деб Қора дев тупроқни қучди.

Найза қиличини қўлига олиб,
Оёғини узангига тиради.
От устида Гўрўғлибек шердай бўп,
Кўзи ўйнаб ҳар тарафга қаради.



Гўрўғлибек Ғиротни миниб аждаҳордай пишқириб Самандар девнинг жунидан тутатди. Жунининг иси бурнига бориб Самандар, биз худога даркор бўлибмиз деб кунжутни сипжит дегунча Бало тоғдан етиб келди. Энди Гўрўғлибек, Самандар девни орқа қилиб жуда кучли бўлди. Самандар дев қаттиқ товуш билан бир сўз айтаяпти:

Юрган ерим Бало тоғнинг даласи,
Тўкилган кўзимнинг қонли даласи,
Хайр қилинг камбағалга, очларга,
Манов ўзи бир худонинг балоси.

Бало тоғда юракларим майирган,
Ёна ердан оёғимни тойирган
Бунинг ўзи уч оғайни сўрасанг,
Олти оёқли қошидаги худойи,
Девни ўлдиргин деб сенга буюрган.

Эшитувдим авлоқ жойда сўзини,
Ўлдирмапти Тўхтамишнинг ўзини.
Раҳми келиб тирик юрсин депти-да,
Ўйиб опти бунинг икки кўзини.

Кўтариб келганман шунинг ўзини,
Ўлдинглар, қилинглар жоннинг ҳийласин!
Бало кеп кўрипти кирдикорингни
Чолдевор қип Кўйи Қоф шаҳарингни.

Жонингнинг ҳийласин қилгин дев, пари!
Ҳали замон ўлдиради барингни,
Бунинг ўзи худойдан келган бало,
Кўйи Қофни қип кетади дабдала.

Аччиғланмай ўлтирибди иккови,
Бургасиман бити бир катта бало.
Кичкина деманглар, қаранглар кўзни,
Билинглар ўлдириб кетади сизни!

Маза чиқди Самандарнинг сўзидан,
Қўрқиб кетди Гўрўғлининг кўзидан
Самандардан бу гапларни эшитиб,
Дев, парилар кетиб қолди ўйидан.

Гўрўғлининг теварағи лашкарга тўлиб кетди.[1] Ана энди Юнус ҳам қўрқиб қолди. Ёмон зўр одам экан деди. Гулқизга қараб, «меҳмоннинг иложини қилгин!» деб бир сўз айтаяпти:

Жонимни жонингга айлайин қурбон,
Ғазабланса тутар Кўйи Қофни қон,
Нечовни айлади йўлларда сарсон,
Насиҳат қил меҳмонингга сен бориб,
Меҳмоннинг иложин қилгин, Гулқизжон!

Бузиб кетар дев, парининг ерини,
Очиб кетар ой Юнуснинг сирини.
Бу меҳмонинг бало экан, чироғим,
Гулқиз қилгин меҳмонингнинг корини!
Девлар кўрди отни, одам зўрини,
Қабул қилдир Юнусжондай парини,
Меҳмоннинг иложин қилгин Гулқизжон?

Қўрқиб кетдим боролмайман қошига,
Қон тўлмасин Кўйи Қофнинг дашига,
Юрагим ёрилди асли бормайман;
Бориб келгин Гўрўғлининг қошига!

Яхши сўзлар билан олдига боргин,
Бориб туриб меҳмон олдида тургин!
Нима деса сен бўйнингни хам қилиб,
Аччиғин тарқатиб сен мени кўргин!
Меҳмоннинг иложин қилгин Гулқизжон!

Янги кўрдик одамзоднинг зўрини,
Томоша айла олдидаги парини.
Ўлдирмасин дев, парининг барини!
Нима деса айтганини қилайик,
Қилиб келгин меҳмонингнинг корини!
Меҳмоннинг иложин қилгин Гулқизжон!

Ўрганишиб қолган, Гулқиз Гўрўғлининг чоғини олган, Гўрўғлига ўзи яхши хизмат қилган. Гўрўғли ҳам Гулқизнинг яхшилигини билган. Ана энди Гулқиз Гўрўғлининг олдига бориб бир сўз айтаяпти:

---

[1] Бу лашкар ғойибдан келиб, Гўрўғлини қўлловчи лашкар эди. (Ред.)



Омонат ўйласам тандаги жоним,
Бизлар гуноҳ қилсак энди кечиринг,
Аччиғингиз тилаб келдим меҳмоним.

Куйганимдан гапни гапга улайман,
Марду номардлигингизни синайман.
Мендай хизматкоринг тушди ўртага,
Фуқаронинг тинчлигини тилайман.

Эшитингиз мендай жоннинг оҳини,
Йиғайин элатнинг бари бойини.
Бизлар хато қилсак, сиз адо қилинг,
Тилаб келдим элатнинг гуноҳини!

Қабул қилинг Юнусойдай парини,
Бориб қилай оймимнинг тўйини.
Бориб туриб дўнгдан ўчоқ ўйдирай,
Яхши сарпой хизматкорга кийдирай,
Гўшт-паловга элнинг қорнин тўйдирай,
Юнусойнинг никоҳини қийдирай.
Аччиғингиз тилаб келдик меҳмонжон.

Яхши хизмат ўзим сизга қилайин,
Ўлгунча сизиман бирга бўлайин.
Аччиғингиз тилаб келдик меҳмонжон.
Салтанат қип чимилдиққа солайин,
Шу мавридга аччиғингни тилайин.

Кеткаринг юракдан қайғуман ўйни,
Бизларам кўрайик Ёвмитдай жойни.
Аччиғингни шу сафар ўт меҳмонжон,
Ўйнаб-кулиб қилай мен катта тўйни.
Аччиғингиз тилаб келдим, меҳмонжон!

Энди гапни Гўрўғлидан эшитмак даркор. Гўрўғли Гулқизга қараб:

— Ишни бопладингми?— деб сўради. Гулқиз:

— Алҳамдулилло бопладим,— деди. Гўрўғли Гулқизга қараб бир сўз айтаяпти:

Қулоқ сол Гулқизжон айтган сўзима
Тўхтамиш дев душман бўлди изима,

Қария париман қилгин маслаҳат,
Нима деса айтгин келиб ўзима.

Ҳар бобдан Гулқизжон кўнглимни тўлдир,
Кетар чоғим бежойин узун йўлдир,
Раҳмат пари билан қилгин маслаҳат,
Нима деса келиб ўзима билдир!

Кўнгил берма мана дунё бепоён
Подшоликнинг амрин қилгин Гулқизжон!
Раҳмат пари билан қилгин маслаҳат,
Нима деса ўзима айтиб келгин!

Қон қилмагин ўзинг Кўйи Қоф дашни,
Қочирмагин ўзинг ақлман ҳушни!
Бориб туриб қилгин ўзинг маслаҳат,
Ёмонлик қилмагин битиргин ишни!

Яхши ерда ёмон савдо бўлмасин,
Неча одам кун кўрмайин ўлмасин!
Бориб париларман қилгин маслаҳат,
Катта жанжал Кўйи Қофда бўлмасин!

Нима деса билдириб тур ўзима,
Нима десам сен ишонгин сўзима,
Юнусжоннинг кўнгли тўлган ўзимдан,
То ўлгунча жонгинамайин сўзимдан.

Гулқизга Гўруғли кўп гапни айтди,
Қуллуқ, деб Гулқизжон туриб жойидан,
Қария парининг олдига кетди.

Раҳмат пари, Қария пари неча парилар билан ўтирганда Гулқиз жўрттага хафа бўлиб етди.

Қария пари Гўруғлини яхши кўрувчи эди. Шунда Гулқизга қараб Қария пари бир сўз айтаяпти:

Худой деган муродига етами?
Бир нечалар олма, анжир отами?
Гулқиз, бўлдинг Гўруғлининг вазири,
Илиқ, юмшоқ яхши гапдан айтдими?

Оқизмасин ёш-қарининг ёшини,
Кулатмасин Кўйи Қофга лошини!



Айтганини менга айтгин Гулқизжон,
То кесмасин одам битган бошини!

Яхши хизмат одамларга қилдингми?
Гўруғлини бориб алдаб келдингми?
Аччиғланса ҳеч нарсадан қайтмайди,
Халойиқ гуносин тилаб олдингми?
Қўшинингни тўхтатгин деб келдингми?

Аччиғланса Гўруғлибек ўр одам,
Урушли кун ўзи бежой зўр одам.
Ўзбек халқи меҳри юмшоқ бўлади,
Сиз биласиз деса ўзи ийиниб,
Хайр деб талтайиб келиб қолади.

Ана энди Раҳмат парига қараб Қария пари бир сўз айтаяпти:

Раҳмат пари дейди сенинг ўзингни,
Гўруғлибек саргайтади юзингни.
Қиштирамай қилгин Юнус тўйини,
Илгаридан олиб қўйган қизингни!

Тойни қараб Гўруғлибек борганди,
Юнус қизинг Гўруғлини кўрганди.
Ёшлигида икковлари топишиб,
Бир-биридан кўнгли тўлиб қолганди.

Мен сенга ростини айтай улағай,
Гўруғлибек Юнуснинги олганди.
Билмайин юрибсан ўзинг бехабар,
Ой Юнуснинг чўртта кўнгли тўлганди.

Кўп йил бўлди биллалашиб қолганди,
Уришайин десам элдан уялдим;
Мен сенга ростини айтсам подшойим,
Ой Юнусинг хизматкор бўп қолганди.

Гўруғлибек Туркман элдан келипти,
Гулшан боғда Юнус меҳмон қилипти.
Мен сенга ростини айтсам подшойим,
Гулқиз янга бўп қалliққа солипти.
Ваъдалашиб, кўнгил бериб иккови,
Бир-бирига яхши хизмат қилипти.

Ростин айтсам олма, анор отипти.
Қанотли қуш баланд тоғдан ўтипти.
Мен сенга ростини айтсам подшойим,
Гўрўғлини олиб келиб Туркмандан,
Қирқ кеча қирқ кундуз билла ётипти.

Шунча гапнинг барин Гулқиз қилипти.
Етаклаб кеп қўйнига ҳам солипти.
Ёш демагил Юнусжонни подшойим,
Энди йиққин Кўйн Қофнинг бегини
Сенга айтди мендай пари ўйини,
Мен сенга ростини айтсам, подшойим,
Жанжал қилмай қила қолгин тўйини.

Худой ўртамагай гартак жонини,
Мен сенга ростини айтсам, подшойим,
Юнусжонинг бағишлаган танини.
Сен кўнмасанг ўзи ваъда айтади,
Ошиқ бўлган қону зардоб ютади.
Икки кўнгил бирдай бўлса ҳеч гап йўқ,
Бари бир Юнусинг қочиб кетади.

Давлатинг бор ҳеч ким тушмас изингга
Энгашсанг оқ юзинг тушар тизингга,
Шунча гаплар айтдим, сенга подшойим,
Қайтайин ихтиёр энди ўзингда.

Ана энди тўй жабдуғини тузаб, Раҳмат пари халойиқ-га қараб бир сўз айтаяпти:

Эшитинглар Раҳмат пари ўйини,
Яхши кўрган бўлса қадди бўйини,
Йиғилишинг оломонлар, аскарлар,
Қизиқ қинглар кўзичогим тўйини.

Боғлардан теринглар олма, норимни,
Кимга айтай юракдаги черимни?
Йиғилишинг сатта пари, кайвони,
Тўй қилиб талатинг, ҳарна боримни!

Мен ўқийин алиф билан забарди,
Ёмон гапга кўнгилгинам қабарди.
Бойбиччамиз кўнган бўлса, парилар,
Тўйга деб ҳар ёққа кўйинг хабарди!



Бир нечанинг ақлларин шоширинг,
Душманларни оша юртга оширинг!
Ўйнаб-кулиб ой Юнусдай қизимни,
Эсон-омон қайин юртга топширинг!

Одамларнинг кўнглини жўш қилинг,
Душман бўлса кўп қаттиқ уруш қилинг!
Тўй қилиб барини йиғиб халойиқ,
Чўричоғим ёмон вақтин хуш қилинг!

Тилла жомларга майлардан қуйинг,
Кир кийимни ташлаб, янгидан кийинг!
Бежой қизитинглар қизим тўйини
Ўйнаб келиб никоҳини қийинглар!

Кўрганларнинг кўнгли ўтдай туташа(р),
Сулувларнинг зулфи бетга яраша(р),
Париларни хабар қилиб йиғинглар,
Кўрган одам маст бўп қилсин томоша!

Гармсел эритар тоғнинг қорини,
Беглар қўлга солади шунқорини.
Юнусжонни уялтирмай халойиқ,
Ўйин қилиб йиғинг сатта парини!

Раҳм айланглар Юнусжоннинг ҳолига,
Булбуллар маст бўлар боғнинг гулига,
Ҳеч кўнглини қолдирмай Юнусжоннинг,
Оп бориб қўйинглар Туркман элига!

Рози бўлдим оллонинг қудратига,
Ким чидайди фарзанднинг ҳасратига?
Ҳеч хафа қилманг, Юнусжонимни,
Оп бориб қўйинглар қайин юртига!

Раҳмат пари дейди менинг ўзимни,
Фуқарога қилай неча нозимни.
Қирқ кеча, қирқ кундуз тўйларин қилиб,
Узатиб оп боринг ёлғиз қизимни!

Ана энди неча мақом ўйинларни қилиб, кеча-кундуз бирдай бўлиб, шавқ-завқи билан тонгнинг отганини, кун-нинг ботганини билмай, қила берди тўйни.

Энди гапни Гулқиздан эшитмак керак. Ана хуфтондан ўтганда эринчакнинг кўзи уйқуга кетганда, Гулқиз париларга қараб, неча мақомларни қилиб, «андаккина гап бор» деб бир сўз айтаяпти:

Қулоқ сонглар, айтган сўзлар,
Хол ярашган ойдай юзлар,
Юринглар катта хизматга,
Дарров юринг сулув қизлар!

Кўндик худойнинг ишига,
Ўсмаларни қўйинг қошга,
Гўрўғлини олиб келсак,
Юнус пошшонинг қошига!

Бўлган гапларни айтайик,
Ширин жонларни сотайик,
Жезнамизни олиб келиб,
Ой Юнусни кўрсатайик.

Юринглар қизлар тезроқ,
Қочмангизлар кенглар берроқ,
Шабкўринг йиқилиб қолма,
Катта йўлга ёқинг чироқ.

Айтманглар ҳеч кимга дарак,
Юнусга Гўрўғли керак!
Ўлмасликдан борми дарак,
Гўрўғлига Юнус керак.

Ғамхона кўнгил жўшайик,
Пойандозларни тўшайик,
Жезна деб олдига бориб,
Салтанатман олиб келиб,
Юнус пошшони қўшайик!
Палов кулчатой ошайик,
Пар кўрпалардан тўшайик,
Бўйинга қўлни солайик,
Олиб келиб жезнамизни,
Чимилдиққа солайик.
Ўзбек элнинг подшосини,
Бориб томоша қилайик!



Иккови мақсадга етсин,
Олма, анор, анжир отсин!
Чимилдиққа оп борайик,
Беш кун дунё ўтар кетар,
Чимилдиқда тор талашиб,
Юнус билан билла ётсин!

Иккови ҳангама этсин,
Гана кундуз ҳам кечаси,
Булбул сайрагандай бўлиб,
Оқ юзидан ҳамиша суйиб,
Бир-бирин меҳрига тўйиб,
Ҳар тарафга сирни ёйиб,
Лой ерларда туя тойиб,
Сувларни ичиб олинглар,
Чопганингда ичинг куйиб,
Гўрўғлини оп келинглар,
Юнусжонни ётсин суйиб!

Кўп парини қимиллатди,
Орқаларин дингиллатди,
Семизини пишиллатди,
Сирғасини ярқиллатди.

Бир хили чанқовсиз чертди,
Очилган гулдай яшнашиб,
Бўйинга қўлни ташлашиб,
У ер-бу ерни ушлашиб,
Хафалик нўқди у ерда,
Доим вақтини хушлашиб,
Оёғини онда-сонда,
Бирдай қип кериб ташлашиб,
Бораётир сулув қизлар,
Мақомман лабини тишлашиб,
Силдираб қизлар жўнади,
Жилдираб қизлар жўнади
Миллираб қизлар жўнади.

Бошин чайқаб, лабин тишлаб,
Оёқ босиб белин ушлаб,
Пўпакни елкага ташлаб,
Ҳурдай бўп қизлар жўнади.

Дурдай бўп қизлар жўнади,
Ялтиллаб қизлар жўнади,
Милдиллаб қизлар жўнади.

Пўпагини силдиратиб,
Барини гулдай яшнатиб,
Бирдай бўп қизлар жўнади,
Ноз билан қизлар жўнади.

Сатта аҳли фаҳмлар,
Баданлари мулойимлар.
Айни ўн бешдадир ёши,
Бежойям яхши довиши,
Кўрганнинг зиёд койиши,
Гўрўғлибек қулоқ солди,
Чиқди қизларнинг товуши.
Солланиб қизлар жўнади,
Гулдай бўп қизлар жўнади,
Балхи рўмоллар бошида,
Борди Гўрўғли қошига.

Ана энди Гулқизжон салом-алик қилиб, мийиғида кулиб, жилваларни қилиб Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Худоё кетгай юракдан черингиз,
Хўп айрилди пешонадан шўрингиз,
Ассалом алайкум ўзбек подшоси
Қутлуғ бўлсин ой Юнусдай ёрингиз!

Соғ-саломат энди кетинг бегумон,
Бизлар билан бўп қолдингиз қариндош,
Юнус ойим қутлуқ бўлсин, жезнажон!

Уят бордир қарамангиз кўзларга,
Оқшом бўлса ҳангамада сўзларга,
Ассалом алайкум ўзбек подшоси
Суюнчини энди беринг бизларга!

Рўй-рост қип Юнусман давронни суринг,
Боққа кириб олма, анорни теринг!
Оп борамиз Юнус пари олдига,
Кўнглимиз тўлғудай бир нарса беринг!



Мен бўлмасам ғовға бўлар ҳар замон,
Қабул қилди Раҳмат пари шул замон.
Дуруст кийим инъом-эҳсонлар қилинг,
Яхши нарса бизга беринг жезнажон!

Гўрўғлибек айтди: «Балли Гулқиз, кўнглим тўлди, сендан; хизматингни туҳматга қайтарма. Энди билдим, бошла Юнуснинг олдига»,— деди. Ана энди Гўрўғлибекни салтанат билан олиб жўнайверди. Пўлат дарвозадан киргизиб марварид супага етди. Тиллакори гомга Гўрўғлини киргизиб дастурхон ёйиб, ҳар ранг хўракдан қўйди. Кечқурун бўлди. Мулла никоҳни қийди. Тўйни бошлаб, кайф-сафо-ю, ҳангомалар билан қирқ кун ўтди. Раҳмат пари билан Қария парини куёв кўрди қилди. Ҳамма тўйда чарчаб қолди. Қирқ уч кун ўтганда Қария пари билан Раҳмат парига қараб Гўрўғлибек бир сўз айтаяпти:

Салом алайкум Кўйи Қоф подшоси,
Жавоб беринг мен элима кетаман,
Кўплар едим ошингизман, тузингни.
Ота дедим то ўлгунча ўзингни.

Кетаман мен ўзим Туркман элима,
Йўл юраман запглаб ётган чўлима,
Яхши анжом олмос бўғдим белима,
Отажон кетаман Туркман элима.

Йўлиқмайин бир тарафнинг қаҳрига,
Тўти, булбул сайрар гулнинг баҳрига,
Эсон-омон, соғ-саломат кетайин,
Отажон, кетаман Туркман шаҳрига!

Ўзимда ҳам қариндошлар бор эди,
Неча одам олдимда хизматкор эди.
Жавоб беринг, мен элима кетаман,
Менда ҳам Туркмандай шаҳар бор эди.
Гўрўғли ҳам Туркманга тождор эди.

Раҳмат пари хизматкорларига қараб бир сўз айтаяпти:

Гўрўғлини Туркман элга жўнатинг,
Ҳар жойда димоғини чоғ этинг!
Йиғилишинг дев, парилар хизматкор,
Гўрўғлини Туркман элга жўнатинг!

Нима деса кулоқ сонглар тилига,
Ҳамиша дуо қип туринг ҳолига!
Ҳуши хушвақт қилиб ёлғиз боламни,
Олиб бориб қўйинг Туркман элига!

Обод қинглар Кўйи Қофдай элимни,
Сизларга сўйлатай қизил тилимни!
Тақсир деб жойингдан туриб ҳаммангиз
Ёвмит элга оп боринглар улимни!

Гўрўғлибек қари эмас, ёш улди(р),
Ўзи икки ўзбекларга бош улди,[1]
Баракалла бунинг мартабасига,
Ҳаммангизман ўзи қариндош бўлди.
Олиб боринг буни Туркман элига!

Гўрўғлибек ҳам бир сўз айтаяпти:

Худойнинг ишини энди нетаман,
Ҳақ хоҳласа муродима етаман.
Ўйнаб-кулиб жавоб беринг ўзима,
Қанот бойлаб ўзим учиб кетаман!

Антоҳур майидан нича ичаман,
Уруш куни қора қонлар кечаман.
Жавоб беринг ўзгинама, отажон,
Туйғун қушдай илдам учиб кетаман!

Ҳамиша дуо қинг ота, ҳолима,
Қарчиғайни чуйсам Болли кўлима,
Бир соатга қолмай Ёвмит етаман,
Яшиндан ҳам илдам учиб кетаман.
Омин деб дуо қинг, менга отажон,
Ёвмит элга бир фаслда етаман!

Шунда Раҳмат пари Гўрўғлига қараб айтди:
— Бориб, Гўрўғли фарзандим, ҳовли-повлиларингни супуртиб «меҳмон келади» деб чоғланиб ўтир. Ўзим Юнусни етказаман орқангдан. Эшитаман, ўзбекларнинг лойдан, ғиштдан, ҳар жойга бир болор қўйган, устига янтоқ босган лочиқ уйи бўлар эмиш. Тағин бирдан сен билан юрсам, Юнусжон бу уйингга кирмай, «мен сенинг билан умр ўтказгунча, ўлганим яхши» деб кўнгил қоралаб, ғурбат пайдо қилиб ўтирса, ҳеч иш чиқмас. Бир ҳасрат ортгандан кейин бу ишни жойига келишлиги мушкул бўлади. Юнус кўп бир табахати яхши қиз. Тағин жанжал қилиб ўтирса, иш ўхшамас. Ўзингга яраша анжом-асбоб қилиб, уни ўзим бир кун элингга оп бориб қўяман. Хайр бўлмаса,— деди.
Гўрўғлибек ваъдалашиб, хўп омонлашиб, Кўйи Қофнинг даш(т)ига чиқиб, Самандар девнинг жунидан тутатди. Самандар дев жунининг исини олиб, жони чиқиб бечора ҳаш-паш дегунча, Гўрўғлининг олдига келди.
Ана энди Райҳон подшодан эшитмак даркор, Ёвмитга араблар жўнаб келаяпти.

Араб биткан жонни сотди,
Илдам Райҳон араб оти,
Қуртдай қайнаб араб биткан,
Ёвмит элига йўл тортди.

Шамол турса жунини қимиллатти,
Соқоли ёнбошқа ўтди,
Барқирашиб, гуркирашиб,
Гана ерда тирқирашиб,
Тилига ўзбек тушмайди
Ёвмит шаҳрига йўл тортди.
Ғулдирашиб, чулдирашиб,
Узун соқол силдирашиб,
Мисли ўтдайин туташиб,
Чигирткадай қимирлашиб,
Қошин жуни кўзга тушиб,
Шол калтагини олишиб,
Боғин билакка солишиб,
Буркираб араб жўнади,
Гуркираб араб жўнади,

Тарафга савдо солгани,
Ёвмит шаҳрини олгани,
Зер билан забар қилгани,
От қўйиб араб жўнади.

Тибити салла бошида,
Юра-юра Райҳон подшо,
Келди Тажанинг бошига

[1] Ёвмит ва Туркман халқлари назарда тутилаяпти.

Ҳамма ерни тўзон тутди,
Чўпонларнинг подачиси,
Ёвмит элга ёв келди деб,
Темирхонман Аҳмадхонни,
Тезда хабардор этди.
Туркман элга, ҳар уруққа
Беками кўст хабар кетди.

Чалқиди Ойдининг кўли,
Тушмасин ўлимнинг хили,
Ғулғула тушди шаҳарга,
Талатўп Туркманнинг эли.

От топган юган топмас,
Юган топган, от топмас,
Хотин-халажлар қўрқишиб,
Маҳкам бўлиб бирикишиб,
Ботирнинг юраги шошиб:
Кўрқоқлари «ўлдинг» дейишиб,
Калтакларини тўлғашиб,

Олисда қолган одамга,
Қўлларини булғашиб,
«Ёвнинг ичида қолдик», дейди,
«Ажал етмай ўлдик», дейди,
«Бир балога қолдик», дейди.
«Ҳар иш бўлса бўлдик», дейди.

Араб биткан ғайрат этди.
Сол бойлаб Тажан дарёдан
Ғайрат қилиб бари ўтди,
Хохолашиб чақчақлашиб,
Туркман элни кўзга илмай,
Ўзи билганидан қолмай,
Насиҳатни асли олмай,
Жўнади араб Ёвмитга.

Райҳон араб лашкар тортиб
Келди Асқарнинг тоғига.
Шол-калтакларин ушлади,
Араблар вақтин хушлади,
Райҳон подшо келиб тоғда,
«Дам олинглар бугун!»— деди.



Семиз молни қувиб келиб,
Ўлжани мўл қип ташлади.

Мол битканни тинмай сўйиб,
Араб биткан гўштга тўйиб,
Туркманни ҳам шуйтиб сўй деб,
Араб вақтни хушлаб олди.
Бошмалдоғин тишлаб олди.
Элсарида қоровулни,
Райҳон подшо йигитлари,
Кўриб қолиб ушлаб олди.

Қамчилаб бошига чолиб,
Яёв от олдига солиб,
Кўрмаган кунни кўрсатиб,
Райҳон подшонинг олдига,
Банди қилиб олиб келди.

Энди гапни ёвмитликдан эшитмак керак. (Райҳон араб) Темирхоннинг қоровулидан йигирма йигитни банди қилди. Иш ёмонга айланди. Ҳамма қочиб, тоққа чиқиб кетди. Ана энди Темирхон, Такабеги Замон одамларни йиғиб, ҳар кўзи чироқдай ёниб, бир сўз айтапти:

Бизларни ўртади арабнинг хили,
Бемаҳал сўлмагай боғларнинг гули.
Ҳамманг бирдай бунча жондан қўрқасан,
Сўзима қулоқ сонг Туркманнинг эли!

Ўзингга айнди(р) қайтайин ҳолим,
Жун босган арабдан бунча қўрқасан,
Эр кишига икки номус бир ўлим?!

Ебир-есир қилинг Ширвон элини,
Бўлиб онглар билқиллаган молини.
Ўламан деб асло қўрқманг ёронлар,
Қора қинглар арабларнинг ҳолини

Ғажирларга торттиринглар гўшини,
Майдонда кўр Така Замон ишини,
Ханжаримни сермаб урушга кириб,
Сапчадайин кесиб ташлай бошини.
Асло қўрқманглар арабдан!

Лашкар йиғинг ҳар тарафдан!
Оч бўридай кир майдонга,
Асло қўрқманглар арабдан!

Маза чиқар айтган сўздан,
Омон ўтинг қиши ёздан,
Ханжарни олсам қўлима,
Калласини сапчадай қип
Уруш куни кесмак биздан

Сомондай қилинг юзини,
Йилтиратинглар кўзини,
Бўри эчки қувгандайин,
Қувиб кетинг арабларнинг барини!
Ғорат қилиб келинг Ширвон шаҳрини!

Эр йигитлар айтган сўздан тоями?
Душман десам юрак-бағрим куями?
Қариндошлар асло қўрқманг арабдан,
Қўлингдан келганин қилгил, аяма!

Арабларнинг йўлин тўсинг,
Ханжарни белларга осинг!
Банди қилиб арабларни,
Қулоқ-бурунларин кесинг!

Одам шуйтиб бино бўлган
Ажал етган ҳар кун ўлган.
Қўрқсанглар баринг арабдан,
Туркман бўлганлигинг ёлғон.

Ўзбек қўрқоқ деб эшитган,
Ёвмитни оламиз дейишган,
Сирингизни билган араб,
Ё ўлинг, ё ўлсин тараф.

Шу гап билан ҳамма йиғилган қора кўзлар, юрагини босиб олди. Ҳар қайсиси бу гап билан қувват пайдо қилди; «Ҳай, асли бир куни бўлмоқ, бир купи ўлмоқ. Кучи бор хотинларни ҳам оп чиқамиз урушга. Рост гап, айтган гапи»,— деди. Ҳаммаси чоғланиб якдил бўлди. Гала хотинлар панжарадан қараб, Темирхоннинг маслаҳатига қулоқ солиб ўтирибдилар. Шунда Темирхоннинг хотини турган эркакларга қараб бир сўз айтаяпти:



Азроил чанг урар тапдаги жонга,
Аёлнинг кийимин кийинг ҳаммангиз,
Эркак бўлиб салла ўраб юргунча,
Бўлмаса бизлар борайик майдонга.

Эркак бўлмай хотин бўлсанг бўлмасми,
Душман устингизга ёвлаб келгунча?
Мард кишига икки номус бир ўлим,
Бу кунингдан баринг ўлсанг бўлмасми?
Эркак бўлмай хотин бўлсанг бўлмасми?

Қулоқ солинг жами беклар сўзима,
Ҳаммангизга энди ўлим лозим-а,
Аёл кийимини кийинг ҳаммангиз.
Подшолик жиғасин санчинг бошима.
Анжом-асбобларни беринг ўзима!

Эркак кўринмай кетинглар кўзима!
Устингизга душман ёвлаб келгунча,
Тириклайин гўрга кирсак бўлмасми?
Ҳаммангизга ёппа ўлим лозим-а.

Олло деган муродига етади,
Тўрғай чулдираб, тонг саргайиб отади,
Бул қўрғонга баринг қочиб киргунча,
Урушда чопилиб ўлсанг қайтади?

Хотинларнинг гапи бежойин ўтди,
Ёмон гапни шоҳнинг хотини айтди.
Зардаси бор сан йигитлар ғайрат қип,
Жавобга қарамай минди отига.
Хом деб қарамайин отнинг бетига,
Қулочлаб қамчи уриб отнинг этига,
Ғулғулалар солиб Туркман юртига,
Шердай бўлди Туркман элнинг ботири,
Темирхоннинг белбоғида шотири.
Бу аёлнинг гапи ўтди бежойин,
Ёппа кетди Туркман элнинг ботири.

Карнай-сурнай бежой қаттиқ тортилди,
Ҳар тарафдан жазойиллар отилди,
Тоғ тоғнинг устига чиққан одамлар
«Ол ёв келди» деб тўп-тўп бўлди.

Каллидан, Маридан, Қизилдан, Урганчдан, Элсаридан — ҳар тарафдан Туркман келиб тўп бўлди. Ана энди можаролар, ғулғула фалакка ўрнаб, бояги хотиннинг гапи ёмон ўтган экан, Аҳмад сардор Айлоқ тепага чиқиб бир сўз айтаяпти:

Қилич сermanг, қон тўкилсин,
Асқар тоғнинг остига!
Уламан деб асло қўрқманг,
Югур душманнинг устига!

Тўкилсин душманнинг ёши,
Қузғунларга емтик бўлиб,
Ейилсин арабнинг гўши,
Бўлсин Рустамнинг саваши!

Кесилсин арабнинг боши,
Кетсин бошдан ақл-ҳуши,
Чиқмасин ҳеч бир товуши.

Парвоз қилсин кўлнинг қуши!
Бел бойлаган эрдай бўлиб,
Карвон тортган нордай бўлиб,
Арқираган шердай бўлиб,
Асли қўрқмай бирдай бўлиб,
От қўй арабнинг устига!

Ажал шарбатин ичиринг,
Кафан тўнини бичиринг,
Уриб бошин учиринг,
Ётган жойидан кўчиринг,
От қўй арабнинг устига!
Қилич солинг, қон тўкилсин,
Асқар тоғнинг пастига!

От қўйинг ҳар ён, ҳар ёндан,
Минг бир ёндан, минг бир ёндан,
От қўй душманнинг қасдига!
Қилич солинг қон тўкилсин,
Асқар тоғнинг пастига!

Ана энди Темирхон ўпкаси тўлиб, ранги гулдай сўлиб бир сўз айтаяпти:



Сув тубинда дейди одам обини,
Урушга минмаганлар ёмон ёбини
Отингдан айланай парвардигорим,
Ўзинг ушла қиличимнинг сопини!

Ким минса шу билар отнинг тобини,
Сайис билар яхши отнинг бобини,
Отингдан айланай Ҳазрати Одам,
Отам, ушланг ханжаримнинг сопини.

Минганман мен ўзим чин яшил отни,
Райҳон келиб Туркман элни чуллатти,
Отам деб ёд этдим ҳазрати Довуд,
Пирлар ушла ханжаримнинг сопини.

Талатўп бўп қолди Туркманнинг эли,
Ҳеч кимга тушмасин ўлимнинг хили,
Ораласам шу майдоннинг ичига,
Менинг қўлим эмас, пирларнинг қўли.

Томоша айланг ўзбек беги ишини,
Улганларин ғажиб тортар гўшини,
Омин деб фотиҳа тортиб Темирхон,
Майдонга қаратди отнинг бошини.

Райҳон подшо ҳам арабларига қараб, бир сўз айтаяпти:

Эшитинглар Райҳон араб тилини,
Сўлдиринглар очилганда гулини
Қаддингдан кетайин ботир араблар,
Ебир-есир қинглар Туркман элини!

Не кунларни Аҳмадбекка солинглар,
Ой Зайдинни бориб олиб келинглар!
Хотин-қизин ўлжа қилиб Туркманнинг,
Ширвон бориб хотинсизга бўлинглар.
Ул-ўлгунча бир ёдгор гап бўлсин!
Ёмон гаплар Аҳмадбекка солинглар,
Ҳарна борин ўлжа қилиб олинглар!
Одамларин ўлдиринглар ҳаммасин,
Бежой қиринг туркманларнинг ҳаммасин.

Муллаларда савод бўлса хат қолсин,
Дилозордан то ўлгунча дод қолсин!
Ёмон савдо солинг Ёвмит шаҳрига
Ўл-ўлгунча араблардан от қолсин!

Ҳайдаб кетинг ёйилиб юрган молини,
Ёмон қилинг Ёвмит элнинг ҳолини,
Ё ўлинглар, ё олинглар Ёвмитни,
Теп-текис қилинглар Ёвмит элини!

Хеч қайтмасдан Ёвмит шаҳрига етинг,
Қўрғонини бориб туриб қулатинг!
Ораланглар бориб шаҳар ичига,
Ой Зайдинни эсон-омон оп қайтинг!

Зўр-зўрига қўяберинг ўзимни!
Соғинганда ғам саргайтди юзимни,
Ёмон кўринганин уриб ўлдиринг,
Эсон-омон олиб қайтинг қизимни!
Ё ўлинглар, ё олинглар Туркманни!

Қулоқ солинг гапнинг ёлғон-ростига,
Ўзим келдим Туркманларнинг қасдига.
Ёппа от қўйинг Ёвмит элнинг устига!

Томоша айланг арабларнинг ишини,
Қўрқоқлар қочирди ақл-хушини
Араб биткан чувиллашиб ҳаммаси,
Ёвмитга қаратди отнинг бошини.

Осмонни тўзон тутди,
Ерлар тебраниб кетди,
Одамнинг шовқинига,
Қулоқлар чиппа битди.
Туркман араб лашкари
Бир-бирини танимай,
Чўртта оралаб кетди.

Ханжарини сермашди,
Ботирлар қайнаб тошди.
Кўрганнинг ақли шошди,
Осмондан ажал тушди,



Калла дўлдайин учди.
Уликлар дингиллашди,
Оёқ ерни тепишди,
Чин ботирлар отларни,
Ҳар тарафга чопишди.

Ажалли ўққа учди,
Марги буврон ёпишди,
Тупроққа қон тармашди,
Оралаб от қўйди,
Соққолар диркирашди.

Қизиб кетди одамлар,
Энди кел-ҳа дейишди.
Елкалари қизарди,
Ажал тўнин кийишди.

Отни илдам жил-ҳа, деб
Кўтар ханжар сол-ҳа, деб,
Майлинг бўлса кел-ҳа, деб,
Ажал етган ўл-ҳа, деб,
Лашкар босди даста-даста,
Уруш бўлди чапараста.

Ҳар сурилиб қувишади,
Гоҳи дўнгда, гоҳи пастда,
Уруш кўрмаган ўзбеклар,
Бўп қолди урушга уста.

Душман, душманга боқилди,
Ерларга қонлар тўкилди,
Мисли қиёматдай бўлди.
Осмонларни тўзон олди,
Гоҳ арабдан, гоҳ туркмандан,
Ўликлар чалкашиб қолди.

Шохли милтиқ алаб-ялаб,
Ботир кўнгил истар талаб,
Олтин коса ажал шароб,
Ичилди майдон ичинда.
Ажалнинг кафан тўнлари,
Бичилди майдон ичинда.

Чўлда битган қиёқ ўтлар?
Ўзи ёниб, ўзи чухлар,
Захча кўзли дол бедовлар,
Чопилди майдон ичинда.

Оқ қорабош туғ сўлқиллаб,
Тикилди майдон ичинда,
Ажаллиси дўстуман бўп,
Йиқилди майдон ичинда.
Найза тегиб хировкалар,
Сўкилди майдон ичинда.

Бедов отлар оғзин очиб,
Қўлтиғидан парқин сочиб,
Ажаллиси ўққа учиб,
Думалаб майдон ичинда.

Кўрганларнинг ақли шошди,
Ўлик ўликка чалкашди.
Райҳон араб ҳам зўр экан,
Бир кеча кундуз урушди.
Куп ёйилар вақтида
Райҳон арабнинг қўшини,
Туғини ётқириб қўйиб,
Ярим тош кетинга қочди.
Чоғин олиб бир-бирининг
Ундан кейин айрилишди.

Айрилиб чангларини, қонларни сувга ювишиб, ана энди ўликларни кўмиб қўйди. Гоҳ ярим тош Райҳон араб қувлади. Гоҳ куни Темирхон билан Аҳмадбек қувлади. Энди булар кунда уришаверсин, гапни ой Юнус билан Гўрўғлидан эшитмак даркор.

Қўйи Қофдан Гўрўғлибекни Самандар дев кўтариб осмони фалакни давра олиб учди. Ҳар тоғларни устидан учиб ўтиб тикка келиб Бало тоғининг устига ўзини ташлади. Гўрўғли Бало тоғининг устига чиқиб, Евмитга қараса, қизил, ола, яшил туман кўринди. Элда бир аломат пайдо бўлгани билиниб, Самандар девга қараб бир сўз айтаяпти:

Билдим бир шаҳардан душман келипти,
Евмит элга кун қиёмат бўлипти.
Ёмон савдо, тарафлар кеп солипти.
Самандар дев менга бергин маслаҳат!



Ўйлаб турсам ишлар ёмон бўлипти.
Гўрўғлибек Юнусжонга кетипти,
Ёмон савдо — тараф келиб етипти.
Самандар дев менга бергин маслаҳат!
Элсарининг чўли чангиб ётипти.

Тўзони осмонга ўрлаб кетипти,
Душманнинг ким эканин билмадим,
Ҳай аттанг-а, бирор хабар олмадим.
Элсарининг чўли чангиб ётибди,
Дўстми, душманми қайтай билмадим.
Уруш куни ўққа учиб ўлмадим.

Урушга минганим чин бедов отим,
Худоё кетгай-да юракдан дардим.
Самандар дев менга бергин маслаҳат,
Қолмади танамда тоби тоқатим!

Самандар қулоқ сол сўзнинг ростига
Ботир йигит ханжар бўғар дастига.
Тўзонни кўрдим-да кетди тоқатим,
Дарров юргин шу тўзоннинг устига!

Душман бўлса чўх савдолар солайик,
Ажал етса ўққа учиб ўлайик.
Дарров юргин шу тўзоннинг устига,
Нима бўлса, бориб туриб кўрайик,
Дўстми — душманлигин бориб билайик,
Дарров кўтар отим билан ўзимни,
Нима бўлса чорасини кўрайик!

Қулоқ солгин қайнигинам сўзима,
Душман тушган ўхшар менинг изима!
Душман бўлса бориб ҳимоят бергин
Бўлишгин жон қайним менинг ўзима!

Қулоқ солинг сўзнинг ёлғон-ростига,
Томоша айланг бу сўзнинг пайвастига!
Гўрўғлиман Ғиркўк отни кўтариб,
Тикка юрди шу тўзоннинг устига.

Самандар дев бечора жонни сотди,
Чўлларни босипти унинг ҳайъати

Ҳар хез қилиб югурганда бечора,
Шу тўзонга қараб қинтийиб кетди.

Ким яхши, ким ёмон худо билади,
Юғрукка тумор, менманга балоди.
Шундайин қараса жами араблар,
Узун нарса бесўнақай келади.

Қўйнидан чиқариб бир тошни отди,
Ёнғоқдай думалаб олисга кетди.
Райҳон қўшинининг устидан етти,
Кўп қўшинни майда қип эзиб ўтди.

Икки қўшиннинг ақлини шоширди,
Гўрўғлининг юраклари жўш урди.
Бекоранги ўлиб кетди кўп қўшин,
Гўрўғлини энди отдан туширди.

Куйсин ўлим ким чидайди хилига.
Қорабош ўрдаклар тиниқ кўлида.
Яшайин мардона деди Гўрўғли,
Миниб олди Ғиркўк отнинг белига.

Ханжарни Гўрўғли олди қўлига,
Яқинлашиб қолди Туркман элига.

Самандар дев бир сўз айтаяпти Гўрўғлибекка:

Бошима тушипти дарёйи уммон,
Қаҳрлансам қилай барини вайрон,
Арзима қулоқ сонг тақсир жезнажон,
Қараб турсам бунинг бари мусулмон,

Сен билмадинг қайнигинанг тош отдим,
Кўп одамни тошим ўлдириб кетди.
Уруш, қандай одамлигин билмадим,
Бекоранги кўп одам ўлиб кетди.

Қараб турсам бари ўзи мусулмон,
Буни кўриб менинг ҳисобим йитди,
Ихтиёр ўзингда энди жезнажон.
Эшит дейман Самандарнинг зорини,



Кўриб келдим Бало тоғнинг ўрнини.
Агар менга жавоб берсанг жезнажон,
Ўлдирайин шу қўшиннинг барини.

Билмаганин билдир десанг билдирай,
Яна бориб кўп девларни келтирай.
Ихтиёр ўзингда энди қариндош,
Ҳар иш қилиб мен кўнглингни тўлдирай.

Ўлдир десанг ўлдирайин барини,
Ихтиёр ўзингда энди қариндош.
Бир нечасин ўйиб ташлай кўлини,
Ҳазил билма Самандарнинг сўзини,
Ихтиёр ўзингда Гўрўғли шоҳим.

Гўрўғлибек Самандар девга қараб бир сўз айтаяпти:

Худонинг ишини энди қайтайин,
Ўликларин бов биғдайдай чотайин,
Мен сенга айтаман энди нусхасин,
Бўйни жунлисини узиб ўлдиргин!

Ҳар тарафга ўзгинангни жилдиргин,
Гўрўғлининг кўнглин энди тўлдиргин,
Соқоли ўсигин, сатта жунлисин,
Калтак билан ўзинг уриб ўлдиргин!

Ширвон элдан Райҳон подшо келипти,
Ёмон савдо энди билсам солипти.
Энди билдим сан жун босган араблар,
Ширвоннинг элидан тараф келипти.
Булбул учар тоза боғнинг гулидан,
Билиб қўйдим тарафимни Самандар,
Араб ёвлаб кепти Ширвон элидан.

Йўқлигимни Райҳон подшо билипти,
Лашкар тортиб Ёвмит элга келипти.
Ўйласам ўзима қасд бўлипти,
Ҳай аттанг, кўп одамлар ўлипти.

Соқоллари ўсик жунли араблар,
Элатимни тошдай қамаб олипти.
Ҳой аттанг, кўп одамлар ўлипти.

Чидаб бўлмас душмангарлик хилига,
Ҳар ким куйинади ўсган элига,
Ўпкалари тўлиб энди Гўрўғли,
Миниб олди Ғирқўк отнинг белига.
Яланғочлаб қилич олиб қўлига.

Ана энди Гўрўғлибек отнинг белига миниб, таваккални тўла син деб, (Самандарга қараб) бир сўз айтаяпти:

Боғ оралаб гулдан тергин,
Не иш бўлса баҳам кўргин,
Ноҳақдан ўлмасин ҳеч ким,
Ўзим билан билла юргин!
Доим қаватимда тургин!
Ўлдир деганимни ўлдир,
Кўп ўлдирмай банди қилгин!

Гўрўғлибек жон сотди,
Отига қамчи тортди, 8кр
Самандарман иккови,
Банги баҳайбат тортиб,
Булут чўккандай бўлиб,
Кўп қўшиннинг ичига,
Чопиб оралаб кетди.

Бу қўшиннинг тўзони,
Осмонга чиқиб кетди,
Одамларнинг шовқини,
Худди симобдай қилиб,
Тоғи даштни тебратти.

Дўст-душманлик билинмай,
Гўрўғлиман Самандар,
Маст бўлиб, гуркираб,
Ҳар тарафга илдам от,
Қочаверди тирқираб.
Гоҳ сариёй отиб,
Каманни яхши тортиб,
Жазоил шохли милтиқ,
Пилтасини тутатиб,
Ўқларни зинғиллатиб,



Гоҳо тошларни отиб,
Нари-бери сурилди.
Ёппа-ёвлик от қўйиб,
Одам бежой қирилди.

Чўл тарафи ўр экан,
Баланд-баланд қир экан,
Райҳон араб баччағар,
Ўзи жуда зўр экан.

Ўлик чалкашиб қолди,
Ажали етган ўлди.
Самандарман шул Райҳон,
Иккови дуч кеп қолди.

Иккови калтаклашди,
Нари-бери суришди,
Кўрганнинг ҳуши қочди,
Райҳон отидан тушиб
Панжама-панжа бўлиб,
Хирпиллашиб олишди.
Тинмай уч соат урушди,
Бирдан Ёвмит одами,
Гўрўғли кепти дейишди.

Кийимлар чанг бўп кетди,
Тупроқларга қон қотди,
Шердай бўп Ёвмит шаҳри,
Ёппа оралаб кетди.
Самандарнинг олдига,
Гўрўғли қистаб етди.

Райҳон араб мўралаб,
Битта тошни саралаб,
Самандар оёғига,
Зарб билан ёмон отди,
Самандарнинг тўпиғи
Аттанг-а тойиб кетди.

Ажал етмаса шундай,
Самандарнинг қўлидан,
Райҳон қутулиб кетди.
Бедовлар оғзин очди,
Илдами қушдай учди.

Жон деганинг ширинди,
Райҳон подшо отланиб,
Араб биткан тиш-тишдан
Ширвонга қараб қочди.

Темирхоннинг одами,
Арабларнинг ортидан,
Телпаклари қирдай бўп,
Бариси қувиб тушди.

Соқоллари киндикка тушиб,
Шамолда елкадан ошиб,
Араб биткан «ўлдинг» дейишиб,
Аттанг-а, Гўрўғлибек,
Самандарга айланиб,
Олдидан кетмай қолди,
Самандар майиб бўлди.

Ўлдирарди арабларнинг барини.
Ўлжа қилиб олди ҳарна борини.
Самандар дев майиб бўлмагандайди,
Пати қиб келайди Ширвон элини.

Самандар дев қиларди кўп ишни,
Райҳон подшо арабларман ўлдинг деб,
Жони ширин Ширвон элига қочди.

Туркман эли сардорлари йиғилиб,
Гўрўғлиман саломлашиб кўришди.
Араб биткан жунгинаси ялпираб,
Тажан дарёсига бари етишди.

Араблар шикаст топиб, ортиб келган анжом-асбоблари қолди Гўрўғлибек билан ҳаммаси кўришиб-сўрашиб ҳалиги молларни бир жойга тўдалади. Ана ўликларни кўмиб туя, қўй, ҳўкиз сўйиб ош берди. Араблар қочиб, Ширвонга кетди. Гўрўғлибек Темирхоннинг тахтига миниб, ўлжа молларни уруғ-уруққа деб бўлиб берди. Ана энди кўнгли дилжам бўлиб, Евмит элига Гўрўғлибек уч кун тўй-томоша бериб, ўз ишида бўлди.

Самандар девнинг оёғини табибга қаратди, бир кунда тузалди, ўлмади. Гўрўғлининг хос хизматкори Самандар



дев бўлди. Райҳон араб билан тарафлиги қаттиқ бўлиб қолди. Булар бу ерда тураверсин, энди гапни Кўйи Қофдан — ой Юнусдан эшитмак даркор.

Ана энди Раҳмат пари, Қария парига қараб бир сўз айтаяпти:

Қизим кетса сарғаяди сиёгим
Соғинганда уйилади қовоғим.
Юнусжонни қайин юртга топширсак,
Маслаҳат бер энди менга қаллиғим!

Боргандан кай уйи ёмон бўлмасин,
Юнусжоним ҳай аттанг деб қолмасин.
Аввал бу гапларни маслаҳат қилсак.
Араз уриб, кўнгилсиз бўп қолмасин!

Узатиб борган сўнг яхши тўй қилсак,
Узатмайин маслаҳатман уй қилсак,
Юнусжон борган сўнг жанжал қилмасин,
Яхши ҳовли, яхшигина жой қилсак.

Неча тоғдан ой Юнусни оширсак,
Тарафларнинг ақлларин шоширсак,
Аввал маслаҳатни бергин бойвучча,
Ой Юнусни қайин юртга топширсак!

Катта дарё тўлиб-тошиб турсин,
Юнус қизим тейганиман қарисин,
Яхши ҳовли, яхши ватанлар қилсак,
Вой аттанг-а, кўнгилсизлик қурисин!

Гулшан боғдан терсак тоза лоламни,
Ҳақ ўртамагай-да гулдай танамни,
Бойвучча ўзима бергин маслаҳат,
Узатайик энди ёлғиз боламни!

Худо қилсин ой Юнусга марҳамат,
Қилгайсиз ҳамиша фарзандга шафқат,
Юнусжонни юборайлик Евмитга,
Қаддингдан сен бергин менга маслаҳат!

Қария пари қуллуқ деб жойидан туриб, қизликдаги қилиқларини танадан тебратиб олиб, Раҳмат парига қараб бир сўз айтаяпти:

Давлатлисан, ишонаман сўзингга,
Кучинг кўпдир, ҳеч ким тушмас изингга.
Хушвақт қип чақиргин Юнус жонимни,
Не қилсанг ҳам ихтиёр, майлинг ўзингда!

Нима бўлса озроқ қилманг, мўл қилинг,
Юнусжоннинг ётар ерин гул қилинг.
Хушвақт қип чиқаргин буни уйимдан
Ой Юнуснинг вақтларин хуш қилинг!

Яхши ҳовли, яхши уйларни солинг.
Давлатлисиз ҳар қанча бўлса қилинг!
Кўрган одам яна кулиб кетмасин,
Эл томоша қиладиган иш қилинг!
Юнусжоннинг тоза вақтин хуш қилинг!

Елғиз қизнинг раҳм айлангиз ҳолига,
Қора бош ўрдаклар Ойдин кўлида.
Томоша қилгудай иморат қилинг,
Олиб бориб қўйсак Ёвмит элига.

Йўлиқмасин ҳеч бир одам қаҳрига!
Подшо чидамайди душман заҳрига.
Сепу сириқ кўрпа-тўшак мўл қилиб,
Юборайик энди Ёвмит шаҳрига.

Яхши уста ҳар тарафдан келтиринг.
Анжом-асбобини қўлга олдиринг!
Гулдан томни Юнусжонга қилдиринг,
Қиз ҳам бўлса ота-энага қувватди(р),
Ўзингиздан чўртта кўнглин тўлдиринг!

Кўнгилдан зиёда ишлар қилдиринг!
Яхши иморатлар, ҳовли қилдиринг!
Тупроққа ағнаган чанг бўлиб турар,
Давлатлига нима деган гап турар?
Ҳовли-жойдан чўртта кўнглин тўлдиринг!

Ана энди Раҳмат парига бу гап хуш келиб, ҳар ранг усталарни йиғдириб, ҳовли, иморат, гул томларни қилдириб, Юнуснинг кўнглини тўлдириб, ҳар иморатлар қилди, устунлари пўлатдан, вассалари зумраддан, машъаллари ёқутдан, нақшлари марвариддан, қирқ эшикли маслаҳатхона том қилди. Қирқ қатор ҳужра қилди. Иморат ҳеч ақлга



тўғри келмайдиган бежой яхши бўлди. Беш юз жевахона қилди. Уч юз тўпхона қилди. Икки юз саксон ошхона қилди. Тўқсонта мол сиғадиган қўшхона қилди. Икки юз ўттиз битта мирзалар битадиган ишхона қилди. Яна қизлар ўқийдиган бир мактабхона солди. Энди қайси litirовин айтайлик, подшоликда даркор нарсанинг бари бўлди. Энди Юнусжонни узатмоқ керак. Карнай-сурнай тортиб, тўй қилди. Ана шуйтиб Ирамнинг боғидан, Кўйи Қофдан одам биткан, пари биткан йиғилиб жуда катта тўй бўлди. Бир тилла тахт ой Юнусга қилиб, ана энди Қария пари бир сўз айтаяпти:

Дев, парилар йиғилишиб келинглар,
Юнусжоннинг айтганини қилинглар!
Нима деса хизматида бўлинглар!
Йиғилишиб, тақсирлашиб ҳаммангиз,
Ёвмитнинг элига олиб боринглар!

Агар Юнусжоннинг кўнгли тўлмаса,
Тағин-а бу ерга олиб келинглар!
Эшитинглар дев, парилар сўзимни,
Сизларга қиламан неча позимни,
Хуши хушвақт қилиб Гўрўғлибекка,
Узатиб боринглар ёлғиз қизимни!

Кеткаринглар Юнусжоннинг ўйини!
Ёвмит бориб, катта қинглар тўйини!

Ҳар қайсингиз даркорликни кўтаринг,
Неча тоғдан ихлос уриб ўткаринг,
Ёвмит элга подшоларинг еткаринг!
Қизиқ қилиб Юнусжоннинг тўйини,
Беш-олти кун юриб тўйин ўткаринг!

Бедовга ярашган тилла тўқаси,
Ёмғирман кўкарар даштнинг гиёси,
Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Якдаста,
Юнус кетса мен бўларман беқарор,
Ўзинг бўлгин Юнусжоннинг акаси!

Ҳар замонда оп келинг Ёвмит элидан,
Ёмон гап чиқмасин тағи тилидан!
Уччовинг бўл ой Юнуснинг акаси,
Хабардор бўнгиз Юнусжоннинг ҳолидан!

Кунда-кунда ҳолий сўраб туринглар,
Юнусжоннинг хизматида юринглар!
Евмит бориб, яхши хизматлар қилиб,
То ўлгунча биргалашиб туринглар!
Ҳар қайсингиз кўтаринг, ҳар нарсасин,
Яхши хизмат, яхши шафқат қилинглар!

Душманларнинг ақларин шоширинг,
Кўрганларнинг юрагини тоширинг!
Ҳасан Чопсон сен ўзинг бўлгин маҳрам,
Ой Юнусни қайин юртга туширгин!

Билмаганин ой Юнуснинг билдирди,
Хушвақт қилиб мийигида кулдирди.
Кетар бўлди Юнус Евмит юртига,
Тилла тахтга ой Юнусни миндирди.

Балхи рўмол пириллайди бошида,
Ўсма қошда, тишқолиси тишида.
Баракалла Гулқизжонга ёронлар,
Турипти Юнуснинг ўнг ёнбошида.
Неча пари Юнусжоннинг қошида.

Ҳаммалари лабларини тишлашиб,
Бўйинларига қўлларини ташлашиб,
Ҳазиллашиб, баданидан ушлашиб,,
Евмит элга борамиз деб Гулқизжон,
Чўртта ҳаммалари вақтин хушлашиб.

Езнинг куни эрир тоғларнинг қори,
Ҳув деса кетади юракнинг чери.
Қизғалдоқдай яшнаб Кўйи Қофдан,
Лола гулдай бўлиб киришинг пари.

Айта берсам адо бўлмайди сўзлар,
Йиғилишиб ҳурдайин бўта кўзлар.
Узатамиз Юнусжонни дейишиб
Йиғилипти ўрта қўлдайин қизлар.

Саратон юлдуздай икки кўзлари,
Одамни ўртайди айтса сўзлари.
Ойга ўхшайди тинжираган юзлари,
Йиғилишиб келди Кўйи Қофдан,
Ҳурга ўхшаган Кўйи Қофнинг қизлари,



Кўрганларда сира бўлмас ваҳмлар,
Кимнинг эси бўлса гапни фаҳмлар.
Ой Юнусни узатамиз дейишиб,
Йиғилишиб кепти сатта ойимлар.

Худо раҳм айласин ҳамма қулига,
Булбуллар маст бўлар шамшод гулига
Сўналар маст бўлар Ойдин кўлига.
Еп-ёруғ бўп гулдай яшнар парилар,
Борамиз дейишиб Евмит элига.

Раҳмат пари бир сўз айтаяпти девларга қараб:

Ҳасан Кўлбар карашмам бор, нозим бор,
Елғизгина ой Юнусдай қизим бор.
Дуо қилай олиб боринг Евмитга,
Ҳасан Чопсон айтадиган арзим бор.

Бормикан дунёда бир бағри бутун?
Ҳам улимдир, ҳам қизимдир фарзандим,
Хабардор бўл, яхши гапдан еткаринг,
Юнусжонни ҳаммангизга топширдим!
Кетар бўлди ой Юнусдай фарзандим.

Соғинганда хилинг ўзима ёмон,
Қайтайин дунёси тушсин бепоён.
Қиз деганинг бир одамнинг йўлдоши,
Болали-чақали бўлгин, Юнусжон!

Очилар боғларда гулиман гунча,
Юракларда ғам кўп, дард билан анча,
Худо фарзанд кўп берсин, Юнусжон,
Евмит элга бориб бўлгин бойвучча!

Ҳар замонда келиб кетгин уйима,
Шерик бўлгин кўнглимдаги ўйима!
Ҳар жойда эсон юрсанг бўлади,
Худойим солмасин сенга ваҳима!
Манглайингни худо очсин фарзандим.

Соқолини Раҳмат подшо силайди,
Узатар бўп ой Юнусни Евмитга,
Фарзанд деган қандай ширин дунёда
Юнуснинг отаси бўзлаб йиғлайди.

Узатар бўп ой Юнусдай қизини,
Хўрсинипти, айтолмайди сўзини,
Ой Юнусга қараб ўксиб йиғлайди,
Вой болам, деб тўхтатолмай ўзини.

Қайғу-вахм кетиб Юнус ўйидан,
Давлатли одам сира қайтмас раъйидан.
Энаси шўр, вой болам, деб ўксиниб,
Хўрсиниб, қизим деб, турди жойидан.

Ҳеч банданинг куймагай-да кулбаси,
Синт билан сипариш қилган сийнаси.
Ёлғизгина ой Юнус деб йиғлайди,
Ҳижрондан бетоқат бўлиб энаси.

Қоши қора — дарёларнинг қундузи,
Кўзлари сурмали, осмон юлдузи,
Упкасини босолмайин бўзлайди,
Ҳай аттанг, деб ой Юнуснинг канизи.

Юнус пари отасига, энасига қараб, бир сўз айтаяпти:

Ҳеч фарзандинг йўқди эна ортимда,
Шерик бўлдим қартайганда дардингга.
Кетар бўлдим Ёвмит элга мен ўзим,
Рози бўл энажон берган сутингга!

Олисдан кўринар бедевнинг бўзи,
Қошим қора — дарёларнинг кундузи,
Кетар бўлдим оша юртга отажон,
Отажон, тузингизга бўлинг рози!

Тағин-а бўлмай сизлардан бегона,
Тақдиргинам менинг олисга тортди,
Омин денглар бирга юрган дугонам!

Баланд тоғда юрган доим пастларим,
Кўнглимда бўлганди ҳавасларим.
То кўргунча дуода бўнг ҳаммангиз,
Орқамиздан бориб кенглар дўстларим!

Бўларман йўлларда мен ўзим пойиқ
Дарёларда сузар сол билан қайиқ.
Омон бўнглар тағи қайтиб кўргунча,
Омон бўнглар гала турган халойиқ!



Йиғлай-йиғлай ёш ёғилди юзима,
Ёруғ дунё булдирайди кўзима,
Омин деб дуо қинг ёппа жамоат
Чини билан дуо қинглар ўзима!

Худо қилсин ҳар бандага марҳамат,
Қариганда бергай аркони давлат,
Худо берсин кишига қобил фарзанд.
Энди кетар бўлдим Ёвмит элига.
Омин деб дуо қинг турган жамоат!

Қулоқ сонг, жамоат менинг додима,
Отам подшо экан мамлакатима,
Омин денглар сарвинозлар, дўстларим,
Омин деб дуо қинг менинг ҳаққима!

Ота-энам ўлмай юрсин ҳар жойда,
Тирик бўлса кўнгилгинам, туғим-а,
Йиғилишиб турган жами қора кўз,
Омин деб дуо қинглар ҳаққима!

Ҳаммалари туриб қўлини тутди,
Эсонлик ҳар бандага ғаниматди,
Парилар чувуллашиб туриб жойидан,
Юнусжонга холис санолар айтди.

Энасининг сочи белига тушди,
Қора зулфлар ойдай бетига чирмашди.
Энди кетарини билиб энаси,
Юнусжонга айланай деб тармашди.

Узатар бўп Юнусжондай қизини
Садақа деб тўхтатолмай ўзини,
Искалаб, юзига қўйиб юзини,
Тўхтатолмас, айланай, деб ўзини.

Кетар бўлди Юнус Ёвмит элига,
Дод дейди париларнинг товуши.
Юнусжоннинг сочларини силайди,
Чечан одам гапни гапга улайди.
Юнусжонман билла юрган парилар,
Ҳай аттанг, ҳай аттанг, дейди, йиғлайди.

Қиёматча мард йигитнинг саваши,
От чопса шақирлар тоғларнинг тоши.
Юнусжонман кучоқлашиб кўришиб,
Тақдиргинанг олисга тортди дейишиб,
Омин дейди париларнинг товуши.

Кўрганларнинг суяклари шовшади,
Аттанг, ғамхона кўнгил жўшади,
Омин дейишиб лаъл мунчоқли парилар
Омон бўлгин Юнусжоним дейишади.

Ғангқиллаб учади кўлнинг ғозлари,
Одамни ўртайди айтса сўзлари,
Ҳар гапни билади, қайтай ўзлари,
Омин дейишиб дуо қилиб гирдида,
Омин дейди сатта сулув қизлари.

Отаси, энаси омин дейишиб,
Шул дамда фотиҳа тортди бетига.
Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Якдаста,
Беш юз пари билан бирга увалиб,
Жўнайверди Така Ёвмит юртига.

Қулоқ солинг гапнинг ёлғон-ростига
Ҳовли иморатларини ёроплар,
Қўйиб олди Ҳасан Кўлбар устига.

Чин сулувлар йигитларни бўзлатди,
Кўзлари юлдуздай қайнаб ярқиллаб,
Ҳасан Чопсон ой Юнуснинг посбони,
Ёвмит элга Юнусжонни узатди.

Ота-энаси йиғлаб қолди хўрсиниб,
Юнусжонни тилла тахтга миндириб,
Давра олиб парилар фалакка учди.
Ошиқ куяр маъшуғининг хилига,
Гўрўғлибек париларнинг тилида.
Ҳасан Чопсон, Ҳасан Кўлбар якка бўп,
Юнусни узатди Ёвмит элига.

Бир нечанинг ақлини шоширди,
Кўрганларнинг кўнгиллари жўш урди,
Неча тоғдан, неча катта денгиздан,



Шони шавкат, неча иззатлар билан,
Уйин, чақчақ қилиб тоғдан оширди.

Кийиклар юради сувсиз чўлида,
Ой Юнусни Ёвмит элга узатиб,
Яқинлашди энди Ёвмит элига.
Йигит куяр дилбарининг хилига,
Биров тушмас бир одамнинг тилига.
Ой Юнуснинг бу ҳайбат-ҳашаматига,
Туман тушиб қолди Ёвмит элига.
Аста-аста бу фалакдан эндирди,
Пастга қараб Ҳасан Кўлбар қўндирди.
Тушлик ёқдан Юнусжоннинг ҳовлисин,
Ҳасан Чопсон хатларини ўқиди,
Хатин ўқиб ўзгандай қип қўндирди.

Йиғмоқчи бўп ҳар шаҳарнинг бегини
Кимга айтар юракларнинг ўйини.
Ҳасан Чопсон уста экан баччағар,
Яхши қилди ҳовлисиман жойини.

Яхши бўпти деди вақтин хушлади,
Бошқа боттан ҳе жигини билдирмай,
Ҳасан Чопсон хўп ўхшатиб нақшлади.
Туркман эли у нима гап дейишди.
Ҳаммалари дод дейишиб бўзлашди,
Ев келди деб бежойин кўп қўрқишди.

Қўрқоқлари торс тура соп қочди.
Одам битканнинг ҳуши бошидан учди.

Ана энди Юнус ҳайбат-ҳашам билан, дағдаға билан келди. Ҳамма ерни туман зилзила босиб қолди. Ҳасан Чопсон ўзи шўхгина эди. Беш юз парига, Ҳасан Якдастага қараб, ҳар мақом ўйинни қилиб бир маст қилди. Ҳаммасининг кула-кула ичаги қотиб қолди. Юнус парининг маст бўп, завқи келганини билиб, Ҳасан Чопсон бир от бўп кишнади; Ёвмитнинг эли симобдай тебраниб қолди. Шундай қараса туман кетди. Бир работ қалъа пайдо бўпти. Ҳар тарафида тешик-тешик баланд иморатлар бор. Энди Гўрўғлибекка хабар етди. Гўрўғлибек уйқудан турди. Доннёр деган бир чўпон Гўрўғлибекнинг олдига келиб салом-алик қилиб, бир сўз айтаяпти:

Подшоҳнинг олдида борди сипоҳи,
Тавба қилса ўтилади гуноҳи.
Тақсирим, арзимни айтай мен сизга.
Сўзима қулоқ сонг Ёвмит подшоҳи.

Узун-узун одам пайдо бўлипти.
Зилзилани шу одамлар қилипти.
Яхши работ, яхши анжомлар билан.
Тартибли бўп элимизга келипти.

Ё бахтми, бадбахтми ўзим билмадим,
Деворларин бежойин ўхшатипти.
Узун одам кечда қолиб ётипти,
Пойлаб кўрдим баланд тоғнинг устида,
Ҳангама қип, ўйин қилиб ётипти.

Давлатми, кулфатми ўзим билмадим,
Одамга ўхшайди билдим ўзлари,
Ўн беш кунлик ойга ўхшар юзлари,
Учта узун одами бор олдида,
Ҳангамада вағирлашар сўзлари.
Дўстми, душманми ўзим билмадим.
Иморатин баланд ёғи ўр экан
Бежойин кўп сулув қизлар ичида,
Шу учови писиниб кўрдим зўр экан,
Дўстми, душманми ўзим билмадим.

Қараб турдим ўзим, гулларнинг нақши,
Ҳангамада сўз айтар шоир, бахши.
Кўриб туриб пок ўзим ўлай дедим,
Тилла тахт устида иккитаси бор.
Тақсир кўрдим бежойин ўзи яхши.

Тақсир-а, минволинг отнинг белига,
От-анжомин шайлаб олиб подшойим,
Туғишгандай кириб боринг ҳовлига!
Бежой қизиқ ҳангамаси, чақ-чағи.
Ундан кейин ўлдирса ҳам майлига.
Яхши одам кепти Туркман элига.

Кўрганимни айтдим сизга ҳаммасин,
Ёмон бўлса бериб келинг таммасин,
Яхши бўлса айтиб келинг ҳаммасин,
Яхши меҳмон кепти Туркман элига!



Бечора Донийр кўрганини айтди. Қўрқинчли бўлиб элга аросатлар тушиб кетди. Ана энди Гўрўғлибек Ёвмитнинг тахтига чиқиб жами мақомчиларни йиғиб, дастурхонни ёйиб, ҳар турли овқатни уйиб, бир шодиёна қилинглар, деди. Бир карнай-сурнай тортиб палапон, ноғора уриб, Гўрўғли ҳайбат-ҳашам қилди. Ёвмит эли симобдай ларзага келди. Ҳасан Чопсон чопиб-чопқиллаб бориб Юнуснинг олдида писиниб турди. Писиниб турганининг важи бор. Париларда бундай бўлмас экан. Ҳасан Чопсон қўрқиб қолди. Худди асов отга ўхшаб ҳуркиб қолди. Юнус қаҳқаҳ уриб кулди. Париларда чапак чалув бор экан. Бари чапак уриб, ҳангамани авжига келтирди. Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон тариғиб қолди. Эсли қиз Юнус буни билди Ана энди ой Юнус Гулқизга қараб бир сўз айтаяпти:

Кўйи Қофда қолди боғ билан бўстон,
Уч ой ёз бўлар, уч ой зимистон,
Аввал қилдинг бу ишларни сен ўзинг,
Бу гапнинг ҳисобин қилгин, Гулқизжон!

Бу Ҳасан оғамиз билдим пом олди,
Инграниб ичлари ғамларга тўлди.
Бу ишнинг ҳисобин қилгин, Гулқизжон.
Ҳамма одам қўрқиб тебраниб қолди!

Ҳар тарафга Чопсонни елдиргин,
Ўрталикда душман бўлса ўлдиргин!
Ёвмит эли қўрқиб, ҳуркиб қолгандир,
Бориб туриб жезпангта билдиргин!

Отасидан шундай кўнгли тўлди, де,
Қария париман бир Раҳмат пари,
Ёлғиз қиз деб ҳовли, анжом-асбобни,
Кўйи Қофдан яхши қилиб келди, де!

Гўрўғлига бориб энди билдиргин,
Худо қўшган қалликқинанг келди, де!
Ёлғиз қиз деб бежойин кўп сийлади,
Ҳовли, анжом-асбобларни қилди, де!
Рози бўлдим отам билан энамдан,
Ҳасан Кўлбар, Ҳасан Чопсон, Якдаста,
Ўлгунингча бориб хизмат қил, деди.

Бориб билдир Гўрўғлибек подшога,
Юнус пари дағдағаман келди, де,
Одам биткан у нима деб ҳуркмасин.
Шу анжомлар сизники деб билдиргин,
Душман деб тағин-а биздан қўрқмасин!

Бу ишнинг чорасин кўргин Гулқизжон,
Ҳамма одам сизга тобе бўлди, де!
Шу анжомни сизга атаб қилди, де!
Малол келмаса, Гўрўғлибек келсин,
Тилла тахтли гулдай уйни солди, де!

Иморатлар бежой кўпди ҳовлида,
Шуйтибгина анжом-асбобни тахлаб,
Юнус пари Кўйи Қофдан келди, де!

Зумрад добил кўлга борсанг туйгин-чи,
Яхши кўйлак, яхши мурсак кийгувчи!
Яхши гап доимо кўкай ўстирар,
Юнус ёринг келди деб подшойингга,
Бориб олгин Гўрўғлидан суюнчи!

Ўсма қўйиб турай ўзим қошима,
Ҳамма қойил бўлсин қилган ишима.
Бориб билдир Гўрўғлибек подшога,
Боргин, келсин Гўрўғлибек қошима!

Билмаганин бориб билдир билмаса,
Очиқ кунда тоғни туман чолмаса,
Гўрўғлибек келсин менинг олдима,
Тағина кўнглига малол келмаса!

Қулоқ солсин нима десам сўзима,
Банда бўлсин менинг ойдай юзима!
Айтиб келгин Гўрўғлини Гулқизжон.
Подшо бўлсин келиб менинг ўзима!

Ҳар ким ўз жони-чун қилар хайрни,
Отга берар арпа билан ийирни.
Гулқизжонни Юнус пари ёронлар,
Гўрўғлига оп келгин, деб буюрди.

Томоша айланг Гулқизжоннинг ишига,
Сўзчи одам мирзасининг қошида



Яхшилик кун сира кирмас тушига;
Баракалла, Гулқиз пари, ёронлар
Қуллуқ деб кетди Гўрўғли қошига.

Гўрўғлибек ўзи Кўйи Қофда ваъдалашиб кетиб эди. Бу гапларнинг ҳаммасини билиб эди. Ана Гўрўғлининг энди хаёлига тушди. Шундай қараса Гулқизжон билан Ҳасан Чопсон келаяпти. Гўрўғлининг вақти хуш бўлиб, қавми қариндошларига гапларни маълум қилиб, вазири Темирхонга, Аҳмадбек тоғасига, ой Зайдин чечасига қараб бир сўз айтаяпти:

Худонинг ишини энди нетайин,
Доим душманларман саваш этайин
Сўзима қулоқ соиг Темирхон вазир,
Бўлган гапни ҳаммангизга айтайин!

Йўқ бўлиб Кўйининг Қофига кетдим,
Самандарни миниб тоглардан ўтдим,
Бирпасда Кўйи Қофга етдим.

Шамшод гул остида писиниб ётдим.
Гулқиз келиб қолди менинг устима.
Гулқизжонга ўзим сўзларни айтдим,

Келаётган ҳайла Гулқиз санамдир,
Биз билан Гулқиз ваъдалар этди,
Юнуснинг олдига пяртиб етди.

Кўнгилгинам қайнаб-қайнаб жўшганди,
Ақлларим мусофир бўп шошганди.
Мен розиман, Гулқизжондан, қариндош,
Олиб бориб ой Юнусга қўшганди.
Қирқ кеча, қирқ кундуз қўйнида ётдим,
Кўйи Қофда ўзим хўп ишрат этдим.
Мен сенга ростини айтсам қариндош,
Рози бўлдим Гулқизжондан мен ўзим,

Гулқизжонман ўзим ваъдалар этдим.
Боғ оралаб гулни тераман, дедим,
Ўлмасам Ёвмитга бораман, дедим.
Ой Юнусни ўзинг узатиб борсанг,
Кўп нарсалар сенга бераман, дедим.

Айтган соат меъёр вақти бўлибди,
Буни кўриб рангим гулдай сўлибди.
Бунга монанд менда нарса бўлмаса,
Юнусни узатиб Гулқиз келибди.

Ажал етиб мендай одам ўлмаса,
Сап гардонкаш полвон қуллуқ деб турмаса,
Гулқиз санам суюнчи деб келганда,
Шунга берар менда нарса бўлмаса.

Шуни кўриб менинг рангим сўлади,
Сири ҳолим яратганим билади.
Ҳасан Чопсон, ўзи хоса маҳрамим,
Гулқиз ойим «суюнчи» деб келади.

Шунга монанд менда нарса бўлмаса,
Болам дерга энажоним бўлмаса,
Отажоним хушвақт бўлиб турмаса,
Гулқиз санам суюнчи деб келганда,
Шунга берар яхши нарсам бўлмаса...

Елғизлик қайтайин кўкайим кесди.
Қалликқинам Кўйи Қофдан келибди,
Гулқизжонни кўриб кўп ваҳм босди
Елғизлик қурсин кўкайим кесди.

Маслаҳат ёронлар, қандай бўлади?
Гулқиз санам суюнчи деб келади.

Яхшининг гапи яхши, ёмоннинг гапи ҳам ёмон. Ой Зайдин — Райҳон подшонинг қизи Гўрўғлибекка қараб бир сўз айтаяпти:

Ботир уруш купи қалқон ёпинар,
Баччажоним ваҳм тортманг,
Нима десанг Зайдинжондан топилар.

Ушбу дамни баччажоним, дам деманг,
Моли дунё Аҳмадбекда фаровон.
Юнусжондан Гулқиз келса Евмитта,
Унинг учун қайнижоним ғам еманг.

Меҳмон деган кириб келса эшикдан,
Ризқи аввал кириб келар тешикдан.



Гулқизжонга ҳар нарсалар берайин,
Кўнглини тўлдирай ўзим ҳар бобдан.

Гулқиз келса Бало тоғнинг дашидан,
Мен қўрқаман оллойимнинг ишидан,
Гулқизжонинг келса менинг ўрдама,
Танга тилла гавҳар сочай бошидан.

Тилла пиёлага майлар қуйдирай,
Яхши мурсак, яхши желак кийдирай.
Хизматкорга сулув қиздан елдирай,
Ҳар нарсага кўкайингни чўкирма!
Қават-қават кўйлак, желак кийдирай.

Турган кўллар турпа билан ғозники,
Кўрпа-тўшак ўн беш яшар қизники.
Дунёликдан ваҳм еманг баччажон,
Шу анжом-асбоблар бари сизники.

Ўқиди ой Зайдин имло забарди,
Эсли одам ҳар бир ишга чеварди.
Гўрўғлининг хафа бўлганин билиб
Сулув қизу ҳар бир келинчакларга,
Дарров келсин, деди хабар юборди.

Ҳар тарафдан қиз келинчак йиғдирди,
Косаларга асал, шарбат қуйдирди,
Йиғиб олиб сулув қиз, келинчакни,
Яхши кўйлак, яхши желак рўмолдан,
Шиғирлатиб ҳаммасига кийдирди.

Ой Зайдиннинг кўнгиллари жўшади.
Дарвозадан то уйига келгунча,
Кўчаларга поёндозлар ташлади.
Муллаваччa ўқир алиф, забарни,
Яхши отга солар сирпой эгарни.
Баракалла араб қизи, ой Зайдин,
Шу меҳмонни бориб олиб кенглар деб,
Сулув қизни, сатта келинчакларни,
Борингглар деб пешвоз қилиб юборди.

Ҳар махлуқнинг сирин ўзи билади,
Иғвогарлар элга ғорат солади.

Шундайни Гулқизжон тиклаб қараса,
Беш юзча қиз шундай қилиб келади.

Мерганлар ўқ отар кўлнинг қушига
Қойил бўлди Ёвмит элнинг ишига.
Салом бериб меҳмоним деб сулувлар,
Етиб борди Гулқизжоннинг қошига.

Гулқиз пари ҳисобидан адашди,
Ҳасан Чопсон Гулқизжонга етишди.
Адаб билан, баракалла, ҳамма қиз,
Саломлашиб Гулқизжонман кўришди.

Ҳай балли, ой Зайднинг ишига,
Танга-тилла Гулқиз бошидан сочди.
Ёвмит келиб кўрди қиздан муллани,
Ҳасан Чопсон олаверди тиллани.

Қурбон бўлсин сулув қизнинг бўйига,
Кўп гап келар кўрганларнинг ўйига,
Кўлтиғидан суяб Гулқиз парини
Олиб келди Аҳмадбекнинг уйига.

Ана энди ой Зайдин гала қиз-хотинларни йиғиб Гулқиз парига бэр синсилани кўрсатди. Ҳасан Чопсонга уч юз қора товоқ кулчатой билан паловни тортди. Келганини Ҳасан Чопсон товоқ билан оғзига қоқиб ташлаб ютаверди. Бир шоир бор эди, ана бунинг шаънига қараб бир байт айтди:

Уруш куни кепти меҳмоннинг қаҳри,
Қишнинг куни кетмас тоғларнинг қори,
Тўқсон ботмон нон бўлмайди наҳори,
Шундай чимхўр меҳмон келди Евмитта.

Обод қилди келиб Ёвмит шаҳрини,
Сира айтмас кўнгилдаги борини
Уч кун турса ўзи Ёвмит шаҳрида,
Еб қўяди одамларнинг барини.
Бир озода меҳмон кепти Ёвмитга,

Еб қўяди катордаги норларни,
Олиб келиб беринг жами қўрларни.



Еб қўяди, энди ҳарна борларни,
Бир озода меҳмон кепти Ёвмитга.

Меҳмоннинг йўқ экан шарм, уяти,
Кўрганларнинг йўқдир тоби тоқати.
Беш юз ботмон ун бўлмаса овқати,
Шундай бадгир меҳмон келди Ёвмитга.

Олиб келиб олдига уй торингни.[1]
Уйдан олиб келавергин борингни!
Шундайгина меҳмон экан кўп яхши,
Тўймай қолса еб қўяди барингни!
Шундай яхши меҳмон келди Ёвмитга.

Одамларни энди пастга туширинг,
Баччаларни ҳангамадан кочиринг!
Олиб кенглар туя билан ҳўкизни,
Қозонни ос, осон, дарров, пиширинг!
Тўймайдиган меҳмон келди Ёвмитга.

Ҳасан Чопсон энди буни билди. Ҳангамада, юрт йиғилган жойда, бир маҳрам бесоқол баччанинг қўлидан маҳкам ушлаб олдига судраб тортиб олди. «Энди еб қўймай қайтади», деб одам биткан қочаверди. Бу талатўп Гулқизга етди. Кўз кўргунча оғиз сўзлайди, ана Гулқизга бориб биров бир сўз айтаяпти:

Меҳмонингиз билганидан қолмади,
Одамларнинг насиҳатин олмади.
Еб қўйди подшоликда ошларни,
Ҳеч бир парса шу меҳмондан қолмади.

Эшитинг Гулқизжон бизлардан додни,
Бир баччани ейман деб чирқиратди,
Подшоликда пишганига тўймади
Еб қўйди ҳарна бори овқатни.

Талатўплар бўлди ўтирган жойи,
Ҳамма одам ўлдим деб қочиб кетди.
Ёмонласам сизга малол келами,
Талатўп бўп қолди Туркманнинг юрти.

[1] Тори — тарик.

Гулқизжон, билди-да турасоб кетди,
Гулқизнинг қолмади тоби тоқати,
Бул Ҳасан Чопсоннинг олдига етди,
Шундайин қараса Гулқиз паризод.
Талатўп бўлипти Ёвмитнинг юрти.

Гулқиз Ҳасан Чопсонга қараб бир сўз айтаяпти:

Меҳмон деган удирайиб турмайми?
Берганига қаноат қип юрмайми?
Бу ишингиз уят бўпти, акажон,
Омин қилиб меҳмон тўрда турмайми?

Эшитинг акажон, ўзимдан тилни,
Қушвозлар маст қип сайратар булбулни
Бу ишингиз, ака, уят бўлибди,
Талатўп қилибсиз Ёвмитдай элни.

Бу гапингни Юнусойим эшитса,
Маърака-мажлисда бир кун гап бўлса,
Юнусжон катта това бўлибди.

Мен бир Гулқизжонман ёзиқли банда,
Қилибсиз бизларни бунда дармонда,
Аканг сенинг мечкай экан демайми?
Халойиққа бизни қилдинг шармапда.

Хизмат қилдик бизлар сизга бегумон,
Ҳаммамиз бўлибмиз Ёвмитга меҳмон.
Юнусжонга ҳеч бир киши айтмасин,
Ўзим билан билла юринг, акажон!

Ана энди Гулқиз уялиб Ҳасан Чопсонни иярти6 аста кетди. Аҳмадбекнинг ватанига етди. Ҳасан Чопсон қиз билан сулув келинчакларни кўриб авжи келиб маст бўлиб кетди. «Бу ўзбекларнинг сулувлари кўп бўлар экан», — деб ҳамма нарса эсидан чиқиб, бизанглиги тутиб, бу қизлар шаънига қараб, шавқ-завққа келиб, ашулавозлиги тутиб, қутуриб бир сўз айтаяпти:

Тоғлардан дўланиб ўтдик,
Дарёлардан кечиб кетдик,
Шукур қилай худойима,
Қизларнинг мўлига етдик.



Юнусман Ёвмитга келдик,
Одамзодга меҳмон бўлдик.
Овқатига тўймай қолдик,
Жон тарала, вой тарала,
Ҳай, ҳай ялласи.

Қулоқ солсинлар сўзларга,
Кўлдаги учган ғозларга,
Меҳмон бўлдим кўп қизларга,
Саломат чиқсам ёзларга.
Жон тарала, ҳей тарала,
Киштал, киштал ялласи.

Боғларда очилар бодом
Сулув бўлса менга ҳамдам,
Қўрқманг қизлар мен ҳам одам,
Еб қўяр деб еманглар ғам.

Соқолларин силдиратиб,
Баданларин қимирлатиб,
Бул Чопсон ашула айтиб,
Ҳамма қизларни балқитиб,
Кийикдай сакраб ўйнайди,
Гоҳ энкайиб, гоҳ чўнқайиб,
Ҳар ашулалар айтади.

Қиз биткан, келинчак, кампир,
Кулишиб ичаги қотди.
Қилиқ қилиб ҳаммасини
Ошно-билиш қип ташлади.
Ковушларда пошна бўлди,
Оқшомликка рўшно бўлди,

Хотин биткан, келинчаклар,
Ҳасан Чопсон қилиғига,
Ёмон бўлса гўрга дейишиб,
Ҳангамаси яхши дейишиб,
Чин кўнгилман ошно бўлди.

Энди ҳамма хушвақт бўлди. Ҳасан Чопсондан дилжам бўлди. Гулқиз ой Зайдинга айтди:

— Қайнингизни айтиб кенг,— деди. Ой Зайдин бориб Гўрўғлини айтиб келди. Гулқиз Гўрўғлибекка қараб неча хиллик билан дасти алиф-лом қилиб, гарданини хам қилиб, мийиғида кулиб бир сўз айтаяпти:

Эшитинг Гўрўғли ўзимдан додти,
Раҳмат пари, Қарня пари энангиз,
Юнусжонга ҳовли-анжомлар қилиб,
Тартиб билан Кўйи Қофдан узатди.

Шунча бўлар Гулқизжоннинг хизмати
Подшойим ўзима беринг суюнчи!
Хабар олинг ой Юнуснинг ўзидан,
Ҳар ким жонғиламасин айтган сўзидан.

Мард йигит душманни отар кўзидан,
Ҳар ким топилмаса айтган сўзидан.
Тўққиз ошно қилган хотин яхшиди,
Подшойим ўзима бергин суюнчи!

Юнусни узатиб Евмитга келдим,
Гул бутада сизиман ваъда қилдим.
Айтган гаплар эсингизда бормикан,
Салтанатман Юнусни олиб келдим,
Ўзима, тақсиржон, беринг суюнчи!

Сиз кетказинг юракларнинг черини,
Ҳақ эритсин пешонанинг шўрини,
Тақсир-а, ўзима беринг суюнчи,
Олиб келдим ой Юнусдай парини!

Бориб бўлинг Юнус паридан қурбон,
Ўйлаб турсам мана дунё бепоён.
Айтган одам олти соатлик меҳмон,
Олиб келдим ой Юнусдай парини.
Айтган ваъдаларни беринг жезнажон!

Кўрсатайин Юнусжоннинг бўйини,
Кўрганларнинг кеткаради ўйини,
Айтган ваъда, неча сўзлар қаникай?
Таради қинг Юнусжоннинг тўйини.
Жезнажон ўзима беринг суюнчи!

Юнус пари келсин, деди,
Бўйнима қўл солсин, деди.
Кеп эгалик қилсин, деди.
Ватанида, ҳовлисида,
Бизман бирга бўлсин, деди.



Биздан кўнгли тўлсин, деди.
Тилла тахтга келиб миниб,
Яхши подшо бўлсин, деди.
Суюнчи беринг жезнажон!

Ана энди Гўрўғлибек:

— Баракалла Гулқизжон, олло рози бўлсин сендан! — деди. Гўрўғлининг тошқинлиги келиб Ҳасан Чопсонга ҳам дарров бир тўн тикинглар, — деди. Хазиналар очилиб, пуллар сочилиб, қучоқ-қучоқ матони олиб келиб ташлай-верди. Уч юз тўп мато опкелди. Хотинлар тикаверди. Ана энди Гўрўғлибек ой Зайдин чечасига қараб бир сўз айтаяпти:

Хизмат қилди бежой яхши Гулқизжон,
Хизмат қилинг хўп ўхшатиб бегумон,
Нима деса айтганини қилинглар,
Яхши хизмат қилаверинг чечажон!
Гулқизжонга қатор-қатор нор беринг,
Нор устига кўтармоққа зар беринг!
Ичмакликка мажлисларда бол беринг,
Шоирлардан ҳангамада тил беринг!

Бежойин кўп Гулқизжонга пул беринг,
Пул берсангиз Гулқизжонга мўл беринг!
Жуда яхши кўнглини тўлдиринг,
Одамларга яхши хизмат қилдиринг!

Тилла пиёлага мойлар қуйдиринг,
Хизматкорга сулув қизни йиғдиринг!
Яхши хизмат, кўп иззат қинг Гулқизни,
Яхши желак, яхши кўйлак кийдиринг!

Яхши мурсак, яхши желак ёпинглар,
Ой Гулқизнинг кўнглини топинглар!
Хизматида кеча-кундуз чопинглар!

Тонг отган сўнг чироқларни ўчиринг,
Тун оққан сўнг карвонларни кўчиринг!
Бошларидан танга, тилла сочиринг!
Тоза мато олиб келиб бозордан,
Бош-бошига кийим қилиб бичиринг!

Маълум бўлсин Гулқиз ўзингдан қурбон
Душманни қиларман ер билан яксон.
Аркон давлат Гулқиз ойим сеники,
Давлатим сендан айлансин, Гулқизжон!

Худоё сарғайтмагай-да бу юзим,
Отадан, энадан мен ёлғиз ўзим.
Рози бўлдим Гулқиз сенинг ўзингдан.
То ўлгунча ўзинг бўлгин канизим!

Сен кетказгин юрагимдан черимни,
Сарф айласам номус билан оримни.
То ўлгунча сени канизим дедим,
Тортинмай олавер ҳарна боримни!
Аркон давлат бор топганим сеники,
Не қилсанг ихтиёр, майлинг ўзингда,
Нима десанг ишонаман сўзингга.

Душманга ажал шаробин ичирди,
Бахмал парча париларга бичирди.
Олиб келиб қалқон-қалқон тиллани,
Гулқизжоннинг тепасидан сочирди.

Нима бўлса ой Гулқизни бўлдирди,
Ҳар ойнасдан кўнглини тўлдирди.
Рози бўлди Гўрўғлидан Гулқизжон,
Яхши хизмат сулувларга қилдирди.

Йигитни ўртайди қизларнинг нози,
Қоши қора, кўзи осмон юлдузи,
Гўрўғлининг қилган хизматларидан,
Гулқизжон бежоям бўп кетди рози.

Ана энди ой Зайдин Гулқизжоннинг қошида. Ой Зайдин қандай қиз, ярим белдан пасти уч ботмон, ярим белдан баланди икки ботмон, тарозига тушган беш ботмон. Ана ой Зайдин одамларга қараб бир сўз айтаяпти:

Кайвонилар бери-бери келинглар,
Ҳаммаларинг яхши хизмат қилинглар!

Кўйи Қофдан Юнус келиб қолибди,
Тез-тезгина маслаҳатни қилинглар,
Гулқизжонни жўнатайлик вақтли,



Эслиларинг лозимлигин кўринглар!
Маслаҳат, ёронлар, қандай бўлади?
Бу ишларнинг чорасини кўринглар!

Очилар боғларда гули ғунчалар,
Юракларда ҳеч ғами йўқ анчалар.
Юнусжоннинг ҳисобини қилинглар,
Йиғилишинг сап эсли бойвуччалар!

Болдан ҳам ширинлдир гапирсак сўзлар,
Юлдуздай ярқираб турганди кўзлар.
Юнусжоннинг чорасида бўлинглар,
Кўйи Қофдан Юнус келипти қизлар!

Очилганда боғнинг гулин терамиз,
Евмит элда ўйнаб-кулиб юрамиз,
Юнус келиб қопти Кўйи Қофидан,
Ой Юнусни қайтиб[1] бориб кўрамиз?

Отаси, энаси ҳовли солипти,
Салтанатман узатишиб келипти,
Бизлар билмай қопмиз шунча гапларни,
Ой Юнусни қайинимиз олипти.
Бу ишнинг иложин қилинглар сап қизлар,
Кўйи Қофдан яхши келин келипти!
Биз билмабмиз шунча ўтган гапларни,
Шу ишимиз биздан уят бўлипти.
Тортиқ билан, неча иззат-ҳурматман,
Юнус пари Кўйи Қофдан келипти,
Гулқиз пари суюнчи деб турипти.

Билдингларми Гулқизжоннинг сўзини
Ҳар ким кўнгли мард билмайми ўзини!
Баракалла отасиман энаси,
Салтанатман яхши ҳовлилар қилиб
Шуйтиб узатипти Юнус қизини,
Ойимлар маслаҳат қандай бўлади?

Йиғилишиб Гулқиз билан борайик,
Нима бўлсак хизматини қилайик,
Юринглар, ойимлар, энди ҳаммангиз,
Ой Юнусман саломлашиб келайик!

---

[1] Қандай этиб.

Ой Юнуснинг тағин кўнгли қолмасин,
Нима деса айтганини демасин!
Юринглар борайик Юнус олдига,
Ҳаммамиздан катта ўпка қилмасин!

Ана энди ой Зайдин маслаҳат қилиб, ҳар қанча нарсани Гулқиздан айлантириб, бўйи баравар танга-тилла тўкиб ташлади. Гулқизнинг чўртта кўнгли тўлди. Нима бўлса, Гулқиз бўлди. Уч юз тўп нарсадан тўп қилиб Ҳасан Чопсонининг эгнига солди. Шу ҳам тиззасидан келди. Ҳасан Чопсон теварагига қараниб, соқолини тараниб, «Ёвмитнинг одами, хотинлари бойвачча бўлар экан», деб маст бўлиб, ҳар қутуриб келиб, мақомлар қип ўйнайверди. Қиз-келинчакларнинг кула-кула чўртта ичаги қотди. «Бизлар Юнусга бораётганда, бобомиз устига миниб борамиз», дейишди. Ҳасан Чопсон «қуллуқ», деди. Ҳасан Чопсон кўнглида, «буларни орқамга соламан, Санам чорвоққа кетаман, бориб сулувини хотин қиламан, ёмонини ейман» деди. Беш юзча қиз устига миниб олди. Қўли билан имлаб, озор топтирмай, кўринг энди Ҳасан Чопсонининг теварагини айланиб, қиз-келинчаклар Юнуснинг олдига жўнашини.

Шоир айтган яхши сўзлар,
Мард йигит душманини излар,
Ҳасан Чопсон туя бўлиб,
Гоҳ дингиллаб бия бўлиб,
Жўнайверди сулув қизлар.
Дириллаб қизлар жўнади.
Ҳиринглаб қизлар жўнади.

Чопишиб, ўпкаси пишиб,
Кўрганларнинг ақли шошиб,
Ҳамма одам йиғилишиб,
Бул Чопсонни ўртага олиб,
Қиз-келинчаклар кулишиб,
Келаётир вағирлашиб,
Сўлқиллаб қизлар жўнади,
Билқиллаб қизлар жўнади,
Таралиб қизлар жўнади,
Буралиб қизлар жўнади.
Элга бир гап бўлди, деди,



Тоза гуллар сўлди, деди,
Юнусжонга чопиб бориб,
Ёвмит элдан қиз-келинчак,
Гулдай яшнаб келди, деди.
Ҳасан Чопсон маймун бўлиб,
Томошалар берди, деди.
Одамзоддан қиз, келинчак,
Кўрмакликка келди, деди.

Ана булар бораверсин, энди Юнусжондан эшитмак керак гапни. Юнусжон канизларга қараб бир сўз айтаяпти:

Қора зулфни гарданларга толдирманг,
Яхшингизга асли хизмат қилдирманг!
Келаётир қайин юртдан меҳмонлар,
Сирингизни ҳеч кимсага билдирманг!

Салом бериб бежой вақтин хушланглар,
Бошни чайқаб, бармоқларни тишланглар,
Яхши либос, тўшаклардан ташланглар,
Хизмат қилиб жуда вақтин хушланглар!

Салом бериб қаддингизни букинглар,
Келганларга ҳаво қилманг, ёқинглар!
Ҳеч кимсанинг дили озор емасин,
Ҳамманг бирдай бўп олдига чиқинглар!
Салом бериб қўлтиғидан суянглар,
Жилва қилиб бежойин кўп сийланглар!
Турли таомларни тайёр айланглар!
Бежой яхши зиёфатлар қилинглар,
Опажон, деб хизматида бўлинглар!

Димоғини бежой хушлаб чоғ қилинг,
Анжом-асбоб меҳмонларга тахт қилинг!
Яхши мажлис қилинг бугун кечаси,
Олтин коса гулгун шароб чоқ қилинг!
Алвон-алвон неча гапдан сўйланглар,
Бемазани овлоқ уйга бойланглар!

Боринглар, чиқинглар, меҳмон олдига,
Рози бўлсин менинг қилган ишима!
Гўрўғлибек оқшом келар қошима,

Ой Юнуснинг тагин кўнгли қолмасин,
Нима деса айтганини демасин!
Ёринглар борайик Юнус олдига,
Ҳаммамиздан катта ўпка қилмасин!

Ана энди ой Зайдин маслаҳат қилиб, ҳар қанча нарсани Гулқиздан айлантириб, бўйи баравар танга-тилла тўкиб ташлади. Гулқизнинг чўртта кўнгли тўлди. Нима бўлса, Гулқиз бўлди. Уч юз тўп нарсадан тўн қилиб Ҳасан Чопсоннинг эгнига солди. Шу ҳам тиззасидан келди. Ҳасан Чопсон теварагига қараниб, соқолини тараниб, «Ёвмитнинг одами, хотинлари бойвачча бўлар экан», деб маст бўлиб, ҳар қутуриб келиб, мақомлар қип ўйнайверди. Қиз-келинчакларнинг кула-кула чўртта ичаги қотди. «Бизлар Юнусга бораётганда, бобомиз устига миниб борамиз», дейишди. Ҳасан Чопсон «қуллуқ», деди. Ҳасан Чопсон кўнглида, «буларни орқамга соламан, Санам чорпоққа кетаман, бориб сулувини хотин қиламан, ёмонини еймап» деди. Беш юзча қиз устига миниб олди. Қўли билан имлаб, озор топтирмай, кўринг энди Ҳасан Чопсоннинг теварагини айланиб, қиз-келинчаклар Юнуснинг олдига жўнашини.

Шоир айтган яхши сўзлар,
Мард йигит душманин излар.
Ҳасан Чопсон туя бўлиб,
Гоҳ дингиллаб бия бўлиб,
Жўнайверди сулув қизлар.
Дириллаб қизлар жўнади.
Ҳиринглаб қизлар жўнади.

Чопишиб, ўпкаси пишиб,
Кўрганларнинг ақли шошиб,
Ҳамма одам йиғилишиб,
Бул Чопсонни ўртага олиб,
Қиз-келинчаклар кулишиб,
Келаётир вағирлашиб,
Сўлқиллаб қизлар жўнади,
Билқиллаб қизлар жўнади,
Тaралиб қизлар жўнади,
Буралиб қизлар жўнади.
Элга бир гап бўлди, деди.



Тоза гуллар сўлди, деди,
Юнусжонга чопиб бориб,
Ёвмит элдан қиз-келинчак,
Гулдай яшнаб келди, деди.
Ҳасан Чопсон маймун бўлиб,
Томошалар берди, деди.
Одамзоддан қиз, келинчак,
Кўрмакликка келди, деди.

Ана булар бораверсин, энди Юнусжондан эшитмак керак гапни. Юнусжон канизларга қараб бир сўз айтаяпти:

Қора зулфин гарданларга толдирманг,
Яхшингизга асли хизмат қилдирманг!
Келаётир қайин юртдан меҳмонлар,
Сирингизни ҳеч кимсага билдирманг!

Салом бериб бежой вақтин хушланглар,
Бошин чайқаб, бармоқларин тишланглар,
Яхши либос, тўшаклардан ташланглар,
Хизмат қилиб жуда вақтин хушланглар!

Салом бериб қаддингизни букинглар,
Келганларга ҳаво қилманг, ёқинглар!
Ҳеч кимсанинг дили озор емасин,
Ҳамманг бирдай бўп олдига чиқинглар!
Салом бериб қўлтиғидан суянглар,
Жилва қилиб бежойин кўп сийланглар!
Турли таомларни тайёр айланглар!
Бежой яхши зиёфатлар қилинглар,
Опажон, деб хизматида бўлинглар!

Димоғини бежой хушлаб чоғ қилинг,
Анжом-асбоб меҳмонларга тахт қилинг!
Яхши мажлис қилинг бугун кечаси,
Олтин коса гулгун шароб чоқ қилинг!
Алвон-алвон неча гапдан сўйланглар,
Бемазани овлоқ уйга бойланглар!

Боринглар, чиқинглар, меҳмон олдига,
Рози бўлсин менинг қилган ишима!
Гўрўғлибек оқшом келар қошима,

Ҳамманг опажон деб хизмат қилинглар,
Қойил бўлиб кетсин қилган ишима!

Еманглар парилар асли ҳеч ғамди,
Яхши одамга эсли одам ҳамдамди.
Опажон деб пешвоз чиқинг олдига,
Минг сизи биздан яхши жизи биз.
Ҳар турли овқатни тайёр айланглар!

Ўқиди Юнусжон ломман забарди,
Париларни пешвоз қилиб юборди.
Томоша айланг ой Юнуснинг ишига,
Гулгун рўмол пириллайди бошида,
Ҳасан Чопсон қизлар билан завқ қилиб,
Юнусжоннинг сатта паризодлари,
Ассалом алайкум келган меҳмон деб,
Гулдай бўп чиқди Зайдиннинг қошига.

Лабин тишлаб нимкала соз кулишди,
Кўрган одамларнинг ақли шошди.
Юлдуз кўзли сатта сулув жононлар,
Бир-бириман шуйтибгина кўришди.

Пўпаклар силдираб белидан ошди,
Учлари сўлқиллаб товонга тушди.
Томоша айланг бесиёқнинг ишини,
Беш юз қизни шундай хушвақтчиликда,
Ҳасан Чопсон олиб Кўйи Қоф қочди.

Ёмоннинг бир қилиғи ортиқ. Ёмон ёмонлигини қайтиб билдиради. Ҳамма одамнинг димоғи куйиб кетди. Гулқиз қаттиқ уялиб, бориб Юнусга бир сўз айтаверди. Гулқизнинг айтаётган сўзи:

Опаё, эшитинг ўзимдан сўзни,
Сарғайтириб кетди ойдайин юзни,
Илоё ерларга кирсин шу Чопсон,
Олиб қочиб кетди беш юзта қизни.
Уялтириб кетди бежойин бизни.

Хушвақтчилик ёмон бўлди бегумон,
Ким бўлади энди йўлларда сарсон?
Олиб кетди неча одамнинг қизин,
Илоё яшшамай ўлсин, шу Чопсон!



Қошни кериб қовоқларни уйдирди,
Гўрўғлибек бизга кийим кийдирди.
Беш юз қизни олиб кетди акангиз,
Яшшамагур мени бежой куйдирди.

Ажал етиб мендай санам ўлмаса,
Унга етар ҳеч бир киши бўлмаса
Ер ютгурнинг иши кўп уят бўлди,
Ахтаргани жой, ватани бўлмаса...

Ҳар банда олган қиз билан қарисин,
Гармселда тоғнинг қори эрисин!
Ҳей бу ишлар ёмон бўлди ой Юнус,
Дод-фарёд, Ҳасан Чопсон қурисин!

Бу гапларга кўнгил битган қабарди.
Эшитинг опажон ўзимдан зорни,
Ҳасан Кўлбар акасини ой Юнус,
Тез боргин деб орқасидан юборди.

Ҳар ким дўсти учун қилар хизматни,
Элнинг димоғини куйдириб кетди.
Дод-фарёд, деб Ҳасан Чопсон дастидан,
Ҳасан Кўлбар хез қип ортидан кетди.
Ҳасан Кўлбар Бало тоғнинг остида,
Хез қилиб Чопсонга қистаб етди
Етиб бирдан ёқасидан ушлади.
Аччиғланиб тубасига муштлади.
Кўлтиқлаб қизларни кўтариб олиб,
Бул Ҳасан Чопсонни банди қилиб,
Ҳасан Кўлбар ҳаммасини оп қайтди.
Рози бўлди энди Ҳасан Кўлбардан,
Яхши бўлди акасининг хизмати.
Евмит элнинг вақти хуш бўлиб кетди.
Ҳеч нимани кўрмагандай бўлишиб,
Йиғлаб қолиб эди ҳамма одамлар,
Бошқатдан хушвақт бўлди кулишиб.

Қайтайин дунёси тушсин бепоён,
Омонатдир бу танада гартак жон
Салом бериб ой Зайдиннинг олдига,
Ниқоб ташлаб юзларига паризод,
Кулиб чиқди ой Зайдиннинг қошига.

Ёмонга гап айтманг элга ёяди,
Ер лой бўлса юрган туя тояди.
Гулқиз билан Юнус пари, ёронлар,
Ой Зайдиннинг қўлтиғидан суяди.

Неча қизлар қойил бўлиб Юнусга,
Баракалла Юнусжонга дейишиб,
Ой Зайдин рози бўлди Юнусдан,
Келаётир қизлар хушвақт бўлишиб.

Нечовларга яхши гулдан тергизди,
Қора сочни тўқсонта қип ўргизди.
Тиллакорли гул нақшланган уйига,
Ой Зайдинни, неча сулув қизларни,
Тилла томга Юнус пари киргизди.

Келин кўрсатар қиз Юнус парини,
Беш юз пари салтапатман тургизди.
Кўрган одам бўлди келиндан хурсанд,
Ой Зайдин бежойин бўлишти шодмон.
Баракалла париларнинг аҳлига,
Уч мартаба таъзим қилди Юнусжон.

Жон айлансин париларнинг сўзидан,
Маст айлансин жавдираган кўзидан.
Умригинанг узоқ бўлсин келин деб,
Ой Зайдин ниқобини олди юзидан.
Ой Зайдиннинг гулдайин ранги сўлди,
Чиройи четилиб, қадди букилди.
Юнусжоннинг юзин кўриб ой Зайдин,
Беҳуш бўлиб бирдан ерга йиқилди.

Юнус билди унинг беҳуш бўлганин,
Дарровгина қўлтиғидан суяди.
Умригинанг узоқ бўлсин Юнус деб,
Чини билан ой Зайдин дуо қилди.

Ана энди ҳамма эл келиб (қирқта ҳужра солувди), қизлар, хотинлар, бари жой бўлди. Гулқизжон иззати билан барча келган хотинларга, ой Зайдинга қутлук бўлсин қилди. Келган хотинларнинг кўнгли тўлди. Ҳасан Чопсонни ой Юнус сарпўшлаб, бойлаб, авахтага солди. Ой Юнус отасининг подшолигини кўриб юрган, ўзбекнинг хотинлари, қиз-келинчаклар, Юнуснинг бу ҳайбат-ҳашамини, шону шавкатини кўриб, қўрқиб қолди:

— Бо худо урди. Акасини шундай қилиб қамаб қўйди,— деди. Ой Зайдин айтди:

— Бетартиб кулманглар! Беадаб далага ҳам чиқманглар! Бу Юнуснинг сиёғи ёмон кўринади. Тағин битта-яримтангни қамаб қўймасин! Иш уят бўлмасин! Эҳтиёт бўп ўтиринглар,— деди. Ана энди келган хотинлар, маст бўлиб, Юнуснинг олдидан кетгиси келмай қолди. Эри, бола-чақаси эсдан чиқиб кетди. Ана энди Гулқиз Юнусни далага олиб чиқиб маслаҳат қилди:

— Ҳеч буларнинг кетгиси келмай қолди. Энди гап қандай бўлди?— деди. Юнус айтди:

— Буларнинг бола-чақасини олиб келтиришлик даркор. Энди бориб ёппа-ёвлик айтиб келавер!— деди. Ой Зайдин ҳам ўзи подшонинг қизи эди. Илми сипойигарчиликни билар эди. Энди ой Зайдин билди, Ёвмитга давлат келди. Ой Зайдин каниз Чиннихонга айтди:

— Замон энди бошқа замон бўлди. Бориб хўп тайинлаб айтинг, юртга эга келди,— деди. Юнус билан Гулқиз ҳам маслаҳат қилди. Гулқиз билан Чиннихон иккови кетди. Бориб Гўрўғлибекка, Темирхонга, Аҳмадбекка қараб Гулқиз бир сўз айтаяпти:

Ассалом алайкум турган улуғлар,
Яхши одамда бўлар яхши қилиқлар.
Ҳаммангизни Юнус пари чақирди,
Ёппа-ёвлик юраверинг одамлар!

Насиб тортиб кўрдим Ёвмит шаҳрингни,
Гўрўғлибек келтирмагин қаҳрингни.
Битта қолмай барингизни чақирди,
Мен меҳмон қилгани келдим барингни!

Ота боласи учун қилар хайрди,
Бойлар қўяр байталига ийирди.
Ассалом алайкум турган подшолар,
Юнус пари ҳаммангизни буюрди!

Букун кетсин юракларимнинг ғами,
Шукур қилинг бу ишлар ҳақ фармони.
Юнус пари меҳмонликка чақирди,
Ёппа юринг Ёвмит элнинг одами!

Иншоолло ўйнанглар, даврон сурринглар,
Кўклам бўлса ёвғошин гул теринглар!
Юнус пари зиёфатга чақирди,
Ёппа-ёвлик битта қолмай юринглар!

Обод қилдик келиб Ёвмит шаҳрини,
Юнус сарф айлайди ҳарна борини.
Гўрўғли жезнажон, кулоқ сонг сўзга,
Ияртиринг одамингиз барини!

Қайнанангиз Кўйи Қофда боғ қилган,
Куёвгинам, арз сўрасин болам, деб,
Раҳмат пари сизга тилла тахт қилган,
Жезнажон, иртиб юринг барини!

Баланд тоғда кўзим тушди лайлига,
Ёзнинг куни деҳқон чиқар чайлага.
Бизлар билан бирга юринг, жезнажон,
Юнусжон чақирди ёппа ҳовлига!

Кўкрагида паризоднинг ўйи бор,
Бу бегларга милдираган чойи бор.
Тўйдирарга бежойин кўп мойи бор
Биз билан бирга юринг, жезнажон,
Ҳамма одамни қўндирмоққа жойи бор!

Меҳнат қилган муродига етади.
Қаноти бор неча тоғдан ўтади.
Ёппа иртинг булкиллаган одамни!
Юнусжоннинг солиб келган уйига,
Миллион, миллион — қўри одам кетади.

Ёппа-ёвлик баринг юринг қариндош!
Бизлар бўлдик одамзод билан сирдош.
Ёмон кўрган одамман одам ғаш.
Ҳар ким ўз тенги билан бўлган-да йўлдош.

Қайнанангиз одамгарчилик қилганди,
Кўйи Қофдан усталарни йиғдириб,
Обжўшдан иморат қилган қўйдириб.
Бизлар билан юринг энди жезнажон,
Ҳаммангизни Юнус меҳмон қилганди!



Шундай деб Гулқиз ўртага кириб таъзим қилиб турди. Ана Чиннихон ичкари ўрдага кириб, сап сардорларнинг одамшавандаларини Гулқиздан яшириб, Аҳмадбекнинг уйига чақириб келиб бир сўз айтаяпти:

Юнуснинг қилиги пишган нонча бор,
Кўрганимни айтай сизга жамоат,
Ой Юнуснинг дағдағаси анча бор.
Икки одам ҳовлисида турипти,
Зўрлик билан дағдағаси анча бор.

Ойга ўхшайди Юнусжоннинг,
Юзи билан рўйлари,
Ичида йўқ қайғу билан ўйлари,
Кўрган хотин бари маст бўлиб қолди,
Жаннатга ўхшайди қилган уйлари.
Марварид якка михлар ҳовли ичида,
Бежой яхши Юнусжоннинг жойлари,
Дағдағаси, салтанати анча бор.
Кўрса отлиқ тушар отдан пиёда,
Ўлмасин худоё ёлғон дунёда!
Ҳовли-анжомларин кўрдим халойиқ,
Шиддати ҳам ватанидан зиёда.
Бундай ҳовли асли йўқдир дунёда,
Шони шавкат иззатлари анча бор.

Баланд-баланд тоғда бўлган ҳомади
Ўтирган уйидан боллар томади.
Салтанатин кўриб юрагим учди,
Акасини бойлаб қўйиб қамади.
Ой Юнуснинг пошшолиги анча бор;
Ҳовли, анжом, иморати бежой зўр.

Ана энди Гўрўғлибек Чиннихонга, катта-кичикка қараб бир сўз айтаяпти:

Аканг фақир Кўйи Қофга борганди,
Тўхтамишнинг кўзини кўр қилганди.
Самандар дев биз билан дўст бўлганди.
Йиғилишиб дев, парилар ҳаммаси,
Бизлар билан катта жанжал қилганди.
Гулқиз келиб оқсоқол бўп сўлиқиб,
Зўрлигимман Юнус бунда келганди.

Хотиннинг қўлидан нима иш келар,
Асли қўрқмангиз дўқнинг бари ёлғонди!
Гўрўғли душманнинг қонин тўкарди,
Ҳар уруғдан мен оларман навкарди,
Чинни гапинг юракни чўкарди.
Хотин халқин ҳашами нима бўлар?
Қўрқманглар, ёронлар, бу гап ёлғонди!
Юнусжоннинг ўзи эрка қиз турур,
Жўрттага ҳайбат-ҳашам қилганди.
Қўрқмагин Чиннихон бу гап ёлғонди!

Семиз молни ўлжа қилиб сўярман,
Қай ерда душманнинг кўзин ўярман,
Элчи хатни ҳар тарафга ёярман.
Ҳар уруғдан назаркарда йигитни,
Сарпойдан, отдан кўнглин тўлдириб,
Тарафларга йўқ савдолар солдириб,
Ҳар уруғдан аскар-навкар оларман.
Ғам еманглар одам бўлиб қоларман!
Қўрқманглар, ёронлар бу иш бекорди!

Ўзим бориб кучоғима оларман,
Чиннихон, қўрқма хизматкор қиларман!
Ғам еманглар мен ҳам одам бўларман!

Қўрқманглар, бу ишлар бари фирибди,
Бойвучча қиз ўзи мастлик қилганди,
Салтанатман Кўйи Қофдан келганди,
Сизни ўзбек билиб ҳийла қилганди.
Асли қўрқмангиз бу гап биткан ёлғонди!
Ҳар тарафдан одам қолмай йиғдирай,
Карнай-сурнай шодиёна қўйдирай.
Ҳар уруққа сири ҳолим ёярман,
Пўлат добил қўлга чиқиб туярман.
Мусулмон биткандан одам йиғарман;
Яхши сарпой, яхши либос киярман.
Ой Юнусни олдима олиб суярман,
Тарафларнинг кўкайини қиярман,
Қўрқманглар Юнуснинг иши ҳийлади!

Гўрўғлибек ҳар тарафга қаради,
Гулқизжондан бир хил гапни сўради,



Яхши тўнни кийиб, яхши салла ўради.
Салтанатда ойналарга қаратди.

Кўзлари қуралай, юзи ойнаворни,
Чақиртириб келди мўйсафид пирни.
Ноғора, сурнайлар тортиб Гўрўғли,
Ёвмит элда йиғди гала сардорни.

Томоша айланг Гўрўғлининг ишига,
Сулув қизлар ўсма қўяр қошига,
Салтанатман неча шони-шавкатман,
Ёвмит, Така-Туркманни йиғиб Гўрўғли,
Жўнайверди ой Юнуснинг қошига.

Мўр-малахдай одам тўлиб даштларда,
Кетаверди Юнус пари қошига.
Ошиғи мубтало бўлган кўзига,
Ойга ўхшаб Юнусжоннинг юзига.

Уйқусида қирқ кун кучоқлаб эди.
Гўрўғлибек зор бўп бирор сўзига.

Емонларнинг кўнгиллари қабарди.
Яхши отга солар сарпой эгарди.
Гўрўғлининг келаётганин билиб,
Баракалла ой Юнуснинг ишига,
Кўринг, беш юз қиз қошига чиқарди.

Ёмонга сир айтманг юртга ёяди,
Эр йигит душманнинг кўзин ўяди,
Салом бериб, беш юз пари келинчак,
Неча мақомларман бориб олдига,
Гўрўғлининг қўлтиғидан суяди.

Гўрўғлининг кўп экanди хотири,
Евга от қўяр йигитларнинг ботири.
Баракалла Гулқизжонга, ёронлар.
Гулқиз бўлди Гўрўғлининг шотири.

Жонвор Ғиркўк вақтларин хушлайди,
Ҳар бир ўйнаб сўлқиларин тишлайди,
Навбат, навбат қизлар бўлиб шотири,
Гана, гана[1] жонивор Ғиркўк кишнайди.

---

[1] Гана, гана — гоҳи.

Ҳамма одамнинг ақларин шоширди,
Дарвозадан олиб кириб Гулқизжон,
Неча шону шавкат, иззатлар билан
Гўрўғлини Ғиркўк отдан туширди.

Рози бўлди ой Гулқизнинг ишига,
Неча танга-тилла сочди бошидан.
Олиб борди Юнусжоннинг қошига,
Ғинани кўтарди энди ўйидан.
Қурбон бўлди ой Юнуснинг бўйидан,
Салом бериб қўлларин қовуштириб,
Юнус пари сакраб турди жойидан.
Юнус пари бармоқларин тишлади,
Гулқиз пари вақтларин хушлади.
Гўрўғлини тўрга ўтказмай туриб,
Қимматбаҳо кўрпалардан ташлади.
Ёстиқ қўйиб ёнбошига Гулқизжон,
Гўрўғлининг вақтин жуда хушлади.

Юнус пари добилларни урғизди,
Ҳасан Кўлбар, Якдастани турғизди,
Қирқ эшикли аризахона томга,
Гулқиз пари шунча келган одамнинг,
Ҳаммасини кеткизмайин киргизди.
Оп келгани неча хум, хум май бўлди,
Шунча одам битта қолмай жой бўлди
Дастурхонлар ёзиб таомлар қўйиб,
Ичганлари милдираган чой бўлди,

Кўнгил қайнаб бошқаватдан хуш бўлди.
Ҳамма одамнинг бежой вақти хуш бўлди.
Баракалла ой Юнус тартибига,
Товоқ-товоқ палов тўлган чош бўлди.

Ана энди бу жойлар, бу ҳовлилар ҳеч одамнинг ақлига тўғри келмади; ҳамма одам лол бўлди. Ҳаммаси қирқ эшикли маслаҳатхона томга кириб том ярим бўлмай қолди. Ҳамма одам тушда кўргандай. Аҳмад сардор Ёвмит элнинг номи туркман амалдорларини йиғиб, дўнгдан ўчоқни ўйиб, семиз молларни сўйиб отасига ош берди. Ёшлар кетди. Қариялар, ақли тўлган одамлар қолди. Ана кун оқшом бўлди. Аҳмад сардор халойиққа қараб бир сўз айтаяпти:

Қишнинг куни тоғни туман чолади,
Сири ҳолим яратганим билади.



Катта-кичик бунда келган қариндош,
Маслаҳат бер, энди қандай бўлади?

Ҳангамада яхши-ёмон бўп сирдош,
Биров-биров билан бўладикан ғаш.
Ой Юнус келипти Кўйи Қофидан,
Маслаҳат бер бунда келган қариндош!

Мажлисда сўйлаган қизил тилимдир,
Очилганда боғда тоза гулимдир.
Қариндош маслаҳат қандай бўлади?
Ҳам жияним, Гўрўғлибек улимдир.

Ғам сарғайтган гоҳиларда юзимди,
Кетган ёққа тўрт қиламан кўзимди.
Катта-кичик бунда турган халойиқ,
Бир озроқ тўю томоша лозимди(р).

Кенгашли тўй тарқамайди дунёда,
Оғасини оға билган йигитнинг,
Умри узоқ бўлар мана дунёда,
Катталардан дуо олган йигитнинг.

Оғайин, маслаҳат қандай бўлади?
Эшитинглар ўзимдан айтган дотни,
Елғизликдан қайтай қисматлар катти(қ),
Бир озроқ тўй элимизга лозимди(р),
Қариндошлар, беринглар маслаҳатни!
Холжувон кетганда бўлдим беқарор,
Тўй деганинг хизмат билан битади,
Маслаҳат бер, Аҳмадбекка, ёронлар.

Темирхон ҳар тарафга қараб бир сўз айтаяпти:

Така-Ёвмит дейди ўсган еримни,
Ҳар кимсага мен айтмайман сиримни.
Бунда келган ҳар уруғдан одамлар,
Тўй қилиб талатинг ҳарна боримни!

Қариндошлар айтдим ўзим ўйимни,
Ҳаққа шукур пари кўрди жойимни.
Йиғилишган ўзбек элнинг одами,
Олиб келиб сўйинг семиз қўйимни!

Қарчиғай оп лойланг Болли кўлимни,
Ҳеч кимга солмасин олло ўлимни.
Йиғилишган Туркман элнинг одами,
Сўяверинг оп кеп семиз молимни!

Обод қилинг энди Евмит юртимни,
Сизга айтдим юрагимда дардимни.
Хизматкорлар йиғилишиб оп келинг,
Сарф айладим мен ўзим давлатимни!

Обод қинглар униб-ўсган шаҳримни,
Келтирманглар энди менинг қаҳримни!
Оғайнилар ака, ини, қариндош,
Шу тўйга харж қинглар ҳарна боримни!

Тулпор минмай узоқ чўлдан ўтмасин,
Суюнмай қул мақсадига етмасин!
Бунда келган Туркман элнинг одами,
Юнуснинг меҳмони кулиб кетмасин!

Ёмон сўздан гина пайдо бўлади.
Адоватлик элга ортиб қолади.
Биттасига удирайиб гапирсанг,
Ой Юнуснинг кўнглига гап келади.
Бу кўнгил ипакдан майин, ёронлар,
Бу Юнусжон зўр келиндир Евмитга,
Ёмон гапга Юнус кўнгли қолади.

Юнусжон ҳаводор киши, ёронлар,
Кетгунича хотин, эркак деманглар!
Сулув қизга тинмай хизмат қилдиринг,
Оқшом бўлса тўшакни мўл солдиринг!
Ой Юнуснинг кўнглин жуда тўлдиринг!

Ҳеч биттанинг бирор кўнгли қолмасин,
Заррадайин кўнгли ярим бўлмасин!
Кеча-кундуз тинмай хизмат қилинглар,
Юнусжоннинг ҳеч бир кўнгли қолмасин!
Йўрға тулпор ҳар уруққа елдиринг,
Ҳар уруғдан яхши нарса келтиринг!

Юнусжоннинг чўртта кўнглин тўлдиринг!
Ҳазил билманг Темирхоннинг сўзларин,
Уйиб ташланг ёмонларнинг кўзларин.



Яхши-ёмон демай барин сийланглар,
Бежой яхши кутинг ҳамма қизларин!

Ҳаммасига тоза либос ташланглар,
Бежой сийлаб вақтларин хушланглар!
Мақтаб кетсин Кўйи Қофга парилар.
Ҳар турли овқатдан кунда чошланглар!

Ичкари борганинг яхши кийинглар,
Кўркам сулув одамларни йиғинглар!
Емаса ҳам кириб бесоқолбаччам,
Яхши овқат кунда, кунда енглар!

Кунда бориб бир-бир салом беринглар,
Нима деса қуллуқ дейишиб туринглар!
Лекин париларнинг ақлин шоширинг,
Кўрганларнинг юракларин шиширинг!
Кетарида «хуш келдинг» деб иззатлаб,
Бало тоғдан нари қараб оширинг!

Юрган жойим гоҳи чўлда эл бўлди,
Худо ҳақлаб ой Юнус бунда келди.
Айтганимни бажону дил қилинглар,
Айтган панди насиҳатим шул бўлди!

Ана энди ҳамма турган акобир, беклар, сардорлар, пармоначилар, қўрғон бегилар, сап эли бойлар йиғилиб айтди: «Гўрўғлибек нима деса деди, банда пармонимиз. Бажону дил хизматини қиламиз», деди. Аҳмадбек Ҳаннон, Маннон шоирларга қараб: «Сизлар шоирсизлар, ҳар элни айтиб кенглар», деб бир сўз айтаяпти:

Қулоқ солгин Аҳмадбекнинг зорига,
Савдо сонг душманнинг кирдикорига!
Гапга уста икки шоир қулоқ сонг,
Тўйга деб хабар беринглар Марига!

Қулоқ сонг Аҳмад сардор додига,
Бўйин сунинг оллонинг қудратига,
Қаддингдан кетайин икки сухангар,
Хабар беринг Така Туркман юртига!

Тўйга денглар ким кўринса ҳолига,
Қаддингдан кетайин икки шоирим,
Хабар беринг Урганч-Широқ элига!

Ҳар ким етсин дунёда муродига,
Емон одам минолмасин отига!
Қаддингдан кетайин икки шоирлар,
Хабар беринг Элсарининг юртига!

Ошно одамдан тағи ўпка бўлмасин,
Бир кунлари уялтириб қолмасин!
Бозорда, қишлоқда жамоат денглар,
Тўқсон икки тухми бовли ўзбекдан,
Ҳеч бир киши эшитмайин қолмасин!

Ана энди маслаҳат қилиб, ҳар уруққа хат ёзиб, шоирларни жўнатаверди. Ана энди тўйнинг жабдуғини қилиб, тахтлайверди. Ҳамма нарсани чоғлайверди. Энди Юнус билдики, тўй бошланди. Ана энди моллар сўйилаверди. Кунда-кунда одамлар йиғилаверди. Орадан уч кун ўтди. Тўй қип талатди. Ана қирқ эшикли томхонада одамлар ўтирди. Тун ярим кечага етди. Гўрўғлибек билди. Салом бериб жойидан туриб пойгага ўтди. Эр Хизр Гўрўғлига шивирлаб:

— Жойингдан бу ёққа ўтсанг ҳамма билади. Ўт, жойингда ўтир,— деди, келган меҳмонлар ўтиришди. Энди ўтириш жуда мўл бўлди. Соқибулбул, майни гардишга келтириб, ўтиришда айтаётган сўзи:[1]

Гап чиқар Соқи тилидан
Қутулинг душман хилидан,
Косани онг Соқи қўлидан,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Узингдан дурлар сочинг,
Урушда душманни санчинг,
Ҳангамада майлар ичинг,
Ажалнинг тўнини бичинг!

[1] Шу китобнинг 135-бетига қаранг.



Ўқ келади алаб-ялаб,
Ғариб кўнгил истар талаб,
Олтин коса гулгун шароб,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Уруш куни кафан тўнин,
Бичинг аллаёр, аллаёр!
Қўлдан келса сулув қиздан
Қучинг аллаёр, аллаёр!

Қорайган Ёвмит чорбоғи,
Кетсин ирақларнинг доғи,
Косаси онг Ёвмит беги,
Жўшинг аллаёр, аллаёр!
Нўш қинг аллаёр, аллаёр!

Очилган боғда ғунчалар,
Томоша қип бир нечалар,
Қаторда норча лўкчалар,
Косани онг бекваччалар,
Бекваччалар, бойваччалар,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Ёмон муродга етмасин,
Кўзлар уйқуга кетмасин,
Шу бугун тонглар отмасин,
Хонлар аллаёр, аллаёр,
Беглар аллаёр, аллаёр!

Сўйлайди Соқининг тили,
Олисда парининг эли.
Ободдир Ёвмитнинг эли.
Ўзим чаманнинг булбули.
Навбатни онг Туркман эли
Жўшинг аллаёр, аллаёр.
Нўш қинг аллаёр, аллаёр.

Бир неча отлар еб чувар,
Қизларнинг таққани тумор,
Қоши қора, кўзи хумор,
Нечовни қилар интизор.
Ол косани қўллар толди,
Жонлар аллаёр, аллаёр!

Гаплар чиқаверар сўздан,
Жон айлансин яхши қиздан,
Мол айлансин ҳар бир сўздан,
Меҳмон бўлдик Қуло чўлдан,
Хонлар аллаёр, аллаёр.
Коса навбат, бўза, суҳбат,
Ўтиришда қилманг ғийбат,
Бу дамни билинг, ғанимат!
Яхшининг жойи жаннатди(р),
Ёмоннинг иши миннатдир,
Олинг Ёвмитнинг бекзоди,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Юрагимдан кетсин доғлар,
Мард одам яхши гап ўйлар,
Доимо тарафни пойлар,
Косани олг сардор беглар,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Сўйлайди танглайимда тил,
Коса берди Соқибулбул,
Косани олинг Ёвмит эл,
Ичинг аллаёр, аллаёр!
Евлик куни душманларни,
Санчинг аллаёр, аллаёр!

Добил уринг тақка-тақка,
Овоза кетсин фалакка,
Душман бўлсин тикка-тикка!
Сайил қилинглар чорвоққа.
Қизлар чиқар Гулшан боққа,
Ичинг аллаёр, аллаёр!

Ана энди жар тортиб, ҳангама авжига келиб, ҳамма одам маст бўп ўз шавқи завқиман (бўлди). Энди Соқибулбул, иморатга пештоқ қўндирди.

Ана энди Соқибулбул ижозат олиб, Гўрўғлининг шаҳрига от қўйяпти:

Қулоқ солсин халойиқлар бул тилга,
Йигит ошиқ бўлар сочи сунбулга,
Гўрўғлибек эга бўлсин Чамбилга,



Бу элнинг отини қўйдим Чамбилбел!
Чамбил-Чортоқ жойинг бўлсин, Гўрўғли!
Юнус пари ёринг бўлсин, Гўрўғли!

Мен айтаман бул элнинг сифатини,
Уққанлар билар имло хатини,
Қаерда тарафдан олсин лотини,
Чамбил қўйдим бу шаҳарнинг отини!
Юнус пари ёринг бўлсин, Гўрўғли,
Қиёматлик норинг бўлсин, Гўрўғли!

Евлик куни шердай бўлиб гуркираб,
Ҳар шаҳарга отинг кетсин, Гўрўғли!
Шаҳри Чамбил уйинг бўлсин, Гўрўғли!
Олдингда сардорлар турсин, Гўрўғли!
Овозанг фалакка етсин, Гўрўғли!

Ўрдаклар лойлайди чолқиган кўлни,
Ев олмасин доим шаҳри Чамбилни!
Ўлганингча фикри битмас, Гўрўғли.

Сулув суюб пари қучгин, Гўрўғли,
Донгтозадор Чамбил бўлсин ватанинг,
Тўйни ёйиб, жами сардор бекларга,
Ҳотамтойдай хайр қилгин, Гўрўғли!

Ҳар уруғдан олгин яхши йигитни,
Қирқ йигит олдингда турсин, Гўрўғли
Юз йигирма бешга киргин, Гўрўғли!
Ғирот билан бирга қари иккövинг,
Душманлардан нуқсон кўрма, Гўрўғли!
Чамбил-Чортоқ жойинг бўлсин, Гўрўғли,
Қирқ йигит олдингда турсин, Гўрўғли!

Ана энди ҳангама соп бўлди. Тун саҳар бўлди, ёв олмасин, сув олсин Чамбилни омин деб фотиҳа тортди бетига. Эрта билан тонг отди. Шунда одамлар бу шаҳарга қараб, юраги ёрилиб кетди. Соқибек баковул бўп, ҳар уруғдан одам айтиб келиб, Гўрўғлини ювинтириб, таранттириб, подшолик кийимига ўрантириб, тилла тахтга миндириб, жиға санчиб бошига, эл билан баиттифоқ подшолик қутлуқ бўлсин, Юнус пари қутлуқ бўлсин деб, Аҳмадбек қувониб Гўрўғлибекка қараб, юраги ёрилиб айтаётган сўзи:

Сенсан менинг ҳам жияним, фарзандим,
Бу дунёда сенсан менинг қувватим.
Умринг узоқ бўлсин ёлғон дунёда,
Подшолигинг қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Умригинанг узоқ бўлсин, қувватим!
Сени кўрсам тандан кетмас ҳолатим,
Юнус пари қутлуқ бўлсин, фарзандим,
Сарпогинанг қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Ўзбек беклар мунтазирдир қошингда,
От чопгайсан Элсарининг дашига!
Эл йиғилиб жиға санчди бошингга,
Ҳукуматинг қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Шунча одам хизматкордир изингга,
Нима десанг қулоқ солар сўзингга,
Шундай кўргон солинди-ку, ўзингга,
Ҳовли, анжом қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Баччаликдан баланди(р) ҳимматингиз,
Кўп эди тана бул ғайратингиз.
Қутлуқ бўлсин Чамбилдайин юртингиз!
Пойтахтинг қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Юракда йўқ қайғу билан ўйингиз,
Шерга ўхшар мисли қадди бўйингиз,
Қутлуқ бўлсин болам яхши тўйингиз!
Қутлуқ бўлсин подшолик сарпойингиз!
Шони шавкат қутлуқ бўлсин, фарзандим!

Мажлисда сўйлайди Соқининг тили,
Совирда очилар тоғларнинг гули.
Шунча одам сенга бўлди хизматкор,
Соқибулбул қутлуқ бўлсин Гўрўғли!
Аркон давлат қутлуқ бўлсин, фарзандим!
Юнус пари қутлуқ бўлсин, Гўрўғли!

Ана энди уч кеча-кундуз тўй бўлиб ўтди. Замон замон Гўрўғлибекники деб, жарчи қичқиртди. Ҳамма одам уйига қайтиб кетди. Ана энди ой Зайдин чечаси Гўрўғлини олиб, сатта сулув қизлар билан Юнуснинг олдига олиб кетди. Неча салтанат билан Юнуснинг олдига элтди. Муфтилар никоҳни қийиб, шуйтиб мурод-мақсадига етди.



# ҚИММАТБАҲО ДОСТОНЛАР

Ўзбек халқининг оғзаки бадиий ижоди жуда қадимий ва бой. Мана шу бой маданий мероснинг улкан бир қисмини халқ эпоси ташкил этади. Эпик турга кирувчи халқ достонларининг барини бирма-бир санаб чиқиш қийин. Шунинг учун биз қуйида достончиликда муҳим аҳамиятга эга бўлган «Гўрўғли» туркуми ва шу туркумга кирадиган қўлингиздаги «Гўрўғлининг туғилиши» ҳамда «Юнус пари» достонлари ҳақида баъзи мулоҳазаларни айтмоқчимиз.

Ўзбек халқининг Гўрўғли номи билан боғланган достонлар туркуми қирқдан ортиқ достонни ўз ичига олади. Бу туркум ичида халқимизнинг севимли эпик қаҳрамони Гўрўғлининг туғилишидан тортиб, унинг ўлимигача бўлган ажойиб саргузаштларини, унинг асраган ўғиллари — Ҳасан ва Авазнинг, неваралари — Равшан (Ҳасаннинг ўғли), Нурали (Авазнинг ўғли), эвараси — Жаҳонгир (Нуралининг ўғли)ларининг қаҳрамонликлари-ю, соф севгиларини тараннум этувчи достонларгача учратиш мумкин.

«Гўрўғли» туркумига мансуб достонларнинг ҳаммаси уйғун бир шаклда, бир умумий композицияда бирлашмайди. Бу достонларнинг ҳаммаси алоҳида-алоҳида олинган ҳолда мустақил бир асар, мустақил бир адабий-бадиий факт сифатида яшайди. Лекин бу достонларни бир туркумга бирлаштирувчи уч асосий омил бор. Бу: эпик қаҳрамон — Гўрўғли, эпик жанговар от — Ғирот ва эпик озодлик ўлкаси — Чамбилдир. Қирқдан ошиқ мустақил достонни мана шу тушунчалар бирлаштиради ва бир туркум доирасида сақлаб туради.

Китобхоннинг эътиборига ҳавола этилаётган «Гўрўғлининг туғилиши» ҳамда «Юнус пари» достонлари ўзбек халқ достончиси Муҳаммадқул Жомрот ўғли Пўлкан томонидан умумхалқ — коллектив ижоди билан боғлиқ ҳолда куйланган достонлардир. Шунинг учун достоннинг муайян варианти текширилаётганда коллектив ижод билан индивидуал ижод биргаликда кўрилиши керак.

«Гўрўғлининг туғилиши» достонининг бир неча варианти ўзбек фольклористлари томонидан ёзиб олинган. Уларнинг кўпчилигида Гўрўғлининг отаси ҳақида ҳеч нарса дейилмайди. Баъзиларида Гўрўғлининг умуман отаси бўлмаган деган фикр олға сурилади. Асарнинг Пўлкан шоир вариантида бу масалада қўш мотивни кўрамиз. Бир томондан Гўрўғли ғайри табиий ҳолатда гўрда туғилса, иккинчи

Достонда воқеалар ривожи сари қаҳрамонларнинг социал томонлари тобора очила боради. Шоҳдорхон билан Равшан, Райҳон билан Гўрўғли тўқнашувларида салбий образларнинг жирканч башаралари қанчалик ёрқин кўрсатила борилса, ижобий қаҳрамонлардаги инсоний фазилатлар ва баҳодирлик сифатлари ҳам шунчалик очила боради. Мана, Равшан билан Шоҳдорнинг тўқнашув эпизоди. Бу эпизодда бир-бирига зид бўлган туйғулар, сезгиларнинг кескин курашини кўрамиз. Равшан нобоп тузумнинг қурбони, инсоний ҳуқуқлардан маҳрум этилиб қул бозорида сотилган қул. Кейинча, тўғри сўзни сўзлагани туфайли жили вайрона бўлган аламзада. Лекин у, олижаноб инсон, шу билан бирга чуқур мулоҳазали, билимдон синчи. Шоҳдорхон — кўзи қонга тўлган жаллод. Инсонни камситиш ва жаволаш унинг учун оддий нарса. У жисмоний ғолиб чиқади. Ҳақ Равшанни ноҳақ деб, кўр қилади. Равшаннинг қуйидаги сўзлари унинг мураккаб фожиона руҳий ҳолатини англатибгина қолмасдан, балки ўзгалар юртида хўрланган инсоннинг, ноҳақ таҳқир этилган дилнинг исёни ҳамдир:

Эшит тақсир, бу синчининг додини,
Мусофирлар кимга айтар дардини?..
Билмайман аҳволим қандай бўлади,
Олиб бергин ҳолвачининг отини!
Кўзимнинг хунига шулам бўлади.
Кўзим кўрдир, кетолмайман элатга,
Бевафо дунё қўйди мени ҳасратга
Олиб беринг ҳолвачининг отини!
Пиёдалар асло етмас муродга.

Равшан маънавий жиҳатдан Шоҳдорхондан устун чиқади: у Ҳолвачининг оти ёрдамида ўз юртига жўнаш ҳаракатига тушар экан, Гаждумбекка шундай дейди: «Э Гаждумбек, Шоҳдорхоннинг олдига бориб, бизлар кетдик, армонда қолма деб... ўзимизни кўрсатиб, билдириб кетайлик, мардларнинг ишини қилайлик, номардлардай қочиб кетмайлик!» Равшан олижаноб туйғу ва ҳисларга бой бўлган кишидир. Унда соддалик, донишмандлик мавжуд, айниқса, юртга муҳаббат кучли. У, ўзгалар юртида яшар экан, ўз юртини қўмсайди, унга етишиш иштиёқида ёнади. Аммо, суюкли ёри ҳомиладор, юрти эса узоқда, бунинг устига йўл беҳисоб чўлу қумликлар, тоғу тошлардан иборат. Достончининг тушунтиришича, Равшанда юрт севгиси ҳар қандай қийинчиликлар ва ҳатто фарзанд севинчидан ҳам ғолиб чиқади:

Элнинг ишқи кўп зўр экан дунёда,
Ёвмитнинг элига иккови кетди.

Аммо бу асослаш халқ эпоси руҳидан қисман бўлса-да, ажралиб туради. Бу ҳодиса юқорида айтиб ўтганимиздек, Гўрўғлининг туғилишига оид мотивларнинг қўшалоқлаштирилиши натижасидир. Ҳар қалай Равшаннинг ўз юртига жўнаши Пўлкан шоир томонидан ижобий баҳоланади.

Асар ривожида Равшан образидаги энг яхши хислатлар Гўрўғлига кўчирилади. Гўрўғли образи ҳам воқеалар давомида кескин конфликтлар билан ўса боради.

Гўрўғли ҳали ёш, лекин унда ҳақиқий инсонга хос олижаноб туйғу ва ҳислар мавжуд: булар мардлик, ирода, зулм ва зўравонлик



олдида бўй эгмаслик, мақсад йўлида астойдил ҳаракат қилишлик, ота-она ва эл-юртга меҳр-муҳаббат ва ҳоказолар. У ёшлигидаёқ чинакам халқ қаҳрамонига айланади. Гўрўғли тимсолида халқнинг мардонавор қиёфаси ва зулмга қарши қаҳрамонона курашини кўрамиз.

Достонда, умуман эпосда кенг ишланган қаҳрамоннинг туғилиши ва ёшликдан бошлаб баҳодирлик кучининг намойиш қилиши масаласи анча кенг ишланган.

Гўрўғлининг куч-қудрати ва биринчи баҳодирлик хусусиятлари эпик асар традициясига кўра, жуда ёшлигидаёқ намоён бўлади. Достонда айтилишича олти ёшга кирган Гўрўғли Шоҳдорхоннинг вазири Бадкирни ўлдиради ва қўрқмасдан, иккиланмасдан узоқ сафарга отланади. Гўрўғлининг бу ҳаракатлари бекордан-бекорга қон тўкиш ёки исталган томонга мақсадсиз кета бериш эмас, балки золимларга қарши курашининг бошланиши, она юртини излаши эди. Унинг бу руҳий ҳолатини автор шундай тасвирлайди:

Қуло чўлда сўзлайди,
Бўтадай бўп бўзлайди.
Гўрўғлидай бек бачча,
Ёвмит элини кўзлайди...

Юра-юра баччанинг,
Оёқлари қабарди.
Қирдан ошиб югуриб,
Қадди ёйдай букилиб
Қуло чўлда йўл юрди,
Тирноқлари тўкилиб.

Диққатга сазовор томони шундаки, достонда акс этган мотивлар, баҳодирлар фаолияти, хатти-ҳаракати қуруқ баёнчилик, ваъзхонлик билан эмас, балки эҳтиросли мисралар ва поэтик жумлаларда берилади. Асарда аллақанча географик жойлар ва қабила — элатларнинг номлари, этнографик маълумотлар берувчи жумлалар учрайдики, бундай ҳол, «Гўрўғлининг туғилиши» достонининг адабий-бадиий аҳамиятидан ташқари маълум тарихий-этнографик ва лингвистик аҳамияти борлигини ҳам кўрсатади.

* * *

«Юнус пари» Гўрўғлининг қаҳрамонлик кўрсатиб севиклисини ўз юртига олиб келишига бағишланган достондир. Бу асар ҳам «Гўрўғли» туркумига кирган энг яхши достонлардан бири ҳисобланади. Достонни синчиклаб ўрганилса, у «Гўрўғлининг туғилиши» достонининг узвий давомига ўхшаб кетади. Аммо ўз формасининг тугаллиги билан мустақил достон бўлиб қолган ва «Гўрўғли» туркумининг юзага келишида муҳим роль ўйнаган.

Биринчи достонда Гўрўғли қаҳрамонлик кўрсатиб араблар юртидан Зайдинойни тоғаси Аҳмад Сардорга олиб келиб берганда асосий ролни Ғирот ўйнаган ва аслида бу қаҳрамонликда Ғирот ҳал қилувчи вазиятда эди. Гўрўғлининг навбатдаги сафарида эса етакчи ролни Гўрўғлининг ўзи ўйнайди.

Гўрўғли атрофига йиғилган Така-Туркман оқсоқоллари Гўрўғлини уйлантирмоқчи бўладилар. Эл-юрти Гўрўғлининг оилавий ҳаёти яхши бўлиши учун қайғуради:

Ёмғир ёғса ўтлар кўклаб кетади,
Яхши олган муродига етади.
Ҳаргиз олиб берманг ёмон бадбахтни!
Ёмон хотин олиб берсанг йигитга,
Ўтган умри доим куйиб ўтади.

Бунда Гўрўғлига нисбатан эл-юртнинг самимий истаклари ўз ифодасини топган. Гўрўғли эл-юртнинг ўзига нисбатан бўлган меҳр-муҳаббатини сезади ва Кўйи Қофда яшовчи ўз севгилиси Юнус парини олиб келиш учун йўлга отланади. Қадимги афсоналарга кўра Кўйи Қофда Боғи Ирамда парилар яшайдилар. Уларни баҳайбат девлар қўриқлайдилар. У ерда яшовчи гўзални олиб келиш жуда машаққатли иш. Бундай шароит қаҳрамонлик кўрсатиш учун жуда яхши фон бўлади. Модомики, Гўрўғли дев-парилар юртига бориб иш кўрсатиши керак экан, бу асарда фантастика катта ўрин эгаллаши керак. Фантастика бор ерда ғайри табиий кучлар ҳаракати асар воқеаларида стахчилик қилади. Ғайри табиий кучларга қарши курашда жисмоний кучнинг ўзи етарли эмас. Бунда ақл-идрок, фаросат билан иш тутиш керак бўлади. Шунинг учун ҳам Гўрўғли Бало девга дуч келганда у Ғиротни худо деб таништиради. Дев Гўрўғлининг гапига ишонади ва Ғиротдан қўрқади. Ғиротни худо деб аташда Гўрўғли лақма девни осонгина алдади деб тушуниш ярамайди. Бу ерда халқимизнинг узоқ ўтмишдаги тушунчалари, дунёқарашининг излари ҳам бор.

Қадим ўтмишда Ўрта Осиё халқлари турли ҳайвонларни ўзларининг маъбудлари ҳисоблаганлар. Бир хил уруғлар ўз маъбудлари деб бўрига топинган бўлсалар, иккинчи хил уруғлар отни, учинчи хиллари туяни ва бошқа ҳайвонларни худо ҳисоблаганлар ва улардан мадад кутганлар. Туяни чўл, саҳролар эгаси деб ҳисоблаб, уни «бузрук» деб атаганлар. «Юнус пари» достонида ҳам Гўрўғлининг ўз отини худо деб аташи ва девнинг бунга ишониши шулар билан боғлиқдир.

Гўрўғлининг ой Юнусга каниз қиз ёрдамида уйланиши асар конфликтини бир қадар сусайтирган. Лекин достончи буни яна чилтонларнинг дуоси ва бобо Қамбар «қийган» никоҳ билан изоҳлайди, яъни буни тақдир тақозоси деб ҳисоблайди. Шунингдек, Юнус парининг ота-онаси ўзларининг қизини Гўрўғлига осонгина топшириб қўйишини ҳам қаҳрамонлик достонлари руҳига жуда мос тушган деб бўлмайди. Бу ерда Пўлкан шоир бирор янгиликка интилган бўлиши ҳам мумкин. Маълумки, Пўлкан шоир Гўрўғлининг уйланишига бағишланган яна икки достонни куйлаган. У достонлар «Мисқол пари» ва «Гулнор пари» деб аталади. «Гулнор пари» достонида Гўрўғли қизни катта кураш натижасида қўлга киритади. Гўрўғлининг хотинлари ҳақида сўз кетар экан, шу ерда озгина тўхтаб ўтишга тўғри келади.

Мисқол пари билан Гулнор пари аслида бир образ бўлиб, кейинчалик қўшалоқлаштириш усули орқали иккилантирилгани ҳақида илгари фикр айтилган эди.[1] «Юнус пари» достонини ўрганиш шуни кўрсатадики, бу образ ҳам қўшалоқлаштириш усули билан ўзгаришга учраган. Яъни Мисқол пари, Гулнор пари ва Юнус пари образлари аслида битта образ бўлган.

---

[1] Қаранг: «Гулнор пари», достон, «Фан» нашриёти, Т., 1965 й., сўзбоши.



«Гўрўғли» туркуми достонларини куйловчи достончилар репертуарига назар солинса, у достонларнинг ҳаммасида Гўрўғлининг икки хотини: Юнус ва Мисқол парилар борлиги ҳақида маълумот олиш мумкин. Аммо Пўлкан шоирдан бошқа ҳеч қайси достончи Гўрўғлининг Гулнор пари деган хотини бор эди, демайди. Шунингдек, Самарқанд область достончилигида Юнус пари ҳақиқий образ даражасига кўтарилган. Лекин Мисқол пари фақат эпизодик образ шаклидагина кўриниш беради. Қашқадарё ва Сурхондарё достончилигида эса Мисқол пари етакчи роль ўйнайди, Юнус пари эса воқеалар ривожидан четда туради. Бу ҳодиса бизни бу образлар аслида битта бўлган деган фикрга олиб келади. Агар бу иккала образ аслида битта бўлган бўлса, Юнус пари бор ва Мисқол унинг лақаби деб тахмин қилиш мумкин. Юнус парининг нозиклигини тасвирлашда унинг оғирлиги мисқол билан ўлчанган бўлса керак. Шундай қилиб, бир неча ном билан аталган бу персонажларнинг моҳиятини чуқурроқ текшириб қаралса, бир бутун образ эканлиги намоён бўлади.

Гўрўғли образи ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётида монументал бир образ бўлиб қолган. Бутун туркумда Гўрўғли бутунликни ташкил этса, шу туркумга кирган достонларда унинг у ёки бу томони очила боради. Биз фикр юритаётган достонларда Гўрўғли образи энди ривожланаётган образдир. Бунда Гўрўғлининг асосан ташқи душманларга қарши кураши ҳикоя қилинади. Ҳали Чамбилда феодал-саройи муҳити юзага келган эмас ва ички интригалар бу асарларда кўринмайди.

Бу достонларда ҳали «Гўрўғли» туркуми достонларида доимо тилга олинадиган қирқ йигит ҳақида сўз йўқ. Чунки бу достонлар, гарчи юзага келиши жиҳатидан бошқа достонлардан илгари бўлмаса ҳам, унда тасвир этилган воқеалар баёнига кўра, «Гўрўғли» туркуми достонларининг бошланиши ҳисобланади.

* * *

Гўрўғли достонлари ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётининг қимматбаҳо дурдоналаридандир. Уларда халқимизнинг ҳаёти, орзу-умиди, ички ва ташқи душманларга қарши қаҳрамонона кураши, ёрқин келажак, идеал ҳукмдор ҳақидаги эзгу ниятлари, баҳодирлик, одамийлик, садоқат ҳақидаги қарашлари, миллий ғурури ва бошқалар бадиий акс этган.

«Гўрўғли» туркуми достонлари ўзбек халқ оғзаки бадиий ижодиётида мавжуд бўлган бошқа достонлардагидек, ижтимоий аҳамият касб этувчи воқеалар, социал конфликтлар, типик образларга ниҳоятда бой. Бу достонларнинг ғоявий асосини кенг меҳнаткаш омма манфаатларини ифода этувчи мотивлар ташкил этади. Воқеаларда драматизмнинг кучлилиги, образларнинг монументаллиги, бадиий тасвирий воситаларнинг хилма-хиллиги, конфликтларнинг ўткирлиги, жонли халқ тилининг нозик томонларидан кенг ва ўринли фойдаланилиши достонларнинг бадииятда чуқур халқчил эканликларини кўрсатади.

Гўрўғли достонларининг асрлар давомида севимли ва таъсирли бўлиб келишининг ҳозирги кунда фақат маданий-тарихий ёдгорлик бўлибгина қолмасдан, коммунизм қураётган совет кишилари руҳига маънавий-маърифий, эстетик таъсир этаётганлигининг боиси ҳам ана шунда.

*Муҳаммадноди́р Саидов,*
*Малик Муродов,*
*Шаҳзода Хўжаева.*

## ЛУҒАТ

*Анхахур* — мусаффо. Авгахур майи — илоҳий май. Маж.— илоҳий муҳаббат уйғотувчи май. Асляда сўфийлик талқини бўлса ҳам, шоирлар реал ҳаётни севиш кайфини ифодалаш учун ишлатилади. (Х. Зариф изоҳи.)
*Ашён* — уй қанати.

*Билхак* — сариқ ари.
*Бедпой* — чаппам, йўрга.
*Боғот* — теварагги чўл, боғли дарахтзор, обод ер.

*Дайработ* — дарё ёқаси, дарё бўйи.
*Довбой* — овчи қушни қўлга келтириш учун унга кўрсатиладиган гўшт.
*Ёғоним* ... — боқлада виниларнинг ичида очиладиган гул.

*Йоне* — тоғнинг ён бағри.
*Йўқиноқ* — йўқ қилмоқ, маҳв қилмоқ.
*Йўрғоб* — супурги.

*Йаир* — даволи ўсимликлардан бўлиб, кўпинча отга бериладиган.
*Кировка* — жангда танани ўқ ва тиғдан сақлаш учун кийиладиган металл нимча.
*Кулли* — ... бутун.

*Лотиб* — ... бурунга тақиладиган.
*Лот (лоту жанг)* — пелондан илгари араблар чўқинган бутнинг номи.

*Мирохўр* — подшоликда отхонага қаровчи амалдор.
*М...* — энги калта камзул.



...ор (ерхи...) — ёввойи қўй. Кийикка ўхшаш ёввойи тог ҳайвони бўлиб, кийикдан анча катта бўлади.
... — 1) оз 2) олиш.
...лмак (толбинак) — фол очувчи асбоб.

...ис — шариатнинг қонун ва талабларига асосланган диний мажбуриятларнинг аҳоли томонидан ўз вақтида бажарилишини текшириб туриш ва айни замонда бозорда тарози-тошларнинг қабул қилинган нормаларини кузатиб, айбдор саналганларни жазолаш ҳуқуқига эга бўлган амалдор. (Х. Зариф изоҳи.)

...мс — ... онлан ишланган энг яхши пишиқ ёй.
...ор ш — топшириш, ҳавола қилмоқ.
...ан ао — чечан, сўзамол.

...ар — болта.
... — гуличиқ.
...оф — ... ракиб.
...кан — шиша, коса каби сопол идишларни синишдан сақлаш учун ... дан, баъзан ёғочдан қубба шаклида ясалган ғилоф.
... — ола, тарғил.
... — сиқламоқ.
... — ... минг.

... — ..., чинакам, ҳақиқий.

... — ..., чўлда юрганда узундан-узоқ тушиб қолган гуск ...
...
... — тўқим.
... — куш солмоқ, овланадиган овга ов қушини йўлламоқ.

... — Гўрўғли отининг жиловини тутувчи киши.

... — ... юқорилик.

... — тулки жинсидан йиртқич ҳайвон.
... — қизишмоқ, тутоқмоқ, алангаланмоқ.
... — зўрлик.
... — 1. Отнинг бўйнига тақиладиган ва қилдан ишланган ... кўтос думидан ҳам ясашади. 2. Ҳайвон.

... (хон жоги) — уй анжоми.